

674
2-18 ✓

К.Н. НАЗАРОВ,
С.Б. УСМОНОВ,
Қ.Х. ТОҲИРОВ



ЮРИСТНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ

ДАРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ADLIA VAZIRLIGI
TOHKENT DAVLAT YURIDIK INSTITUTI

К.Назаров, С.Усмонов, Қ.Тоҳиров

ЮРИСТНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан юридик олий ўқув юртлири учун дарслик сифатида
тавсия этилган



Тошкент - 2003

Тошкент Давлат Юридик институти илмий кенгашида маъқулланган

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори профессор М.Ҳ.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди,
доцент Р.Ҳ. Шарипов

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлари доктори, профессор
Ш. Ш. Шораҳметов; филология фанлари
доктори, профессор С. Аширбоев.

Н 18 Назаров К., Усмонов С., Тоҳиров Қ. Юристининг нутқ маданияти: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик / Сарлавҳада ЎЗР Адлия вазирлиги. - Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2003.-220 б.

Ушбу дарслик «Юристининг нутқ маданияти» дастурига мувофиқ ёзилган бўлиб, дарсликнинг мақсади - бўлғуси юристларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятида шахслараро мулоқот кўникмалари-ни, турли юридик вазиятларда профессионал нутқдан фойдаланиш маҳоратини, шунингдек ҳуқуққа оид билимларни амалиётларда қўллашда тил меъёрларига мувофиқ онгли ва оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш ва такомиллаштиришдир.

Мазкур дарслик юридик олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, шу билан бирга нафақат ҳуқуқ, тил, маданият ходимлари, балки академлицей, касб-хунар коллежлари талабалари, шу соҳа билан қизиқувчилар - кенг жамоатчилик ҳам фойдаланиши мумкин.

“Юристининг нутқ маданияти” дарслиги ўзбек тилида биринчи бор чоп этилмоқда, “Янги авлод” дарсликлари жумласига киради. Бинобарин, унда муаллифлар диққатидан четда қолган ўринлар бўлиши табиий. Муаллифлар ундаги камчиликлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган дўстларга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

ББК 67. 7я73

КИРИШ

НУТҚ МАДАНИЯТИ – кўп қиррали тушунчадир. У тил, адабиёт, ҳуқуқ, мантиқ, маданият, нотиклик санъати каби соҳалар билан узвий алоқадор бўлиб, ҳуқуқий маданият назарияси фанининг муҳим бир тармоғини ташкил этади. “Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисида” ги қонуни ҳар бир миллат ўз она тилини, унинг грамматик қонун-қоидаларини чуқур ва мукамал билишини, амалиётда эса миллий талаффуз қонуниятлари, сўз қўллаш меъёр ва мезонларига тўлиқ ва аниқ, пухта, изчил риоя қилишини тақозо этади.

Нутқ маданияти, тўғрироғи, нутқий маданият - муомала одоби, хушмуомалалик, ширинсуханлик, донолик, билимдонлик, ҳулқ-атвор, касбий билимдонлик, ахлоқ каби тушунчалар билан ҳам боғлиқ бўлиб, у бир томондан, тил таълими билан, иккинчи томондан эса мантиқ, ахлоқ-одоб тамойиллари билан узвий алоқадор.

Инсон нутқи ва муомаласида мустақиллик маънавияти, ҳуқуқий-демократик жамият қиёфаси, турмуш тарзи, руҳий мамнунлик, ғоявий юксаклик яққол намоён бўлади.

Нутқ - фаолият, инсон фаолияти, лисоний фаолият. Бинобарин, нутқий маданият она тили воситасида ифодаланadi. Нутқнинг софлиги, аниқ ва тушунарли, қисқа ва лўнда, содда ва таъсирли бўлиши унинг маданийлиги ва юксаклигидан, нутқ соҳибининг баркамоллигидан далолат беради. Комил инсон нутқидан Она - Ватан, момо - ер, муқаддас тупроқ, миллат ва элат туйғуси, иймон-эътиқод, меҳр-шафқат, самимият каби фазилатлар барқ уриб туради.

Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг, унда юксак маънавият, маърифат ва маданият уфуриб турибди:

“Агарки, мендан: «Сизнинг раҳбарлик фаолиятингиз йилларида қилган энг муҳим, энг буюк ишларингиз нималар бўлди?» - деб сўралса, мен шундай жавоб берар эдим:

«Мана шу Ўзбекистон дейилган муқаддас заминда яшаётган инсонларни қадрладим, ардоқладим.

Ўзбек, ўзбек миллати, ўзбек халқи номини улуғладим, бутун дунёда унинг ҳурматини жойига қўйдим. Бу менинг ҳаётим маъноси, умрим мазмунига айланиб қолган».

Мазкур нутқ парчасида фақат юксак маданиятгина акс этган эмас, балки бундай нутқ бутун борлиқ - комил инсон дунёси ва миллатнинг оламшумул келажаги ҳақида қайғурадиган, қалби меҳр-муҳаббат ва мурувватга тўла, жамиятни мунавар йўлга чорловчи кишилар томонидангина айтилади. «Юксак маънавият келажак пойдевори», деган ҳикматнинг кучи шунда!

Юксак ғояли ва мазмунли нутқ тил орқали ифодаланиб, кишилар қалбига саодатга - келажакка чорловчи ёғду (нур) бўлиб киради! Миллатнинг асосий рамзларидан бўлмиш, камолот омили саналмиш ОНА ТИЛИ ҳақида Ислом Каримов шундай деган эди:

“ЖАМИКИ Эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

Она тили - бу миллатларнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар бир миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар”.

МАДАНИЯТ ва НУТҚ МАДАНИЯТИ тушунчалари серқирра ва мураккаб ҳодиса бўлиб, кишилар турмуш фаолиятининг барча жабҳаларида намоён бўлади: унинг нима, қандай ҳодиса ва ҳосила эканлиги, моҳияти, нима сабабдан ёки ким томонидан кашф этилганлиги, тарихи ва тасвири тил (нутқ) воситасида тавсифланади.

Маданият сўзида жамоатчиликнинг, бир томондан, жамият турмуш тарзига (парламент маданияти, шаҳар маданияти, деҳқончилик маданияти, меҳнат маданияти, савдо-сотик маданияти каби ва б.), иккинчи томондан эса инсон хатти-ҳаракатига, унинг ички ва ташқи маънавий дунёсига, қиёфасига берган баҳоси акс этади: касбий маданият (ўз касбининг билимдонни), ҳуқуқий маданият, нутқий маданият (нутқ одоби, маданий нутқ), муомала маданияти каби.

Истиқлол шарофати билан ҳуқуқий жамият ва демократик давлат бунёд этиш кечимида ҳуқуқий маданият ва, айниқса, юрислинг нутқ маданияти, мутахассислик тили, нотиклик маҳорати (санъати) каби фанларга эътибор ва қизиқиш кун сайин ортмоқда. Чунки жамиятда содир бўлаётган барча ўзгаришлар

ва тараққиёт, аввало, маданиятнинг бир кўриниши бўлмиш тилда намоён бўлади, кишилар нутқида ўз ифодасини топади. Истиқлол жамиятимиздаги ижтимоий - маданий, маънавий - маърифий иқлимни тубдан ўзгартирди: одамларда мустақиллик маънавияти, озодлик, ҳурлик тушунчаларининг асл моҳияти, аниқ дунёқараш тикланмоқда; миллий ғурур, адолат, орият, шаън, қадр-қиммат, ор-номус туйғулари кучаймоқда, ҳаётга ва меҳнатга янгича муносабат юзага келмоқда; Ватанга, она юртга меҳр, мулкка эса эгалик ҳисси ошмоқда; миллатимиз ўзлигини кенг ва чуқур англамоқда. Бундай юксак маънавият ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, илмий-техникавий тушунчалар бўлажак ҳуқуқшунослар онгига кўпроқ «Юристининг нутқ маданияти» фани орқали сингдириб борилади.

Кўринадики, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини ўстиришда, касбий нутқи, касбий малакасини оширишда, етук мутахассис - баркамол инсон бўлиб етишувида «Юристининг нутқ маданияти» фанининг хизмати ва аҳамияти каттадир.

МАДАНИЯТ - лотинча, cultur - парвариш қилиш, ишлов бериш, такомиллаштириш, сайқал бериш, юксалтириш, юксакликка эришиш, юксалиш, ривожланиш, миллий тараққиётнинг юқори (замонавий) босқичига кўтарилиш, миллий, маънавий-маърифий юксалишнинг умумжаҳон даражасига эришиш деган маъноларни ифодалайди.

Маданиятнинг икки хил тури (кўриниши) мавжуд: а) **моддий маданият** - фан техника, ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келган қимматдор нарса - предметлар: М., Ўзбекистонда метронинг пайдо бўлиши ва ривожланиши; «Халқлар дўстлиги», «Туркистон», «Темурийлар даври тарихи музейи», «Ўзбекистон миллий консерваторияси», «Боғи эрам» каби юзлаб иншоотларнинг бунёд этилиши; жамият ҳаётининг барча тармоқларида компьютер техникасининг жадал қўлланиши юксак моддий маданият намуналаридан саналади; б) **маънавий маданият**: ўзликни таниш, тарихий миллий қадриятларнинг тикланиши (Наврўз, ҳайит каби) ва уларни билишимиз, «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси, «Қатағон қурбонлари» музейининг ташкил этилиши, 2002 йил «Қарияларни

қадрлаш йили”, 2003 йил- «Обод маҳалла йили» деб аталиши **юксак маънавий маданият** кўринишларидан саналади. Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг маънавиятимизнинг йилдан йилга юксалиб бориши, ўтиб бораётган ун-утилмас йилларга алоҳида ном бериш ҳақидаги ташаббуслари халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб аталиши бежиз эмас. Чунки АЁЛ - ҳаёт гултожи! Аёлга эътибор келажакка эътибор демакдир. Одамнинг қанчалик маданиятли ва маънавиятли экани унинг аёлга бўлган муносабати-муомаласидан яққол кўринади. Истиқлол даврида ҳар бир йилимизнинг янги атама, ибора ва тушунчалар билан номланишининг ўзиёқ миллий истиқлол ғояси, мустақиллик маънавияти, миллий, маънавий-маърифий маданиятимиз қанчалар юксак ва улуғвор эканлигидан далолат беради; маънавий-руҳий маданиятимизнинг йил сайин юксалиб бораётганлигини кўрсатади:

1996 йил - Амир Темур йили.

1997 йил - Инсон манфаатлари йили.

1998 йил - Оила йили.

1999 йил - Аёллар йили.

2000 йил - Оналар ва болалар йили.

2001 йил - Соғлом авлод йили.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили.

2003 йил - Обод маҳалла йили.

«Маданият» тушунчаси муайян тарихий давр, муайян жамият, элат ҳамда миллатнинг фаолият ва ҳаётга оид соҳаларини (М., мусиқа маданияти, нутқ маданияти каби) тавсифлаш учун қўлланилади. Бунда кишилар фаолиятининг моддий натижалари, санъат асарлари, ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрлари, инсоний куч-қувват ва заковат, билим, миришкорлик, уқув, кўникма, ахлоқий ва маънавий камолот, уларнинг муомала одоблари ва усуллари инобатга олинади.

«Маданият» тушунчаси кенг қамровли тушунча: табиат ва жамиятнинг кишилар фаолияти билан боғлиқ барча соҳаларини ўз ичига олади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (II жилд, 439-саҳифа) маданиятга шундай таъриф берилган:

1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлари мажмуи;

2. Бирор ижтимоий гуруҳ ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган ютуқлари даражаси: бирор хўжалик ёки ақлий меҳнат соҳасининг ривожланганлик даражаси: деҳқончилик маданияти, мусиқа маданияти каби;

3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат (турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндиси) турмуш маданияти, маданиятли одам (маданиятга эришган, маданиятни эгаллаган, маърифатли киши).

«Маданият» сўзи *даража, қиёфа, сифат, кўриниш, маърифат, маънавият, юксаклик, саводхонлик, билимдонлик* каби сўзлар билан синоним сифатида ҳам қўлланади.

Маданият турмушнинг барча соҳалари билан алоқадор бўлганлиги учун унинг кўринишлари ҳам кўпдир:

- Ҳуқуқий маданият
- Тарбиявий маданият
- Турмуш маданияти
- Деҳқончилик маданияти
- Мусиқа маданияти
- Меҳмондорчилик маданияти
- Нотиқлик маданияти (нутқ одоби)
- Парламент маданияти
- Раҳбарлик маданияти (ички иш маданияти)
- Қадимги ва ҳозирги маданиятлар (кийиниш маданияти, модалар...)
- Савдо-тижорат маданияти
- Босмахона ва китоб чоп этиш маданияти.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ҲАҚИДА

Ҳуқуқий маданиятда ҳуқуқий-демократик жамиятнинг маънавий-маърифий қиёфаси, миллий истиқлол мафқураси ва қонун ўстуворлиги, тарихий-миллий қадриятлар, халқ удумлари ва анъаналари, билимдонлик ва маърифатпарварлик, инсон ҳақли, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг улуғланиши яқ-

қол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Маънавиятли ёшлар - жамият бойлиги» деб алоҳида таъкидлайдилар.

Халқда «Маърифатли эл -бахтли ва тахтли эл, маърифатсиз эл эса бахтсиз ва бадбахт эл» деган нақл бор. Яна: «Сўз тузалса - эл тузалади», «Инсон одоби билан гўзал», «Ширин сўз жон озиғи!» Кўринадики, ҳуқуқий демократик жамиятда кишиларнинг турмуш даражаси, моддий-маданий юксаклиги уларнинг муомала одобидан - нутқ маданиятидан аниқ сезилиб туради. Ҳуқуқий маданият тамойиллари "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"да аниқ белгилаб берилган.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 август қарори билан тасдиқланган.

Мазмуни ва мундарижаси.

Дастур 6 қисмдан иборат («кириш»дан ташқари):

1-қисм: Умумий қоидалар.

2-қисм: Фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабати ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш.

3-қисм: Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш.

4-қисм: Давлат органлари ходимлари, мансабдор шихслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

5-қисм: Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш.

Дастурда белгиланган ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш тамойиллари:

- 1) Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги;
- 2) Конституция ва қонунчилик устунлиги;
- 3) Демократия ва адолат;
- 4) Илмийлик;
- 5) Узлуксизлик;
- 6) Ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик;

- 7) Ҳуқуқий тарбиянинг ҳамма учун эркинлиги;
- 8) Ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги;
- 9) Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Мазкур принциплардан ташқари аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксатиришнинг устувор йўналишлари ҳам дастурда аниқ белгилаб кўрсатилган.

Булар қуйидаги етти йўналишни ўз ичига олади:

- Фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги - юксаклигини таъминлаш.

- Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кўтариш.

- Аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётларнинг нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усуллари такомиллаштириш.

- Юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш.

- Ҳуқуқий маданиятнинг илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш.

- Миллий анъаналар ҳамда жаҳон андозаларидан фойдаланиш асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.

Демак, маданият инсон касбий малакаси ва билимдонлигининг, юксак маънавиятининг кўрсаткичидир. Маданиятнинг барча қирралари, кўринишлари тил орқали, нутқ воситасида амалга ошади.

1-боб. Нутқ маданияти ва ҳуқуқ

1-§. Ҳуқуқ ва тил

Ҳар қандай ижтимоий алоқа, фикрлашув ва мулоқот, жумладан, барча ҳуқуқий муносабатлар ҳам тил орқали намоён бўлади. Тилсиз фикрни ифодалаш мумкин бўлмаганидек, тил ҳам ўз ифодасини фикрсиз шакллантира олмайди. Бинобарин, ҳуқуқ инсонларнинг асосий эҳтиёжлари ва манфаатларини таъминлайдиган, кафолатлайдиган восита бўлса, тил ана шу ҳуқуқнинг воқе бўлишида, реаллашувида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуққа оид ҳар қандай фикр, тушунча белги, ҳаракат-ҳодиса ва муносабат сўзларда ўз ифодасини топади, яъни сўзлардан, иборалардан, атама ва терминлардан таркиб топган ифода қолипига, ифода шаклига тушмагунча муносабат, ижтимоий алоқа, муомала (фикрлашув) юзага чиқмайди. Фикрнинг, хусусан юридик фикрнинг воқелиги ҳам, мавжудлиги ҳам тилда намоён бўлади. Тилсиз, сўзсиз ҳеч қандай аниқ ва тайёр ҳолдаги юридик фикр бўлмайди. Юридик тилда фикр сўзлар, терминлар ва булар иштирокида тузилган муайян синтактик қурилмалар - гап моделлари орқалигина шаклланади ва нутқда ўз ифодасини топади: тил ҳуқуқнинг «яшаш» шартидир. Шунинг учун ҳам тил ва ҳуқуқ жаҳмиётга хизмат қилувчи ижтимоий, маънавий-маърифий ва руҳий ҳодисалар ҳисобланади, тил ҳуқуққа руҳ бахш этади.

Дарҳақиқат, тил юристнинг тафаккур юритиш қуроли бўлибгина қолмасдан, балки ҳуқуққа оид ўтмиш билимларни ҳозирги авлодга етказиш, ҳуқуқий меъёрлар билан фуқароларни таништириш қуроли ҳамдир. Бугунги бой маънавий меросимиз бўлган ҳуқуққа оид барча билим ва таълимотларнинг мавжудлиги ва "тириклиги" ҳам тил туфайлидир.

Демак, ҳуқуқ тармоқларига оид кашфиётларнинг сифати, қонунларнинг устуворлиги бевосита бамисоли уммон бўлган тил воситаларидан моҳирона фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Ҳуқуқий демократик жаҳмиётни шакллантириш сари амалий қадамлар қўйилаётган ҳозирги жараёнда инсон ҳуқуқлари ва

эркинликларини таъминлаш, қонунларнинг устуворлигига эришиш, давлат бошқарувининг изчил ва мукамал тизимини жорий этиш билан боғлиқ ислохотлар кетаётган бир пайтда қонунлар тили ва услуби, юридик терминология, юриспруденция тармоқларига оид дарслик ва қўлланмаларнинг "янги авлоди"ни яратиш энг долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Мустақил давлатчилигимиз янада такомиллаша бораётганлиги туфайли инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ хилма-хил қонунларнинг қабул қилиниши, ўз навбатида, ҳуқуққа оид минглаб янги терминларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда, чунки ижтимоий ҳаётда ҳар қандай тушунча ёки ҳодисанинг туғилиши унинг инъикоси сифатида терминларнинг бойишига сабаб бўлади. Бироқ юзага келаётган ҳуқуққа оид тушунчалар, тилда сўз ёки термин сифатида ўз инъикосини топар экан, улар миллий тилнинг ўз қонуниятлари асосида ифодаланмоғи ва шаклланмоғи шарт. Айтайлик, танланаётган ва кундалик мулоқотга кириб бораётган юридик терминлар воқеа-ҳодиса ва белги-тушунчанинг аниқ номини ифодалаяптими, бошқа тиллардан ўзлашаётган терминларнинг ўзбек тилидаги муқобили адабий тил меъёрларига мувофиқ келаяптими ёки йўқми? Бу масалалар юристлар билан филологлар ҳамкорлигида ўзининг аниқ ечимини топса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бўлажак юристларимизнинг давлатчилик, қонунчилик ҳамда юриспруденция тармоқларига оид билимларни давлат тили заминида, шу тилнинг ўзига хос қонуниятлари, услубияти ва терминологияси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганмоқлари ҳаёт тақозосидир.

Давлатимизда ҳуқуқий ислохотлар ўтказилаётган ҳозирги шароитда қонунлар тили ва услуби, ҳуқуқ терминологияси муаммолари ҳамда замонавий юристнинг нутқ маданияти масалалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай ислохотлар қонунларни ўзгартирмасдан амалга оширилмайди, бу эса ўз-ўзидан, янги-янги тил бирликлари (сўз ва терминларнинг) ва шаклларнинг ривож топиши учун замин ҳозирлайди.

Қонун тилида нотўғри қўлланилган биргина товуш, қўшимча ва сўз, ҳатто, биргина тиниш белгиси қўпол мазмуний ва услубий хатоларни, нуқсонларни, ғализликларни келтириб чиқаради.

Масалан, Бу воқеаларнинг барчаси менга *ёд*.

Бу воқеаларнинг барчаси менга *ёт*.

Мисолда келтирилган *ёд* ва *ёт* сўзлари пароним, яъни талаффузи ва шакли бир-бирига яқин сўзлар бўлса-да, маънолари ҳар хилдир. Уларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш гапнинг мазмунини тубдан ўзгартириб юборади. Шунинг учун ҳам юристларимиз тергов ҳужжатларини ёзишда, қонун лойиҳаларини тайёрлашда, суд ҳукми матнларини тузишда ўта зийрак ва зукко, билимдон ва эҳтиёткор бўлмоқлари лозим. Чунки тергов, суд жараёни билан боғлиқ ҳужжатлар ёхуд қонунлар моддаларининг ҳар бирида инсон тақдири ётади. Шундай қилиб, ҳуқуқ ва тил бир жараённинг икки томони бўлиб, ҳуқуқ мазмун бўлса, тил ўша мазмуннинг воқе бўлишидаги воситадир. Мазмун билан шаклнинг уйғунлашуви эса ақл соҳибининг қобилиятига боғлиқ бўлади.

2-§. Тил ва нутқ

Тил ва нутқ бир-биридан фарқ қиладиган, лекин ўзаро алоқадор икки ижтимоий, руҳий-маънавий ҳодисадир. Яъни тил алоқа қуроли, фикр баён қилиш воситаси бўлса, нутқ сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзага келадиган фаолиятдир. Бу икки ҳодисани қиёслаганда орадаги фарқлар янада ойдинлашади. Яъни, бир аудиторияда етмиш талаба ўтирган бўлса, уларнинг тиллари бир, лекин нутқлари етмиш хилдир. Бирининг нутқи талаб даражасида бўлса, иккинчисиники эса мутлақо талаб даражасида бўлмаслиги мумкин. Тил фақатгина алоқа воситаси бўлиб қолмасдан, балки дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситаси ҳамдир.

Бундан ташқари, тилнинг руҳий ва эстетик ҳодиса эканлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз зарур. Тил бамисоли - уммон. Унда барча фикрлар учун «либос» лар топилади. Лекин тилнинг жозибаси, камалак мисол товланиши бевосита нутқ орқали, нутқ жараёнида юз беради. Баъзан нутқ жараёнида тилнинг жозибаси, жилоланиши, мўъжизакорлиги юзага чиқмай қолиши мумкин. Шу боис, нутқ соҳиби сўзларнинг ўз ва кўчма

маъноларини тўла англаши, ҳар бир сўзнинг услубий мезонларини, маъно қирраларини онгли идрок этиши талаб этилади.

Зеро, ҳазрат Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида тўғри таъкидлаганларидек, «*Тил мунча шараф била нутқнинг олати (қурол) дур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур*»¹.

Тилни халқ яратади, нутқ эса шахсий бойлик саналади. Ҳар ким ўз қобилияти, сўз бойлиги, шахсий фикрлаш лаёқатига қараб гап тузади ва сўзлайди. Шунинг учун ҳам нутқ олдиға ниҳоятда улуғ бир талаб қўйилади: *уйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир*. Зеро, нутқ (сўз) ақлнинг тарозуси, ақлнинг ўлчови. Дарҳақиқат, нутқимизнинг норавонлиги тилни яхши ва мукамал билмаслигимиз оқибатидир.

3-§. Нутқ маданияти тушунчаси

Нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг бир қисми бўлиб, фикрни адабий тил меъёрларига мувофиқ тўғри, эркин, аниқ, мантиқан изчил ёқимли ва таъсирли баён қилишдир. Нутқ маданияти дейилганда тил бирликларидан, жумладан, луғавий, грамматик ва услубий воситалардан нутқ жараёнида тўғри ва ўринли фойдаланиш назарда тутилади. Нутқ маданияти кишидан тил бойлигини-луғавий бирликлар, грамматика, орфоэпия, орфография, нутқ услублари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳамда меъёрларни юқори даражада билишни талаб этади. Бундан ташқари, нутқ маданияти кишининг шахсий маданий савияси билан ҳам боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, тил мустақиллигисиз мустақил давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан тилимиз жозибаси, тилимизнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, аҳамияти, нутқ маданияти, нутқ нафосати тўғрисида билим ва кўникмаларга эга бўлишнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Нутқ маданиятнинг яна бир жиҳати шуки, фикрни оғзаки ёки ёзма шаклда ифодалашда, албатта, мантиқий изчиликка риоя қилиш муҳимдир. Луғавий-грамматик, услубий меъёрлар адабий тилнинг ҳамма кўринишлари учун хос бўлса, имло ва тиниш белги-

¹ Алишер Навоий. Асарлар, XIII том. Маҳбубул-қулуб. Т., 1966, 60-бет.

ларига оид меъёрлар адабий тилнинг фақат ёзма шакли учун, тўғри таллафуз меъёрлари эса оғзаки шакли учун хос бўлади.

Тўғри, аниқ, ифодали ва ёқимли сўзлаш учун тил бойликларидан мазмунга мос сўзни танлай олиш қобилиятини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун сўзни ўринсиз такрорламаслик, сўз шаклини, гап турини тўғри қуллаш, ҳар бир услубнинг ўзига хос белги ва мезонларини онгли идрок қилиш мақсадга мувофиқдир. Нутқ маданияти сўзловчининг шахсий маданий савияси мезони бўлганлиги учун кишидан катта меҳнат талаб этилади. Бунинг учун нутқда халқ мақолларидан, иборалардан унумли ва ўринли фойдалана олиш, ҳадис, ҳикматли сўзлардан нутқ жараёнида иқтибослар келтира олиш ва уларнинг моҳиятини таҳлил қила олиш маҳоратини такомиллаштириш лозим.

Нутқ маданияти тушунчасини яна қуйидагича изоҳлаш ўринлидир:

1. Нутқ маданияти тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок қилиш ҳамда ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир.

2. Нутқ маданияти фақат тўғри нутқгина эмас, балки ўқувлилик ҳамда нутқий чечанликдир.

3. Нутқ маданияти тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир.

4. Нутқ маданияти бу, аввало, равон ва мазмунли, оддий ва тушунарли фикрлаш маданиятидир.

Бўлажак юристларимиз нутқ маданиятининг юқорида эслаб ўтилган талабларига ҳар доим риоя қилишлари лозим. Зеро, ҳозирги замон юристлари нутқнинг маъмурий-бўйруқбозлик усули, муомала маданиятидан эмас, тил маданиятининг миллий истиқлол ғоялари билан йўғрилган шаклларида фойдаланмоқдалар. Зўравонликка асосланган собиқ совет тузумида ҳуқуқ-тартибот идораларида фаолият кўрсатган аксарият ходимларнинг нутқида *қаматаман, йўқотаман, уруғ-аймоғинг билан қуритвораман* каби кўплаб кўпол сўзларнинг қўлланилиши ҳуқуқ-тартибот идораларининг фақат жазоловчи орган бўлганлигидан далолат беради. Мустақиллик эса замонавий юристларнинг муомала маданияти, нутқ маданиятига ҳам алоҳида эътибор бе-

ришни талаб этмоқда. Президентимиз томонидан ҳуқуқ маданиятининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳуқуқ маданияти билан узвий боғлиқ бўлган нутқ маданиятига бўлган ижобий муносабатнинг ҳам яққол кўринишидир.

Одамийликнинг муҳим фазилатларидан бири хушмуомалалик, мулоимликдир. Бу фазилатлар бевосита тилга, сўзга бўлган муносабатда намоён бўлади. Зеро, тилнинг кўрки, ақл-заковатнинг зийнати сўздир. Сўз муқаддас, у фақат эзгулик, яхшилик учун хизмат қилиши лозим. Юнон файласуфларининг таъкидлашларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати хазинасининг калитидир ва ҳар кишининг билими ва одоби унинг сўзларидан яққол билиниб туради.

Айниқса, бўлажак юристларимиз ижтимоий ҳаётда кўпчилик билан мулоқотда бўладилар, ҳар хил тоифадаги кишилар (*гувоҳлар, жабрланувчилар, айбдорлар, жиноятчилар* ва б.) билан рўбару келадилар. Тергов ва суд жараёнида ўта эҳтиёткорлик уларнинг тилга бўлган муносабатида яққол намоён бўлади. Қолаверса, юристлар фаолиятини расмий ҳужжатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тергов ишлари билан боғлиқ турли баённомаларни тўлдириш, суд ҳукми, айблов нутқини тайёрлаш ва бошқа расмий ҳужжатларни ўта саводхонлик билан ёзиш ҳам уларнинг тил воситаларидан фойдалана олиш қобилиятига боғлиқдир. Демак, бўлажак юристнинг ўзи мохир нотик, нутқи эса мантиқли ва таъсирли бўлмоғи давр талаби. Лекин ҳозирги кунда юриспруденция тармоқларига оид расмий ҳужжатларни давлат тили қонун-қоидаларига мувофиқ, адабий тил меъёрларига асосланган ҳолда тайёрлаш талаб даражасида деб бўлмайди. Оддий нотариус томонидан тузилган «Ҳада шартномаси», «Олди-сотди шартномаси» каби расмий ҳужжатларда, суд ҳукми матнларида ҳам имловий ва услубий хатолар учрайдики, ҳозирги шароитда бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Шу боисдан, бўлажак юристларнинг нутқ маданиятини юқори даражага кўтариш учун турли мавзуларда ёзма ишлар, хусусан, эркин мавзуларда иншолар ёздириш мақсадга мувофиқдир. Чунки иншо инсон тафаккурини шакллантирувчи асосий воситалардан бири. Иншо фақат адабий қаҳрамонларга бериладиган тавсиф эмас. Балки иншо талабанинг мустақиллик,

маънавият, миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси тўғрисидаги дунёқарашини ҳам шакллантирувчи воситадир. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган талабанинг нутқи ночор, фикрлаш қобилияти паст бўлади. Ёзма иш жараёнида талаба фалсафий мушоҳада қилишга, фикрлашга мажбур бўлади. Фавқулодда ноёб фикрларни ижод қилишга ҳаракат қилади, туғилаётган ҳар бир фикр билан сўзлар уйғунлашувини ҳосил қилишга имконият қидиради. Масалан, *оқловчи* сўзига нисбатан *адвокат* терминини қўллаш адабий меъёр эканлигини ҳис этади.

Бўлғуси юристларимизнинг нутқ маданиятини такомиллаштириш учун, аввало, сиёсий мавзуларда эркин иншолар ёздириш (*Масалан, «Мустақиллик - ҳуқуқ демақдир», «Ҳавфсизликка таҳдид нима?»*, *«Терроризм - офат», «Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият»* ва ҳ.к.), кичик матнлар мазмунини кенгайтириб ёзиш, матнни ислоҳлаш каби машқларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай машқлар биринчидан, талабанинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам берса, иккинчидан, унинг мантикий изчил жумлалар, матнлар туза олиш, сўз танлаш малакаларини такомиллаштиради.

Талабаликнинг дастлабки даврларида аксарият талабаларда мустақил жумлалардан матн туза олиш, бир фикрни иккинчи фикрга боғлай олиш малакалари суст бўлади. Сўз бойлиги ночор, сўз қўллаш қобилияти ривож топмаган, тузаётган жумлалари ғализ ва норавон бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ёзма ишлар машқлари бу камчиликларни бартараф этади.

Бундан ташқари, Конституция, кодекслар, қонунларнинг моддалари мазмунини кенгайтириб ёзиш, ҳар бир модда юзасидан мулоҳазалар, изоҳлар, шарҳлар тузиш машқлари ўтказиш бўлажак юристларнинг саводхон бўлиб етишувига ёрдам беради.

4-§. «Юристинг нутқ маданияти» фанининг мақсад ва вазифалари

Халқимиз фаровонлиги мақсадида давлатчилик ва қонунчилик янада ривожланиб бораётган бир пайтда «Юрист нутқ маданияти» фанининг ўқитилиши зарурлигини исботлаб ўти-

ришнинг ўзи ортиқчадир. Яъни нутқ маданиятини эгаллаш, маданий гапиришга интилиш, фикр маҳсулини матнга тўлақонли тушира олиш маҳорати барча касб эгаларининг, шунингдек, бўлажак юристларнинг ҳам иши ва орзуси бўлмоғи лозим. Бу шубҳасиз, бундан ташқари, ҳозирги кунда нутқ маданияти муаммосини кун тартибига ҳаётнинг ўзи қўймоқдаки, кишилиқ жамиятининг маданий-маърифийлигини бусиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли нутқ маданияти, қонуний «нутқ эҳтиёжи» ҳаётий талабга айланиши аниқ.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нутқ маданияти мустақиллик туфайли вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий турмуш талаб этаётган ҳаётий ҳодиса ҳамдир. Қолаверса, миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратиш, ҳуқуқ маданиятини тарғиб қилиш ва ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий мафкура ғоялари билан қуроллантириш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш бевосита бўлғуси юрист-кадрларнинг саводхонлигига боғлиқ бўлиши табиийдир. Шундай экан, бўлғуси юристларнинг ихтисосликка оид барча фанлар қаторида «Юристнинг нутқ маданияти» фанини ҳам зарур даражада ўрганишини тақозо этади. Тил ёхуд нутқ юристнинг тафаккур юритиш, фикр баён қилиш қуролидир. Шунинг учун ҳам «Юристнинг нутқ маданияти» фанини ҳам бўлғуси юристлар чуқур ва атрофлича ўрганишлари давр талабидир. «Юристнинг нутқ маданияти» фани юридик олий ўқув юртларининг ўқув режасидан ўрин олган бўлиб, бўлажак юристларнинг муомала одоби, тилни ҳис этиш дидини тарбиялаш каби буюк ғояни ўз олдига бош мақсад қилиб қўяди ва қуйидаги вазифаларни белгилайди:

1. Талабаларни нутқ маданиятининг асосий тушунчалари, услублари, ифода шакллари ва кўринишлари билан таништириш.
2. Профessional юридик нутқда тил воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга ўргатиш.
3. Юридик тил ва адабий тил меъёрлари ҳақида маълумот бериш ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш.



4. Юриспруденция тармоқларига оид ҳужжатлар тилини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида талабаларнинг ёзма ва оғзаки нутқларини такомиллаштириш.

5. Она тилининг лексик-грамматик, имловий ва товуш, орфографик, талаффуз омилларидан вазият ва воқелик талабига кўра моҳирона фойдалана олиш қобилиятларини шакллантириш ва ўстириш.

6. Матн тузиш тартиб-қоидаларини билиш; кодекслар, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва уларнинг моддалари юзасидан оғзаки фикр юрита билиш; ёзма шарҳлар, изоҳлар, мулоҳазалар ёза олиш қобилиятини шакллантириш.

7. Суд ҳукми, турли тергов ҳужжатлари матнини тузиш асосида талабаларнинг фикрлаш иқтидорини тарбиялаш ва салоҳиятини ривожлантириш.

8. Ўзбек тилининг товуш тизими ва талаффуз қонуниятлари, сўз бойлиги ва грамматик қурилиши, адабий тил меъёрлари ва нутқ услублари ҳақида маълумот бериш ҳамда булар тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

9. Пунктуация ва интонация, уларнинг ёзма ва оғзаки нутқни ифодалашдаги аҳамияти ҳақида, пунктуациянинг ёзма нутқ (матн грамматикаси) билан, интонациянинг эса оғзаки нутқ (матн оҳанги) билан алоқадорлиги ҳақида маълумот бериш: талабаларда имловий ва ишоравий саводхонлик масалалари ҳамда кўникмаларини ҳосил қилиш.

10. Матн, матн турлари, уларнинг тузилиши (грамматикаси) ва матн ҳосил қилувчи воситалар ва омиллар ҳақида тушунча бериш.

11. Нутқ маданиятининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари ҳақида тушунча, малака ва кўникма ҳосил қилиш.

2-боб. Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари

1-§. Нутқнинг коммуникатив тавсифи

Нутқ фақатгина лингвистик ҳодиса бўлмасдан, балки руҳий (психологик), нафосат (эстетик) ҳодисаси ҳамдир. Шу боис юқори даражадаги нутқ дейилганда, айтилмоқчи бўлган фикрнинг тингловчига тўлақонли етиб бориши, уларга маълум таъсирини ўтказиши назарда тутилади.

Нутқнинг коммуникатив (алоқавий) сифати қуйидаги лингвистик ва экстралингвистик мезонларга бевосита боғлиқдир: *нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг тозаллиги, нутқнинг таъсирчанлиги* (образлиги).

Нутқнинг тўғрилиги. Нутқнинг бош коммуникатив сифати нутқнинг тўғри бўлишидир. Адабий тилнинг фонетик, орфоэпик, лексик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқ саналади. Тил бирликларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш, яъни сўз ва мантиқий урғу, оҳанг, паузага асосий эътибор қилиш орқали нутқ тўғрилиги юзага келади. Нутқнинг тўғри бўлиши, асосан, сўз ва мантиқий урғунинг тўғри қўйилишига ҳам боғлиқ. Рус тилида урғу эркин бўлса, ўзбек тилида урғу, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушади. Агар сўзнинг ўзагига қўшимчалар қўшилса, урғу ўз ўрнини ўзгартириб, охириги бўғинга кўчади: *пахта́, пахтако́р, пахтакорла́р, пахтакорларга́*. Бу ҳолат адабий меъёр ҳисобланади. Лекин ўзбек тилида ҳам баъзи ўринларда урғу олдинги бўғинларга (*ле́кин, афсу́ски, алба́тта*) тушиши ва ҳатто сўзнинг маъносини ўзгартириб юбориши мумкин: *янги́ китоб, я́нги келди; Яхши́ бола я́хши ўқийди*. Бундай сўзлар ўзбек тилида анчагина: *тугма́-тугма, сузма́-сузма, олма́-олма, қайнатма́-қайнатма*. Уларнинг маънолари фақат урғу ёрдамида ойдинлашади.

Гап таркибидаги бўлақлардан бирининг таъкидлаб айтилиши мантиқий урғу бўлиб, мантиқий урғу олган бўлақ алоҳида оҳанг билан талаффуз этилади ва мазмунни ўзгартиришга хизмат қилади. Масалан, *Биз қишлоққа бордик* гапи мантиқий ур-

ғусига кўра тўрт хил фикрни англатади. Бунда қайси маънога алоҳида эътибор берилса, шу маънони ифода этаётган сўз алоҳида урғу билан талаффуз этилади: Бугун қишлоққа *биз* бордик (Бошқалар эмас, фақат биз). Биз қишлоққа *бугун* бордик (кеча эмас). Биз бугун *қишлоққа* бордик (бошқа ерга эмас, айнан қишлоққа). Биз бугун қишлоққа *бордик* (бормоқчи эмас эдик, яъни қишлоққа бориш ниятимиз йўқ эди).

Баъзан мантиқий урғу нотўғри қўйилса, фикр мавҳум бўлиб қолади ва тингловчига етиб бормади. Масалан, *Онасииз бола ўйнамас* гапида онаси ёнида бўлмаган бола ўйнамайди дейилляптими, ёки онаси бўлмаган бола ўйнамайди деган фикр англашиляптими, буни фақат урғу олган бўлак орқали аниқлаш мумкин. Агар урғу *онасииз* сўзига тушса биринчи маъно, *бола* сўзига тушса иккинчи маъно англашилади.

Демак, нутқнинг тўғрилигини таъминлаш учун сўз (лексик) ва мантиқий (логик) урғуни тўғри қўллаш мақсадга мувофиқдир, акс ҳолда юқоридагидек мавҳум ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Оҳанг (интонация) туфайли сўзлар ва гаплар мазмуни турлича жилоланади. Масалан, *кўринмайсииз* сўзи турли оҳанг орқали *соғинганлик, самимият, кесатиқ* ва *норозилик* каби кўплаб маъноларни ҳосил қилиши мумкин. Тўғри нутқ тузишда пауза (тўхтам) ҳам алоҳида ўрин тутади, Нутқда паузани нотўғри қўллаш туфайли айтилаётган фикр мазмуни ўзгариб кетади. Масалан, *Акбар, ўқиди*. Бу гап мазмунидан Акбарга кимнингдир ўқиганлиги маъноси англашилмоқда (Акбар - ундалма вазифасида). Агар бу гапда пауза бўлмаса *Акбар ўқиди*, яъни Акбарнинг ўзи ҳақида гап кетаётганлиги англашилади.

Бундан ташқари, нутқнинг тўғрилигига эришиш учун фикрни ҳар жиҳатдан мазмунли, ифодали қилувчи сўз ва терминларни, бирикмаларни топа олиш ва уларни ўз ўрнида қўллаш олиш санъатини эгаллаш лозим. Яъни бамисоли уммон бўлган тилимизда мавжуд бўлган лексик қатламдан сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари; синоним, омоним, антоним, пароним, терминларнинг маъно қирраларини тўла англаб улардан ўринли фойдалана олиш нутқнинг тўғрилигини таъминловчи воситалардир. Бундай луғавий бирликларни ўз ўрнида қўллаш ол-

маслик эса нутқнинг тўғрилигига путур етказади, натижада сўзловчининг мақсади тўлиқ амалга ошмай қолади. Юристаримиз ҳам ўз фаолиятларида бунга амал қилишлари зарур. Бир сўзни нотўғри қўллаш бутун бир гапнинг мазмунини ўзгартириб юборади. Масалан, *босқинчилик* ва *талончилик*, *товламачилик* ва *фирибгарлик* каби юридик тушунчаларни билдирувчи терминлар умумий маъноси бир хил, лекин маъно қирралари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган сўзлардир. Уларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш қонун тилида услубий хатоларни келтириб чиқаради. Юқорида келтирилган синонимларнинг ҳар бири Жиноят Кодексида термин сифатида бир маъноли бўлиб, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида жиноятнинг номини билдиради. Қонунда *Босқинчилик* – ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган жиноятдир (ЖК, 146- модда).

Талончилик - ўзгалар мулкани очикдан-очик талон-тарож қилишдир (ЖК, 166-модда).

Товламачилик - жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб мулкни ёки мулкый ҳуқуқни топширишни, мулкый манфаатлар беришни ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш. (ЖК, 165-модда).

Фирибгарлик - алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки мулкый ҳуқуқини қўлга киритиш (ЖК, 168-модда).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, синонимларнинг маъно қирраларини тўғри англамаслик, нафақат нутқнинг тўғрилигига путур етказади, балки жазо белгилашда ҳам нотўғри ҳолатларни келтириб чиқаради.

Нутқнинг аниқлиги. Аниқлик ҳам нутқнинг коммуникатив сифатини таъминловчи шартлардан биридир.

Нутқнинг аниқлиги дейилганда, ифодаланаётган фикрга, воқеликка сўз ва терминларнинг мувофиқ келишидир. Яъни шакл билан мазмун мутлақо мос бўлмоғи нутқнинг аниқлигини

таъминлайдиган омиллардир. Нутқнинг аниқ бўлиши унинг ша-
клланишида иштирок этувчи нафақат лингвистик, балки экс-
тралингвистик омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу эса, тил ва
тафаккурнинг ўзаро алоқадорлиги билан ўлчанади. Табиат ва
жамиятдаги нарса-ҳодисалар ҳамда воқелик билан уларнинг
нутқдаги инъикоси ўртасидаги айнан мувофиқлик нутқнинг
аниқлигини таъминлайди.

Нутқда тушунчани ифодалаш учун сўзни ўз ўрнида қўллаш
олмаслик нутқ аниқлигига путур етказди. Аниқликни бузувчи
ҳолатларга, асосан, қуйидагилар сабаб бўлади:

а) синонимларни нотўғри қўллаш: *фуқаро, шахс, субъект,
инсон* сўзларининг ўрнини алмаштириб бўлмайди;

б) паронимларни нотўғри қўллаш: *тизим-тузум, ислоҳ-исти-
лоҳ, истиқлол-истиқбол, дипломат-диломант...*;

в) сўз тартибининг ўрнини алмаштириб қўллаш:

Жинойятчи семиз портфелли киши эди. Жиноятчи *порт-
фелли семиз киши* эди. (Биринчи гапда жиноятчининг *порт-
фели*, иккинчи гапда унинг ўзи семиз эканлиги англашилади).
Жисмоний шахс молия йили давомида *ҳар бир ишлаб даромад
олган ой учун* энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида
чегирма қилиниш ҳуқуқига эга. (ЎЗР Солиқ кодекси, 54-
модда). Келтирилган моддада сўзлар тартибининг ўзгариши мазмуннинг
йўқолувиغا олиб келган. Аслида бу модда адабий тил меъёр-
ларига мувофиқ қуйидагича берилиши лозим эди: Жисмоний
шахс молия йили давомида *ишлаб даромад олган ҳар бир ой
учун* энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида чегирма
қилиниш ҳуқуқига эга. Бундай ғализ моддалар давлатнинг фу-
қароларига тушунарли бўлмайди. Бўлғуси мутахассисларнинг
асосий вазифаси ифодаланаётган фикрнинг бошқалар томони-
дан тўлақонли қабул қилинишига эришишдан иборат бўлмоғи
лозим.

Шу сабабдан тил бирликларини мақсадга мувофиқ қўллаш
учун адабий тилнинг қоидалари, меъёрларини юқори даражада
билиш тақозо этилади.

Нутқнинг мантиқийлиги. Фикр, тафаккур қилиш соғлом
бўлса, нутқ ҳам талаб даражасида бўлади. Фикр нотўғри бўлса,
нутқ мантиқий жиҳатдан тугал бўлмаслиги аниқ. Грамматик

жиҳатдан шаклланмаган нутқ ҳам, нутқда ноўрин қўлланилган луғавий бирликлар, грамматик шакллар ҳам мантиққа путур етказади.

Нутқнинг мантиқийлиги фақат лисоний ҳодиса бўлмасдан, экстралингвистик ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлади. Агар юрист тилнинг бутун қоидаларини яхши билса-да, ўзи фикр юритаётган мавзуни яхши билмас экан нутқнинг мантиқийлиги юқори даражада бўлмайди. Зеро, улуғ мутафаккир Форобий тўғри таъкидлаганидек, «Мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради».

Нутқда мантиқийликка эришиш учун аввало бир фикрни иккинчи фикрга боғлай олиш, мавзунинг муқаддима, асосий қисм, ҳамда хотима қисмини тўғри жойлаштира олиш, фикр юритилган мавзу юзасидан тегишли хулосалар чиқара олиш маҳоратини шакллантириш зарурдир. Ҳар қандай воқелик юзасидан айтилаётган мулоҳазалар юқорида санаб ўтилган зарурий қисмларга эга бўлади, агар бу қисмлар тартиби ўзгартирилса, мантиқ йўқолиши, мақсад амалга ошмаслиги аниқ. Шунинг учун нутқий мантиқ талабига мувофиқ гаплар ўртасида ҳам изчиллик бўлиши, уларнинг бирида баён этилган фикр иккинчиси орқали тўлдирилиши керак. Бу ҳолат маълум бир фикрнинг тугашига қадар давом эттирилиши лозим. Гаплар ўртасида фикрий изчилликни йўқотиш билан мантиқийликка путур етади.

Демак, тушунчалар учун муқобил бўла оладиган сўзлар, терминларни ўз ўрнида қўллай олиш; оҳанг, сўзларнинг боғланиши, сўзлар тартиби, гапларнинг турларини мазмунга мувофиқлигини таъминлай олиш мантиқийликнинг асосини ташкил этади. Яъни воқеликка мос келмаган нутқда мантиқийлик тугал бўлмайди.

Нутқнинг мантиқийлигига путур етказувчи лисоний жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- Нутқда айрим сўзларнинг тушириб қолдирилиши: *Жиноятчи ўз шеригини белгиланган жойда кутиб олди. Унинг қўлида сумка бор эди.* (Кимнинг қўлида сумка бўлган? Жиноятчининг қўлидами ёки шеригининг?).

- Рус гуруҳини тамомлаган баъзи юристларнинг у ва ў харфларининг фарқига бормаслиги: *Саволлар гувоҳни уйлантириб қўйди.*

- ь айириш белгисининг қўлланилиш доирасини билмаслик: *Жиноятчининг даволари исботланмади.*

- х ва ҳ товушларини ёзувда тўғри қўллай олмаслик: *Дарахт шоҳларида қотилликнинг изи топилди.*

Нутқнинг тозалиги. Нутқнинг коммуникатив сифати фақат ва фақат адабий тил доирасида бўлгандагина шаклланади, тўлақонли бўлади. Нутқнинг тозалиги дейилганда ҳам нутқнинг адабий тил меъёрларига мувофиқлиги тушунилади.

Нутқ маданияти ҳақида гапирилганда бевосита инсоннинг нутқда номеъёрий сўзларни қўлламасдан, нутқнинг тозалигига путур етказувчи нуқсонларсиз фикр ифодалаши кўзда тутилади.

Нутқнинг тозалигини бузувчи воситаларга қуйидагилар киради:

- Нутқда адабий тилга хос бўлмаган сўзлар, диалектизмалар, яъни шевага оид сўзларни қўллаш. Диалектизмлар бадиий асар тилида маълум бир эстетик вазифалар – ижодкорнинг мақсади ва ниятини амалга оширишда тасвирий восита сифатида қўлланса-да, маданий нутққа соя солувчи воситалардир. Ҳуқуқ-тартибот тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар нутқида ҳам бундай ҳолатлар тез-тез кўзга ташланади. Баъзи юристларимиз мулоқот жараёнида ҳамон ўз нутқини назорат қила олмаётирлар. Шевага оид сўзларни нутқда тез-тез қўллаш адабий тил меъёрининг бузилишига сабаб бўлади, натижада нутқнинг тозалигига путур етади. Масалан, *келопти, кетвотти, бордиз, ёшулли, болиш (ёстик), гармдори (қалампир), дода, шоти, гашир каби.*

- **Варваризмлар** – ўзбек адабий тилига ўзлашмаган хорижий сўзлардир. Нутқда ўзбек тилида муқобили бўла туриб ўзлашмаган хорижий сўзларни, яъни варваризмларни қўллаш нутқнинг тозалигини, софлигини бузади. Амалиётдаги юристларнинг аксарияти нутқида бу ҳолатни кузатиш мумкин. Масалан, *вообще, общитада яшайди, зайнит, так (хўш дейиш ўрнига), обсуждать қилиш керак, прелесть, учебный часть,*

заявление, акт... Бу ҳолат биринчидан, нутқнинг тозалигига салбий таъсир этса, иккинчидан, зиёлининг маданий савиясини, маънавий қиёфасини пасайтиради.

Адибларимиз варваризмлардан хорижий расм-одатларни тасвирлашда, баъзан чет эл маданияти олдида сажда қилувчи персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда фойдаланадилар.

• **Жаргон ва арголар** – бирор ижтимоий гуруҳ ўртасида қўлланиладиган ва уларнинг талабаларини ифодаловчи махсус сўз ва иборалар. Жаргонлар фикрни бошқалардан сир тутиш учун қўлланилади. Жаргонлар ўзига хос сунъий, шартли сўзлардир.

Савдогарлар, ўғрилар, қиморбозлар, отарчилар, баъзи дангаса талабалар ўйлаб топган хуфёна сўзлар жаргон деб юритилади. Масалан, *мент (милиция), кўки (АҚШ пул бирлиги), салласини олмоқ (калласини олмоқ), (международный) (талабалар нутқида «З» баҳо)* ва бошқалар.

Жамиятда текинхўрлик, бошқалар ҳисобига яшашлик, маиший бузуқлик йўлига ўтиб олган маънавий бузуқ гуруҳлар томонидан қўлланиладиган махсус сўзлар арго дейилади.

Масалан, *лой, якан (пул), бедана (тўппонча), перо (пичок), дар (гўзал)* ва ҳ.к. Бундай ғайритабиий сўзлар, нутқ софлиги ва тозалигини пасайтиради.

• **Канцеляризмлар** – расмий услубга хос сўз ва бирикмалар. Масалан, *юқорида қайд этилган, қуйида баён қилинган, ...унвони берилсин, зиммасига юклансин, топширилсин, тadbирларни ишлаб чиқсин...*

Қатъий шаклга кирган бундай тайёр сўз ва бирикмалар ҳужжат матнларига алоҳида расмийлик маъносини беради.

Лекин канцеляризмлар ўзи алоқадор бўлмаган бошқа нутқ кўринишларида, хусусан сўзлашув нутқида қўлланса, нутқнинг тозалигига путур етказди.

• **Вульгаризмлар** – қўпол, ҳақорат мазмунидаги сўзлар. Вульгаризмлардан бадиий асарларда салбий қаҳрамонларнинг дағаллиги, қўполлиги ва маданиятсизлигини кўрсатиш учун ишлатилади. Лекин бундай сўзларнинг нутқда қўлланилиши салбий ҳодисадир.

• **Паразит сўзлар** – ортиқча қайтариқлар, бекорчи сўзлардир. Сўзловчининг тилга эътиборсизлиги туфайли юзага келади ва доимий қўлланилиб борилса, одатга айланиб қолиши мумкин. Масалан, *яъни, демак, хўш, так* ва б. Бундай луғавий бирикларни меъеридан ортиқ қўллаш нутқнинг савиясини пасайтиради.

Нутқнинг таъсирчанлиги. Маълумки, нутқнинг асосий мақсади тингловчининг фақат қулоғини эмас, балки қалбини ҳам забт этишдир.

Сўзнинг остини ҳам, устини ҳам кўра олишга интилиш, нутқдаги сўзларнинг фавқулодда уйғунлигини таъминлаш нотиқдан катта меҳнат талаб этади.

Нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш нафақат лингвистик, балки экстралингвистик омилларни ҳам ўз ичига олади. Экстралингвистик омилларга тилга боғлиқ бўлмаган шарт-шароитлар киради. Бу аввало, нотиқнинг ёритилиши лозим бўлган мавзу юзасидан етарли билимга эга бўлишини тақозо этади. Мавзуни чуқур ўзлаштирамаган нотиқнинг табиийки, нутқида таъсирчанлик бўлмайди. Бамисоли уммон бўлган тилимиздан бир фикрни бир қанча шаклу шамоийларда ифодалаш имкониятлари мавжуд, яъни тилимизда ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни ифодалаш учун сўз ва иборалар топилади, лекин мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг билими, маърифату маданияти, маҳорату малакасига боғлиқ. Мулоқот вазиятининг моҳиятига чуқур етмасдан танланган тил бирликлари, ҳар қанча гўзал бўлмасин, нутқ эгасининг мақсадини ифодалай олмайди.

Нутқнинг таъсирчанлиги дейилганда, асосан оғзаки нутқ жараёни кўзда тутилади. Оғзаки нутқда сўздаги унли товушларни чўзиш орқали нутқ таъсирчанлиги юзага келади. Унлиларни чўзиш орқали *шодланиш, мамнунлик, таажжуб, изтироб, ўкиниш, ғазабланиш, киноя, кесатик, пичинг* каби қатор ҳиссий бўёқлар ифоланиши мумкин.

Нутқий таъсирчанлик урғу ҳамда сўзларни бўғинларга бўлиб талаффуз қилиш билан юзага келади: *ў-қи-май-сан, кет-май-ди, кел-май-ди* каби сўзларда қатъий инкор ифодаланмоқда.

Оғзаки нутқ талаффузидаги оҳангнинг тезлиги, юқори-пастлиги ҳам таъсирчанликни оширувчи омиллардир. Одатда, нотиклар нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўз нутқларини кўтаринки руҳда баён қиладилар. Бундай нутқлар, одатда, муҳим қарорлар, ахборотлар, фармойишлар ўқилганда ишлатилади.

Маълумки, ўзбек тили нутқий воситаларга ўта бой тиллардан биридир. Нутққа ранг-баранглик бериш, нутқий бадиийликни кучайтириш мақсадида кўпроқ турли хил тасвирий воситаларга мурожаат қилинади. Ана шу тил воситаларидан ўринли ва унумли фойдалана олган нотикгина киши қалбида ҳислар туғёнини уйғота олади.

Тил кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини кенг ва ҳар томонлама ёритиб беришда чегарасиз имкониятларга эга. Лекин ифодаланиши лозим бўлган фикр-мулоҳазаларнинг юқори даражада бўлиши учун тилнинг тасвирий воситаларини, унинг турли хил маъно нозикларини тинмай ўрганиш лозим бўлади. Ана шундагина қисқа жумлаларда, матнларда олам-олам фикрларни ифодалай олиш мумкин, чунки сўз ҳар қандай фикрнинг либосидир.

Нотик ижод қилар экан, тилга бепарқ қарамайди: ундаги дурдоналарни, жавоҳирларни теради ва жой-жойига қўйишга ҳаракат қилади, сўзларга янги ва жозибали маъно нозикларини юклайди. Ҳаёт ҳақиқатининг ҳаққоний тасвирини (умуман ҳар қандай фикрни) шакл, яъни сўзлардан - тил воситаларидан ажратган ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, нотикнинг сўзга муносабати унинг ҳаётга бўлган муносабатидир.

2-§. Адабий тил меъёрлари – нутқ маданияти мезони

Нутқ маданиятининг асосий мезони адабий тил меъёрлари ҳисобланади. Адабий тил меъёрлари дейилганда, тил воситаларининг умумхалққа тушунарли бўлган муқобил вариантларини танлаш тушунилади. Ана шу танлаб олинган вариантлар ҳамма учун мажбурий бўлади. Масалан, ўзбек адабий тилидаги келишиқлар, замон, тусловчи қўшимчалар республикамиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча шева вакиллари учун мажбу-

рий ҳисобланиб, бу меъёрнинг бузилиши нутқ маданияти заифлашувига олиб келади. Яъни қаратқич келишиги қўшимчаси ўрнида тушум келишиги қўшимчасини қўллаш хатодир. Бинобарин, қаратқич келишигидаги сўзнинг от ёки отлашган сўзлар билан боғланиши адабий меъёр бўлиб, барча учун мажбурийдир. Буларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш услубий хато ҳисобланади.

Ўзбек адабий тили меъёрларини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

1) сўз ёки термин қўллаш (лексик) меъёрлари; 2) талаффуз (орфоэпик) меъёрлари; 3) сўз ва гапларда ўрғуни қўллаш меъёрлари; 4) фонетик меъёрлар; 5) грамматик (морфологик ва синтактик) меъёрлар; 6) сўз ёки термин ясаш меъёрлари; 7) имловий (орфографик) меъёрлар; 8) пунктуацион меъёрлар; 9) услубий меъёрлар; 10) график меъёрлар.

3-§. Сўз ва термин қўллаш (лексик) меъёрлари

Ўзбек адабий тилининг луғавий, яъни сўз қўллаш меъёрлари дейилганда, сўз вариантларидан ҳамма учун тушунарли бўлган кўринишини танлаб олиш тушунилади. Хўш адабий тилга сўз қаердан, қайси манбалардан танлаб олинади? Адабий тил умумхалқ тили (шевалар)нинг «фарзанди» ҳисобланади. Шунинг учун адабий тилга ҳамма¹ учун тушунарли бўлган сўзлар умумхалқ тилидан танлаб олинади. Агар бир тушунчани ифодалаш учун шеваларда бирдан ортиқ сўз варианты бўлса (*норвон, шоти, занги, узанги*), улардан энг муқобили, ҳамма учун тушунарли бўлгани танланиб, қолганлари шеваларда қолаверади. Ёки юридик терминлар тизимида *одам, киши, инсон, кимса, башар, шахс* синонимик қаторидан *шахс* сўзини термин сифатида қабул қилиш луғавий меъёр саналади. Чунки *шахс* сўзида расмийлик маъноси кучлидир. Агар бу сўзни *жавобгар шахс, юридик шахс, мансабдор шахс, жисмоний шахс* каби ҳуқуққа оид бирикмали терминлар таркибида қўлласак, расмийлик тусини яққол кўриш мумкин. Бу сўзни унинг бошқа вариантлари билан алмаштириб қўллаш мутлақо нотўғри бўлиб,

бу эса луғавий меъёрнинг бузилишига (*жавобгар инсон, юридик одам* ва ҳ.қ.) олиб келади.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиликлар, асосан, тилнинг лексикасида ўз инъикосини топади. Шу боис тилнинг луғат бойлиги ривожланади, бойийди. Бу ҳол луғавий-меъёр масаласи билан тилшунослик муассасалари ва соҳа мутахассислари (юристар, медиклар, математиклар ва ҳ.қ.) ҳамкорликда доим шуғулланиб боришлари лозим эканлигини кўрсатади.

Ўзбек адабий тилининг луғавий ва терминологик меъёрлари анча тартибга солинган. Улар имло ва изоҳли луғатларда ўз аксини топган бўлса-да, юридик терминларнинг адабий меъёрга солинган мукамал луғатлари ҳали яратилди дейиш қийин. Айниқса, *жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи* га оид терминлар тизимида ҳамон бир тушунча учун икки ёки ундан ортиқ термин қўлланмоқдаки, уларни тартибга солиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Тилда паронимлар деган алоҳида луғавий қатлам мавжуд бўлиб, талаффузи ва ёзилиши бир-бирига яқин, лекин маънолари тубдан бошқа-бошқа сўзлардир. Масалан, *ўтказиш-ўтқазиш, аср-асир, истиқлол-истиқбол, тажриба-таржима, девон-диван, дипломат-дипломант, товланди-тобланди, шох-шоҳ, даво-даъво, қуйилмоқ-қуюлмоқ* ва б.

Нутқда ноаниқликка йўл қўймаслик учун тилдаги паронимларни фарқлай олиш, уларнинг луғавий маъноларини тўғри англай олиш зарурдир. Нутқда паронимларни нотўғри қўллаш турли ғализликларни келтириб чиқаради. Фикрни қуйидаги мисоллар билан исботлаймиз: Бобоқул билан Полвон юмшоқ ўриндиққа ўтиришганда оғир юкка бардош бераолмаган *девондан* бехшов овоз чиқди (*Газетадан*).

Чаноқлардаги лўппи очилган пахталар қуёшда ярқираб қумушдек тобланади (*Газетадан*).

Ёд ва *ёт* ҳамда *қайд* ва *қайт* паронимларининг ўрнини алмаштириб қўллаш юридик ҳужжатларнинг кучини йўқотади: *Айбланувчи*: Юқорида *қайт* этилган барча воқеа-ҳодисалар, фактлар, далилларнинг ҳаммаси менга *ёт*. Аслида эса адабий тил меъёрларига мувофиқ юқорида келтирилган юридик жумла

қуйидагича ёзилиши лозим: Юқори қайд этилган барча воқеа-ҳодисалар, фактлар, далилларнинг ҳаммаси менга ёд.

Ер юзида 3000 га яқин тил мавжуд бўлса-да, лекин соф бир тил сўзларидангина иборат бўлган тил йўқ. Ҳар бир тилда мулоқот, муносабат туфайли у ёки бу тилдан сўзлар ўзлаштирилади. Натижада тилда ўзлашган қатлам юзага келади. Шунингдек, ўзбек тили лексикасида ҳам ўз қатламдан ташқари бошқа тиллардан (албатта қариндош бўлмаган тиллардан) ўзлашган сўзлар қатлами мавжуддир. Аммо баъзи сўз ва терминлар рус тили ва у орқали бошқа европа тилларидан кўркўрона қалъка қилиш асосида қабул қилинганлиги туфайли ўзбек адабий тилининг меъёр ва мезонларига мос келмайди. Натижада ғайритабиий юридик терминлар юзага келиб қолади. Масалан, *Жиноят кодекси* термини рус тилидан сўзма-сўз таржима қилинган (Уголовный кодекс). Бу термин аслида ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқ «Жиноят ва жазо ҳақидаги қонунлар мажмуи» ёки «Жиноят ва жазо кодекси» тарзида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Рус тилидан қалъка қилинган (сўзма-сўз таржима қилинган) *Жиноят кодекси* термини эса жиноятга тегишли кодекслар (қонунлар мажмуи) деган тушунчани англатади. Ёки рус тилидаги *депутатское расследование* термини *депутат тафтиши* деб таржима қилинганлиги адабий тил меъёрига тўғри келмайди. Маълумки, тафтиш сўзининг русчаси ревизиядир.

Мазкур терминни *депутат текшируви* деб таржима қилиш ўзбек адабий тили меъёрларига тўғри келади ва тугал фикр англатади.

4-§. Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари

Адабий талаффуз юрист фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Тергов жараёнида ҳам, суд жараёнида ҳам талаффуз меъёрларига амал қилиш юрист нутқини расмийлик бўёғи билан безайди. Талаффуз меъёрлари дейилганда, тил бирликларининг оғзаки нутқ жараёнида адабий тил меъёрларига мувофиқ келиши тушунилади. Аммо ўзбек адабий тилининг оғзаки меъёрларини амалиётдаги юристларнинг барчаси юқори дара-

жада эгаллаган дейиш қийин. Нуфузли расмий идораларда фаолият кўрсатувчи баъзи юристларимизнинг нутқида ҳамон маҳаллий шевалар таъсири кучли. Айниқса, Хоразм ва Бухоро шевалари вакиллари бўлган юристлар нутқида бу ҳолат аниқ сезилади. Талаффуз меъёрларининг бузилишига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлмоқда: ҳуқуқ-тартибот тизимида ҳам баъзи ходимлар маданийроқ гапиряпман деб *мен, сен* олмошларини *ман, сан* тарзида ишлатадилар. Улар бу сўзларнинг илмий ва бадиий адабиётларда қандай ёзилганлигини кўрган ва ўқиган бўлсалар ҳам адабий тил меъёрларига риоя қилмайдилар. Аксарият ҳуқуқ-тартибот ходимлари *х* ва *ҳ* товушларини тўғри талаффуз қилмайдилар, ёзувда ҳам уларни фарқлай олмайдилар. Орфоэпия қоидаларига мувофиқ талаффуз этиш ва имло қоидаларига мувофиқ ёзишни жиддий ўрганиш уларнинг вазифаси бўлиши лозим, чунки ҳар икки товуш маъно айиради: хуш-ҳуш, шох-шоҳ, хол-ҳол, ухламоқ-уҳламоқ ва ҳоказо.

Бундан ташқари адабий тилнинг оғзаки нутқ меъёрлари доирасида ҳам етарли қатъийлашмаган, талаффузида иккиланиш бўладиган бир қатор лисоний ҳодисалар бор бўлиб, улар қуйидагилар: 1) рус тили ва бошқа ғарб тилларидан ўтган сўз ва терминларни шевага мувофиқ талаффуз этиш; 2) сўзни ёзилгандек, яъни ёзма шаклига тақлидан талаффуз этиш; 3) ўзлашган сўзларнинг урғусини нотўғри қўллаш ва х.к.

Юқоридаги камчиликларнинг олдини олиш мақсадида, дастлаб ўзбек адабий тилининг таркибий қисми бўлган юридик тилнинг талаффуз меъёрлари назарий жиҳатдан асосланиши, талаффуз ва имлодаги фарқларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилиши, ўзлашган сўзларнинг талаффуз меъёрлари маълум бир тизимга келтирилиши лозим. Ўзбек юридик тилининг талаффуз қонуниятлари умумлаштирилиб, талабалар нутқини такомиллаштириш учун уларга тақдим этилиши зарур. Булғуси юристлар нима учун сўзлар ёзувда бошқа-ю, талаффузда ўзгача эканлигининг сабабларини тушунсинлар. Бу ҳақда тилга оид дарслик ва қўлланмаларда фикрлар мавжуд бўлса-да, лекин юристлар учун махсус рисола ва қўлланмалар, луғатлар яратилиши мақсадлидир. Шундагина юристлар нима сабабдан *презумпция, афв, ҳадя, ҳукм* ёзилади-ю, *презумсия, авф, ҳадия, ҳукум*

тарзида талаффуз этилишини, шунингдек ўзлашган сўз ва терминларни қандай талаффуз этилишини билиб оладилар ва шу асосда уларнинг талаффуз саводхонлиги ошади.

Фикрни тингловчига адабий тил меъёрларига мувофиқ еткази олиш оҳанг ва урғунинг тўғри қўйилишига ҳам боғлиқдир. Оҳанг меъёри сўзловчининг ўзгаларга қандай муомала қилаётганини, сўхбатдошига бўлган муносабатини акс эттиради. Собиқ совет тузуми ҳуқуқ идораларида ишлаган ходимлар фаолиятида оҳанг *кўрқитиш, дўқ, пўписа*, воситаси бўлган бўлса, ҳуқуқ маданияти давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги кунда оҳанг зиёлининг, жумладан, юристнинг инсонлар манфаатини ҳимоя қилувчи ходим эканлигини кўрсатувчи омилга айланмоқда. Нутқнинг ўзига хос синтактик тузилиши, сўзларнинг гапдаги ўрни, гап таркибидаги энг аҳамиятли сўзларни пауза орқали секин ёки тез, баланд ёки паст оҳангда талаффуз этилиши билан сўзловчи нутқида турли хилдаги оҳанг (интонация) ҳосил бўлади. Суд жараёнида, айниқса, суд ва адвокат нутқида оҳанг ва талаффуз алоҳида аҳамиятга эга. Чунки суд ҳукми давлат номидан ўқилади, ҳукмнинг аниқ, тиниқ, чиройли талаффуз орқали ўқилиши давлатнинг фуқаролар олдидаги нуфузини оширади. Улар онгида ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан суд жазоловчи орган эмас, балки ҳимояловчи орган эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

Нутқ жараёнида оҳанг, асосан, қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Нутқ оқимини маъноли бўлакларга ажратиш ва шу асосда мазмун ифодалаш. Оҳанг ва паузанинг ўзгариши гап мазмунини тубдан ўзгартириб юборади. Масалан, *Яхши, ташаббусни қўллаймиз. Яхши ташаббусни қўллаймиз. Улим йўқ, шафқат!. Улим, йўқ шафқат!.*

2. Гап ва сўзларнинг ўзаро боғланишидаги мураккаб ҳолатларни белгилашда, тугал фикр ифодалаш ёки сўроқни ажратишда; айрим гап бўлақларида, яъни уюшган, ажратилган бўлақлар, ундалма ва ундовлар, атов гап ё тўлиқсиз гап чегарасини аниқлашда оҳанг муҳим ўрин тутаяди. Масалан, *Янгиер (от, атоқли от)- янги ер (сўз бирикмаси).* Тонг. (атов гап), Тонг? (сўроқ гап), Тонг!.. (ҳис-ҳаяжон гап).

3. Нутқда расмийлик маъносини ифодалаш. Бунда сўзловчи гап урғусидан фойдаланади. Сўзловчи мавзуга оид муҳим сўзларни алоҳида таъкидлаб, баланд овоз билан талаффуз қилади, шу асосда шу сўзга тингловчининг диққатини жалб қилади. Гап урғусидан тўғри фойдаланиш, айниқса, суд ҳукми ўқилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

5-§. Фонетик меъёрлар

Фонетик меъёр ҳозирги ўзбек адабий тили учун 6 та унли ва 25 та ундош товушнинг қабул қилиниши ва уларнинг қўлланиш тамойиллари, миллий товуш талаффузлари асосида белгиланади.

Фонетик меъёр дейилганда, миллий товуш талаффузи, сўз оҳанги ва гап интонацияси тушунилади. Ўзбек тили мусиқий тиллар гуруҳига киради. Сўзларнинг жарангдор ва сержилолиги, пурмаъно ва оҳангдорлиги, серқирра ва маънодошлиги ўзбек тилининг зукколик ва заковат омили эканлигини кўрсатади; ўзбек “Аскиячи” сўзи бошқа ҳеч бир тилда учрамайди.

Ғози Олим Юнусов, А.К.Боровков, Е.Д.Поливанов, В.В.Решетов, Ф.Абдуллаев, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ю.Алиев каби олимлар фонетик меъер нуктаи назаридан ўзбек шеваларини икки гуруҳга бўлишган.

а) й-ловчи шевалар; йўқ, йанги каби;

б) ж-ловчи шевалар: жўқ, жанғи каби.

Ўз навбатида о товушининг қўлланиш хусусияти ва доираси жихатидан ўзбек шевалари яна иккига булинади:

а) а-ловчи шевалар: ая, ака, ата каби. Бу ҳолат Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида кўпроқ учрайди.

б) о-ловчи шевалар: ойи, ока, дода каби. Бу ҳодиса Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳар шеваларида кўпроқ учрайди.

Баъзи сўзларда айрим унли товушлар ўзидан олдинги ундошдан ажратиб талаффуз этилади: суръат, журъат, санъат каби.

Бу ҳодиса ёзма нутқда айириш белгиси (ёки тутуқ белгиси) билан кўрсатилади.

Айрим сўзларда *а, е, о* каби унли товушлар чўзиқроқ талаффуз қилинади: *Раъно, аъло, ваъда, шеър, феъл, таъсир, таъзим* каби.

Баъзан бундай чўзиқлик маънони фарқлаш учун хизмат қилади: даъво-даво, таъна-тана, саъва-сава, қалъа-қала.

Ҳар икки ҳолат ҳам ёзувда айириш белгиси (ёки тутуқ белгиси) билан белгиланади.

Баъзи сўзлар охирида келган *д* ва *т* ундошлари талаффуз қилинмайди, лекин ёзувда сақланади: *баланд, рост, пайванд, дарахт, дўст, гишт, гушт, Самарқанд* каби.

Ўзбек сўзларида оҳангдорлик, жарангдорлик, кўп маънолилик ва қофиядошлик хусусиятлари кўп. Айниқса, *а, о, у* товушлари ўта чўзилувчанлик фазилатига эга: ўзбек мумтоз мусиқа ва адабиётида, айниқса, бу яққол кўринади:

Яхши сўз қанд едирар,
Ёмон сўз панд едирар.

Айтар сўзни айтиш керак,
Айтмас сўздан қайтиш керак,

Баъзан таъсирчанликни ошириш, маънони кучайтириш ва бўрттириш мақсадида айрим товушлар иккиланади. Сўзлашга ҳаққим бор.

Умуман, фонетик меъёр миллий талаффуз қонуниятлари асосида белгиланиб, адабий тил учун умуммезон саналади.

6-§. Имловий (орфографик) меъёрлар

Имловий меъёрлар ҳам нутқ маданиятининг асосий мезони ҳисобланади. Имловий меъёрлар тилшунослар томонидан ишлаб чиқилади ва ижтимоий ҳаётга тавсия этилади. Мутахассислар яратган ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтган имло меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми томонидан 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган.

Тилда сўзлар ва қўшимчаларнинг маълум қоидалар асосида ёзилиши ана шу «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»га бўйсунди.

Имло қуйидаги тамойилларига асосланади:

1. Фонетик ёзув қоидаси

Ўзбек имлосининг асосий қоидаларидан бири фонетик ёзув бўлиб, сўз ва унинг таркибий қисмлари (ўзак ва қўшимчалар)ни оғзаки нутққа, яъни талаффузга мос равишда ёзиш тамойилидир. Масалан, жўналиш келишиги - *га* қўшимчаси билан ёзилади: *уйга, шаҳарга*; лекин *к,қ,ғ* товушлари билан тугаган сўзларга қўшилганда талаффузга мувофиқ ёзилади: *эшикка, қишлоққа, тоққа*. Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларга қўшилганда: педагогга, митингга шаклида ўқилади ва ёзилади.

Бундан ташқари, сўз ва унинг таркибий қисмлари асосан қуйидаги ҳолатларда фонетик ёзув қоидасига мувофиқ ёзилади:

а) *оғиз, шаҳар, кўнгил, сингил, бағир, бурун, ўғил* каби сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда *и,а,у* товушлари тушириб талаффуз этилади ва шунга мос равишда ёзилади: *оғзим, шаҳрим, кўнглим, синглим, бағрим, бурним, ўғлим* каби;

б) *от, сон, онг, ёш* каби сўзларга феъл ясовчи қўшимчалар қўшилса *о* товуши *а* товушига айланади ва шундай ёзилади: *ата, сана, англа, яша*;

в) *икки, етти, олти* сонларига жамловчи сон ҳосил қилувчи-*ов* ёки-*овлон* қўшимчаси қўшилганда бир *и* товуши тушириб талаффуз этилади ва талаффузга мувофиқ ёзилади: *икков, еттов, олтов*;

г) – *а ёки я (йа)* билан тугаган сўзларга *от* ясовчи қўшимчалар қўшилса, ўзакдаги *а* товуши *о* товушига айланади ва шундай ёзилади; *сўра+қ=сўроқ, бўя+қ=бўёқ, сайла+в=сайлов, танла+в= танлов, сана+қ=саноқ*.

2. Морфологик ёзув қоидаси

Морфологик ёзув сўз ва унинг таркибий қисмларини оғзаки нутққа, яъни талаффузга мос равишда эмас, балки аслига мувофиқ ёзишдир. Масалан, ўтган замон феъли қўшимчаси-*ди* қандай талаффуз қилинишидан қатъий назар, ҳар доим-*ди* ёзилиши имловий меъёрдир: *кет+ди=кетти* талаффуз этилади

ва кетди ёзилади; ўтди, қайтди, унутди, айтди сўзлари ҳам юқоригидек ёзилади. – дан, – да қўшимчалари қандай талаффуз этилишидан қатъий назар аслига мувофиқ ёзилади: *Отдан баланд, итдан паст (Оттан баланд иттан паст тарзида талаффуз қилинади); ишта-ишда, Тошкентта-Тошкентда, паста-пастда* ва ҳ.к.

Баъзи сўзлар таркибида жўналиш келишиги қўшимчаси *-ка* тарзида талаффуз қилинса-да, морфологик ёзув қондаси асосида, яъни аслига мувофиқ ёзилади: *ишка-ишга, мактапка-мактабга* ва ҳ.к.

3. Шаклий ёзув қондаси

Маълумки, соф ўзбекча сўзларнинг боши ва охирида ундошлар ёнма-ён қўлланмайди. Лекин ўзбек тилига бошқа тиллардан ўтган сўзларнинг бошида ҳам, охирида ҳам ундошлар ёнма-ён қўлланилиши мумкин: *прокурор, троллейбус, стол, стул, драма, спирт, фикр, зикр, завқ, шавқ.*

Демак, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни ўша тилларда қандай шаклда ёзилса, ўзбек тилида ҳам худди шундай шаклда ёзиш қондаси шаклий ёзувдир: *зоология, институт, университет, Нью-Йорк, биология, конституция.* Шаклий ёзув фанда график ёзув ҳам деб юритилади. Имло қондаларини ўрганиш саводхонликнинг асоси ҳисобланади. Айниқса, бош ҳарфлар ва қисқартмаларнинг имловий меъёрларини ўрганиш ҳам нутқ маданиятининг мезонларидан биридир.

Бош ҳарфлар имлоси

Бош ҳарфлар қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

1. Гап бошидаги биринчи сўзнинг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади.

2. Шеърларда ҳар бир мисра бош ҳарф билан бошланади:

Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлғон ёмон,
Ул ширин ёлғонга мендек
Алданиб қолган ёмон.

(Э.Воҳидов).

3. Атоқли отларнинг биринчи ҳарфлари бош ҳарф билан ёзилади: *Ғафур Ғулом, Самарқанд, «Зарафшон», Помир, «Ўтган кунлар», «Ёшлик» (журнал)...*

4. Расмий иш қоғозларида қўлланилувчи *Сиз* ва *Ўзингиз* олмошларининг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади.

5. Биринчи ҳарфлардан тузилган қисқартма отлар: *БМТ, АҚШ, МДХ, ИИБ, ФК, ЖК, ФПК.*

6. Олий ташкилотлар ва фахрий унвонларнинг ҳар бир сўзининг биринчи ҳарфи бош ҳарфлар билан ёзилади: *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.*

4. Қисқартма сўзлар имлоси

Бош ҳарфлардангина иборат бўлган қисқартма сўзлар бош ҳарфлар билан ёзилади: *БМТ, МДХ, ТДЮИ* ва б.

Исм-фамилиялар қисқартириб олинса, ҳарфлар орасига нуқта қўйилади, лекин оғзаки нутқда тўлиқ ўқилади: *С.З.Мирзаев, Ҳ.Б.Бердиёров, Ў.Т.Ҳошимова.*

Қисқартма сўзлар бўғин ёки қисмлардан тузилган бўлса, биринчи ҳарф бош ҳарф билан ёзилади:

Тошунивермаги, Тошавтомаш. Агар биринчи сўз турдош от бўлса, барча ҳарфлар кичик ёзилади: *медтехникум, академик лицей.*

Биринчи сўзнинг бош қисми, кейинги сўзларнинг биринчи ҳарфларидан тузилган қисқартмаларда биринчи сўз бош қисмининг биринчи ҳарфи ва кейинги сўзларнинг биринчи ҳарфлари бош ҳарф билан ёзилади: *СамДУ, ТошМИ...* «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» қабул қилинганлигига ҳам 45 йилдан кўпроқ вақт бўлди. Гарчи бу қоидалар ҳозирги кунга қадар ўзбек халқининг саводхонлиги учун хизмат қилиб келаётган бўлса-да, унинг маънавий жиҳатдан эскирганлиги, унда ўзбек тили учун хос бўлмаган жиҳатларнинг борлиги маълум бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августда қабул қилинган «Ozbek tilining asosiy imlo qoidalari» тасдиқлангач, янги орфографик қоидалар асосида бу борадаги камчилик ва нуқсонлар тузатилди.

7-§. Грамматик меъёрлар

Грамматик меъёр дейилганда ўзбек тили грамматик қурилиши қонуниятлари асосида белгиланган тартиб-қоидалар, усуллар, тамойиллар ва шакллар меъзони тушунилади. Ўзбек тили грамматикаси тилшуносликнинг назарий жиҳатдан анча такомилга етказиб ишланган, сўз шакллари, қўшимчалар, сўз бирикмалари ва гап тузилиши меъёрлашган бўлидир.

Шева ва диалектлар билан қиёсланган ҳолда адабий тил учун турловчи ва тусловчи ҳамда сўз ясовчи қўшимчаларнинг энг мақбул вариантлари тилшунослар томонидан тавсия этилган ва грамматик меъёр сифатида белгилаб берилган. Шунга қарамай, нутқда бу меъёрларга ҳамма вақт ҳам риоя қилинмаётир. Айниқса, *-нинг* ўрнида *-ни* шаклини нотўғри қўлаш ҳоллари учраб турибди: *Деканни хонасида кўрдим. Деканнинг хонасида кўрдим.* Биринчи гап мазмунидан деканнинг ўзини, иккинчи гап мазмунидан эса бошқа бир кишини кўрганлик маъноси англашилади. Шу боис тушум ва қаратқич келишикларининг қўлланилиш меъёрларини билмаслик қўпол хатоларни юзага келтириб чиқариши мумкин.

Қонунлар тилида ҳам бу каби грамматик меъёрларга эътиборсизлик ҳоллари учрайди. Грамматик меъёрларга қатъиян амал қилиш қонун тилида муҳимдир. Бироқ ҳозирда қонун ижодкорларининг лисоний тайёргарлиги юқори даражада бўлмаганлиги сабабли ёки қонуншуносларнинг эътиборсизлиги туфайли қонунлар моддалари таркибида адабий тилнинг грамматик меъёрлари бузилганлиги кўзга ташланади. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан қонунларда ифодаланаётган мазмуннинг йўқолувиغا олиб келади. Натижада қонунлар халққа тушунарсиз бўлиб қолади ва бундай қонунларнинг ижроси эса суст кечади. Фикри-миз исботи учун мисолларга мурожаат қилайлик:

Терговчининг ишни ўз қўлига олганлиги тўғрисидаги қарорнинг копиясини 24 соат ичида прокурорга юборади (ЖПК, 113-м.).

Моддада қаратқич келишигининг қўшимчаси ноўрин қўлланилганлиги учун мантиқий изчиллик йўқолган. Агар эътибор берилса гапнинг кесими *юборади*, эгаси эса *терговчи*, лекин

унга қаратқич келишиги қўшимчаси қўшилганлиги туфайли, услубий ғализлик юзага келганлигини сезиш қийин эмас. Адабий тил меъёрларига мувофиқ *терговчининг* сўзи бош келишикда қўлланганда эди фикр ғализлиги юзага келмаган бўлар эди.

Қуйидаги моддада эса қонун ижодкорларининг эътиборсизлиги туфайли тушум келишиги қўшимчаси ўрнида қаратқич келишиги қўшимчаси қўлланилган. Бу эса адабий тил меъёрларига мувофиқ келмайди. Оқибатда модда мазмуни тугал бўлмай қолган: *Агар бир айбланувчининг ҳимоя манфаати иккинчисининг ҳимоя манфаатга зид келса, битта шахснинг ўзи икки ёки бир неча айбланувчининг ҳимоя қилиши мумкин эмас.* (ЖПК, 44-м.). Баъзан келишик қўшимчалари ўринсиз равишда (ортиқча) ишлатилади:

Тасвир ва овоз ёзувларини иш билан бирга сақланади ва дастлабки тергов тугагач, муҳрланади. (ЖПК, 117-м.).

Моддада *тасвир ва овоз ёзувларини* сўзидаги *-ни* тушум келишиги қўшимчаси ортиқчадир. Маълумки, эга ҳар доим бош келишикдаги сўз туркумлари билан ифодаланиб, гапнинг нима ёки ким ҳақида эканлигини билдиради. Шу сабабдан ҳам мазкур моддани қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқдир:

Тасвир ва овоз ёзувлари иш билан бирга сақланади ва дастлабки тергов тугагач муҳрланади. Қуйидаги модда таркибидаги *ҳужжатларида* сўзида ўрин-пайт келишиги қўшимчаси нотўғри қўлланилган:

Тергов ва судлов ҳужжатларида ушбу Кодексда белгиланган тартибга мувофиқ айбланувчига унинг она тилига ёки у билган бошқа тилга таржима қилиб топширилади. (ЖПК, 11-м.). Баъзи моддаларда қаратқич-қаралмиш муносабатлари адабий тил меъёрларига тўғри келмайди:

Жиноят ишни қўзғатиш рад этилганлиги тўғрисида ариза ёки хабар берган манфаатдор шахсга, муассаса ва ташкилотга маълум қилади (ЖПК, 54-м.).

Судья, халқ маслаҳатчиси,... кўрилаётган ишдан бевосита манфаатдор бўлсалар, уларнинг жиноят иш кўришда иштирок этишлари мумкин эмас (ЖПК, 15-м.). Мазкур моддаларда учинчи шахс эгалик қўшимчаси жиноят иши бирикмасидан туши-

рилиб, жинойт иш тарзида ишлатилган, натижада қаратқич билан қаралмиш ўзаро мослашмаганлиги туфайли услубий ғализлик юзага келган. Қуйидаги моддаларда ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин:

Эр-хотиндан бири ўзининг биргалиқдаги умумий мулк бўлган уй-жой ва автомашинасини бошқа шахсларга ўтказганда, иккинчисининг бунга розилиги ёзма формада ифодаланиши шарт (НОҚ, 26-м.). Ичимлик сувдан фойдаланиш қоидаларини бошқа тарзда бузиш (МҲК, 68-м.). Қонун ижодкорлари феъл нисбатларини ишлатишда ҳам адабий тил меъёрларига риоя қилмаётирлар. Яъни аниқ нисбат ўрнига мажхуллик нисбатини қўллаш ҳолатлари моддалар таркибида кўп учрайди:

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар ўз компетенциялари доирасида, қонунларга аниқ риоя қилган ҳолда маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини қўлланадилар (МҲК, 8-м.)

Судьяга ёки халқ маслаҳатчисига нисбатан берилган отвод берувчининг иштирокисиз ҳал этилади (ЖПК, 33-м.) Бу моддаларда *қўлланадилар ва ҳал этилади* феъллари мажхул нисбатда эмас, балки аниқ нисбатда (*қўллайдилар, ҳал этади*) берилиши лозим эди. Чунки мазкур моддаларда иш ҳаракатнинг бажарувчиси (*органлар ва мансабдор шахслар; суд*) иштирок этмоқда. Мажхул нисбатдаги феълларда эса иш ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлади.

Бундай хатоликлар моддалар мазмунига ҳам салбий таъсир этади. Демак, қонунлар ва уларнинг моддалари адабий тил меъёрларига мувофиқ тузилмас экан, бундай моддаларда мантиқий изчиллик йўқолади, мазмунга путур етади. Адабий тил меъёрларига риоя қилинмай тузилган моддалар фуқароларга ҳар доим ҳам тушунарли бўлавермайди. Шунинг учун ҳам бўлажак юристларимиз ихтисослик фанлари билан нутқ маданияти фанини ҳам узвий ўрганмоқлари ҳаёт тақозосидир.

3-боб. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг функционал услублари

Инсонлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида мулоқот жараёнида тилдаги луғавий бирликлар, грамматик воситаларни қўллашда бир-бирларидан фарқ қиладилар, бу сўзловчининг ўзига хос услубини келтириб чиқаради. Шу боис ҳам мутахассислар орасида «услуб - бу инсон» деган ҳикматнинг юриши маълум маънода ҳақиқатга яқиндир.

Инсон ҳаётининг турли қирраларида тил воситаларининг танлаб олиниши нутқнинг хилма-хил кўринишларининг юзага келишига сабаб бўлади. Нутқнинг бундай кўринишлари функционал (вазифавий) услублар деб юритилади. Нутқ услублари тарихан ташкил топган нутқ кўринишларидир. Нутқ услубларининг ҳар бири алоҳида ягона бир тизимни ташкил қилади. Бу тилнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқади.

Тилнинг функционал услублари лексик, грамматик, фонетик тизимларга хос барча воситаларнинг маълум коммуникатив мақсадга хизмат қилиши туфайли юзага келади. Демак, нутқ услублари тилнинг ижтимоий ҳаётдаги вазифаси билан бевоқифа боғлиқдир. Шунинг учун ҳам улар функционал (вазифавий) услублар деб номланади. Функционал услубларни номлаш уларнинг қандай алоқа, мулоқот доирасида қўлланилганлигига қараб белгиланади: 1) расмий (маъмурий-ҳуқуқий) услуб; 2) илмий услуб; 3) бадиий услуб; 4) сўзлашув услуби; 5) публицистик услуб.

Ҳар бир услубнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини онгли идрок қилиш нутқ маданиятининг асосий мезонидир. Шунингдек, бўлажак юристларимиз ҳам ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига хизмат қилувчи нутқ услубларини зарур даражада билиши ва услублараро лисоний чегараларни талаб даражасида ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқдир.

1-§. Расмий (маъмурий-ҳуқуқий) услуб ва унинг юрист фаолиятидаги ўрни

Расмий услуб тилнинг бошқа услубларидан ўзига хослиги билан ажралиб туради ва вазифаси жиҳатдан юридик, дипломатик ва маъмурий фаолиятга хизмат қиладиган нутқ кўринишидир. Бу услуб, асосан, ҳужжатлилиқ белгиси билан бошқа функционал услубларга нисбатан тарихийдир. Расмий услубнинг дастлабки кўринишлари энг қадимги даврларга бориб тақалади.

Қадимги ҳоқонликлар, давлатлар ва хонликларнинг қонунлари, амр ва фармонлари, ёрлиқлари, ҳар хил арзномалар, расмий хатлар, вақфномалар, васикалар ва бошқа турли хил ҳужжатлар; ҳокимликлар, бекликлар ва туманлар ўртасидаги ўзаро ҳар хил ёзишмалар расмий услубнинг анча илгари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ўша даврлардаги ҳужжатлар тилида фаол қўлланган *ҳокон, будун, тузукот, ҳировул, чоповул, доруға, кушбеги, қози, қозиқалон, қозихона, аълам, мунший, мирзо, девонбеги, амир, хон, вазир* каби давлатчилик ва ҳуқуққа оид лексик бирликлар (терминлар) иштирок этган матнлар, дастхатлар ўз даври ёзма нутқининг дастлабки намуналаридир.

Бу услубнинг ижтимоий вазифаси ҳозирги кунда ҳам жуда кенг бўлиб, барча расмий ҳужжатлар мана шу услубда ёзилади.

Жумладан, бу услубда *қонунлар, қарорлар, фармонлар, буйруқлар, резолюциялар, турли дипломатик битимлар, шартномалар, декларациялар, конвенциялар, махсус расмий ахборотлар, ҳуллас, турли мавзудаги аризалар, таржимаи ҳол, тавфсифнома, тилхат*, турли хил *баённомалар* етакчи ўрин тутаети.

Расмий услуб, асосан, ёзма; баъзан оғзаки шаклда реаллашади. Бу услубнинг асосий хусусиятлари:

1. Аниқлик. Одатда, бундай ҳужжатлар тилида ҳеч қандай ноаниқлик, ғализлик, ортиқча изоҳталаб ўринлар бўлмайди. Фикр, мазмун содда, лўнда, тушунарли ифодаланади:

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим тармоқлар юридик шахсларнинг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин. (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 13-модда).

2. Қолип. Фикр тайёр ҳолдаги нутқий штамплар–қолиплашган бирикмалар ёрдамида баён этилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ФАРМОНИ

О.Шарафиддиновга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида.

Мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шуҳратини ва обрўсини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ижтимоий соҳаларни равнақ топшириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун Шарафиддинов Озод Обидовичга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон– «Олтин Юлдуз» медали топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.А.Каримов

Тошкент шаҳри, 2002 йил 23 август.

Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисини *сайлаш тўғрисида* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарор қилади: Фарруха Фахриддиновна Мухиддинова Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э.Халилов

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 апрель

Расмий услубга хос ҳужжатларни хусусиятларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Юридик муносабатлар доирасидаги ҳужжатлар: *қонун, кодекс, ҳукм, фармон, фармойиш, қарор, низом* ва б.

2. Маъмурий-идоравий доирадаги ҳужжатлар: *буйруқлар, ариза, тавсифнома, таржимаи ҳол, маълумотнома, тилхат* ва б.

3. Дипломатик муносабатларга оид ҳужжатлар: *битим, баёнот, нота, коммюнике, меморандум, конвенция, декларация* ва б.

Бу ҳужжатларнинг барчаси ўзига хос лисоний хусусиятларга эга бўлса-да, мазкур ҳужжатларда тил икки хил вазифани бажаради. 1) информатив (ахборот бериш); 2) волюнтатив (буюриш). Жумладан, *маълумотнома* расмий гувоҳлик белгисига эга бўлади ва унда хабар бериш вазифаси амалга ошади. *Буйруқ, қарор ва фармонда* буюриш вазифаси амал қилади. *Баённомаларда* эса буюриш (*зиммасига юклансин, бажарилсин, тасдиқлансин...*) маъносидан ташқари, ахборот бериш (*эшитилди, тингланди, муҳокама этилди*) вазифаси ҳам ўз инъикосини топади. *Ариза* илтимос, шикоят маъноларини билдиради.

Расмий услуб диалектизмлардан, жаргонлардан, кичрайтириш-эркалаш қўшимчаларини олган сўзлардан, жонли сўзлашув нутқи элементларидан холи бўлади. Тасвирий воситалар,

образли сўзлар бу услубда қўлланилмайди. Сўроқ, ундов, модал сўзлар ниҳоятда кам қўлланилади.

Расмий услубда ҳар доим расмийлик маъноси устун туради. Тилдаги расмий услуб учун хос бўлган сўзлар ва қолиплашган барқарор иборалар, қатъий одат тусига кириб қолган шакллар ҳужжатлар тилига хос лексик-грамматик хусусиятлар ҳисобланади. Масалан, *муҳокама қилинди, қарорига мувофиқ, маълумот учун қабул қилинсин, рухсат беришингизни сўрайман, ишонч билдираман, тадбирлар ишлаб чиқилсин, зиммасига юклансин* каби.

Расмий услубнинг лексик хусусиятлари

Расмий услубда ёзиладиган ҳужжатлар турли-туман бўлганлигидан, уларнинг лингвистик хусусиятлари ҳам бошқа услублардан фарқ қилади.

Бу услубда қўлланиладиган луғавий бирликлар, терминлар бошқа услубларда учрамайди. Айниқса, юридик ҳужжатлар тилига назар ташласак, мазкур ҳужжатлар матнлари таркибида қўлланиладиган сўз ва терминлар катта бир лексик қатламни ташкил этади: *маъмурий жавобгарлик, босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик, айбдор, рецидив жиноят, жабрланувчи, судлануви, гувоҳ* ва ҳоказо.

Расмий услубнинг термин ва сўзларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Дипломатияга оид терминлар: *элчи, консул, делегация, баёнот, декларация, вакил, ультиматум, битим, шартнома, нота, консулхона, элчихона, декрет, доктрина, аҳднома, коммюнике, конвенция, ратификация, меморандум, дипломат, протест, музокара, учрашув, расмий визит, мурожаат, симпозиум, резолюция, парламент, конгресс* ва ҳ.к.

2. Ҳуқуқ, қонунга оид терминлар: *ҳуқуқ, қонун, конституция, қонунлар лойиҳаси, модда, жиноят, жазо, босқинчилик, фирибгарлик, нотариус, криминалистика, енгил жазо, оғиз жазо, айблов ҳукми, жиноят объекти, маҳкум, ўта хавфли рецидивист, ҳуқуқий онг, даъво* ва ҳ.к.

3. Давлат қурилиши ва бошқаруви билан боғлиқ терминлар: *давлат, суверен давлат, унитар давлат, тоталитаризм, республика, давлат герби, давлат байроғи, давлат мадҳияси,*

конституция, президент, парламент, Вазирлар Маҳкамаси, президент девони, туман, вилоят, ҳоким ва б.

4. Расмий услуб ҳужжатларида эскирган сўз ва иборалар маълум мақсадда қўлланади: *жаноб, жаноби олийлари, шох, шаҳзода, малика* ва ҳ.к. Бундай сўз ва иборалар, асосан, ҳукуматлараро табрик хатларида қўлланилади.

Расмий услуб ўзига хос грамматик хусусиятлари билан ҳам бошқа услублардан ажралиб туради:

а) шахс отлари кўп қўлланилади: *гувоҳ, даъвогар, терговчи, прокурор, ижрочи, жавобгар, жиноятчи, эр, хотин, Давлат маслаҳатчиси, вазир, Вазирлар Маҳкамасининг раиси,*

б) феълнинг буйруқ майлидаги луғавий бирликлар фаол ишлатилади: *юклансин, топширилсин, аниқлансин, тайинлансин, озод қилинсин, бажарилсин;*

в) феълнинг мажҳул нисбатдаги шакллари ҳам расмий услубга хосдир: *кўрилади, тайинланади, сайланади, бажарилади,*

г) қисқартма отлар: *МДХ, БМТ, ЖК, ЖПК, ЮНЕСКО* ва б.

Расмий услубнинг синтактик қурилиши қатъий ва одатдаги сўз тартибига риоя қилади, яъни эга гапнинг бошида келса, кесим гапнинг охирида келади. Шунингдек, аниқловчи бўлақлар аниқланмишлардан олдин қўлланса, тўлдирувчи феъл кесимга бошқарув йўли билан боғланади.

Расмий ҳужжатлар матни учун асосан икки бош бўлакли содда гаплар ва мураккаблашган синтактик бутунликлар хос бўлиб, бу гапларнинг аксарияти дарак ҳамда буйруқ мазмунида бўлади. Бундай гапларнинг кесими, асосан, буйруқ майлида, мажҳул нисбатдаги феъллар билан ифодаланади. Уюшиқ бўлакли ва турли мураккаблашган қурилмалар, олмошли ва боғловчи синтактик алоқалар, расмий-юридик матнларга хос (ёйиқ аниқловчилар, уюшиқ бўлақлар билан кенгайиб келадиган)...*га мувофиқ,-га асосан,- биноан* каби киритмалар расмий услуб синтаксисининг асосий лисоний белгиларидир.

Бўлажак юрист - кадрлар амалиётида расмий услуб хизмат қилиши шубҳасиз. Шунинг учун бу услубнинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини етарли ўрганиш уларнинг келгуси ижтимоий ҳаётида сув ва ҳаводек зарур. Юристар тузган ҳужжатларнинг барчаси расмий услубда, адабий тил

меъёрлари асосида тузилмоғи лозим. Бунга риоя қилмаслик услубий хатоларини келтириб чиқаради.

2-§. Сўзлашув услуби

Сўзлашув услуби адабий тилнинг оғзаки шаклидир. Албатта, бу услубда ҳам адабий тил меъёрларига амал қилинади. Сўзлашув услубидаги нутқ диалогик шаклда бўлади. Бу услуб расмийликдан холи бўлади. Яъни сўзлашув услубида китобий услубларда қўлланадиган *таклиф қилди, собиқ, масалан, ташриф буюрди* каби сўзлар ўрнида *чақирди, олдинги, мисол учун, келди* каби сўзлар қўлланилади.

Сўзлашув услубидаги нутқда тил воситаларидан фойдаланиш эркиндир. Бу услубда кўчма маъноли сўзлар, фразеологизмлар, диалектизмлар, вульгаризмлар кўп қўлланади. Турли экстралингвистик омиллар (*жест – қўл, бош, гавда ҳаракатлари; мимика – юз ҳаракати, қиёфа ўзгариши.*) сўзлашув услубининг ўзига хос белгиларидир.

Сўзлашув услуби лексикасини эмоционал бўёқли сўзлар ташкил этади. Гапириш, сўзлашдан мақсад инсон ўз фикр-мулоҳазалари, орзу-истаклари, қувонч-шодликларини ифодалаш ва тингловчи қалбига етказишдир. Шу боис бунда тилдаги турли луғавий бирликлар, грамматик воситалардан фойдаланилади. Сўзлашув услубида киши нарса ва ҳодисаларнинг номини аташ билан кифояланмай, балки уларнинг асосий кўзга ташланувчи белги хусусиятини жонли, эмоционал ифодалаш учун таъсирийлиги кучли бўлган содда сўзлашув воситаларидан кенг фойдаланади.

Масалан, *чиройли* сўзи оддий, бетараф, ҳеч қандай қўшимча услубий маънога эга эмас. Унинг бадиий услуб учун хос синонимлари *зебо, гўзал* бўлса, *кетворган, офатижон* синонимлари оддий сўзлашув учун хос бўлган эмоционал сўзлардир.

Бу услубда *оғзи қулоғида, жони чиқди, тарвузи қўлтиғидан тушди, тагига сув кетди, ичаги узилди* каби фразеологик бирликлар кўп қўлланади.

Сўзлашув услубида қариндош-уруғни билдирувчи атама-ларга услуб талаби билан *-жон, -хон, -ой, -гина, -пошша, -қул*

каби қўшимчалар қўшилиб айтилади ва бу эса сўзловчининг субъект ҳақидаги ижобий ёки салбий муносабатини англатади: *онажоним, укажон, холажон, болагинам, қизгинам, келинпошша* ва ҳ.к.

Нутқ одобига биноан сўзловчи ўз нутқида тингловчини ранжитмаслик учун қўпол, ёқимсиз, ҳақорат маъноларини ифодаловчи сўзлар ўрнига уларнинг силлиқроқ, ёқимлироқ вариантларини ишлатиши зарур, бу маданиятлиликнинг асосий белгиси ҳисобланади. Масалан, *хотин* дейиш ўрнига *онаси, куёв* дейиш ўрнига *куёвингиз, қудам* дейиш ўрнига *қудамлар, туғди* дейиш ўрнига *кўзи ёриди* ёки *фарзанд кўрди* каби сўз ва бирикмаларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Сўзлашув услубида тушум, қаратқич келишиклари қўшимчаларининг тушиб қолиши, отлар ўрнига асосан, олмошларнинг иштироки билан нутқий тежамкорлик вужудга келади. Масалан, *китоб ўқидим, фикр айтинг, мулоҳазалар айтинг; ариқ суви, тоғ ҳавоси; Ким келди? Қаерда? Қачон?* Нутқ тежамкорлигида нафақат соддалаштириш; ортиқча жимжимадор, тушунилиши қийин бўлган тил бирикларини қўлламаслик фикр равонлигини ҳам таъминлайди.

Узун жумлаларда бериладиган фикрлар бир сўз ёки сўз бирикмасига, содда йиғиқ гапларга сингдирилади. Масалан, *Тўйга айтдик. Салим келмади?* Бў жумланинг тўлиқ шакли: *Акам қизини чиқарган эди. Тўй шаҳардаги «Наврўз» ресторанида бўлди. Таклиф қилинган меҳмонларнинг ҳаммаси келди. Тўйга таниқли хонандалар ҳам келган эди, тўй роса қизиди. Нега Салим келмади, уйи тинчмикан?*

Кўплик қўшимчаси *-лар* сўзлашув услубида ўз маъносидан ташқари бир қатор услубий вазифаларни бажаради: а) киноя, кесатиқ маъносини: *Кўринмайдилар? Ишлари кўпми?;* б) ҳурмат: *Дадамлар келдилар.;* в) фикрни бўрттириш: *Акамдан балоларга қолдим.;* г) тахмин: *Соат бешларда келса керак* ва ҳ.к.

Қўшма феъллар қисқарган шаклда қўлланади: *опкелинг, оборинг, жўнатворинг, кузатвор.*

Сўзлашув услубида асосан йиғиқ гаплар, тўлиқсиз гаплар, сўз гаплар, ундалмали гаплар кўп қўлланади. *Келдими? Кўрдингми? Ҳа! Йўқ! Бор! Келди. Бугун. Ўзлари.*

Бу услубда сўзлар тартиби эркин бўлади.

3-§. Публицистик услуб

Публицистик услуб – ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бо-риладиган, асосан ижтимоий-сиёсий ҳаёт ёритиладиган нутқ кўринишидир. Публицистик услуб ўзининг образлилиги, ҳиссий-таъсирий хусусияти билан бадиий услубга, ёрқинлиги, аниқлиги ва терминологик лексикаси билан илмий услубга яқин туради.

Ижтимоий-сиёсий масалаларни кўтариб чиқиши, таҳлил услуби, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишга ундашнинг фаоллиги, ўзига хос терминлар, асосан сиёсий терминларнинг кўп қўлланилиши сингари хусусиятлар публицистик ва илмий услубнинг ўхшаш томонларидир.

Публицистик ва бадиий услубнинг ҳам ўхшаш томонлари мавжуд. Иккала услубда ҳам образли ифодалар, тасвирий воситалардан кўпроқ фойдаланилади. Сўз ва терминлар сиёсий маъносининг бадиий услуб элементлари билан қоришган, уйғунлашган ҳолда ифодаланиши публицистик нутқнинг савиясини янада кўтаради ва унинг таъсирчанлигини оширади.

Публицистик услубда ижтимоий-сиёсий терминлар, газета ва журналларга хос махсус ифодалар, бирикмалар, қатъий қолиплашган қурилмаларнинг тез-тез қўлланилиши бу услубнинг ўзига хос хусусиятларидандир: *мустақиллик, ички таҳдид, ташқи таҳдид, совуқ уруш, очиқ овоз, ёпиқ овоз, буюк хизматлари учун, расмий визит билан, миллий истиқлол мафкураси, халқ эътиқоди, буюк келажакка ишонч, шахс билан давлат муносабатлари, жамиятимизнинг фаол иштирокчиси, мафкуравий бўшлиқ, хавфсизликка таҳдид* ва ҳ.к.

Публицистик услубда ҳиссий-таъсирий сўзлар ва бирикмалардан, мақол ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланилади. Мақол ва ҳикматли сўзлар бу услубда сарлавҳа номи бўлиб ҳам келади ҳамда мазкур услубнинг янада ёрқинроқ бўлишини таъминлайди. Масалан, *Яхшидан боғ қолади. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Мард майдонда синалади. Ватан, эл манфаати муқаддасдир.*

4-§. Илмий услуб

Илмий услубда фан ва техниканинг турли тармоқларига оид илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзилади. Бу услуб аниқ, далилий маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосалар (қоидалар, таърифлар)га бой бўлиши билан бошқа услублардан фарқланади. Илмий услуб ҳам адабий тилнинг кўриниши бўлиб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эга: монологик белгилари билан бошқа услублардан ажралиб туради; образли тасвирлар билан эмас, балки аниқ маълумотларнинг *холис, умумлашган* хусусиятларини таърифлаш, тушунчаларга мувофиқ келадиган терминлар билан иш кўради. Китобхоннинг ҳис-туйғусига эмас, онгига таъсир этади.

Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзига хос терминларидан фойдаланилади. Масалан, *жиноят, жазо, афв, ҳукм, озодликдан маҳрум этиш, давлат тили, давлат чегараси, унитар давлат, тергов, алиби, кодекс* юриспруденция тармоқларида; *жамият, онг, тафаккур, мушоҳада* фалсафада ва ҳ.к. Илмий услубда сўзлар асосан ўз маъносида қўлланади, қоида ёки таърифнинг мазмунини очишга хизмат қиладиган ажратилган бўлақлар, кириш сўз ва бирикмалар, шунингдек, қўшма гаплардан кўпроқ фойдаланилади.

Илмий услубда қўшма гаплардан *шу сабабли, шундай бўлса, бундай вақтда, шунга қарамасдан* каби воситалар ёрдамида боғланувчи эргаш гапли қўшма гаплар кўпроқ ишлатилади. Чунки бундай гаплар сабаб ва натижа ҳамда бошқа муносабатларни аниқ ифодалай олади. Боғловчисиз қўшма гаплар бу услубда камроқ ишлатилади.

Илмий матн қурилишининг мантиқий изчил бўлиши унда бошланмалар, гап қисмларини боғлаш учун *шундай қилиб, шу сабабли, бундан кейин, кўринадики, шунга кўра, шу билан бирга, айтилганларга кўра* каби сўз ва сўз бирикмалари қўлланади. Кўп қўлланиладиган *биринчидан, бир томондан, иккинчи томондан, хуллас, демак* шаклидаги кириш бўлақлар ҳам юқоридаги мақсадларга хизмат қилади.

Илмий услубда фикрнинг аниқ бир шахс томондан баён қилинаётгани сезилмайди. Унда кўпроқ феълнинг мажхул нис-

батидан фойдаланилади: *далиллар келтирилган, тажриба ўтказилади, фойдаланилади*. Юқорида кўриб ўтилган хусусиятлар илмий услубнинг лисоний белгиларидир. Бу белгилар мазкур услубнинг бошқа услублардан фарқини кўрсатувчи асосий хусусиятлар ҳисобланади.

4-боб. Нутқ маданияти ва тилнинг тасвирий воситалари

Мукамал ҳаққоний тасвирламоқ учун, энг аввало, реалист кўзи билан мукамал кўра олмоқ лозим ва тўғри фикрлаш ҳам айни фикр ифодаси учун фавқулудда мувофиқ ва мақсадли сўз-ни топа олишга ёрдам беради. Бундан келиб чиқадики, сўз қўл-лашда хатоликка йўл кўйиш, мазмунга путур етказди. Бир сўз-га бутун бошли воқеалар, муайян даврнинг маъною мазмунини сингдира олиш нотикдан тилнинг тасвирий воситаларидан мақ-садга мувофиқ ифодаларни танлай олишни талаб этади.

Лекин тасвирий воситалардан зўрма-зўраки, керак бўлган-бўлмаган ўринда атайлаб нутқни бежама қилиб кўрсатиш учун фойдалана бериш ярамайди. Уларга нотик зарурат туғилган-дагина мурожаат қилиши лозим, акс ҳолда ноўрин қўлланган тил воситалари нутқнинг қимматини ошириш ўрнига унга сал-бий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

1-§. Тасвирий ифодалар – нутқ безаги

Нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи асосий воситалардан бири тасвирий ифодалар (парафразалар)дир. Парафраза-пред-мет ёки воқеа ва ҳодисаларни ўз номи билан эмас, балки улар-нинг ўзига хос белги-хусусиятларини тасвирий усул орқали ифодалаш жараёнидир. Масалан, *оқ олтин - пахта, оқ олтин ижодкорлари - пахтакорлар, кумуш тола - пилла, ҳақиқат қўр-ғони - суд органи, ҳаётимиз қомуси - Конституция, жамиятнинг яраси - ўғри ва фоҳишалар, ҳуқуқ посбонлари - юристлар, жаҳон банкининг ватани - Швейцария* ва ҳ.к.

Тасвирий ифодалар услубий восита сифатида нутққа об-разлилик, кўтаринкилик, таъсирийлик бахш этади, жамият та-раққиёти талабларидан келиб чиқиб нотикнинг луғат бойлигини оширади, нутқни безайди. Айниқса, юристлар фаолиятида, жумладан, адвокатларнинг нутқ жараёнида такрорлардан, ор-тиқча қайтариклардан қочиб имконини беради. Бўлғуси про-куратура ходимларини, судларни, адвокатларни сўзамолликка, тингловчини эса фалсафий мушоҳада этишга ундайди. Шунинг-дек, парафразалар фақат жозибадорлик ва образлилик, нутқни

бойитиш, унинг мазмунини кўтариш учунгина эмас, балки жамиятнинг олға қадам қўйишга тўсқинлик қилаётган иллатларни фош қилиш, улардан қулиш ва уларга нисбатан қарши курашга чақириш мақсадида ҳам қўлланилади. Бинобарин, тасвирий ифодалар предмет, воқеа-ҳодисаларнинг ўз номи орқали юзага чиқмаган муҳим хусусиятини тасвирлаб, бўрттириб, изоҳлаб ва тўлдириб кўрсатишда нутқий восита ҳисобланади.

Ҳар қандай маърифатли одам ўз фаолиятида тасвирий ифодалардан ўринли ва унумли фойдаланса, унинг оғзаки ва ёзма нуқти безанади, таъсирчан бўлади. Ваҳоланки, тасвирий ифодалар нутқий восита сифатида оғзаки нутқимизга ҳам, ёзма нутқимизга ҳам чирой бахш этади. Қолаверса, парафразалар тилимиз бойлиги, маъно имкониятларининг нақадар кенглигини кўрсатувчи омиллардан бир ҳисобланади.

Тилда сўз маъноларининг ўзгариши тасодифий бўлмай, балки жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ қонуний ҳодисадир. Жамият тараққиёти натижасида вужудга келган янги предмет ёки ижтимоий ҳаётда вужудга келаётган тушунчалар ҳар доим ҳам янги сўзлар орқалигина ифодаланмай, балки предметнинг маълум белги-хусусиятларини, ўзига хос томонларини очиб берувчи сўзнинг маънолари орқали ҳам тасвирланади. Шунга кўра, сўз маънолари кўчади, кенгаяди ёки тораяди. Сўз маъноларининг кенгайиши ва кўчган ҳолда қўлланилиши тилнинг, яъни луғат бойлигини оширувчи омиллардан биридир.

Бундан ташқари, сўзларни кўчма маънода қўллаш луғат бойлигини кўрсатувчи, нутқ равонлиги, ифода мазмундорлигини таъминловчи, образлилик яратишга хизмат қилувчи муҳим восита сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Тилда сўз маънолари метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик йўллари (усуллари) орқали кўчади. Бу усуллар тилшуносликда янги сўз ҳосил қилувчи воситалар тарзида қайд этилади. Тасвирий ифодалар (парафразалар)нинг ҳосил бўлишида ҳам ушбу усуллар алоҳида рол ўйнайди. Масалан: *оқ олтин -пахта, қора олтин-нефть ёки дала маликаси маккажўхори* (метафора усулида); *ўзбек романчилик мактабининг асосчиси, ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг султони* (метонимия), *чарм қўлқоп эгаси, жамиятнинг яраси* (синекдоха)

кабиларда муайян предметга хос белгининг *номи* бошқа предметдаги белгига *ном* сифатида кўчирилган. Шунга кўра, тасвирий ифодалар тизими бойиб бораверади.

Ҳар қандай номни бошқа ном билан алмаштириш парафраза бўлавермайди. Алмаштирилган ном билан тасвирий ифода (парафраза) ўртасида мазмуний жиҳатдан қандайдир боғлиқлик, алоқадорлик, яқинлик бўлиши керак. Шу билан бирга, номи алмаштирилаётган нарсанинг муҳим аҳамиятли томони, хусусияти тўғрисида тингловчида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши лозим. Ана шундагина у ҳақиқий парафраза бўла олади. Масалан, *ҳуқуқ посбонлари, пайғамбар ёши, юртбоши, мўйқалам соҳиблари, мустақиллигимиз меъмори.*

2-§. Мақол ва иборалар – нутқ кўрки

Нутқ кўрки бўлган мақоллардан фойдаланиш нотикнинг сўз бойлигини янада орттиради, унинг нутқини ўткир ва таъсирли қилади, унга бадиий жиҳатдан сайқал беради. Мақолларни чуқур мушоҳада этсангиз уларда бутун-бутун китобларнинг мазмунига тенг ҳис-туйғулар ифодаланган бўлади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари орасида нутқ маданиятини пухта эгаллашга, тилнинг кадр-қиматини чуқур англашга даъват этувчи мақоллар кенг ўрин олган. Бу турдаги мақолларда сўзнинг сермаъно ва ўткир, фикрнинг қисқа ва ихчам бўлиши каби муҳим фазилатлар ўз аксини топган. Масалан, *Тилга эътибор - элга эътибор. Тилга ҳурмат - элга ҳурмат. Халқ сўзи - денгиз тўлқини. Тил - қиличдан ўткир.*

Кўпгина мақолларда тилёғламалик, ортиқча сафсатабозлик қораланади; ихчам, қисқа, лекин маъноли гапириш, ростгуй ва ширин сўзлаш улуғланади. Масалан, *Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам соз сўзлар. Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши. Оз сўзла, кўп тингла.*

Мақоллар киши англатмоқчи бўлган маънони образли қилиб ифодалаш учун хизмат қилади, нутқнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Бундан ташқари, фикрни алоҳида таъкидлаш учун хизмат қилади ва унинг сиёсий ва маънавий ўткирлигини

оширади, ғоят мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини ойдинлаштиради, фикрнинг нишонга тегишини таъмин этади.

Маънавий-ахлоқий мазмунга эга бўлган хилма-хил, ранг-баранг мақоллар услубий вазифаси жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Мақолларда кенг ва теран ғояни қисқа, ихчам шаклда ифодалаш кишиларни нутққа эътибор бериш ва талабчан бўлишга ўргатади, тўғри ва мантиқий фикрлашга ёрдам беради, мушоҳадага ўргатади.

Мақоллардан фойдаланишда уларнинг тушунарли бўлиши, ўз ўрнида тўғри ишлатилишига, нутқнинг аниқ ва таъсирчан қилишига эътибор бериш лозим. Мақолларни нотўғри, бузиб ишлатиш ҳам уларнинг маъносига путур еткази.

Нутқий таъсирчанлик фразеологизмларни қўллаш билан ҳам вужудга келади. Оддий сўзга нисбатан фразеологизмлар (иборалар)да таъсирчанлик кучли бўлади. Масалан, Боя қишлоқдан дадаси келди. Дадаси нимадандир асаби бузилиб, *қовоғидан қор ёғиб* келди-ю, ўғли билан кўришиб бўлмасданок Воҳид Миробидов кўнғироқ қилди (О. Ёқубов). Бу гапдаги *хафа* маъносини ифодаловчи *қовоғидан қор ёғиб* фразеологизми фикрнинг таъсирчанлигини оширган.

Фразеологизмлар заминида узоқ ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, турмуш ҳақиқати инсон онгида мужассамлашган, сайқаллашган образларнинг тасаввурлари сиқик, синтактик қолиплашган бўлиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган. Фикримизнинг исботи учун мисолларга мурожаат этайлик: *бир ёқадан бош чиқарди, шайтонга дарс беради, чучварани хом санама, темирни қизиғида бос, сувга олиб бориб суғормай келади, бели оғримаганнинг нон ейишини қара, тегирмонга тушса бутун чиқади, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди, тўйдан олдин ноғора чалма, тепа сочи тика бўлди, кўзи тўрт бўлди* ва ҳ.к.

Фразеологизмларнинг мақолга айланган қисми халқ ақл-идрокининг махсули, унинг ҳукми, кўп асрлик тажрибалари, турмушдаги турли воқеа ҳодисаларга ақлий муносабати натижасидир. "Халқ мақоли-халқнинг мулкидир. Мақол қайғуси-халқ қайғуси, мақол ғазоби - халқ ғазоби, мақол кулгуси - халқ кулгуси ва мақол кинояси - халқ кинояси демакдир".

Ҳаётда инсонлар гоҳо севинади, қувонади, гоҳо қайғу, аламли кечинмаларга дучор бўлади. Ана шундай турли-туман руҳий ҳолатларга, теварак-атрофдаги воқеа ҳодисаларга муноабатда кишилар ўз нутқларида тайёр ҳолдаги қолипашган ибораларга мурожаат этадилар.

Чунончи., *ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ дейди* (бирор айб топиб камситиш), *ўл десанг ўлади, тирил десанг тирилади* (гапга кирадиган киши ҳақида), *бурнидан булоқ бўлди* (зое кетди, татимади), *она сути оғзидан кетмаган* (гўдак), *пешонаси тақ этиб деворга тегди* (ўз билганидан қолмай, охири ҳоли танг бўлди), *ўз ёғига ўзи қовурилди* (руҳий азоб чекди), *баланд охурдан ем еган* (димоғдор), *арқонни узун ташлади* (бирор ёмон, ноўрин ишнинг оқибатини кутиш), *тарвузи қўлтиғидан тушди* (мақсади пучга чикди), *қулоғидан кун кўринади* (жуда озғин, бетоп одам ҳақида) ва ҳ.к.

3-5. Сўз маъноларининг кўчиши – нутқнинг тасирчанлигини оширувчи восита сифатида

Маълумки, сўзлар нутқда ўз маъносидан ташқари кўчма маънода ҳам қўлланади. Сўзнинг кўчган маънолари нутқни кўп-лаб маъно товланишлари билан таъминлайди. Юристарлар ҳам ўз нутқларида сўзларнинг ўз маънолари қаторида кўчма маъноларидан унумли ва ўринли фойдалана олиш маҳоратларини эгаллашлари мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг нутқлари шу асосдагина жозибали бўлади.

Нотиқ сўзларни ўз маъносида ишлатиш билан бирга, бирор воқеа-ҳодиса моҳиятини яққолроқ ва аниқроқ очиб беош учун сўзларнинг турли маъно товланишларига мурожаат қилади. Сўзнинг кўчма маънолари туфайли нотиқ нутқининг таъсирчанлиги таъминланади. Тилда сўзнинг кўчма маънолари ҳамда уларнинг нарса ва воқеликка бўлган муносабатига қараб бундай лисоний ҳодисалар қуйидагича номланади: *метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик.*

Метафора

Нутққа образлилик эмоция (турли ҳис-туйғулар) бериш учун нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар

ва ибораларнинг кўчма маънода қўлланилиши *метафора* дейилади.

Уйғун ва Иззат Султоннинг "Навоий" драмасидан келтирилган қуйидаги парчага мурожаат қилайлик:

Навоий:

*Кўзимнинг нури кел, тоза гулим, кел!
Кунгил боғида сайроқи булбулим. кел!*

Биз бу мисралардаги *кўзимнинг нури, тоза гул, сайроқи булбул* бирикмаларини тўғри маънода тушунмаймиз, балки улар орқали Навоийнинг севгилиси - Гулини тушунаимиз.

Ёки, кишининг ёшлигини *ғунча*, йигитлик даврини *умрнинг гули* каби сўзлар бирикмаси билан; *ўлди* сўзини *хазон бўлди, сўлди* каби сўзлар билан алмаштириш мумкин. Чунки бу сўзлар англатган маънолар ўртасида қандайдир умумийлик мавжуд.

Метафоранинг нутқда қай даражада услубий вазифа бажариши бевосита шу кўчим учун асос бўлаётган ўхшашликнинг моҳияти билан ҳам боғлиқдир. Метафоралар очиқ ўхшатиш натижасида вужудга келса, у асосан, номинатив вазифани бажаради. Шунингдек, метафоралар нутқда лексик воситаларни тежаш вазифасини бажаради. Масалан, *оҳу кўз, мрамар билак* метафорик бирикмалари *оҳу кўзидай чиройли кўз, мрамардай оппоқ билак* маъноларини ифодалайди. Ушбу маъноларни метафорик ифодалаш натижасида *кўзидай, чиройли, оппоқ* сўзларининг қўлланилмаслиги сабабли маълум миқдорда нутқнинг таъсирчанлигини кучайтирганлигини сезиш мумкин.

Метонимия

Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки предметдан биринчисининг номи билан иккинчисини аташ ҳодисаси *метонимия* дейилади. Метонимияда бирор нарса ёки тушунча бошқа ном билан ифодаланади, бироқ бу номлаш нарса ва тушунчалар ўртасидаги ўхшашликка эмас, балки улар ўртасидаги яқинликка, алоқадорликка асосланадн. Шу жиҳати билан метонимия метафорадан фарқланади.

Метонимиянинг бир қанча кўрнишлари бўлиб, улардан кўп қўлланиладиганлари қуйидагилардир:

1. Машҳур адилларининг номлари асарлари ўрнида қўлланади. Масалан, *Навоийни ўқидим, Ойбекни мутолаа қилмоқда.*

*Фузулийни олдим кўлимга,
Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирди,
Ва Навоий тушиб йўлимга,
Фарёд билан ўрнидан турди.*

*Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Ахир кўлга олдим Ҳофизни.
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни*

(Ҳ. Олимжон)

2. Маълум ҳудуд - қишлоқ, шаҳар, мамлакат, давлатда яшаб турган кишилар маъносини шу ҳудудга, мамлакатга ёки давлатга кўчирилади. Ўқирган арслон каби кўк гумбазни титратиб, Поль Робсон қўшиқ айтар, тинглайди бутун *олам*.

(Ғ.Ғулом)

Бу мисрадаги *олам* сўзи одамлар, кишилар маъносида қўлланган. Бутун *қишлоқ* билади. *Марғилон* кўчиб чиқди. *Зал* гуриллаб кулиб юборди.

Синекдоха

Қисмнинг номи билан бутунни аташ ёки аксинча, бутуннинг номи билан қисмни аташ ҳодисаси синекдоха дейилади. Масалан, Хўжалиқда *туёқлар* сони камайиб кетганлиги учун мутасадди шахслар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Боғдаги *олмалар* суғорилди. У *тирноққа* зор. Келтирилган мисоллардаги *туёқлар* сўзи моллар ёки қўйлар сўзлари ўрнида қўлланган бўлса, *олмалар* сўзи дарахтлар сўзи ўрнида, *тирноқ* сўзи эса фарзанд маъносида қўлланган.

4-§. Нутқий равлонликни бузувчи баъзи омиллар

Нутқ маданияти сўз ва сўз бирикмаларини ўз ўрнида ишлатиш, жумлаларни грамматик жиҳатдан адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда тузиш, фикрни лўнда, ихчам шаклда ифода этишни талаб қилади. Сўз нутқ ҳосил қилишнинг бош омили. Шундай экан, аввало сўз танлаш, сўзларнинг нутқий

имкониятларидан ўринли фойдаланиш маданий нутқдан талаб қилинадиган биринчи шартдир.

Маълумки, нутқнинг мазмун ва моҳиятига мос, сўзни топиш ва мақсадга мувофиқ ишлатиш осонлик билан юзага келмайди. Бу жараён тилни яхши билишни, сўз танлаш ва уни қўллаш жараёнида фикрнинг мантиқий йўналиши ва англатган моҳиятини тўғри англаш зарурлигини тақозо этади.

Сўзни тўғри танлаш ва ўз ўрнида ишлатиш нутқнинг лексик, услубий ва грамматик томондан аниқ, мақсадга мувофиқлигини таъминловчи муҳим жараён. Бинобарин, сўзнинг ифодалилик кўлами кенг. Тилдаги ҳар сўз маълум бир ўринда (матнда) шу сўз ифодаладиган бош маънога қўшимча равишда, ҳали одамлар илғаб ололмаган қўшимча маъно нозикликларини ҳам бера олади. Тилда мавжуд бўлган ҳар бир сўз ўз луғавий маъносига эга. Лекин бу ҳол сўзни батамом тавсифлай олмайди.

Чунки сўз матнда ўз луғавий маъносини бутунлай йўқотиши, биз англамаган маъноларни ифодалаши мумкин. Сўзнинг турли жилолари матнда юзага чиқади. Сўз матнда қўлланилганда луғавий маъно ифодалаганидек грамматик маъно ҳам ифодалайди. Матнда қўлланаётган ҳар қандай сўз луғавий ва грамматик маънолари билан шу матндаги бошқа сўзларга ҳамоҳанг келсагина жумла равон, фикр мазмундор, ифодали ва таъсирчан бўлиб, бундай нутқ услубан сайқал топган бўлади. Сўзни нутқда ноўрин қўллаш, беҳуда такрорларга, қайтариқларга йўл қўйиш нутқ жозибасини бузади ва мазмунга путур етказди.

Натижада фикрнинг мазмуни тингловчиларга тушунарсиз бўлиб қолади. Шунинг учун сўзларни танлаш ва уни нутқда ўринли қўллаш кишидан катта мушоҳада ва маҳорат талаб этади. Лекин сўз танлаш ва уни нутқ жараёнида ўринли ва тўғри қўллашда қийинчиликлар туғдирувчи турли луғавий бирликлар ҳам мавжуд. Маънодош ва кўп маъноли ҳар хил сўзларни, пароним ва дублетларни, диалектизмларни, илмий терминлар ва касб-ҳунарга оид сўзларни нутқ жараёнида мақсадга мувофиқ қўллаш нотиқдан катта маҳоратни талаб қилади. Жумладан, синонимлар ҳамма вақт ҳам нутқда бири бажарадиган вазифани иккнчиси бажара олмаслиги мумкин. Масалан: *инсон, киши, одам, башар, шахс* сўзлари синонимлардир.

Лекин мазкур синонимик қатордаги сўзларнинг ўрнини ҳар доим ҳам алмаштириб бўлмайди. Қиёслайлик: *Инсон ва қонун* бирикмаси ўрнида *киши ва қонун, одам ва қонун, башар ва қонун ёки шахс ва қонун* бирикмаларини ишлатиб бўлмайди. Демак, матнда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни бўлар экан. Ёки, *жавобгар шахс, юридик шахс, жисмоний шахс* бирикмалари таркибида қўлланган *шахс* сўзи ўрнида уларнинг синонимларини қўллаш ҳам услубий ғализликларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, сўзни танлаш ва қўллашда унинг адабий тил учун меъёрийлиги асосий мезон ҳисобланади. Ҳар қандай нутқ аввало адабий тил меъёрларига мослиги билан гўзал бўлади. Нутқда адабий тил учун хос бўлмаган сўзларни ишлатиш нутқнинг таъсирчанлигини йўқотади. Сўзлар ва грамматик шаклларнинг адабий меъёрга мос равишда қўлланилмаслиги нутқни услубан бузилишига олиб келади.

Нутқ услуби ва таъсирчанлигини бузувчи омиллар асосан қуйидаги ҳолатларда вужудга келади:

1. Сўзларни нутқда ўз ўрнида қўлламаслик, айниқса, синонимлар ва паронимлардан нутқда ўринли фойдаланмаслик.
2. Жумлаларни грамматик қонун-қоидалар талабига мувофиқ туза билмаслик.
3. Ортиқча тарқорлар ёки ноўрин қайтариқларга йўл қўйиш.

5-§. Синонимларнинг нутқда қўлланилиши

Умумий маънолари бир хил бўлиб, қўшимча маъно нозикликлари, ҳиссий бўёқдорлиги, услуб хусусиятлари билан фарқланувчи сўзлар *синонимлар* дейилади. Синонимларнинг мавжудлиги тилнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Синонимлар сўз маъносидаги белги даража кўлами, ҳиссийлиги, нутқнинг маълум бирор тури учун хосланганлиги билан ажралиб туради. Синонимлардаги бу хусусият фикрнинг бутун нозиклиги билан ифодадай олиш имкониятини яратади.

Масалан: *юз, бет, чеҳра, жамол, афт, башара, турк, яноқ, рухсор, ораз* синонимик қаторидаги ҳар бир сўз ўз услубий нозикликларига эга. *Чеҳра, жамол, яноқ, ораз, рухсор* сўзлари

маънодаги ижобийлик даражасини ифодаласа, *афт, башара, турқ* сўзлари эса салбий бўёқдорлиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, синонимлар кенг ёки тор доирада қўлланиши билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Яъни, *ёлғиз* ва *танҳо* синонимларидан *ёлғиз* кенг доирада қўлланилса, *танҳо* тор доирада, китобий нутқдагина ишлатилади. Шунингдек, *шахс* сўзи, асосан, расмий услуб учун хос бўлса, *инсон* сўзи бадий услуб учун хос ҳисобланади. Чунки *шахс* сўзида унинг бошқа синонимлари (киши, одам, башар)га нисбатан расмийлик маъноси бўртиб туради.

Шунинг учун ҳам, синонимларни қайси сўз билан бирикиб маданий нутқ меъёрларига мос маъно ифодалай олишини ҳисобга олган ҳолда танлаб ишлатиш нутқни услубан равон бўлишини таъминловчи муҳим восита бўлганидек, нутқий маданийликнинг ҳам гаровидир. Масалан, *қамалсин* ва *озодликдан маҳрум* этилсин каби сўз ва терминлар синонимлар ҳисобланади. Уларнинг умумий маъноси битта. Лекин маъно ифодаланиши жиҳатдан улар кескин фарқланади. *Қамалсин* сўзи умумистеъмолдаги оддий бетараф маъноли сўз бўлса, *озодликдан маҳрум этилсин* термини расмий услуб учун хосланган ҳисобланади.

Синонимларнинг нутқий вазифаси чексиз. Синонимларнинг нутқда бажарадиган вазифаларидан бири нутқнинг эстетик таъсирчанлигини, нафосатни таъминлашдир. Нутқнинг эстетик таъсирчанлигини таъминлаш, аввало, сўз қўллаш маҳорати натижасида юзага келади. Бинобарин, нутқнинг гўзаллиги жумлаларни ихчам, мазмунли, оммабоп, грамматик жиҳатдан адабий тил меъёрларига мос ҳолда тузишдан бошлаб, унда иштирок этаётган сўзларнинг мантиқан бирикиб кела олиши, тугал бир маънони ифодалашга бекаму кўст хизмат қилишигача бўлган мураккаб жараёни қамраб олади. Нутқ эстетикаси фикр ифодалаш жараёнидаги ҳар бир ҳолатни ҳисобга олишни, фикрни аниқ ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзларни топиб қўллашни талаб этади.

Фикрни аниқ ифодалаш имконияти эса тилдаги бошқа сўзларга нисбатан синонимларда кучли. Синонимларнинг услубий хусусиятларини ўзаро фарқлаган ҳолда нутқда улардан ўринли фойдаланиш ҳам нутқнинг эстетик таъсирчанлигини таъмин-

ловчи омиллардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир нутқ тури (бадий, расмий, илмий) тилнинг мавжуд лексик воситаларидан маълум бир қисмини шу нутқда қўлланиши учун мослашишига олиб келади.

Бу эса синонимларнинг нутқлараро таснифланиши учун замин яратиб беради. Агар тилдаги ҳамма сўзлар бир маънони ифодаловчи битта сўзлардан иборат бўлганда эди, ҳар бир нутқ турининг ўзига хос бўёқдорлиги, жозибадорлиги ҳам бўлмасди. Тил оддий фикр ифодалашдан иборат бўлиб қолган бўларди. Тилнинг эстетик вазифаси чегараланарди. Шу маънода синонимлар тил ва нутқ учун катта имкониятлар яратувчи лексик воситалар бўлиб, уларнинг услубийлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда нутқда ўринли қўллаш нутқнинг эстетик жозибадорлигини оширишнинг гаровидир.

6-§. Тиниш белгиларининг услубий вазифаси

Тиниш белгилари услубий вазифа бажаради. Шунинг учун ҳам ёзма матнда фикр аниқ, раво ва тушунарли бўлиши учун улардан ўринли фойдаланиш лозим. Тиниш белгилари ёзувда, асосан, синтактик бўлинишни кўрсатиш ва шу билан бирга фикрни тўғри ифодалаш учун қўлланилади. Шунингдек, тиниш белгиларидан ҳис-ҳаяжонни ошириш, айрим сўзларга янги, қўшимча маъно бериш учун ҳам қўлланилади.

Ҳар бир тиниш белгиси ўзига хос услубий вазифа бажаради. Жумладан, вергул ёзма нутқни ихчам шаклда ифодалашга ёрдам беради. Қиёсланг: Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидага "Мойбулоқ" жамоа хўжалиги. Самарқанд вилоят, Каттақўрғон туман, "Мойбулоқ" жамоа хўжалиги. Иккинчи гапдаги вергуллар биринчи гапдаги -нинг, -даги шакллари ўрнида келиб, услубий ихчамликни ҳосил қилган.

Вергулни ўз ўрнида ишлатмаслик мантиқий хатога, нутқ ғализлигига сабаб бўлади. Масалан, *Қир-адирларда лола гуллар очилди* гапида *лола* сўзидан кейин вергул қўйилса, лоладан ташқари, бошқа гуллар ҳам очилганлиги англашилади. Ёки: *Эй табиб, қўй, боқма дардим бедаволардан бири* (Муқимий) гапида

қўй сўздан кейинги вергул тушириб қолдирилса, мазмун тамоман ўзгариб, услубий ғализлик ҳосил бўлади.

Вергул гапнинг маъносига, шунингдек, тузилишига ҳам таъсир қилиши мумкин. Қиёсланг: Акбар, кетди. Бу гап орқали муаллиф Акбарга кимнингдир кетганлигини хабар қиляпти. (Акбар - ундалма вазифасида). Агар бу гапда вергул тушириб қолдирилса, Акбар кетди, яъни Акбарнинг ўзи ҳақида хабар берилиб, икки бош бўлакли гап ҳосил бўлади. Яна қиёсланг: Аҳмад, кутубхоначи шу ерда. Аҳмад кутубхоначи шу ерда. Биринчи гапда икки киши, иккинчи гапда эса бир киши ҳақида сўз боради.

Тиниш белгиларидан тиренинг услубий роли ҳам катта. Бу белги бадий ва сўзлашув услубида кўп учрайди. Матнда ихчамлик учун грамматик шакллар ўрнида ишлатилади: *Тўғри бўл - бежавотир бўласан* гапида тире -са -нг шакли ўрнида ишлатилган, синтактик вазифа бажарган. *Яхши ошини ер, ёмон бошини* мақолида эса тире синтактик - услубий вазифа бажарган. Тире *ер* сўзи ўрнида келиб нутқни тежашга ёрдам берган.

Қўштирноқ бирор сўзнинг кўчма маънодалигини ёки унинг қочирим, киноя мақсадида ишлатилганлигини кўрсатиш учун хизмат қилади. Масалан, Республикамиздаги айрим прокурорлар терроризмнинг турли кўринишларига қатъий чоралар кўраётган бўлсалар, айрим "прокурорлар" бу ишга совуққонлик билан қарамоқдалар.

7-§. Кириш сўз ва кириш бирикмаларнинг услубий хусусиятлари

Киритмалар сўз ёки сўз бирикмаси шаклида бўлиб, сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрга бўлган турли муносабатини билдиради. Улар барча нутқ услубларида қўлланилади. Киритмалар мазмунан бутун бир гапга ёки унинг бўлагига тегишли бўлган **ишонч, тасдиқ, гумон, истак, таажоуб, таъкид, тахмин** маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *Гувоҳ, эҳтимол, бу воқеаларни тўлиқ эслай олмас. Тўпланган далиллардан сўнг жиноятчи, албатта, қилмишларини бўйнига олади.*

Киришлар гап тузилишини бузмайди, айтилаётган фикрга янги далил ҳам қўшмайди, балки шу фикрга сўзловчининг муносабатини, кучли ҳаяжонланганини билдиради. Шунинг учун ҳам бундай гаплар кўпроқ бадиий ва сўзлашув услубида учрайди: *Бахтимга*, онажоним омон бўлсин. *Яхшиси*, гувоҳларни юзлаштириш лозим. Илмий услубда *бизнингча*, *унингча*, *демак*, *хулоса қилганда*, *биринчидан*, *иккинчидан* каби кириш сўз ва кириш бирикмалар фаол ишлатилса, расмий иш услубида: *асосан*, *фикран*, *баъзан*, *зарур*, *керак* каби кириш сўзлар кўпроқ қўлланади.

Баъзи кириш сўзлар ва кириш бирикмалар гапдаги бошқа бўлақлардан тўхтаб билан ажратилади ва ўзининг алоҳида оҳангига эга бўлади. Киришларнинг гапдаги ўрни ҳам маълум услубий ахамиятга эга. Улар гап бошида келганда айтилаётган фикрга қатъий муносабат ифодаланади: *Албатта*, топшириқни бажарамиз. Ифодаланган фикрнинг мазмунини кучайтириш учун киришлар такрор ишлатилиши мумкин: *Афсуски*, *минг афсуски*, жиноятчи қочиб улгурди.

8-§. Эвфемизмлар ва уларнинг услубий роли

Эвфемизм тилнинг ифода ва услубий воситаларидан бири саналади. Айтиш ноқулай ёки ноўрин бўлган сўз ёки ибора ўрнига ишлатиладиган “пардали” сўз ёки ибора **эвфемизм** дейилади.

Масалан, *бўғоз хотин* деб айтиш сўзлашувда ҳам, адабий тилда ҳам ноқулай бўлганлиги учун унинг ўрнида *иккиқат*, *оғироёқли*, *ҳомиладор*, *юкли* каби эвфемистик сўзлар ишлатилади. Худди шунингдек, нутқ вазиятига қараб *туғди* ўрнида *кўзи ёриди*, *аҳмоқ ўрнида ақли йўқ*, *кар ўрнида қулоғи оғир*, *ўғри ўрнида қўли эгри* каби иборалар қўлланилади. Ўзбек тили турли эвфемистик ибораларга бой бўлиб, муомалада уларнинг ҳар хил кўринишлари кенг ишлатилади.

Баъзи эвфемизмлар бир асосий тушунчани ифодаласа-да, лекин улар ўзларига хос маъно нозикликлари ва кишиларнинг бир ҳил тушунчага турлича муносабатда бўлишларини кўрсатиши жиҳатидан фарқланиб туради.

Масалан, ўзбек тилида *ўлим* тушунчасини ифодалаш учун ишлатиладиган *вафот қилмоқ, жони узилмоқ, жон бермоқ, қазо қилмоқ, оламдан ўтмоқ, кўз юммоқ, мангулик уйқусига кетмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ, омонатини топширмоқ* каби эвфемизмлар услубий бўёғи билан бир-биридан фарқланади. Тилда азалдан қўлланиб келган эвфемизмлардан ташқари, муайян нутқ вазияти талаби билан яратилган эвфемизмлар мавжуд.

Бу хил эвфемизмлар тилдаги мавжуд сўзларга нисбатан конматнуал синоним бўлади. Кўпгина ҳолларда эвфемистик ифодаларнинг маъноси матнда очилади ва улар услубий вазифа жиҳатидан муаллиф ёки асар қаҳрамони назарида қўпол туюлган сўз, иборани юмшоқ, силлиқроқ шаклда ифода қилиш вазифасини бажаради.

Масалан: - Аввал эсон-омон қутулиб олсин. (Ас.М.). Раънони эгасига топширмагунимизча, - деди Нигор ойим, - қуйилмайдиганга ўхшайди. (А.Қодирий).

Бу мисолларда *туғмоқ* сўзи ўрнида *қутулиб олмоқ, эрга бермоқ* сўзи ўрнида *эгасига топширмоқ* каби эвфемистик маъно касб этган бу иборалар нутқий одоб нуқтаи назаридан қўлланилиб, матндан ташқарида бутунлай бошқа маъно ағлатиши мумкин.

5-боб. Нотиқлик санъати тарихидан. Антик нотиқлик

1-§. Юнон нотиқлиги

Нотиқлик санъати энг қадимги санъат турларидан биридир. Бу санъатга дастлаб Миср, Ассурия, Вавилон ва бошқа қадимий давлатларда тамал тоши қўйилган бўлса-да, асосан Грецияда шаклланди ва ривожланди. Тарихдан маълумки, Юнонистон нотиқлик санъати ҳақида дастлабки ва асосли маълумотларни беради. Барча илмларнинг бешиги бўлган қадимги Юнонистон нотиқлик санъатида ҳам жаҳон маданияти тарихига сезиларли ҳисса қўшди. Шунини таъкидлаш жоизки, жаҳон ижтимоий тараққиётининг ҳеч бир даврида, ҳеч бир босқичида нотиқлик санъати қадимги Юнонистондаги каби профессионал даражага кўтарилган эмас.

Грецияда нотиқлик санъатининг ривожланишида савдо катта роль ўйнади. Чунки Греция қадимдан савдо-сотиқ ривожланган давлат эди. Савдо операциялари, савдо ишларини муҳокама қилиш ва якунини кўриб чиқиш юристларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди. Шу сабабдан, Грецияда сиёсий нотиқлик билан бир қаторда маиший ҳаётга, маъмурий фаолиятга оид нотиқлик ҳам ўз тақомилини топди.

Бундан ташқари, нотиқлик санъатининг ривожидида грек суд расмиятчилигининг роли ҳам катта бўлди. Эрализмга 594 йилда Солон ҳукмронлиги даврида чиқарилган қонунга кўра, афиналик ҳар бир шахс судда ўзини-ўзи ҳимоя қила билиши лозим эди. Бу эса ўз-ўзидан кишиларни чиройли, таъсирчан ва асосли гапиришни ўрганишга мажбур қиларди.

Бироқ бунга ҳамма ҳам кўника олмади, ҳамма ҳам судда яхши сўзлай билиш маҳоратини уддалай олмади. Шу боис Грецияда логографлар, яъни нутқ матнини ёзиб берувчилар, мохир нотиқлар, юристлар суд қилинувчилардан ҳақ олиб, нутқ матнини ёзиб бера бошлайдилар. Суд қилинувчи, ўз навбатида, уни ўрганиб, судда ўзини ҳимоя қиларди. Нотиқлик савияси ривожланмаган кишиларга эса, ўз ўрнига бошқа кишини ҳимоячи сифатида тавсия қилишга суд томонидан ижозат берилди бошлайди.

Бундан ташкари, Қадимги Грецияда мақтов нотиклиги ҳам вужудга келди. Бу борадаги нотиклар кўпроқ тантанали маросимларда, юбилейларда нутқ сўзлардилар.

Грецияда нотиклик санъати юқори даражада қадрланса-да, греклар фақат чиройли нутқнигина юқори баҳоламасдан, унинг мазмуни ва моҳиятига ҳам алоҳида эътибор берарди. Улар, айниқса, ёш авлодга нотиклик санъатини ўқитишни, ўргатишни бош вазифа деб тушунганлар. Грецияда махсус мактаблар ташкил этилиб, уларда тажрибали нотиклар ёшларга нутқ сўзлаш малакасини эгаллаш бўйича дарс берар эдилар. Натижада Грецияда нотиклик санъати назарияси - риторика юзага келди ва бир қатор таниқли нотиклар пайдо бўлдики, уларнинг тажрибаси ҳозирга қадар ўрганилиб келинмоқда.

Нотиклик санъати дастлаб Афинада ривожланди. Гомернинг "Илиада" ва "Одиссея" асарлари бизга Грециянинг биринчи нотиклари ҳақида маълумот беради. Бутун жаҳон маданиятининг энг қадимги дурдоналари бўлган Гомернинг бу икки достони Қадимги Юнонистон тупроғида эрамиздан аввалги XIII-XII асрларда Нестор, Менелей, Одиссей, Ахилл каби бир қатор нотиклар машҳур бўлганликлари ҳақида маълумот беради. Гомер асарларидаги воқеалар тасвири жараёнида машҳур нотикларнинг ҳаёти ҳақида ҳам тўхталади.

Хусусан, Ахиллнинг Феникс исми сўз устаси дарсхонасида сабоқ олганлиги шуни кўрсатадики, бу санъат ўша даврларда худди ҳарбий мутахассислик ва бошқа шунинг каби ижтимоий мутахассисликлар қатори махсус мактабларига ҳам эга бўлган. Шу сабабдан кўпгина зиёли кишилар ўз фарзандларини ёшлигиданоқ шу санъатдан баҳраманд бўлишга эришганлар. Гомердек донишманднинг бу тўғрисида гувоҳлик бериши ва нотиклик услублари, нотиклик санъати намояндаларини ўз асарларига киритганлиги қадимги Юнонистонда нотиклик санъатининг камол топганлигидан далолат беради.

2-§. Аттика даври ёки Афина нотиклиги

Тарихнинг гувоҳлик беришича, эрамиздан олдинги 499-449 йиллар орасида қарийб 50 йил Эрон-Юнон уруши бўлиб ўтган. Мазкур урушда ғалаба қилган юнонлар давлати тез орада ривожланиш босқичини ўтади ва сиёсий-ижтимоий тараққиётнинг юқори босқичига кўтарилади. Жумладан, илму фан, маданият ҳам шаклланиб, ривожланиб борди.

Юнонистондаги илму фан ривожининг асосий маркази Аттика вилояти эди. Бу вилоятнинг пойтахти Афина шаҳри эди. Шунга кўра, бу давлат Аттика давлати ёки Афина давлати деб, эрамиздан олдинги X-IX асрларда бу тупроқда гуллаб-яшнаган маданият эса Аттика маданияти ёки Афина маданияти деб юритилган. Афинада бир қатор сиёсий-ижтимоий сабаблар тўфайли фан, адабиёт қатори нотиклик санъати ҳам юқори даражада тараққий этди. Шунга кўра бу давр юнон нотиклигининг Аттика даври ёки Афина нотиклиги, деб аталган.

Эрамиздан олдинги V асрларга келиб бутун Юнонистон худуди йирик-йирик шаҳарлар доирасида 2000 га яқин давлатлардан иборат бўлиб қолади. Бу шаҳар-давлатлар ўша пайтда *полислар* деб аталиб, ҳар бир полис мустақил давлат сифатида демократик асосда иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган. Афина полиси эса бошқаларига нисбатан энг йириги бўлиб, алоҳида нуфузга эга эди. Афина давлати полислараро демократиянинг ҳам, сиёсий-ижтимоий ва маданий тараққиётнинг ҳам етук намунаси ҳисобланарди.

Қадимги юнон демократик полисларида, шу жумладан, Афина давлатида икки орган ҳал қилувчи кучга эга эди. Уларнинг бири Халқ мажлиси, иккинчиси Беш юзлар иттифоқи, деб юритилган. Суд ҳам катта ижтимоий-сиёсий мавқега эга эдики, бу орган ҳам давлатни бошқаришда ҳал қилувчи кучга эга бўлган. Яъни юнон демократиясининг асосини шу учта орган ташкил этган дейиш мумкин.

Беш юзлар Иттифоқи энг йирик сиёсий арбоблар бирлашмаси бўлиб, мазкур иттифоқ вазифалари давлат аҳамиятига молик масалалар юзасидан таклифлар, қонун-қоидалар лойиҳасини кўриш, муҳокама этишдан иборат эди. Иттифоқнинг

Йиғинларида аъзолар муҳокама этилаётган масала ёки лойиҳа бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини айтар, лойиҳани киритувчи ёки масалани кўтарувчи иттифоқ аъзоси ўз нуқтаи назарини эркин тарзда билдириш мақсадида нутқ сўзлашга тўғри келарди. Муҳокамада масалани кўтарувчи шахс ўз таклифларини исботлай олса, бу таклифларни кўпчилик маъқулласа лойиҳа қабул қилинарди, модомики, мулоҳазалар асосли далиллар билан исботланмай, кўпчилик томонидан маъқулланмас экан, лойиҳа ва таклифлар қабул қилинмас эди.

Беш юзлар Иттифоқидаги ана шу муҳокама эркинлиги, сўз эркинлиги кўплаб забардаст нотикларнинг дунёга келишига сабаб бўлди. Чунки Иттифоқнинг ҳар бир аъзоси муҳокама чоғида ўз мулоҳазаларини асослашга уринар ва шу боис бутун нотиклик маҳоратини ишга солишга уринарди. Мазкур сўз эркинлиги нотиклик санъатининг тараққиёти учун қулай замин яратади. Шу боис бир қатор етук нотиклар етишиб чиқиб, уларнинг Иттифоқ йиғинларидаги муҳокама нутқлари мажмуасидан нотиклик санъатининг бутун бир йўналиши ҳам юзага келдики, юнон нотиклигининг бу кўринишига кенгаш нотиклиги деб ном берилган.

Халқ мажлиси қонун чиқарувчи орган бўлиб, бамисоли Парламент вазифасини бажарган. Мазкур сиёсий ташкилот Беш юзлар Иттифоқи муҳокамасидан ўтган масала ва лойиҳаларни умумхалқ муҳокамасига қўйган ва ана шу муҳокамадан ижобий баҳоланган лойиҳалар юзасидан тегишли қонунлар чиқарган. Полис фуқароларининг барчаси муҳокамаларда эркин иштирок этиш ва эркин муҳокама юритиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Шунинг учун ҳам Халқ мажлислари бир неча кунлаб давом этар, шаҳар-полиснинг деярли барча қизиқувчи аҳлини ўз йиғинларига таклиф этар, қизгин муҳокама ва музокараларга сабаб бўларди. Демократик асосга эга бўлган бундай муҳокама ва мунозаралар жараёнида шаҳар фуқаролари орасидан ўнлаб забардаст нотиклар етишиб чиқар, улар минглаб кишилардан иборат кенг муҳокамаларда юртдошлари манфаатларини, ўз давлати манфаатларини ҳимоя қилиб нутқ сўзлардилар. Бу ҳол нотиклик санъатининг ривожланиши учун қулай шароит тўғдирар эди.

Беш юзлар Иттифоқида ҳам, халқ мажлисида ҳам муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қабул килинган қарорлар эркин овоз бериш йўли билан амалга ошириларди ва кўп овозга эга бўлган томон ғолиб келарди. Шу сабабдан анжуманларда кўп овоз тўплаш, муваффақият қозонишнинг бирдан-бир ва энг қулай йўли имкони борича мажлис аҳлини *ишонтириш*, улар олдида кўтарилган масаланинг моҳиятини оча олиш ва уларни ўзига хайрихоҳ эта олишдан иборат эди. Бунинг учун эса даъвогар ёки масалани кўтарган шахслар нотиқлик санъатининг барча мўъжизакор имкониятлари билан қуролланган бўлишлари зарур эди.

Кўринадики, юнон давлатлари тузумига хос бўлган ана шу демократия нотиқлик санъатининг равнақиға қулай ва реал имконият яратган бирдан-бир омил бўлган. Ана шу демократия туфайли Иттифоқ аъзолари, барча давлат арбоблари, қолаверса, халқ мажлисларининг иштирокчилари бўлган эркин фуқаролар оммаси ҳам нотиқлик санъатининг асосларини эгаллаш учун курашар ва мақсадга эришиш йўлида махсус устоз – ўқитувчилардан дарс олишарди. Бадавлат оилалар эса ўз фарзандларини ёшлигидан шу мўътабар санъат билан қуроллантиришга уринар ва фарзандларини махсус нотиқлик санъати мактабларига бериб ўқитарди.

Юнонистонда суд нотиқлиги

Суд нотиқлиги Юнонистон полисларида ва хусусан, Афина давлатида энг катта мавқе ва эътиборга, амалий аҳамиятга молик бўлган нотиқлик кўринишларидан бири бўлган.

Маълумки, антик демократия қоидаларига кўра, ҳар бир эркин фуқаро хоҳлаган пайтида, хоҳлаган иши бўйича судга мурожаат этиши ва ўз манфаатини ҳимоя қилиши мумкин эди. Суд жараёнида эса суд ҳайъати демократик, одилона йўл тутар, даъвогар билан ҳимояланувчи эса ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун курашарди. Суд ҳукмининг қайси томон фойдасига ҳал бўлиши кўпинча судланувчи шахс ёки даъвогарнинг нотиқлик маҳоратига боғлиқ бўлган. Қайси томон ўзининг далиллари билан гуноҳсиз эканлигини суд ҳайъатига исботлай олса, ҳукм ўшанинг фойдасига ҳал бўларди. Антик суд жараёнининг ана

шу демократик жиҳати нотиқлик санъатини такомил босқичига кўтарди.

Антик суд жараёнининг демократик қоидаларига кўра ҳар ким ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, ўз "ишини ўзи олиб бориши ва шунингдек, аёлларнинг иши ҳам судга тушиши мумкин эдики, бу тоифадаги судланувчи ёки даъвогарлар етук нотиқ бўлган рақибларининг тазйиқига дош беришлари қийин эди. Шунинг учун ҳам, антик суд тизимининг қоидаларига кўра бундай кишилар учун махсус нотиқлардан ёрдам олишга рухсат берилган.. Суд жараёнида бошқа бировнинг манфаатларини ҳимоя қилган нотиқлар синегорлар деб юритилган. Уларнинг нутқи синегория деб аталган. Секин-аста ана шу синегорлар тоифасидан суд ҳайъатининг ажралмас қисми бўлган ҳозирги тушунчадаги адвокатлар учун замин яратилди.

Синегорлар нотиқлик санъати ва юриспруденциядан махсус таълим олган кишилар бўлиб, ўз ҳимояларидаги кишилардан хизмат ҳақи олганлар. Суд жараёнида ўз ҳимоясидаги шахсни оқлаш учун бор билим ва тажрибаларини ва маҳоратларини ишга солишга мажбур эдилар. Сенегорлар олган ишларини чуқур ўрганиб чиқиб, уни юриспруденция қоидалари асосида ёзиб чиқишлари ва ниҳоят, жонли сўз санъатига оид бор маҳоратларини ишга солиб, суд жараёнида ютиб чиқишга ҳаракат қилганлар. Шу сабабдан, ҳам синегорлар суд нотиқлиги равнақида тубдан ўзгариш ясадилар.

Логографлар

Логографлар ҳам синегорлардан ажралиб чиққан юриспруденциядан таълим олган мутахассислардир.

Синегорлар нутқ матнларини ҳам ёзиб, ҳам ҳимоя қилган бўлсалар, логографлар, асосан, нутқ матнлари тайёрлаб берганлар. Логографлар ҳам ўз ихтисосликлари тақозосига кўра юриспруденция, нотиқлик санъатини ўзлаштириб олганлар. Улар қонун ҳимоячиси сифатида, нотиқ сифатида ўз ҳимояларидаги кишиларни демократик суд олдида оқлаб чиқишлари керак эди. Логография билан доимий шуғулланиб келган шахсларнинг аксарияти йирик давлат арбоби даражасигача кўтарилганлар.

Эрамиздан олдинги X-IX асрларга келиб нотиқлик санъатининг ривожланиши жаҳонга нотиқлик санъатининг буюк на-

мояндаларини етказиб берди. Перикл, Клеон, Лисий, Андокид, Исократ, Исей, Ликург, Демосфен, Гиперид, Динарх каби давлат арбоблари нотиклик санъатини юқори поғонага кўтардилар.

Перикл эрамиздан олдинги У асрнинг бошларида 500-429 яшаган йирик нотиклардан биридир. Милоддан аввалги 443 йилда халқ йиғини Периклни давлатнинг энг олий лавозими-биринчи стратеги қилиб сайлайди.

Перикл бошқарган 50-30 йиллар Афина давлатининг сиёсий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиш даври бўлди. Шунинг учун бу давр тарихда "Перикл асри" деб ҳам юритилади. Перикл ҳарбий кумондон бўлиб, Эрон-Юнон урушида катта маҳорат кўрсатади ва ватандошлари эътиборини қозонади. Перикл нафақат давлат арбоби, балки йирик нотик ҳам бўлган. У маърифатли, фозил киши сифатида ўз атрофига Анаксагор, Сукрот, Геродот, Софокл, Фидий каби буюк сиймоларни тўплаган ва уларга ҳомийлик қилган кишидир.

Нотик - Периклнинг ибрат бўладиган фазилатларидан бири шундаки, у донишманд нотик, юксак маҳоратга эга эканлигига қарамай, нутқ матнларини кўнгилдагидай юқори савияда ёзиб олмагунча сира минбарга чиқмаган. Бу хислат ҳамма давр ва ҳамма авлодга мансуб бўлган нотиклар учун ибрат бўларли фазилатдир.

Перикл ўз нутқларида ва нутқ матнларида мантик масаласига алоҳида эътибор берган. У тингловчиларини мантикнинг, тафаккурнинг кучи билан мафтун этган. Бунинг учун у нутқда далиллар ва тегишли ҳужжатларни шундай жойлаштирганки, натижада тингловчида нутқнинг тўғрилигига ҳеч қандай шак шубҳа қолмаган.

Перикл нутқ матнларининг тил қурилишига алоҳида эътибор берган бўлса, маъруза жараёнида эса адабий талаффуз меъёрларига, урғу қоидаларига қатъий амал қиларди. У тузган матнлар мантикий жиҳатдан пишиқ бўлса, лисоний жиҳатдан юқори даражада бўлган. Замондошларининг маълумотларига қараганда, унинг овози жарангдор бўлган, у нутқ сўзлаганда сира кулмас, кулдиришга ҳам ҳаракат қилмасди. Бу хусусиятлар Перикл нутқининг салмоғи ва жиддийлигини оширарди.

Демосфен (тахминан 384-322 йиллар) давлат арбоби ва йирик нотик. Демосфен дастлаб логограф сифатида суд нутқлари ёзиб бериш билан шуғулланган. Лекин Демосфен адвокатлик фаолиятдан қониқмади. У кичик суд мажлисларидан воз кечиб, Беш юзлар иттифоқи ва Халқ мажлисларида нутқ сўзловчи буюк нотик бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Албатта, нуфузли анжуманларда нутқ сўзлаш чуқур билим, шижоат, матонат, юксак нотиклик маҳорати, таъсирчан овоз каби фазилатларнинг бўлиши зарур эди. Чунки, Халқ мажлисларида олти-етти минг киши йиғиларди. Йиғинда иштирок этганларнинг ҳаммасига фикр ва ғояларни тушунарли етказиш мислсиз имконият ва истеъдодни талаб қиларди.

Бундай мажлисларда иштирок этувчи ва нутқ сўзловчи нотикларнинг аксарияти давлат арбоблари бўлганлигидан буюк нотиклик минбарига даъвагорлик қилган Демосфен ҳам ўз мақсадига эришиш мақсадида тинимсиз меҳнат қилади ва 352-322 йиллар орасида Афина давлатининг Беш юзлар иттифоқи ва Халқ мажлиси нотиғи сифатида шуҳрат қозонади. Нотиклик маҳорати унга шараф келтиради ва натижада Афина давлатининг Ташқи ишлар вазири лавозимига кўтарилади.

Демосфен бундай даражага еткунга қадар тинимсиз меҳнат қилган. У дастлаб халқ мажлисида сўзга чиққанда залда тинимиз шовқин кўтарилган, унинг нутқи илиқ кутиб олинмаган ва ниҳоят мажлис аҳли уни масхара қилиб минбардан тушириб юборган. Бунинг сабаби шундай бўлганки, Демосфен нутқ қурилишини ҳаяжонланганидан чалкаштириб юборган, ўта ҳаяжон туфайли келтирган далиллари ҳам сохтага ўхшаб туюлган. Овози паст, талаффузи талаб даражасида бўлмай, тез-тез нафас олаверганидан нутқнинг мазмунига путур етган. Натижада минбарни тарк этишга мажбур бўлган.

Бу муваффақиятсизликдан кейин Демосфен ўзининг яқин дўсти машҳур актёр Сатирни учратиб қолади. Воқеадан хабардор бўлган Сатир дўстини ўз уйига таклиф этади ва Эврипид еки Софокл трагедияларидан бирорта монологни айтиб беришни талаб қилади.

Демосфен Софокл трагедияларидан бир монологни ифодали ўқийди. Кейин худди ана шу монологни Сатир ҳам ифодали

ўқийди. Ниҳоятда диққат билан кузатиб турган Демосфен ўз хатоларини англайди ва нотиклик санъатида актёрларга ўхшаб табиий равишда жон куйдириб, бутун борлиғи билан мавзуга берилиб кетиш зарур эканлигини тушуниб етади. Сатир Демосфенга катта таъсир кўрсатади ва натижада у нотиклик санъатининг сир асрорларини пухта эгаллаш йўлидаги машқ ва изла-нишларга алоҳида эътибор беради.

Нотиклик маҳоратини эгаллаш мақсадида Демосфен ўзига ертўла қазийди. Ана шу ертўлада сўзларни адабий тил меъёр-лари асосида тўғри талаффуз қилиш ва актёрларча декламация қилиш устида тинимсиз машқ қилади. Баъзан машқлар икки-уч ойлаб давом этарди. Демосфен ертўлада овоз, дикция, ифода воситаларини - қўл ҳаракати (турли жестлар), гавда ҳаракати, қоматни тутиш ўрганиш билан шуғулланади. Демосфен бошини мағрур тута олмас, халқ орасида нутқ сўзлаганда уялганидан боши ерга эгилиб кетаверар эди. Ўзидаги бу камчиликни йўқо-тиш учун у ертўланинг шифтига калла сиғадиган чуқурча қилиб бошини унга тиқиб олганча декламация қилар ва бу машқлар соатлаб давом этар эди.

Демосфеннинг талаффузи ҳам дастлаб ночор бўлган. *P* то-вушини талаффуз эта олмаган. Ўзидаги бу нуқсонни бартараф этиш мақсадида оғзига майда тошларни солиб олган ва ана шу ҳолда шеърлар, нутқ матнларини ўқиб бир неча бор машқлар қилган. Овозини ўстириш учун баланд-паст тепаликларга югу-риб чиқиб, югуриб тушиб нафасини ушлаб турган ҳолда шеър-лар ўқийди. Шу аснода у тиниқ ва аниқ гапира олишлик санъ-атини эгаллайди.

Қадди қоматини тутишни машқ қилиш учун эса ўз уйидаги катта тош ойнадан фойдаланган. У тош ойнанинг олдига туриб олиб қўл ҳаракатлари ва юз ифодалари, кўз қарашларини шеърга мувофиқлаштирган ҳолда турли монологларни ифодала тарзда ўқиган, турли мавзулардаги нутқ матнларини мутолаа қилган.

Демосфеннинг яна бир жисмоний камчилиги бўлган, яъни у гапираётганда ёки минбарда нутқ сўзлаши жараёнида ҳар доим елкаси титраб турган. Бу ҳол унга халқ олдида ноқулайлик туғдирган ва тингловчиларнинг ғашини келтириб, нутқининг

савиясига салбий таъсир етказган. Бу нуқсонни ҳам бартараф этиш мақсадида Демосфен яна ўз лабораторияси - ертўладан фойдаланган. У ертўланинг шифтига учи ўткир ханжарни осиб қўйиб ва ўринсиз кўтарилувчи елкасини шу ханжарнинг учи остига тўғрилаб машқларини давом эттирган.

Агар елкаси сал ноўрин қимирласа, ханжарнинг ўткир тиғига дуч келган ва ана шу йўл билан бўлажак нотик ўзининг бу нуқсонидан ҳам холос бўлган. Маълумки, минглаб кишилар иштирок этган йиғинларда нутқ сўзлаш, кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этиш учун нотикдан катта маҳорат, ўзига хос талант ва билим талаб этилади. Нотик нутқи оммага етиб бормас экан ёки кўпчиликнинг қалбидан ўрин олмас экан, албатта, залда шовқин бошланади. Демосфен бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун Фалера кўрфазига бориб, соҳилда денгиз шовқинини босиб кетишга уриниб, шеърлар ўқиган, нутқларини такрорлаган.

Бундан ташқари, у нотиклик санъати техникасини машҳур актёр Неоптолемга 10 000 драхм тўлаб ўрганиб олган. Бу актёр билан доимий равишда ҳамкор бўлган. Демосфендан нотиклик санъатида биринчи даражали нарса нима деб сўраганларида "мимика билан сўзлай олиш", иккинчиси деганда "мимика билан сўзлай олиш", учинчиси деганда яна "мимика билан сўзлай олиш" деб жавоб берган. Демак, мимика ҳам нотиклик маҳоратининг асосий белгиларидан биридир.

Маълумки, эрамаздан олдинги 360 ёки 359 йилда Александр Македонскийнинг отаси Филипп II Македониянинг подшоҳи бўлиб кўтарилади. У катта саркарда сифатида кучли армия тузади ва атрофдаги давлатларни босиб ола бошлайди. Унинг ҳарбий юришлари қўшни давлатларга ҳам, шу жумладан, Афина ҳам бу хавфдан холи эмасди.

Демосфен ўзининг "Филиппга қарши" деб аталган бир туркум нутқлар тайёрлади. Нотик Филиппнинг асл мақсади, унинг босқинчилик режаларини маҳорат билан очиб ташлади. Демосфен Афина давлатининг ягона раҳбари, доҳийси бўлиб қолади. У давлат арбоби ва ҳарбий нотик сифатида Филиппга қарши армияни бошқаради ва дастлабки зафарни қўлга

киритади, Филиппни Юнонистондан қувиб чиқариб, Афина давлатининг хавфсизлигини таъминлайди.

Демосфен қуйидагиларга алоҳида эътибор берган:

- Демосфен нутқларида архаизм ва жаргонлардан қочади. Халққа тушунарсиз сўз ва ибораларни қўлламасликка ҳаракат қилади. Халқ ҳикматларидан ва мақолларидан унумли ва ўринли фойдаланади.

- Нутқ безаги бўлмиш синонимлардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилган.

- Ортиқча такрорлардан қисқа бўғинлардан қочиб, чўзиқ бўғинларни қўллашни хуш кўрган.

- Нутқ матнларини тайёрлаш жараёнида гапнинг боши ва охирига мантиқий урғу тушувчи, муҳим маъно касб этувчи сўзларни танларди.

- Нутқда муסיқийлик ва таъсирчанликка эришиш *учун* жумлаларнинг охирини шеърий мисралар билан тугашига алоҳида эътибор берарди.

- Нутқда олдинги айтилган фикрларни кейингилари тўлдирарди.

- Ўзига маъқул бўлган, аҳамиятли сўзларни онгли равишда бир неча бор қайтаришни ёқтирарди.

- Воқеа ҳодисаларни қиёслаб, ўз фикрини янада ёрқинроқ очиб беришга ҳаракат қиларди.

- Риторик сўроқ гаплардан унумли ва ўринли фойдаланарди.

- Ҳар бир нутқи ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бўларди.

- Ташқи ифода воситалари; турли мимикалар, жестлардан фойдаланарди.

- Демосфен нутқларининг асосий мақсади халқининг қалби, юраги билан ҳамоханг эди.

Хулоса шуки, Демосфен Афина нотиклигининг йирик намояндаси бўлган бўлса-да, ундаги нотиклик маҳорати фазилатлари ҳозирги давр нотиклиги учун ҳам қимматлидир.

Гиперид Демосфеннинг замондоши бўлиб, Афина давлатининг йирик сиёсий арбоби ва нотиғи бўлиб танилган.

Сиёсий-ижтимоий қарашларига кўра демократия тарафдори бўлиб, Демосфен билан биргаликда Афина давлати ва юнон халқининг истиқболи учун кураш олиб борди. Айниқса, македонияликлар Афинага ҳужум бошлаган даврда Гипериднинг Беш юзлар Иттифоқининг аъзоси сифатидаги сиёсий, ҳарбий ва нотиклик мавқеи ошиб кетди. У Иттифоқ мажлисларининг деярли ҳар бирида сўзга чиқар, ўзининг таклифларини ўртага дадил ташлар ва халқ мажлисларида ана шу таклиф ва ғояларнинг амалга ошиши учун астойдил курашарди.

Гипериднинг нотиклик фаолиятида унинг Иттифоқ ва Халқ мажлисларида бир қатор сиёсий ва ҳарбий мавзудаги нутқлари билан бирга, уруш қурбонлари хотирасига бағишланган мотам нутқлари *эпитафиялар* ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки, Гиперид жуда кўп эпитафик нутқлар сўзлаган, уларда Ватан озодлиги учун ҳалок бўлган жангчи ва саркардаларни эҳтиром билан улуғлаган, ҳурматини халқ олдида жойига қўйган. Македониялик босқинчиларнинг ёвуз ниятларини фош этган, жангчиларда душманга нисбатан нафрат ғазабини кўзғатган. Унинг оташин нутқлари доврўғи ёв томонга ҳам етиб борар ва уларни ғазаблантирарди. Гиперид нотик сифатида нутқларини жуда содда ва аниқ бўлишига эришган. Тарихда унинг нотиклик услуги Демосфеннинг юксак пафосли услубига қиёсланади. У ҳикматли сўзлар, ўткир иборалардан кенг фойдаланган.

Гиперид нотиклигининг ўзига хос жиҳати шундаки, у нотик сифатида комизмга мойиллигидир. Бу хусусияти унғача ўтган нотикларнинг деярли ҳеч бирида учрамайди. У нутқларининг янада жонли ва ҳаётий чиқиши учун баъзи латифаларга, қизиқарли саргузаштларга мурожаат қилардики, натижада тингловчиларнинг олқиши ва ҳурматиға сазовор бўларди.

3-§. Рим нотиклиги

Рим истилочилари эрамиздан олдинги асрнинг бошларида бутун Юнонистонни забт этиб, катта империя туздилар. Натижада Юнонистоннинг юксак маданияти ва санъати *Рим* импе-

риясининг барча ўлкаларига жиддий таъсир этди. Таниқли юнон олимлари, илм-фан арбоблари, санъат намояндалари Италияга, яъни Римга келадилар.

Афина эса маърифат ва маданиятнинг ўчоғи бўлиб қолди. Шунинг учун ҳар бир римлик Афинада таҳсил кўришни фахр биларди. Рим истилочилари зулмидан таназзулга учраган юнон нотиклик санъати Афина давлатининг гуллаб-яшаган даврида тараққий этган бўлса-да, жаҳон нотиклик санъатининг чўққиси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Афина нотиклиги барча давр нотиклиги учун намуна бўлиб келмоқда. Шунингдек, Рим нотиклик санъати бевосита юнон нотиклиги асосида тараққий этди.

Эрамиздан олдинги асрдан бошлаб Рим ипериясининг қулдорлик сиёсати кучайди. Бу, ўз навбатида, қулларнинг норозилигига сабаб бўлди ва қуллар билан қулдорлар ўртасида кескин кураш даври бошланди.

Ўта кескин бўлиб бораётган сиёсий-ижтмоий шароитда сўз санъати яна кучга кирди ва давлат арбоблари ана шу қудратли қурол - нотиклик санъати воситаси билан кураш олиб бордилар. Натижада таниқли нотиклар етишиб чиқди. Катон, ака-ука Гракхлар, Марк Антоний, Цицерон каби нотиклар шуҳрат қозондилар.

Катон эрамиздан олдинги 284-145 йилларда яшаган. Римнинг йирик давлат арбоби ва таниқли нотикларидан бири. Катон Рим империясининг лашкарбошиси ва сенатори сифатида ўз Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қилган кишилардан биридир.

Марк Портиус Катон сўз санъаткори сифатида юнон нотиклик санъати руҳида тарбияланди. У жуда маърифатли киши бўлган. Шу сабабли ҳар қандай материални ёрқин ва жонли баён этиш қобилиятига эга бўлган. Унинг нутқида мақсадга интилиш кучли бўлган ва у ўз нутқларида қарама-қарши қўйиш, қиёслаш усулини жуда ўринли қўллайди ва тингловчиларининг олқишига сазовор бўлади.

Катон нутққа тайёргарлик билан чиқишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. У нотик биринчи навбатда нутқ мавзусини чуқур ўрганиб чиқиши шарт деган талабни қўяди.

Катоннинг бу фикрлари ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Катоннинг “Мавзуни чуқур ўрган, сўзнинг ўзи келади” деган ғоялари нотиқлик санъатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ака-ука Гракхлар

Тиберий Гракх 133 йилда Халқ трибуни лавозимига сайланган. Истеъдодли нотиқ ва юрист сифатида у «Ер тўғрисидаги янги қонун»ларни ишлаб чиқди. Гракх катта ер эгаларининг ортиқча ерларини римлик деҳқонларга бўлиб беришни ёқлаб чиққан. Гракх ўз лойиҳасини Халқ мажлисида тасдиқлатиб олишга муяссар бўлган. Лойиҳа тасдиқлангач, уни амалга ошириш учун комиссия тузилган. Аммо давлат ерларини қонунсиз эгаллаб турган сенат аъзолари Гракх таклифини рад этадилар. Тиберий ўз лойиҳасини амалга ошириш учун сабот билан курашган. У Италиянинг турли томонларидан Римга келган камбағаллар йиғинида қизгин нутқ сўзлаб, таклиф қилган қонунларнинг халқ учун, давлат учун муҳим эканлигини исботлаб берган. Шундан сўнг халқ Тиберийни қўллаб-қувватлаган.

Бу йиғинда унинг қонун лойиҳаси қабул қилинган. Сенат аъзолари халқ ғазабидан қўрқиб, йиғиннинг қарорига қарши чиқа олмаганлар. Тиберий иштирок этган комиссия ортиқча ерларни ерсиз деҳқонларга бўлиб беришга киришганлар. Тиберийнинг душманлари уни обрўсизлантиришга уринганлар.

Подшоҳ бўлмоқчи деб, унга очикдан очик тўхматлар уюштирганлар. Сенаторлар Рим консулидан Тиберийни суд қилишни талаб қиладилар. Консул уларнинг талабини рад этган. Халқ мажлиси бораётган бир пайтда Тиберийнинг душманлари унга ва шерикларига ҳужум қиладилар ва уларни калтаклаб ўлдирганлар, аммо Тиберий Гракхнинг нотиқлик фаолияти ва инсонпарварлик ғоялари халқнинг дилида, тарихнинг мўътабар саҳифаларида мангу қолди.

Кай Гракх

Рим сенатининг ислоҳотга қарши гуруҳлари Тиберий Гракхнинг вафотидан кейин унинг укаси Кай Гракхни Сардиния оролига ноиб қилиб юборишга эришганлар. Кай Гракх Сардиниядан қайтиб келгач, милоддан аввалги 123 йилда халқ трибуни бўлиш учун ўз номзодини қўйган ва бу лавозимга

сайланган. У акаси бошлаган эзгу ишларни давом эттириш учун сабот ва матонат билан курашади.

Кай Гракх ҳам сиёсий етук, саводли бўлиб, акасига ҳам-нафас арбоб ва у каби жуда кучли нотиклардан бири эди. Кай Гракх ўзининг нутқларида овоз ва оҳанг мутаносиблигига алоҳида эътибор берган. У нутқ сўзлашга тайёрланиш жараёнида оҳангдорликни биринчи ўринга қўярди. Унинг нутқлари ҳис-ҳаяжонга, риторик сўроқларга, жўшқин хитобларга бой бўлган. Бунинг учун у тилнинг тасвирий воситаларидан жуда усталик билан фойдаланган.

Рим консуллари ва сенаторлар машҳур нотик бўлган Кай Гракхдан қўрққанлар. Чунки у демократик тузумни ёқлаб бир қатор нутқлар сўзлаган. Шунинг учун асосий халқ унинг орқасидан эргашган. Гракхнинг бу хатти-ҳаракатлари сенат аъзоларига ёқмаган. Сенат Гракх бошини олиб келган кишига унинг калласи оғирлигида олтин ваъда қилган. Гракх қочиб кетаётганда консул суворийлари томонидан қўлга олинган. Гракх душманлари қўлида ҳалок бўлишни хоҳламай, ўз қулига ўлдиришни буюрган. Милоддан аввалги 121 йили қули уни ўлдирган.

Хуллас, ака-ука Гракхлар, жаҳон нотиклик санъати тарихида ўзларининг ёрқин дунёқарашлари, мустақил ифода услубига эга бўлган донишмандлар сифатида қадрландилар. Шунинг учун ҳам улар асрлар оша дунё нотиклик маданиятининг улкан сиймоларидан бўлиб келмоқда.

Цицерон - машҳур нотик

Марк Туллий Цицерон эраמידан олдинги 106 йилнинг 3 январиди Лация деган кичик шаҳарга қарашли Арпина деган жойда туғилган. У ўз замонасининг йирик юристи Квинт Муций Сцеволадан ва таниқли нотик Луций Лициний Крассдан таълим олади. Апполоний Молондан юнон нотиклик асосларини, актёр Акцийдан декламация санъатини, Филон Ларисскийдан фалсафани ўрганди.

Цицерон ўз билимларини чуқурлаштириш мақсадида Афинага боради. У ерда йирик нотиклардан нотиклик санъатининг сир-асрорларини ўрганади. Цицероннинг машҳур нотик бўлиб етишишининг асосий сабабларидан бири грек сўз усталари мактаби бўлса, иккинчиси, эски Рим нотиклар тажрибаси,

асосан Катон тажрибасадир. Унинг нутқларида фикр эркинлиги устувор бўлган. Нотиқнинг фалсафий, сиёсий, ахлоқий қарашлари ҳар доим уйғунлашган ҳолда амалга ошган.

Цицерон нотиқ сифатида ўз тингловчисининг қалбига таъсир этишни биринчи ўринга қўйган. Шунинг учун ҳам нутқларида таъсирий, ҳис-ҳаяжонга бой сўзлар, ибора ва жумлалардан кенг фойдаланади.

Цицерон нутқнинг равонлиги, гўзаллиги, ифодалилиги ва оҳангдорлигига алоҳида аҳамият берган. У латин прозасида биринчи марта вазн тизимини қўллаб, бу борада катта ютуқларни қўлга киритган.

Цицерон ҳар бир нутқига жуда катта тайёргарлик кўрган. Тайёрланмасдан минбарга чиқмаган. Тарихда у ҳақда шундай ривоят юради: Цицерон бир куни нутқ сўзлашга тайёрланиб улгурмагани учун ноқулай вазиятда турган бир пайтда, хизматкори мажлис қолдирилганлиги хабарини етказди. Цицерон беҳад хурсанд бўлганидан хабар олиб келган қулни шу заҳотиёқ озодликка чиқаради. У ҳамма вақт туғма қобилиятни биринчи ўринга эмас, балки меҳнатни биринчи ўринга қўярди. Киши шоир бўлиб туғилиши мумкин, лекин нотиқ бўлиб етишади, деган фикрни олға сурган. Бундан кўринадики, нотиқлик маҳорати фақат меҳнатнинг маҳсулидир.

Цицерон нотиқлик санъати назариётчиси бўлиш билан бирга, амалиётда ҳам нотиқликнинг гўзал фазилятларини исботлай олди.

Цицерон нотиқ қўйидагиларга алоҳида эътибор бериши лозимлигини таъкидлайди:

1. Нотиқнинг ўзига ишончи мустаҳкам бўлиши лозим. Бунинг учун эса нотиқ ўз нутқининг мавзусини чуқур ўрганиши шарт.

2. Нутқда олға сурилган фикр-мулоҳазалар далилланган бўлиши керак.

3. Материални тўплаш нутққа тайёргарликнинг асосидир.

4. Материални тўғри жойлаштириш - композицияга алоҳида эътибор бериш.

Цицерон нутқнинг тузилишига алоҳида эътибор берган. Унинг фикрича ҳар бир нутқ талабга жавоб берарли даражада

қурилгандагина қутилган натижани беради. Цицерон нутқ композицияси қуйидагича қурилишини мақсадга мувофиқ деб билади:

1. Кириш.
2. Мавзунинг моҳиятини баён қилиш.
3. Режанинг кейинги қисмларини ифодалаш.
4. Далиллар (нутқнинг энг муҳим қисми).
5. Асосий мазмунни баён қилиш.
6. Хулоса.

Цицерон қадимги Рим нотиғи, адвокат, философ, ёзувчи ва сиёсий арбоб сифатида ҳукмрон синф сиёсатини танқид қилиб, демократия тарафдори бўлган. Нотиқ сифатида Сенат демократиясини ҳимоя этувчи оташин нутқлар сўзлаган. 44 йили Цезарь ўлдирилгач, Рим республикасининг амалдаги ҳукмдори бўлган. 43 йили цезарчилар томонидан қатл этилган. Унинг нотиқлик санъати назарияси ва тарихига оид трактатлари Рим нотиқлик санъатини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган.

Цицероннинг нотиқлик санъати назарияси ва тарихига оид учта асари маълум: «Нотиқлик ҳақида», «Нотиқ», «Брут ёки таниқли нотиқлар ҳақида». Цицероннинг ҳаёти, ижоди, сиёсий, фалсафий, адабий қарашлари, шунингдек, нотиқлик маҳорати ва бу борадаги таълимоти ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

4-§. Шарқ нотиқлиги

Ўзбек халқи қадимдан сўзга чечан, бадиий дидли кишиларни қадрлаб келганлар. Қадим Шарқда нотиқлик санъати *воизлик*, нотиқ *воиз*, нутқ эса *ваъз* атамалари билан юритилган.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, IX-XV асрларда жаҳон маданияти тараққиётининг энг олдинги сафларига кўтарилди.

Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Замахшарий, Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк сиймолар яшаган табаррук заминдир. Булар жаҳон цивили-

зациясининг маънавий-маърифий меросига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломалардир. Бу буюк сиймолар яшаган давр Шарқ уйғониш даври макони сифатида тарихга кирди. Бу даврда маданият, санъат, илм-фан равнақ топди. Фан ва маданият тарғиботчилари воизлар етишиб чиқди.

Абу Наср Форобий

Абу Наср Форобийнинг тўлиқ исми - Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Узлуғ Тархон ал-Форобий бўлиб, ҳозирги Шимкент вилоятининг Фороб деган қишлоғида 873 йилда таваллуд топган ва 950 йилда Дамашқда вафот этган. Форобий Ўрта аср даври табиий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳларида 160 дан ортиқ асар яратган. У 70 дан ортиқ тилни билган. Юнон тилини ўрганиб, юнон фалсафасини шарҳлаган ва дунёга кенг танитганлиги учун Шарқ мамлакатларида улуғланиб «Ал-Муаллим ас-соний» (Аристотелдан кейин иккинчи муаллим), яъни «Шарқ Арастуси» деб юритилган.

У илмнинг турли соҳалари бўйича мукаммал асарлар яратган. Тилшунослик, шеърият, нотиклик санъати, хаттотликка оид бир қатор асарлар ҳам ёзган. Жумладан, «Шеър ва қофия ҳақида сўз» (Калом фи шеър ва-л кавофи), «Риторика ҳақида китоб» (Китоб фил хитоба), «Луғатлар ҳақида китоб» (Китоб фи-л луғат), «Хаттотлик ҳақида китоб» (Китоб фи санъат ал-китобат) ва б.

Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл масаласини чуқур талқин қилади. У ақл бир томондан, руҳий жараён иккинчи томондан, ташқи таъсирнинг, таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини алоҳида таъкидлайди. Форобийнинг фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма хусусият ва руҳий куч билан боғлиқ. Инсон тушуниш, фаҳмлаш, муҳокама қилиш, фикрлаш қувватига туғилишдан эга бўлади, бу хусусиятлар бола камолга ета бориши билан ривожланиб боради.

Форобийнинг ақл, умуман, билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ (логика) илми муҳим ўрин тутди. Мантиқ санъати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот берадики, деб ёзади у, - бу қонунлар воситасида ақл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга ўрганади - ҳақ ва тўғрилиқ қайси томонда эканини англайди, тафаккурда учрайдиган турли хатоларга йўл қўйиш-

дан кишини сақлайди. Форобий мантиқ илми билан грамматика ўртасидаги муштаракликни алоҳида қайд этади: «Мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғри-лаб туради».

Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» номли асарига ахлоқли кишиларнинг ўн икки муҳим сифатини кўрсатиб беради ва шундан бешинчиси сифатида нотиқлик санъати ҳақида алоҳида тўхталади: «Нотиқнинг сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин».

Форобийнинг ўзи эса манбаларда зикр этилишича, ширин сўз, ҳозиржавоб, ҳар қандай қийин масалани ҳам бир зумда ҳал этиб берувчи файласуф нотиқ бўлган. Масалан, улуғ бобокалонимиз Абу Наср Фаробийнинг жуда ҳам кўп тилни билганлиги ҳақида турли ривоятлар бор. Улардан бирида айтилишича, бир куни Дамашқ ҳокими ҳузуридаги олимлар йиғинига Форобий ҳам келиб қолади. Ўз тахтида ўтирган ҳоким Сайфут-давла Форобийни ўтиришига таклиф қилади.

Форобий: «Ўзимнинг мартабамга қараб ўтирайми ёки сизнинг мартабангизга қараб ўтирайми?» деб сўрайди. Ҳоким: «Ўзингнинг мартабангга қараб ўтир», деб жавоб беради. Олим тўппа-тўғри ҳокимнинг тахти ёнига бориб ўтиради. Бундан ғазабланган ҳоким кўпчиликка номаълум бўлган бир тилда соқчисига: «Бу турк одобсизлик қилди, ахлоқсизлиги учун уни кетаетганида жазоланглар!» дейди. Шунда Форобий: «Мен ҳеч қандай гуноҳ иш қилганим йўқ-ку, нима учун мени жазолайсиз?» деб сўрайди. Ҳайратга тушган ҳокимнинг «Бу тилни халқ орасида ҳеч ким билмас эди, сен қаердан ўргангансан?» деган саволга Форобий: «Мен кўп тилларни ўрганганман», деб жавоб беради... «Иккинчи муаллим»ни таниб қолган ҳоким олимдан узр сўрайди.

Абу Али ибн Сино

Ўрта аср Шарқининг буюк алломалари орасида машҳур табиб, файласуф, шоир Абу Али ибн Сино алоҳида ўрин тутаяди. Жаҳон фани, маданиятининг энг йирик намояндаларидан бири

сифатида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон халқлари маданиятини дунё миқёсида кўтаришга улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим. Унинг исми Фарбда "Авиценна" тарзида машҳур бўлади.

Ибн Сино араб ва форс тилларида фаннинг турли соҳалари бўйича уч юздан ортиқ асарлар ёзди. У тилшунослик, поэзия назарияси, муסיқашунослик ва бошқалар билан ҳам шугулланди, "Араб тили грамматикаси", "Шеър тўғрисида китоб", "Муסיқа ҳақида рисола" каби асарлар яратди, Ибн Синонинг турли соҳалар билан бирга таълим-тарбия, ахлоқ ва нутқ ҳақида ҳам қарашлари мавжудки, уларни ўрганиш нотиклик санъати тарихи саҳифаларини тўлдиради. У қуйидагиларга амал қилиш лозим эканлигини алоҳида таъкидлайди:

- Нутқ қўпол оҳангда берилмаслиги лозим.
- Нотик тингловчиларнинг илм даражасини, дунёқарашини ҳисобга олиши зарур.

- Меъёридан ортиқ насиҳатгўйликка берилмаслик лозим, нутқни ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

- Нутқни барчага ёқимли тарзда, тушунарли олиб бориш керак.

- Агар бирор кишига ўринли дашном бермоқчи бўлсанг, бошқаларга қиёсла.

- Агар ўз эътиқодингни айтмоқчи бўлсанг, фақат биргина далилга таянма, балки бир неча мисоллар билан исботлашга ҳаракат қил. Суҳбатдошингни ўз камчилигининг сабаблари ҳақида ўйлашга ва ҳақиқатни излашга ишонтир.

- Агар суҳбатдошинг сенинг гапларингга эътибор билан қулоқ солаётган бўлса, суҳбатни охиригача давом эттир ва ҳеч нимани сир-сақлама, лекин унинг эътиборсизлигини сезсанг, гапни бошқа мавзуга бур.

Ибн Синонинг таъкидлашича, нотик ўз нутқи қаратилган жабҳадаги камчиликларни четлаб ўтмаслиги лозим. "Агар бирор камчилик эътибордан четда қолса, бутун меҳнат зое кетади ва исталган натижага олиб келмайди". Нутқ жараёнида четлаб ўтилган, лекин очик-ойдин айтиши лозим бўлган камчиликларни Ибн Сино" сирти тузалган, лекин ичидан йиринглаб

кетган яра"га ўхшатади. Бундай камчиликлар "Вақти билан йиринглаб, ўзининг ярамас ва беъмани қиёфасини кўрсатади",- дейди.

Ибн Синонинг фикрича, айниқса ҳукмдорлар ана шундай суҳбатларга тортилиши лозим. Унинг "Одамлар ҳукмдорлардан кўрқиши туфайли баъзан уларнинг камчиликларини билсалар ҳам рўй-рост юзига айта олмайдилар. Амалдорлар ўзларининг нутқидаги камчиликларни ҳар доим ҳам сеза олмайдилар, баъзан эса сезсалар ҳам лавозим, мансабдан фойдаланган ҳолда ўзларини бошқалардан устун қўядилар. Бунинг натижасида, уларнинг хулқлари бузила бошлайди, бу ҳол давлат ишига ҳам салбий таъсир этади" деган фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Қўрқмасдан амалдорларнинг хато ва камчиликларини ўз вақтида тузатиш давлатнинг мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга эканлигини уқтирган Ибн Синонинг нотиқликда демократия бўлишини ёқлаб чиққанлигидан далолатдир.

Кайковус

Кайковуснинг XI аср Шарқ маънавияти тарихида ғоят қимматли асари ҳисобланган "Қобуснома"сида ҳам нотиқлик маҳорати ҳақида алоҳида боб ажратилганлиги алломанинг нотиқлик санъатига бўлган эътибори наъмунасидир. Мазкур мўътабар манба муаллифи "Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши" деб таъкидлайди. Бунинг боиси шуки, ҳунармандлар машаққатли меҳнатлари туфайли, асосан, моддий неъматлар яратиш билан шуғулланадилар, лекин уларнинг меҳнати маҳсулида инсоннинг маънавий қиёфаси тўлақонли намоён бўлмайди. ҳар қандай ҳунарманднинг маънавий қиёфаси унинг нутқи орқали тўла намоён бўлади дейиш қийин. "Сўз ҳунари"ни эгаллаган ҳунарманднинг иши барча ҳунармандларникидан кўра яхшироқ юришади. Кайковуснинг сўзларида шундай ҳикмат ҳам борки, сўзга чечан, сўзамол, нотиқ киши ҳамма жойда хушмуомалалик билан ишини битириб кетаверади.

Кайковус нотиқ қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши лозимлигини қайд этади:

Биринчидан, тинимсиз меҳнат ва ўрганиш.

Иккинчидан, "нутқинг гўзал бўлсинки, халқ уни мамнунлик билан қабул қилсин".

Учинчидан, ҳар бир фикрни ифодалашда тингловчи қалбига тўғри йўл топа билиш.

Тўртинчидан, ҳар бир сўз ёки мулоҳаза тўғри ва асосли бўлмоғи лозим.

Бешинчидан, нутқ маълум илмий асосга, далилларга эга бўлиши лозим. Шундагина нутқ, таъсирчан бўлади.

Олтинчидан, тайёргарликсиз нутқнинг савияси паст бўлади.

Еттинчидан, "ҳар қанча доно бўлсанг ҳам ўзингни нодон билгил, токи сенга илм ўрганиш эшиги очик бўлғай".

Саккизинчидан, "Амалдорлар билан амалдордек, оддий одамлар билан оддий одамлардек сўзлашгил, донишмандлик чегарасидан чиқма, сенинг сўзингни эшитган кишига оғир туюлмасин....

Тўққизинчидан, "Кўп бил-у, оз сўзла.., Шундай сўзлагилки, бу сўз бекор ва зое кетмасин".

Ўнинчидан, "Сўз эшитишдан қочма, киши сўз эшитиш билан нотик бўлади".

Кайковуснинг юқорида зикр этилган фикрлари ҳозирги кун нотиклик санъати учун ҳам аҳамиятлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб нутқ ва сўз одоби хусусида

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари фалсафий ва маърифий асар бўлиб, унда нотиклик, нутқ маданияти, сўз қўлаш бобида гўзал фикрлар илгари сурилган. Юсуф Хос Ҳожиб "Билимни буюк бил, ўқувни улуғ бил" тамойилига асосанади.

Нотик, унинг тушунчасида, мамлакат ривожини, дунё воқеарини чуқур билиши керак ва уни таҳлил қила олиш зарур. У нутқ маданияти тушунчасини кенг маънода ифодалаб, уни қонун ижроси, қонун устуворлиги, адолат, одиллик, ҳаққоний ҳукм, тўғрилиқ, поклик каби тушунчалар билан боғлайди.

Мамлакат ҳаётида адолат, қонун устуворлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этиши бутун инсониятга азалдан маълум. Шунинг учун тарихда донишмандлар томонидан шоҳларни, сарой амалорларини, қонун назоратчиларини адолатга даъват этувчи минглаб асарлар ёзилган. Бундан салкам минг йил муқаддам

яратилган “Қутадғу билиг” асари ҳам айна шу мавзуга бағишланган бўлиб, бу борада қимматли манбалардан бири саналади.

“Қутадғу билиг”, аввало, бахт-саодатга элтувчи билим деган маънони англатади. Унда билим – ҳаётдаги барча ишларнинг асоси экани таъкидланади. Агар ана шу асос бўлмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Жумладан, беклар, яъни элнинг раҳнаmolари ҳам билимли бўлсаларгина адолат билан иш тутадилар, кишиларнинг фаровон турмушини таъмин этадилар. Буюк мутафаккир ўзининг бу борадаги фикрларини шундай ифода этади:

Яна бир ҳикмат бор: ҳазрати Одам-
Билим, ақлу-идрок сабаб-эҳтиром
Билимни буюк бил, уқувни улуғ,
Шу икков улуғлар кишини тўлиқ.

Билим ва уқув инсонни улуғлашининг асар бошидаёқ таъкидланишининг боиси шундаки, Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида илғор маърифий, ахлоқий-таълимий, ҳуқуқий қарашларни илгари суришни мақсад қилиб олган. “Қутадғу билиг”даги қатор мулоҳазаларнинг ҳозирги пайтда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмагани сабаби ҳам уларнинг умуминсоний қадриятлар, хусусан, қонун устуворлиги ва адолат тамойили уйғун экани билан изоҳланади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг дунёқарашида, фалсафасида Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синолар дунёқараши, фалсафаларининг таъсири яққол сезилади. Дунёни тушуниш ва тушунтиришда Юсуф Хос Ҳожиб уларнинг таълимотларига эргашади. Моддий дунёнинг яралишини рухий кучга боғлаган ҳолда, унинг объектив қонуниятларини эътироф қилади. у етти планета ва ўн икки бурж ҳақида гапирар экан, олам ва ундаги барча жонли, жонсиз мавжудот худо томонидан яратилганлигини қайд қилган ҳолда борлиқнинг доим ҳаракатда эканлигини, жумладан, сайёра ва юлдузлар доим айланиб туришини, бир-бирига рўбарў келишини, бири юқори, бошқа бири пастроқ масофада ҳаракатланишини, айримларининг бир буржда туриш муддатларини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий қарашларидаги зиддият бутун асар давомида кўзга ташланиб туради. Унинг қарашларида моддий борлиқ эътироф қилинса ҳам, асосан, руҳ биринчи ўринга қўйилади. Шу билан бирга, Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврида ҳукмрон бўлган ислом догмасига, ҳеч нарсанинг моҳиятини билиш мумкин эмас, билиш инсонга хос эмас, деган ақидага қарама-қарши тезис билан чиқади. Инсон билмайдиган нарса бўлмайди, ҳар бир нарсани билиш, унинг туб моҳиятига етиш, инсоннинг қўлидан келади, деб айтади у.

Ҳар бир халқнинг тарих саҳнасидаги мавқеи унинг давлат тизимига қараб белгиланади. Чунки, давлат бошқарувчи, унинг сиёсий-ҳуқуқий тизими мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига, кишиларнинг маънавий-ахлоқий турмуш даражасига беқиёс таъсир кўрсатади. Давлат бошқаруви, унинг сиёсий-ҳуқуқий тизимида адолат барқарор бўлса, бу мамлакатда фаровонлик, осойишталик ҳукм суради. Фуқаролар фаровонлиги, юрт тинчлиги эса ҳар қандай давлатнинг бош мақсади ҳисобланади. Тинчлик фаровонликка қонун устуворлиги асосида эришилади. Бу инсоният тарихида кўп бора тасдиқланган. Қонунга бўйсуниб ишлашни аҳоли барча табақаларининг турмуш тарзига айлантиришга эришиш қадим-қадимдан ҳам ҳамма давлатлар учун бош муаммо бўлган. Чунки, ҳар қандай қонун ўз-ўзига ҳеч нарса эмас. Мамлакатнинг барча фуқаролари қонунларга бирдай итоат қилмас экан, улар шунчаки сўзлар йиғиндиси бўлиб қолади, холос.

Адолатли шоҳ мамлакат ҳаётида асосий роль тутиши бутун инсониятга азалдан маълум бўлган. Шунинг учун шоҳларни, сарой амалдорларини, қонун назоратчиларини адолатга даъватловчи минг-минглаб асарлар ёзилган ва уларга тақдим қилинган. Бундан салкам минг йил муқаддам яратилган "Қутадғу билиг" асари ҳам қорахонийлар ҳукмдорларидан бўлган Табғач Буғрохонга атаб ёзилган. Муаллиф ўз асарларини тақдим қилганида ҳукмдор уни Хос Ҳожиб унвони билан тақдирлайди.

Албатта, "Қутадғу билиг" аввало, бахт-саодатга эргаштирувчи билим деган маъноларни англатади. Унинг луғавий

маъноси шундай. Демак, билим-хаётдаги барча ишларнинг асоси саналади. Агар ана шу асос бўлмаса, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Жумладан, беклар, яъни элнинг раҳнамонлари ҳам билимли бўлсаларгина адолат билан иш тутадилар. Кишиларнинг фаровон турмушини таъмин этадилар:

Билик бирла баглар будун бошлади.

Укиш бирла эл-кун ишин ишлади дейди Юсуф Хос Ҳожиб, Яъни беклар билим билан халққа яхшилик қилади. Фақат беклар, бошлиқларгина эмас, умуман, одамзоднинг улуғлиги билим туфайлидир. Яна бир ҳикмат бор: хазрати одам-билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам, билимни буюк бил, ўқувни улуғ шу икков улуғлар кишини тўлиқ, - дейди шоир.

Билим ва ўқув инсонни улуғлашини асарнинг бошидаёқ таъкидланишининг боиси шундаки, Юсуф Хос Ҳожиб юрт амалдорлари ўз ишини ақл ва ахлоқ доирасидаги оғишмай амалга оширишлари, илғор маърифий, ахлоқий-таълимий, ҳуқуқий қарашларини илгари суриши мақсад қилинган "Қутадғу билиг" даги қатор мулоҳазалар ҳозирги пайтда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаганлигининг сабаби ҳам уларнинг умуминсоний кадриятларга уйғун келиши билан белгиланади. "Қутадғу билиг"нинг асосий мундарижасини давлат бошқарувини қатъий тартиб асосида олиб бориш, уни мустаҳкамлаш йўл-йўриқлари, турли ижтимоий табақаларнинг бурч ва фаолияти, илм-маърифатнинг аҳамияти, одоб-ахлоқнинг ўрни масалалари талқини ташкил этади.

Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг донишманди, улуғ мутафаккир, илм-маърифатнинг тарғиботчиси, машҳур нотқдир. У илм-маърифатга саодатнинг калити, деб қарайди. Биз учун мўтабар манба ҳисобланган «Қутадғу билиг» достони таълимий-маърифий асар бўлиб, унда ахлоқ ва одобга оид қимматли панднасихатлар ўрин олган. Ўз замонасининг тафаккури, ҳикмати ва фалсафасини акс эттирувчи бу қомусий манбадаги тил одоби ҳақидаги фикрлар ҳамон долзарб ва ибрат сабоғи бўлиб келмоқда. Асарнинг еттинчи боби тил одоби, бадий сўзнинг қимматига бағишланган бўлиб, «Тил ардами» («Тил одоби») деб номланган. Мазкур бобда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли

сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик ва бошқалар ҳақида ибратли ўғитлар берилган. Мисолларга мурожаат этайлик:

Уқувга, билимга тилмочдир - бу тил,
Кишига ёруғлик шу тилдан-а, бил.

Бу мисралардан ўқишга, билимга тил асосдир, кишига фаровон ҳаёт тил орқалидир, деган ҳикматлар англашилади.

Ёки,

Бу тилдан қадр ҳам топар қут киши,
Ноўрин эса-чи ёрилар боши.

Яъни, тил туфайли одам қадрланади, саодатга эришади. Тилга эътиборсизлик эса одамнинг «бошини ёради», беобрў қилади.

Шоирнинг қуйидаги мисралари «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган мақолга ҳамоҳангдир:

Ошиқ сўзда асло бўларми фойда
Зиендан бўлак йўк сўз ортиқ жойда

Ошиқ сўзлама ҳеч, жуда сўзла оз,
Туман сўз тугунин бу бир сўзда ёз.

Қуйидаги мисраларда яхши сўз ҳар қандай олтин-қумушдан ортиқроқ эканлиги таъкидланади:

Қумуш қолса мерос агар-чи сенга,
Уни тутмагин сен бу сўзга тенг-а.

Қумуш ишга тушса олқинар (тугайди), тугар,
Сўзим ишга тушса, қумушлар тугар.

Ширин сўзли одамнинг номи ўлгандан кейин ҳам шарафланади, эзгу сўзли киши мангуга яшайди, деган маърифий мисралар ўқувчини ҳар доим тилга, сўзга ҳушёрликка чорлайди:

Туғилган ўлади, қоларми нишон,
Сўзинг эзгу бўлса - мангусан, ишон.

Юсуф Хос Ҳожиб шоир сифатида бадиий сўзнинг қиммати ва таъсир кучига алоҳида эътибор билан қарайди. Турли халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, турли тасвирий воситалардан ўз ижодида жуда усталик билан фойдаланади. Шоир ташбеҳ санъатини сўз ўйини тарзида эмас, балки ўз ғоялари, фикр-истак-

ларини ифодалаш учун ўринли қўллайди. Ҳатто, мана шу ташбеҳларда ҳам давр садосининг янграб туришига эришади.

Қуйидаги мисрларда қўлланган ташбеҳлар ўзининг таъсирчанлиги билан ажралиб туради:

Тил арслан турур, кўр, эшиқда ятур,
Ая эвлуг, арсиқ башингни еюр.

Тил ҳовли (қафас)да ётган арслон кабидир.
Эй уй эгаси, қафасдаги маккор ваҳший бошингни ейди.

Шоир тилни арслонга ўхшатиш билан тингловчини катта бир хавфдан – ёмон, беҳуда сўзларни сўзлашдан сақланиш керак, деб огоҳлантиряпти.

Алишер Навоий

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг ижодий фаолияти билан халқ ва ватанга, инсоният ва маърифатга хизмат қилди.

Тил, тафаккур, сўз, нутқ, нотиклик каби масалаларга Навоий алоҳида эътибор билан қаради. У ўзбек тилининг маъно қудрати ва гўзаллик сеҳрини жаҳонга намойиш этди. Гарчанд аксарият асарларини арабча ном билан атаса-да, ижодида арабча, форс-тожикча сўз ва ибораларни эзгулик мақсадида қўллади. Бироқ, шунга қарамай, у ўзбек тилининг очилмаган хазиналарини очди, ўзбек тилининг туганмас бойликлари ва имкониятларидан кенг фойдаланди. Бобур таъбири билан айтганда, барчадан “кўп ва хўб” ёзди. “Фарҳод ва Ширин”да такидланган қуйидаги мисралар ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди:

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Алишер Навоий туркий тилда ижод қилишни “халқ иши” деб билади:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам

Навоий тилга ижтимоий ҳодиса деб қаради. Тил инсонни ҳайвондан ажратувчи “гавҳари шариф”дир. Тил тафаккур маҳ-

сулининг қуроли. Инсон фикри дарёдир, сўз эса - дур, сўзловчи ғаввосдир. Яхши сўз инсонга жон бахш этса, ёмон сўз инсонни ҳалок этади, - дейди у:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рух дағи тан аро сўздин ҳалок.

Яна бир ўринда Навоий:

Сўзни кўнгилда пишқирмагунча тилга келтирма,
Ва ҳар неким, кўнгилда бор - тилга сурма, -

деб таъкидлайди. Яъни улуғ мутафаккир: "Сўзни кўнгилда пишириб, тобламагунча тилга келтирма. Дилда бор сўз ва фикрларнинг ҳаммаси айтгулик бўлавермайди. Ичда ётган сўзларинг - сенинг сирларинг. Сир эса нафасга ўхшашдир. Чиққан нафасдай, унинг ҳам сира қайтарилиш имкони бўлмайди", - деган ибратомуз фикрларни илгари суради.

Алишер Навоий нотиқлик санъатининг буюк қудратига ҳам алоҳида эътибор беради. У ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» номли фалсафий асарининг 24 - фаслини «Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида» деб номлайди. Мазкур бўлимда воизлик санъати, ваъз, воиз ҳақида қимматли мулоҳазалар билдиради. Алишер Навоий нотиқлик фазилатлари ҳақида қуйидаги фикрларни айтади: «Воиз керакки, *қола аллоҳ* сўз айтса ва *қола расулulloҳ* муҳолафатидин қайтса, худо ва расул йўлига қадам урса. Ўзи киргондин сўнгра насиҳат била элни ҳам кивурса. Юругон йўлға элни бошқармоқ - мусофирни йўлдин чиқормоқдур ва биёбонға кетурмак ва бодияда итурмақдур. Усрукки, элга буюрғай хушёрлиқ - уйқувчидекдурки, элга буюрғай бедорлиқ. Уйқусида сўз деган жевлигон бўлур ва ул дегондек қилмоқ не дегон бўлур».

Бундан келиб чиқадики, (нотиқ) воиз Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни тарғиб этадиган, аввало, ўзи шариат ва тариқат йўлига кирган нотиқ бўлиши лозимдир.

Нутқ ва унга қандай амал қилиш ҳақида буюк шоиримиз қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур. Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар». Лекин ҳаётда юқорида зикр этилган фазилатларга эга бўл-

маган кишиларнинг нутқ сўзлаши тингловчиларни ҳам зериктириши табиийдир.

Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрлари ҳам нотиклик маҳорати фазилатларини янада ёрқинроқ очиб беради: «Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай. Воизким, бўлғай олим ва муттақийанинг насиҳатидин чиққан шақий. Улки, буюруб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асаранинг сўзи қилмағай. Назоирхон била сургувчи мақол - дастёр била йирлағувчи қаввол.»

Ҳусайн Воиз Кошифий

Алишер Навоий томонидан ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинган машҳур нотиклардан бири Ҳусайн Воиз Қошифийдир. У сабзаворлик бўлиб, туғилган йили номаълум, 1604-1605 йилларда вафот этган. Ҳусайн Воиз Кошифий нотик сифатида ўша даврда энг машҳур кишилардан бўлиши билан бирга, ўз даврининг забардаст олими, астрономи, математики, шоири ҳам эди. Алишер Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" асарида у ҳақда қуйидагиларни қайд этади: "Оз фан бўлғайким, даҳли бўлмағай, хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсисида мутаайин ва машҳур ишлари бор ва мусаннафотидин бири «Жавоҳир ут-тафсир» дурким, «Ал бақара» сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жўз бўлғай».

Ҳусайн Воиз Кошифий "Қуръони карим"даги биргина «Ал бақара» сурасига юз босма табоқ ҳажмдаги тафсир ёзган. Бу тафсир халқчил бўлиб, изоҳи енгил, барча ўқиса тез тушунадиган маънавий озуқа манбаидир.

Ҳусайн Воиз Кошифий нутқларининг таъсирчанлиги, жозибдорлиги ҳақида унинг ўғли Фахриддин Али Сафий «Латойифут тавойиф» номли асарида қуйидагиларни эслайди: «Кунларнинг бирида аҳли мажлисга Мавлоно Сайид Фиёсиддин деган машҳур сўз устаси кечикиб келган. Бу мажлисга Абдурахмон Жомий ҳам ташриф буюрган экан. Сайид Фиёсиддин кириб келиши билан Жомий ундан сўрабди:

- Нечук кечикдингиз, мавлоно Фиёсиддин?

- Мени маъзур тутинг, устод,-дебди Фиёсиддин,- келаётган эдим, масжиди жомеъда Ҳусайн Воиз Кошифий нутқ сўзлаёт-

ган экан, шунга махлиё бўлиб қолибман". Хусайин Воиз Кошифийнинг нутқлари жозибадорлиги билан ҳар қандай кишини жалб қила олган.

Хусайин Воиз Кошифий ахлоқ, тарих, тасаввуф, нужум, риёзиёт, фикҳ соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратган. Унинг «Футувватномаи султоний», «Ахлоқий Мухсиний», «Рисолаи хотамия», «Анвари Сухайлий», «Жавоҳир ут-тафсир» каби асарлари фикримиз далилидир. Бу асарлар беш юз йилдан ортиқ вақт ўтса-да, шарқона одоб ва ахлоқ дастури сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Хусайин Воиз Кошифий Алишер Навоийнинг мухлиси, шогирди ва дўсти бўлган. У «Тафсири Хусайний» ва «Жавоҳир ут-тафсир ат-туҳфат ул-Амир» номли тафсир асарларини Алишер Навоийга бағишлаган. Ўз навбатида унинг бундай сўз санъатидаги маҳоратини Алишер Навоий ҳам юқори баҳолайди. Алишер Навоий ва султон Хусайн Бойқаро ўз асарларини халқ ўртасида расмий ижро этиш лозим бўлган пайтларда, бу ишга Хусайин Воиз Кошифийни муносиб кўрганлар. Маълумки, 1492 йилнинг 8 ноябрида улуғ мутафаккир, форс-тожик адабиётининг намояндаси, Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий вафот этади. Абдурахмон Жомийнинг дафн маросимида Алишер Навоий ўзининг Жомийга бағишланган марсиясини ўқиб эшиттиришни ҳам Хусайин Воизга топширганлиги фикримиз далилидир.

1-§. Юристининг нутқ одоби

Юридик диалог табиатан зиддиятли эканига қарамасдан, унинг самарадорлиги мунозара олиб боришда асослаш, мантиқийлик ва бошқа мантиқий мезонлар тизимига ҳам, кишини хушмуомалалиги, ўзини тута билиши ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Юридик амалиётда одобсизлик қилиш ва ахлоқий меъёрларга амал қилмаслик кўпинча диалог олиб боришни бузади, унинг самарасиз яқунлашишига олиб келади.

Суд мунозараларини олиб боришда хушмуомалалик, айниқса, муҳимдир, чунки суд диалогини олиб бораётган томонлардан бирининг одобсизлиги охир-оқибатда суднинг қарорига таъсир кўрсатиши ва сўзсиз равишда, у суд одобини бузган томон зарарига ҳал бўлиши мумкин. Ҳуқуқий маслаҳат жараёнида ҳуқуқий маслаҳатчининг касб одобини бузиши мижознинг ишончсизлигига сабаб бўлади ва бу ҳуқуқий масалани муҳокама қилишни қийинлаштиради. Омма олдидаги сиёсий мунозарада ёки хизмат юзасидан бўлаётган муҳокамада иштирок этаётган шахснинг одобсиз хулқи мунозарани йўққа чиқариши мумкин.

Мунозара олиб бориш – бу зиддиятли диалог шароитида юзага келадиган хулқ меъёридир, чунки ҳар қандай одам ҳам қарашлар курашида ақлий ва ҳиссий юкни кўтаришга қодир эмас. Ҳуқуқий изланишлар амалиёти доирасида юридик диалог олиб бориш одоби қатъий белгилаб, баъзан эса процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Айнан ана шу ахлоқ асосида юрист одоби, суд этикаси, иш юзасидан фикр алмашиш одоби, ва ниҳоят, ҳуқуқ этикаси вужудга келган.

Касбий алоқа қилиш одоби, энг аввало, қатнашувчининг тингловчилар шахсиятига ҳурмат билан қарашини назарда тутади. Диалогни кўполлик, ўринсиз ва таҳқиромуз сўзлар билан беҳуда жанжалга айлантирмаслик лозим. Хушмуомалалик, ўзини тута билиш ва майин оҳангда гапириш фақат ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишни кучайтиради. Ишонч ва ўзаро хушфёъллик баҳсининг боришига яхши таъсир кўрсатади. Диалогда

аудитория ёки суҳбатдошнинг ўзига хос руҳиятини инобатта олиб, иложи борича тушунарли ва мантиқан изчил даражада гапириш лозим.

Диалог қатнашчиларига ҳурмат кўрсатиш, эшита олиш, суҳбатдошини ва ўзини ҳам тинглай билиш, унинг келтираётган исботдалилларини таҳлил қила билишда кўринади. Руҳшунослар тинглай билишни самарали алоқа қилишнинг энг муҳим воситаси деб ҳисоблашишади. Тинглай билиш - алоқа қилиш жараёнида суҳбатдош билан ўзаро ҳамкорлик қилишга қулайлик туғдиради. Бу самара, айниқса, сўроқ олиб бориш чоғида, ҳуқуқий маслаҳат ёки хизмат юзасидан суҳбатлашилаётганда яққол кўзга ташланади.

Диалог олиб бориш одоби ва унинг ахлоқий жиҳати диалогдаги икки муҳим ҳолатдан сақланишни назарда тутди. Биринчидан, суҳбатдошининг аниқ ёки исботланган далилларини ўрарлик билан қабул қилмаслик ахлоқий жиҳатдан номақбул ва аксар ҳолларда тактик жиҳатдан нотўғри ҳисобланади. Бундай тактика, ҳатто, судланувчи, гувоҳ ёки гумон қилинувчини сўроқ қилиш чоғидаги оператив-тактик масала нуқтаи назаридан ҳам мутлақо нотўғридир.

Баъзан диалогда оппонент келтирган далилларни тан олиш ёки унинг асосли танқидини қабул қилиш жуда тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади. Бу баҳслашувчилар шахсиятига нисбатан ишонч ва ҳурматни орттиради, бундан ташқари, ҳимоячининг қабул қилган далиллаш меъзони ҳисобига ўзининг далиллаш меъзонини кенгайтиради.

Иккинчидан, ҳимоячи келтирган далилларга нисбатан бўлиб, осонлик билан уларни қабул қилиш, муҳим ва мураккаб муам-моларни муҳокама қилиш чоғида мурасасозлик қилишдир. Кўпинча оппонентнинг далиллари етарли даражада асосли ва қатъий туюлади. Ҳимоячининг далиллари нотўғри эканлиги аён бўлганда эса, ўз сўзини қайтиб олишга интилиш одобсизлик бўлиб кўриниши мумкин.

Этикада ҳам, мунозара тактикасида ҳам нутқ маданияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки диалогда нафақат сўзларнинг мазмуни, балки ифода усулининг ҳам ўз ўрни бор. Ўринли танланган оҳанг, тўғри қўйилган урғу, шаблонларнинг йўқлиги,

гайриоддий нутқ ҳаракати, нутқ даражаси ва суҳбатдош тажрибасини ҳисобга олиш – буларнинг бари муҳокама жараёнида иштирок этувчиларнинг руҳияти билан боғлиқ бўлиб, диалог жараёнидаги ортиқча ҳиссиётга берилишнинг олдини олишга имкон беради. Бунда диалогда қатнашувчиларнинг темперamenti ва характериға боғлиқ равишда, ахборот алмашинув тезлиги алоҳида аҳамиятга эға. Масалан, у тез фикрловчи ва тез гапирувчи шахсларда лоқайдликни юзаға келтиради, айна пайтда, оппонент фикри ва нутқининг ортиқча тезлиги эса секин-ақта одамнинг ғашини келтира бошлайди.

Тилнинг лексик имкониятларидан, унинг образлилиги ва ифодавийлигидан усталик билан ва бехато фойдаланиш фикрни ифода қилиш ва уни етказишнинг асосий гаровидир. Мазмунға эътибор бермаслик ёки тил воситаларини қўллашдаги қашшоқлик нафақат сўзловчининг обрўйға, балки унинг эгаллаб турган мавқеиға ҳам таъсир қилиши мумкин.

Юридик диалог олиб боришда ва нутқ жараёнида тил воситаларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эға. Баҳсда кўпинча кўзда тутилган ва кўзда тутилмаган таҳқирлашлар бўлиши мумкин. Агар баҳс ҳақиқатни аниқлаш мақсадида эмас, балки фақат ғалаба қозониш учун олиб борилаётган бўлса, унда кўпол сўзларни қўллаш деярли нормаға айланади. Бунға одоб юзасидан ҳам, тактик-стратегик нуқтаи назардан ҳам йўл қўйиб бўлмайди, чунки у баҳслашувчиларни муҳокама қилинаётган муаммодан чалғитади ва баҳсни бошқа томонға буриб юборади. Бундай хатти-ҳаракатларға парламент баҳсларида ёки сиёсий мунозараларда қайсидир даражада йўл қўйиш эҳтимол ўзини оқлар, бироқ тергов ёки оператив ҳаракатлар олиб борилаётганда ёки ҳуқуқий маслаҳат фаолиятида бунға асло йўл қўйиб бўлмайди. Таъкидланган нутқий муомаланинг одоб доирасида бўлиши суд текшируви ёки ҳар қандай юридик мунозарани олиб бориш одобининг асосий белгиси бўлиши лозим.

У ёки бу касбий-нутқий ҳолат юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай юридик диалог сўзсиз равишда ахлоқ нормаларига ва муайян ахлоқ принципларига эға. Масалан, тактик-оператив усули ва ўзининг ахлоқий асослари билан жиддий низо кўринишидаги диалог (гумон қилинувчининг айбига иқрор бў-

лиши)дан кучсиз зиддият (тергов қилинаётган ишни гувоҳнинг эсига солиш) фарқланади. Адвокатнинг одоби элчининг одобига ўхшайди. Бироқ барча ўзига хосликлари ва фарқларига қарамасдан, юридик диалогда сўзловчининг нуқтаи назари энг аввало, шахс нуқтаи назари эмас, балки давлат ҳокимияти вакилининг нуқтаи назари эканлигини унутмаслик лозим.

2-§. Тергов жараёнида сўроқ қилишнинг нутқий стратегияси ва тактикаси

Дастлабки тергов жараёнидаги сўроқ қилиш юридик диалог турларидан бири ҳисобланади.

Терговчи гувоҳ, жабрланувчилар ёки терговдагиларнинг кўрсатмаларини қайд этаркан, қандай эшитган бўлса, айнан шу кўринишда ёзиб ололмайди, чунки реал одам ҳеч қачон «ёзганидек» гапирмайди. Терговчи сўроқ қилинувчининг кўрсатмаларини ҳар доим ҳам сўзма сўз ёзиб олишга муваффақ бўла олмайдди. Унга қуйидаги омиллар тўсқинлик қилиши мумкин:

1) нутқ талаб даражасида бўлмайди, яъни терговчининг изчиллик билан баён қилиш йўлига солиб қўйишга ўринишига қарамай, гувоҳ, жабрланувчи одатда адашиб кетади, мавзудан четга чиқиб кетади, ортиқча гапларни гапирлади;

2) сўроқ қилинувчи адабий тилни ўзлаштирмаган бўлади. Таъкидлаш жоизки, одам қанчалик ҳаяжонланса, шунчалик унинг нутқи ҳиссий бўёқларга бой бўлади, у шунчалик кўп гапирлади. Сўроқ қилишнинг шарт-шароити ва ҳолати одамни ҳаяжонга солади, шунинг учун ҳам нутқ адабий тилдан йироқ, ҳатто, нутқи равон ва бой нутқий тажрибага эга одамнинг нутқи ҳам нотўғри бўлади;

3) оханг ва маъно урғусининг сезиларли даражада кўтарилиши баъзан маънони ўзгартиради. Агар гувоҳ: **Ахмедов соат 9 (яъни айнан 9)да кетди** деса, бу гапнинг мазмуни бошқа; агар у: **Ахмедов тўққизда кетди** (Ахмедов, бошқа биров эмас) деса мутлақо бошқа маъно ифодалайди;

4) гувоҳ, жабрланувчилар ёки тергов қилинаётганларнинг нутқида паралингвистик ёки тил билан ифода этилмайдиган ҳолатлар (имо-ишора ва мимика) мавжуд бўлади. Баъзан нутқда

мимика ва имо-ишора бўлса, алоҳида ҳолатларда у нутқнинг ўрнида келади. Масалан, одам ўзига берилган саволга жавоб бериш ўрнига ноилож қўлини силкитади, бу эса ҳар хил талқин қилинади.

Шунинг учун ҳам терговчи нутқни тўғри талқин қила олиши ва кўрсатма мазмунига мос ёза олиш маҳоратини эгаллаши лозим.

Биринчидан, гувоҳлар, жабрланганлар ва умуман сўроқ қилинаётганлар нутқини иложи борида ҳиссиётга берилмайдиган қилиш учун энг қулай шароитни яратиш мақсадга мувофиқдир. Сўроқ қилинувчининг нутқи қанчалик ҳиссиётдан холи бўлса, терговчида уни тўғри тушуниб олиш имконияти бўлади ва унинг мазмунини умум эътироф этилган баённома «тили»га кўчиришда хатога йўл қўйилмайди.

Иккинчидан, сўроқ қилинаётганлар нутқида оҳанг урғуси мавжуд бўлса, мазмунини тўғри тушуниб олиш учун ундан қайта сўраш ва унинг мазмунини сўзма-сўз ифодалаб беришига эришиш лозим.

Терговчи сўроқ қилинаётганнинг нутқини мутлақ тўғри қабул қилдим деб ўйлаши мумкин эмас. Кўпинча имо-ишоралар иккиёқлама ёки кўп маъноли бўлиши мумкин. Масалан, бир одам ҳақида: *Ахир у...* деб столга бармоғи билан урилса, бу ё аҳмоқ, ё чақимчи дегани бўлади. Агарда бир одам ҳақида: *У мана бундай!* деб қўл юқорига кўтарилса, у одам баланд бўйли деган маънони ҳам, унинг хизмат мавқеи жуда баланд деган маънони ҳам англатади. Бундан ташқари, миллий менталитет ва миллий ўзига хосликни ҳисобга олиш ва ўз саволини шундай қўйиш керакки, миллий ўзига хосликни тўғри талқин қилиш имкони бўлсин.

Кўрсатманинг ишончилиги билан боғлиқ бошқа бир муаммо – бу сўроқ қилинаётганлар жавобининг терговчи саволининг хусусиятига боғлиқлигидир. Сўроқ қилинаётганнинг маълумоти, касби, ижтимоий келиб чиқиши, нутқий тажрибаси ва бошқа омилларга боғлиқ равишда нутқий кўникмалари қанчалик паст бўлса, ҳозиргина терговчининг саволида қўлланилган сўзлар ва конструкцияларни ўз жавобида қайтаришга мойиллик кучли бўлади. Бундай ҳолат терговчининг сўроғидаги мазмундан анча

узоқлашиб кетган шахслар нутқида кўпроқ кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам терговчи билан сўроқ қилинувчи ўртасидаги саволлар тушунарсиз бўлса терговчи ўз сўзини сўроқ қилинаётган одамга қайта эслатиши мумкин.

Шунингдек, ҳатто сўроқ қилинаётганнинг нутқи терговчининг нутқини айнан кўчирмасдан, терговчи берган йўналиш бўйича фикрлашни давом эттиришни ўз ичига олган қатъийлик каби нутқнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Агар сўроқ қилинаётган онгли равишда ниманидир яшираётган бўлса, унинг нутқида нутқ қатъийликлари акс этиши мумкин. Терговчининг саволларига бир қолипда «билмайман» деб жавоб бераётган одам *Сиз ўзингиз кечкурун соат тўққизлар атрофида нима қилдингиз?* деган саволга ҳам худди шундай «билмайман» деб жавоб бериши мумкин.

Олинаётган ахборотнинг объектив бўлиши учун муҳим жиҳатлардан бири саволнинг аниқ шаклда берилишидир. Нутқнинг ташқи тавсифи уни тўғри тушунишда кўринади. Тингловчининг тушуниш даражаси гапдаги сўзлар тартиби, у ёки бу сўзга нутқда мантиқий урғу берилиши, гапнинг мураккаб, яъни унинг грамматик жиҳатдан мураккаблиги ва бошқа кўплаб омилларга, шак-шубҳасиз, сўроқ қилинаётганнинг шахси, унинг ақлий даражасига боғлиқдир.

«Жавоби ўзида бўлган», яъни жавобни эсга солиб турувчи саволлар, масалан, *Сиз ... бўлмаганмисиз, Сиз ... кўрмаганмисиз...* каби салбий конструкциядаги саволлар, айниқса қийинчилик туғдиради. Психологиядан маълумки, терговчи нутқидаги номақбул конструкция кўпинча тингловчида салбий муносабат уйғотади. *...сиз эмасми* саволига кўпинча *Йўқ, мен эмас* деган жавоб берилади, чунки бу ҳолат салбий жавоб беришга ундайди.

«Жавоби ўзида бўлган» саволлар «инонтирувчи» ахборотнинг муайян хусусиятига эга. Ёрдамчи саволларнинг уч тури фарқланади:

1. Маъноси аниқ ва тез тушуниладиган саволлар (*Унинг портфели борми? Ёки Сиз унда портфел борлигини кўрдингизми? Ёки Унинг портфели йўқми?*).

2. Яширин тарздаги саволлар (*Унинг портфели қандай тусда эди?*).

3. Ҳақиқатан ҳам мавжуд, сўроқ қилинаётган одамга маълум шахсга йўналтирилган, ammo деталларигина назарда тутилган саволлар (*Рулга ўтирган одам қандай кўринишда эди, унинг портфели бормиди?*).

Нутқда *оқ-қора, кекса-ёш, чиройли-хунук* каби баҳоловчи сифатларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Улар тингловчида тескари таассурот уйғотиши мумкин, натижада унинг кўрсатмаси ўз ишончлилигини йўқотади. Агар кимнидир: *«Бу одам кексами»* деб сўралса, аниқ жавоб *«Йўқ, ёш»*. – *«Оқ костюмдами?»* – *«Йўқ, қора»* бўлади. Аслида эса бу одам қирқ ёшларда (ёш ҳам эмас, қари ҳам) ва қорамтир кўк костюмда бўлиши мумкин.

Шунингдек, баҳоловчи тушунчалар ифодаланган гувоҳлик кўрсатмаларининг тили ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Масалан, «кекса» тушунчаси турли ёшдаги одамлар учун турличадир. «Баланд бўйли» тушунчаси унчалик баланд бўлмаган одам учун бошқача, новча одам учун бутунлай бошқача. Умуман олганда, кўрсатма камида икки марта, бироқ турли нутқий кўринишларда, яъни бошқа сўзлар билан ифодалансагина объектив жиҳатдан ишончли саналиши мумкин. Шунинг учун кўрсатмани қайтариш, янада аниқроқ қилиб такрорлаш жуда ҳам муҳимдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, терговчи шундай шаклда саволни бериши ва шундай тил воситаларини танлаши керакки, у сўралаётган одамга тушунарли ва етиб борадиган бўлсин. Бунинг учун терговчи ўз суҳбатдошининг нутқий тажриба даражасини инобатга олиши ва ўзи ҳам юридик диалогнинг нутқий стратегияси ва психологияси кўникмаларини тўлиқ эгаллаган бўлиши лозим.

3-§. Суд мажлиси қатнашчиларининг нутқ одоби

Суд муҳокамаси – жиноят процессининг ҳал қилувчи босқичи. Суд муҳокамасининг боришида процесснинг асосий вазифасини суд бажаради, жиноят ишини моҳиятига қараб кўриб

чиқади ва ҳал қилади, улар томонидан чиқариладиган ҳукмда ҳар қандай жиноят ишининг асосий мақсади – судланувчининг жиноий жавобгарлиги (унинг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ва унга нисбатан жазо чорасини қўллаш ёки қўлламаслик) ҳақидаги саволга жавоб беради.

Судда ишни кўришнинг предмети - бу давлат билан айбланувчи ўртасидаги (агар қонун доирасида судланувчининг жиноят содир этганликда айбдорлиги исботланса) баҳс, яъни айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш: уни оммавий равишда айбдор, яъни жиноятчи деб топиш учун давлатнинг ҳуқуқи тўғрисидаги баҳс ҳисобланади.

Суд муҳокамасидаги давлат билан судланувчи ўртасидаги жиноят-ҳуқуқий мунозарада инсоннинг биринчи даражали қадрияти ҳисобланадиган муҳим ҳуқуқ ва эркинликларининг тақдири ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам табиийки, суд муҳокамасининг барча босқичлари энг юксак ишончлилиқ талабларига жавоб бериши лозим.

Суд мажлисида ишни моҳиятига кўра, кўриб чиқиш суд мажлисини тайинлаш тўғрисидаги суд қарори чиққан кундан бошлаб, ўн тўрт кун ичида бошланиши лозим (ЖПК нинг 425-моддаси). Суд мажлисини очиш ва суд муҳокамасини бошлаш ҳолатлари мавжуд.

Суд муҳокамасининг тизимини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Тайёрлов қисми (ЖПКнинг 428–437-моддалари)	Суд тергови (ЖПКнинг 438–448-моддалари)	Суд музокараси (ЖПКнинг 449–450-моддалари)	Судланувчининг сўнги сўзи (ЖПКнинг 450-моддаси)	Ҳукми чиқариш ва уни эълон қилиш (ЖПКнинг 447-454-моддалари)
--	---	--	---	--

Кўриб чиқиладиган жиноят процесси босқичларининг таъкидлаб ўтилган барча қисмлари қатъий изчиллик билан кетмакет келади ва улар яхлит ҳолда судларда кўриб чиқиладиган аксарият ишлар учун хосдир.

Суд муҳокамаси тузулиши учун нафақат унинг қисм (босқич)ларининг кетма-кет жойлашиши хос, балки бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида ўзига хос ички мантиққа ҳам эга.

Булар ишонч ва тантана билан одил судловга берилган суд муҳокамаси олдига қўйилган масалаларни самарали ҳал қилиш учун асос бўлади.

Муайян процессуал нормаларни кўзда тутган суд муҳокамасини ўтказиш суд мажлиси қатнашчиларининг, хусусан, судга раислик қилувчининг нутқий одобини белгилаб беради.

ЖПК «суд мажлисини очади, эълон қилади, тушунтиради, фармойиш беради, судланувчининг шахсини аниқлайди, сўрайди, айблов хулосасини эълон қилади» каби раислик қилувчининг нутқий ҳаракатларини кўзда туттади. Бироқ бу ҳаракатлар фақатгина ўзлаштира гап тариқасида кўриб чиқишиш мумкин, айти пайтда, санаб ўтилган феъллар тилнинг турли вариантлари сифатида қўлланилиши мумкин. Нутқ одоби юрист талабалар учун шунинг учун ҳам зарурки, улар суд муҳокамаси чоғида айнан шундай касбий-нутқий ҳолатларни тайёрлашга қодир бўлсинлар. Суд муҳокамасининг ҳар бир қисми ЖПК да белгилаб қўйилган, муайян нормаларда акс этган тил воситаларининг йиғиндисидан таркиб топади. Энди суд мажлиси иштирокчилари нутқининг бир кўринишига эътибор берайлик:

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми суд мажлисининг очилиш пайтидан бошланади. Суд мажлисининг нисбатан катта бўлмаган бу бошланғич қисмининг асосий мақсади шундан иборатки, унда мазкур мажлисда ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган процессуал шарт-шароитларнинг мавжудлигини текширишга йўналтирилган ҳаракатлар содир этилади ва мазкур суд таркиби билан ишни кўриб чиқиш имконияти, муҳокама қатнашчилари таркиби, судга экспертларнинг келгани, гувоҳларнинг борлиги ва ҳ. к. тўғрисидаги масалалар ҳал қилинади.

Мазкур мажлисда ишни кўриб чиқиш учун бирон-бир процессуал камчилик топилганда, дарҳол бу камчиликларни бартараф этишга (ажратилган судья, прокурор, котиб, эксперт, мутахассис, таржимонни алмаштириш; келмай қолган жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқалар билан таъминлаш чораларини кўришга) қаратилган ва суд муҳокамасининг навбатдаги

барча қисмларининг тўғри ва тўлиқ амалга оширилишини таъминловчи ҳаракатлар амалга оширилади.

Тайёрлов қисмининг барча ҳаракатлари 428–438-моддаларда назарда тутилган қатъий тартиб ва изчилликда амалга оширилади.

Раислик қилувчи жиноят ишини кўриб чиқиш учун тайинланган вақтда суд мажлисини очиқ деб эълон қилади ва кўриб чиқиладиган ишни маълум қилади. Одатда суд муҳокамасини очиш учун қуйидаги нутқдан фойдаланилади: «Бугун, 2003 йилнинг 7 майида, Мирзо Улуғбек туманининг жиноят ишлари бўйича суди томонидан фуқаро Ўроқов Достон Ўлмасовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 97-моддаси 1- қисми билан қўйилган айб бўйича жиноят иши эшитилади». Таъкидлаш жоизки, суд мажлисини очиш чоғида одатда раислик қилувчи иштирок этувчиларга мурожаат этмайди.

Шундан кейин дарҳол судга чақирилган барча шахсларнинг келган-келмаганлиги текширилади. Раислик қилувчи бу ҳақда суд мажлисининг котибига ахборот беришни таклиф қилади: *«Котиба, томонларнинг иштироки ҳақида ахборот беринг».*

Котиб анъанавий тарзда, тахминан қуйидаги нутқий ифодалардан фойдаланган ҳолда ахборот беради: *«Суд мажлисига давлат қораловчиси, ... даражали маслаҳатчи Камолов Рустам Шарипович, жамоат қораловчиси Маманов Исматулла Ҳамидович, судланувчи Ўроқов Достон Ўлмасович; ҳимоячи, шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Рашидова Феруза Йўлдошевналар келишган. Суд мажлисида гувоҳлар Отажонова Дилафрўз Ортиқовна ва Каримов Сардор Солиевич иштирок этяпти».*

Бу ерда фамилия, исм ва отасининг исмини аниқ, тўғри ва урғуни тўғри қўйиб айтиш лозимлигини ҳисобга олиш керак. Исmlарни ва насабларни қисқартириб айтиш мумкин эмас, чунки бу ҳуқуқ ходимининг нутқ маданияти даражасини жуда ҳам шушириб юборади.

Чақирилган шахслардан бирортаси судга келмай қолса, сабабини аниқлаш учун тегишли маълумот ўқиб эшиттирилади. Томонлардан бири ёки уларнинг вакилларида бири келмай қолганда, суд ЖПК нинг 433-моддасида белгилаб қўйилган

қоидага кўра, ишни кўриб чиқиш ёки уни қолдириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Процессуал ва нутқий ҳаракатларнинг кейинги гуруҳи суд таркибини эълон қилиш, қораловчи ва ҳимоячи, шунингдек, котиб, эксперт, мутахассис ва таржимонларни маълум қилиш, томонларга ва уларнинг вакилларига суд таркибини тўлиғича ёки судлардан бирини (жумладан, агар бор бўлса, заҳирадаги халқ маслаҳатчисини), прокурор, ҳимоячи адвокат, котиб, эксперт, мутахассис ва таржимонни рад қилиш ҳуқуқини тушунтиришдан иборат.

Процессуал ҳаракатларнинг бу қисми қуйидагича нутқий ифодага эга бўлиши мумкин:

Раислик қилувчи: *Мазкур жиноят иши қуйидаги суд таркибида кўриб чиқилади: раислик қилувчи – Мухаммадиева Динара Раҳматуллаевна, халқ маслаҳатчилари – Каримов Рустам Номозович, Самадова Гулнозаа Ўсаровна. Айбловни (қораловчи томон) давлат қораловчиси, ... даражали маслаҳатчи Каримов Рустам Номозович таъминлайди, ҳимояни (ҳимоя қилувчи томоннинг вакили) шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Рашидова Феруза Аҳмедовна амалга оширади. Шунингдек, жабрланувчи Ўроқов Достон Ўлмасович ва суд мажлисининг котибаси Рустамова Мунира Пўлатовна иштирок этишпти.*

Судланувчи, сиз мазкур суд таркибига ишонч билдирасизми? Томонларнинг судга қаршилиги йўқми?

Мазкур матн бўлагидаги тилга хос бўлмаган айбловни амалга оширади ўрнига айбловни таъмин қилади, айни пайтда ҳимояни амалга оширади ёки тақдим этади каби терминологик бирикмаларга эътибор қилиш лозим. Яна шу ўринда томонларнинг судга қаршилиги каби терминологик бирикмаларни таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

Кимнидир рад қилиш тўғрисидаги арз қабул қилинганда, суд томонларнинг асосли фикрларини тинглайди ва тегишли қарор қабул қилади. Раислик қилувчи гувоҳларнинг суд залидан чиқиб кетишларини сўрайди. Сўнгра суд залидан гувоҳлар чиқиб кетади Шундан сўнг судланувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар аниқланади. Раислик қилувчи ундан фамилияси,

исми, отасининг исми, туғилган жойи, куни, ойи ва йилини, яшаш жойини, машғулоти, маълумоти, мукофотлари ёки судланганлиги бор-йўқлигини сўрайди. Судланувчининг жавобларини суд иш материалида мавжуд бўлган тегишли маълумотлар билан қиёслайди.

Судланувчининг шахси ва у ҳақдаги барча зарур маълумотларнинг тўғрилиги аниқлангандан сўнг раислик қилувчи унга айблов хулосасининг ўз вақтида топширилганини аниқлайди. Суд мажлисини тайинлаш вақти ўзгарганда эса айблов, эҳтиёт чораси ёхуд судга чақириладиган шахслар рўйхати – суд қарори нухасининг ўз вақтида топширилганини аниқлайди.

Кўрсатилган процессуал тартиб нутқда қуйидагича ифодаланиши мумкин:

Раислик қилувчи: *судланувчи, ўрнингиздан туринг. Ўз фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, туғилган жойингиз, кун, ой ва йилини, яшаш жойингиз, касбингиз, маълумотингиз, оилавий аҳволингизни айтиб беринг. Мукофотларингиз борми? Сизга айблов хулосаси топширилганми, қаерда ва қачон тақдим этилган? Сизга қандай айб қўйилаётганини биласизми?*

Таъкидлаш зарурки, раислик қилувчи судланувчига исм-шарифини айтмасдан мурожаат қилади. Бундан мақсад шуки, у ўзини таништириш билан ўзи ҳақидаги анкета маълумотларининг тўғрилигини тасдиқлайди.

Судланувчининг шахси билан боғлиқ масалалар ҳал бўлганидан сўнг, раислик қилувчи суд муҳокамасидаги ҳуқуқларини аввало судланувчига (ёки судланувчиларга), сўнгра – жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва агар бор бўлса, уларнинг вакилларига тушунтиради. Юқорида кўрсатилган шахсларнинг ҳар бирига ҳуқуқлари алоҳида тушунтирилади. Шу билан бирга, суд ҳар бир одам ўз ҳуқуқини тушуниб олганига ишонч ҳосил қилиши лозим. Раислик қилувчи эса суд муҳокамасининг боришида уларнинг ҳар бири ўз ҳуқуқларидан фойдалана олиши учун чора кўриши зарур. Шунингдек, эксперт ва мутахассисга ҳам ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Раислик қилувчи биринчи бўлиб судланувчига мурожаат қиларкан, унга қуйидагиларни маълум қилади: *ЖПК нинг 46-*

моддасига мувофиқ, сизга она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш, ҳимоячи олиш, ўз ҳуқуқингизни шахсан ҳимоя қилиш, илтимоснома киритиш ёки рад қилиш, суд қарори ва ҳаракатларидан шикоят қилиш, суд мажлиси баённомаси билан танишиш, у ҳақда мулоҳаза билдириш, иш юзасидан келтирилган протестлар ҳақида билиш ва уларга эътироз билдириш ҳуқуқи берилган. Сиз сўнгги сўз айтиш ҳуқуқига эгасиз.

Кўрсатилган матн парчасида, шунингдек, умумэтироф этилган тилга хос бўлган: *илтимоснома киритиш, рад қилиш, шикоят билдириш, протест келтириш, танбеҳ бериш, эътироз билдириш* каби терминологик бирикмалар борки, уларни ёдда сақлаш талаб этилади.

Кейин суд томонларнинг илтимослари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни бошлайди. Шу мақсадда раислик қилувчи улардан мавжуд (янги гувоҳларни, экспертлар ва мутахассисларни чақириш, далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги) илтимосларини сўрайди. Илтимос қилган шахс айнан қайси ҳолатни аниқлаш учун қўшимча далиллар зарурлигини кўрсатиши шарт.

Ҳар бир илтимоснома бўйича барча томонларнинг фикрлари тингланиши лозим ва агар изоҳ талаб қилган ҳолат иш учун аҳамиятга молик бўлса, илтимос қондирилиши керак. Ҳар қандай илтимоснинг рад қилиниши суднинг асосли таърифи билан расмийлаштирилади. Бу суд муҳокамасининг бориши билан боғлиқ равишда, кейинчалик ҳам томонларнинг илтимос билан чиқиш ҳуқуқини чекламайди.

Раислик қилувчи қораловчи ва ҳимоя қилувчи томонларга қўйидаги нутқий ифода билан мурожаат этади: *Томонларда таклиф ва илтимослар борми?*

(Агар бўлса, томонлар ўз таклиф ва илтимосларини баён қилишади). Суд ўтирган жойида кенгашади ва уларни ҳал қилади (қондиради ёки қондирмайди).

Раислик қилувчи: *суд жойида маслаҳатлашиб, ҳимоячининг илтимосини рад қилиш (қондириш)га қарор қилди.* Таъкидлаш жоизки, нутқий ҳаракатнинг мазкур парчасидаги энг кўп қайтарилган нутқий хато *илтимос* сўзидаги урғунинг нотўғри қўйилишидир, бунга алоҳида эътибор қилиш лозим.

Суд тергови – суд ҳукмини асослаш учун зарур бўлган барча далилларни томонлар иштирокида ўрганиб чиқадиган суд муҳокамасининг бир қисмидир. Суд муҳокамасининг ўта меҳнатталаб бу қисмида чиқариладиган ҳукмга асос солинади. Суд тергови айблов хулосасини эълон қилиш билан, зарур ҳолларда судланувчига айбловнинг моҳиятини тушунтириш билан бошланади. Сўнгра раислик қилувчи айблов унга тушунарлими ва у ўзини айбдор деб биладими? деб судланувчидан сўрайди. Раислик қилувчининг хоҳишига кўра, унга ўз жавобини асослаш учун имконият берилади.

Суд тергови, одатда, кўйидаги нутқий ҳаракатлар билан ифодаланиши мумкин:

Раислик қилувчи: *Суд терговини бошлаймиз. Айблов хулосасини ўқиб эшиттиринг (айблов хулосаси эълон қилинади). Судланувчи, ўрнингиздан туринг. Сиз ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми? (ҳа, йўқ, қисман).*

Айблов хулосасини ўқиётганда бир хил оҳангда ўқишдан қочиш, тегишли нутқ нормаларига риоя қилиш, талаффузнинг тўғрилигига, урғунинг тўғри қўйилишига эътибор бериш лозим.

Судланувчининг ўзини айбдор деб билиши ёки айбини тан олмаслиги ҳақидаги жавобидан кейин суд қораловчи ва қолган барча томонлардан суд терговда далилларни ўрганиш тартиби, яъни судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиш кетма-кетлиги, экспертларни тинглаш ва далилларни текширишга қаратилган бошқа суд ҳаракатлари тўғрисидаги фикрмулоҳазаларини тинглайди.

Амалиётда одатда, агар судланувчи ўзини айбдор деб билса ва батафсил кўрсатма беришни истаса, далилларни ўрганиш судланувчини сўроқ қилишдан бошланади, сўнгра жабрланувчи, гувоҳлар сўроқ қилинади ва бошқа далиллар текширилади. Агар судланувчи ўзини айбдор деб тан олмаса ва кўрсатма беришни хоҳламаса, суд одатда далилларни ўрганишни жабрланувчини сўроқ қилишдан бошлайди, сўнгра бошқа далилларни текширади ва шундан кейингина, агар судланувчи кўрсатма беришни хоҳласа, унинг кўрсатмаси тингланади. Табиийки, судланувчининг раислик қилувчининг рухсати билан исталган пайтда кўрсатма бериш ҳуқуқи ҳар доим сақланади. Судла-

нувчининг суд терговининг исталган пайтида тингланиш ҳуқуқи унинг ҳимоясининг муҳим кафолатларидан биридир.

Суд терговининг бу қисми нутқий ифодаси тахминан қуйидагича бўлади.

Раислик қилувчи: *Далилларни ўрганиш тартиби тўғрисида томонларда қандай таклиф (фикр-мулоҳаза)лар бор? Суд жойида кенгашиб, суд тергови (далилларни ўрганиш)ни қуйидаги тартибда олиб боришга қарор қилди: аввал судланувчи сўроқ қилинади, кейин жабрланувчи сўроқ қилинади, сўнгра гувоҳлар сўроқ қилинади ва ундан кейин иш бўйича ёзма далиллар ўрганилади.*

Суд терговидида судланувчини сўроқ қилиш тартиби дастлабки тергов пайтида айбланувчини сўроқ қилиш тартиби билан ўхшашликка эга. Даставвал судланувчига ўз кўрсатмасини эркин ҳикоя шаклида баён қилиш, қўйилган айблов ва иш юзасидан унга маълум бўлган нарсалар бўйича тушунтириш бериш имконияти берилади. Сўнгра кўрсатмани тўлдириш, аниқлаштириш ва текшириш мақсадида унга саволлар берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судланувчига мурожаат этаркан, иш юзасидан унга маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гапириб беришни таклиф қилади. Одатда судланувчи иш ҳолатларини эркин ҳикоя тарзида баён қилади. Бунда судланувчининг четга чиқиб кетиши ва гапираётган гапини йўқотиб қўймаслиги учун, иложи борича луқма ташлаш ва саволлар билан унинг сўзини бўлиб қўймаслик керак. Айни пайтда, агар судланувчи ҳал қилинаётган масала моҳиятидан четга чиқиб кетса, раислик қилувчи унга бу ҳақда эслатишга ҳақлидир.

Амалдаги қонунчилик судьянинг судланувчига биринчи бўлиб савол беришини назарда тутди. Одатда, бу ишни раислик қилувчи бажаради. Шундан сўнг судланувчини қораловчи, жабрланувчи ва унинг вакиллари сўроқ қилишади.

Гувоҳларни сўроқ қилиш. Гувоҳларни судга чақириш дастлабки тергов жараёнидаги тартибда амалга оширилади. Унинг дастлабки тергов пайтидаги сўроқ қилиш билан ўхшашлик томони шундаки, бу ерда ҳам сўроқ қилинади. Гувоҳларни судда алоҳида-алоҳида, ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар иштирокисиз

сўроқ қилинади. Сўроқ қилинишдан олдин унинг шахси аниқланади, сўнгра раислик қилувчи гувоҳга иш юзасидан билганларини ростгўйлик билан айтиб бериш унинг фуқаролик бурчи ва мажбурияти эканлигини тушунтиради, кўрсатма беришдан бўйин товлаш ва ёлғон кўрсатма бериш жавобгарлигидан огоҳ этади ва бу ҳақда ундан суд мажлисига қўшиб қўйиладиган тилхат олади.

Гувоҳни процессуал тартибда сўроқ қилишнинг нутқий ҳаракатлари қуйидагича бўлади:

Раислик қилувчи (котибга мурожаат қилади): *Гувоҳ Султонова Раъно Темировнани таклиф қилинг. Гувоҳ фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, туғилган жойингиз ва йилини, яшаш ва иш жойингизни, маълумотингиз, оилавий аҳволингизни ва ҳ.к. айтинг. Сиз кўрсатма беришдан бўйин товлаш ва ёлғон кўрсатма бериш жавобгарлигидан огоҳлантириласиз. Таржимон керакми? Қайси тилда кўрсатма беришни хоҳлайсиз? Мен билан бирга қайтаринг: «Судга иш юзасидан барча билганларимни айтишга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни айтаман, ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарса демайман». Гувоҳ, судга иш бўйича барча билганларингизни гапириб беринг.*

Гувоҳ эркин тарзда гапириб бергандан кейин унга биринчи бўлиб қораловчи, сўнгра ҳимоячи савол беради. Судьялар гувоҳга суд терговининг исталган пайтида савол беришга ҳақлидирлар.

Гувоҳларни, жабрланувчилар ва экспертларни сўроқ қилиш тартиби бир хил: иш моҳиятга алоқадор саволларни бериш лозим, ноаниқ (риторик), ёрдамчи, кўрилаётган ишга дахлдор бўлмаган саволларни беришдан қочиш лозим. Саволлар одоб доирасида, ҳар бир сўроқ қилинаётган одамнинг кадр-қиммати ва иззат-нафсига тегмайдиган тарзда берилиши лозим.

Сўнгра суд ишга тикилган ва қуйидаги тартибда кўриб чиқиладиган ёзма далилларни ўрганишга ўтади:

Раислик қилувчи: *Ёзма далилларни ўрганишга ўтамиз. Ишда қуйидагича ҳужжатлар бор: экспертларнинг хулосалари, тергов ҳаракатлари ва текшириув баённомалари.*

(ҳужжатлар эълон қилинади).

Судья ёки судьялар назарида барча далиллар тўлиқ, объектив ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилган деган хулосага келганларидан кейин улар томонлар ҳам шу фикрда эканлигига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Бунинг учун раислик қилувчи улардан суд терговига қўшимча қилиш истаги бор-йўқлигини сўрайди.

Агар томонлар суд терговига қўшимча йўқлигини бир овоздан билдиришса, раислик қилувчи суд терговини тугалланган деб эълон қилади.

Суд тергови хулоса қисмининг нутқий ифодаси қўйидагича бўлиши мумкин:

Раислик қилувчи: *Томонлар суд терговига қўшимча қилишни хоҳлайдими? Агар қўшимчалар бўлмаса, суд тергови тугалланган деб эълон қилинади. Энди томонлар музокарасига ўта-миз.*

Суд музокараси прокурор, жамоат қораловчиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили, ҳимоячи, агар суд мажлисида ҳимоячи иштирок этмаётган бўлса, судланувчиларнинг нутқларидан иборат бўлади. Прокурор ва жамоат қораловчисининг, шунингдек суд ҳимоячининг чиқишлари кетма-кетлигини уларнинг таклифлари асосида белгилайди.

Суд музокарасининг иштирокчилари суд терговини ниҳоясига етказадилар, суд терговига текшириладиган материалларни таҳлил қиладилар ва шу материалларга асосан, иш юзасидан ўз хулосаларини баён қиладилар.

Суд музокараси судга ҳамда суд залида иштирок этаётган фуқароларга ишнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама тушуниб олишда ёрдам беради, суднинг ички ишончи шаклланишига имкон яратади, шундай қилиб, қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга кўмаклашади. Айни пайтда, суд музокараси унда иштирок этувчиларнинг ўзларининг ёки уларнинг вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд музокарасининг қатнашчилари ўз нутқида судда кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга, суд эса умуман суд музокараси учун ёки унда иштирок этаётганларнинг сўзга чиқишини чеклашга ҳақли эмас. Бироқ раислик қилувчига кўрилаётган

ишга алоқадор бўлмаган ҳолатларни гапираётган музокара қатнашчисини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилган.

Суд музокарасининг моҳияти ва меъёрлари ЖПК моддаларида кўрсатилган масалалар доирасида аниқланади. Бироқ музокаранинг ҳар бир иштирокчиси ўзига юклатилган вазифани бажараркан, нафақат ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим бўлган масалаларни, балки унинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни ҳам тилга олиши мумкин.

Раислик қилувчи: *Сўз давлат қораловчиси, ... даражали маслаҳатчи Каримов Рустам Номозовичга берилади.*

(Айбнома ўқиб эшиттирилади).

Раислик қилувчи: *Сўз ҳимоячи, шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Рашидова Феруза Йўлдошевнага берилади.*

(ҳимоя нутқи ўқиб эшиттирилади).

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир томоннинг суддаги нутқи судга мурожаат қилиш билан бошланиши мумкин. Бироқ Жиноят-процессуал кодексда қатъий процессуал мурожаат мавжуд эмас, шунинг учун у ихтиёрий бўлиши мумкин. Суд музокараси амалиётида унинг «Муҳтарам суд, ҳурматли судьялар, жаноб судьялар, ҳурматли ўртоқлар, ўртоқ судьялар» каби анъанавий вариантлари мавжуд.

Шунингдек, суддаги нутқни эълон қилаётганда тўғри талаффуз қилиш, урғуларни ўринли ишлатиш, грамматик ва бошқа нутқий нормаларга амал қилиш лозим.

Раислик қилувчи: *Давлат қораловчисида, ҳимоячида эътирозлар борми?*

(Томонларнинг ҳар бири бошқа томон нутқида баён қилинган фикрларга эътироз билан чиқиш ҳуқуқига эга).

Томонларнинг эътирози лўнда, қисқа ва иш юзасидан бўлиши лозим: қарши томонларнинг нутқига баҳо бериш, эътироз билдириш орқали қасд олиш, жанжал кўтариш, ахлоқ-одоб ва нутқ маданияти доирасидан четга чиқишга йўл қўйилмайди.

Судланувчига сўнги сўз бевосита суднинг ҳукми тайёрлаш учун маслаҳат хонасига чиқиб кетишидан олдин, яъни суд музокараси тугагандан кейин берилади. Сўнги сўз чоғида судланувчига саволлар берилмайди ва унинг сўзи бўлиб қўйил-

майди. Агар судланувчи ишга алоқадор бўлмаган ҳолатларни гапирса, таҳқирловчи сўзларни ишлатса, раислик қилувчига уни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, судланувчининг сўнги сўзининг давомийлиги муайян вақт билан чегараланмаган.

Судланувчига сўнги сўз у суд музокарасида иштирок этсагина берилади. Судланувчи сўнги сўздан воз кечиши мумкин ва бу суд мажлисининг баённомасида ўз аксини топмоғи лозим.

Сўнги сўз ҳимоя ҳуқуқида, жазо чораси масаласини бехато ҳал қилиш учун судланувчи шахсининг суд томонидан тўғри баҳоланишида муҳим аҳамиятга эга.

Раислик қилувчи: *Судланувчи, ўрнингиздан туринг. Сизга сўнги сўз айтиш ҳуқуқи берилади.*

(Судланувчи сўнги сўзни айтади).

Суд судланувчининг сўнги сўзини эшитиб бўлгач, дарҳол ҳукм чиқариш учун маслаҳатлашишга чиқиб кетади. Буни раислик қилувчи суд мажлиси залида ўтирганларга эълон қилади.

Сўнгра суд мажлисининг котиби эълон қилади: *Барчанинг ўрnidан туришини сўрайман. Суд ҳукм чиқариш учун махсус хонага чиқиб кетади.*

Котиб: *Туринг, суд келяпти.*

Раислик қилувчи ҳукмни ўқиб эшиттиради. Уни барча тик туриб эшитади.

Суд муҳокамаси сценарийсини тавсифлаш ва қанчалик процессуал бўлса, шунчалик нутқий тартибда расмийлаштирилган нутқий ифодаларни таҳлил қилиш суд муҳокамаси қатнашчиларининг нутқий хулқини тасаввур қилиш имконини беради. Бундай ифодаларни билиш келгусида юрист бўладиган талабаларда дастлабки касбий-нутқий кўникмаларнинг шаклланишига имкон беради, махсус фанларни яхши тушунишга ва махсус фанлар бўйича расмий тренинглarda иштирок этишга тайёрлайди, шунингдек, касбий-нутқий маданиятни юксалтиришга ёрдам беради.

4-§. Юридик процессуал ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳатлари

Муайян ҳаётий ҳолатлар (фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари)да қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар доирасидаги индивидуал актлар процессуал актлар (ҳужжатлар) дейилади. Процессуал ҳужжатлар - юридик матнларнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Масалан, жиноят иши бўйича 50 га яқин турдаги қарорлар ва 40 га яқин турли баённомалар тузилиши мумкин.

Процессуал ҳужжатлар содир бўлган реал воқеаларни акс эттиради ва уларнинг ҳуқуқий баҳосини асослайди. Фуқаролик ва жиноят ишларининг тартиби муайян қонунлар билан белгиланган. Шунингдек, қонунда процесснинг бу босқичида қайси ҳужжатлар расмийлаштирилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Ҳар бир фуқаролик ёки жиноят иши бир неча босқичдан иборат бўлади. Иш фуқаролик ёки жиноят аломатлари бўлган ҳар қандай ҳодиса бўйича қўзғатилади. Иш қўзғатиш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин қонунда кўзда тутилган процессуал тартибда ишнинг фактик ҳолатларини ҳар томонлама ўрганиш бошланади.

Бу босқичнинг мақсади - айбланувчини судга топшириш учун асоснинг мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги қарорни қабул қилишга асос бўладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат. Дастлабки терговда процессуал ҳужжатлар - турли кўринишдаги баённомаларда олиб борилиши ва натижалари акс этадиган сўроқ, тинтув, олиб қўйиш, юзлаштириш, экспертиза ва терговнинг бошқа ҳаракатлари амалга оширилади.

Қарор матнида қарорга тегишли бўлган юридик ҳолатлар ўз аксини топади ва унинг таркиби 3 қисмдан иборат бўлади. Қарорнинг кириш қисмида - унга асос бўладиган маълумотлар: ҳужжат ким томонидан, қачон ва қандай сабабга кўра тузилгани акс этади. Сўнгра тасвирий (баён қилиш) қисми келиб, унда жабрланувчи ёки гувоҳлар сўзи асосида ёхуд воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш асосида терговчи баён қилган бирор муҳим фактнинг ҳуқуқий мақсади (хусусан, содир

этилган қилмишнинг ҳолати) ифодаланади. Қарор қисмида бажарилган муайян масала ҳал қилиниши лозим бўлган фармойиш акс этади.

Баённомада алоҳида тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатлар, кўздан кечириш, сўроқлар, тинтувлар ва бошқаларнинг олиб борилиши ҳамда натижалари қайд қилинади. Баённомада мантиқан икки қисм фарқланади: баён қилинаётган хатти-ҳаракат қаерда, қачон ва кимнинг иштирокида бўлган, шунингдек, бу хатти-ҳаракатларнинг ҳамда унинг натижаларининг хронологик тартибдаги баёни. Тергов ҳаракатларининг баённомасида бўлиб ўтган воқеалар картинасини осон ва қайта тиклаш мумкин бўлган ҳолатлар ҳамда аниқланган предметларнинг аниқ ва батафсил тавсифи ёритилади.

Дастлабки тергов босқичидаги ҳужжатлар орасида тергов олиб борилаётган жойда қандайдир сабабларга кўра, айрим оператив - тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолатларда, бошқа тергов органларига ёзма фармойиш тариқасида бериладиган топшириқ муҳим ўринни эгаллайди.

Топшириқда ишнинг моҳияти қисқача баён қилингандан кейин бошқа жойда ўтказилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар ва алоҳида топшириқни бажариш жараёнида аниқланиши зарур бўлган масалалар кўрсатиб ўтилади.

Ишнинг ҳолати тўлиқ ва ҳар томонлама аниқлангандан кейин дастлабки тергов тугалланади ва унинг материаллари айблов хулосасида умумлаштирилади. Айблов хулосаси – дастлабки терговнинг якуни, қўйилган айбловнинг асоси ҳисобланган далилларнинг тизимли баёнидир.

Айбланувчини судга топшириш ва суд муҳокамаси босқичида ҳам уларга хос бўлган процессуал ҳужжатлар тузилади. Булар – баённомалар, ажримлар, ҳукмлардир. Суднинг ҳукми-жиноят иши моҳиятига кўра ҳал қилинадиган якуний ҳужжатдир. У ишнинг аниқ ҳолатларига оид энг батафсил маълумотлар, қатъий асосланган хулосалардан иборат бўлади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида ҳукм 3 таркибий қисмдан иборат бўлади: кириш қисми ҳужжатнинг асосий маълумотларини қабул қилишга тайёрлайди, баён қилиш қисмида ишнинг моҳиятига алоқадор бўлган ҳақиқий маълумотлар батаф-

сил баён қилинади, унинг қарор қисмида кўрсатилган у ёки бу жиноят бўйича ЖК моддасига асосланиб чиқариладиган суднинг у ёки бу қарорига асос бўладиган далиллар келтирилади. Ҳукмнинг қарор қисми асосан ҳукм, яъни оқлаш ёки жазолаш тўғрисидаги чиқарилган қарордан иборат бўлади.

Ҳар бир процессуал ҳужжат нафақат ҳуқуқий жиҳатдан, балки лингвистик жиҳатдан ҳам хатосиз ва саводли тузилган бўлиши лозим. Ҳуқуқий ва тил маданияти нуқтаи назаридан муносиб даражада тузилган матнлар ҳуқуқ ва тергов органларининг ҳам, одил судлов органларининг ҳам мавқеини орттиради, юридик иш юзасидан қабул қилинган қарор моҳиятини тушунарли қилади.

Шундай қилиб, процессуал ҳужжатлар услубий жиҳатдан қуйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

1. Ҳужжатнинг намунавий мазмуни (баён қилиш, қарор, ҳаракатларнинг олиб борилиши ва унинг натижаларининг баёни, бирор-бир маълумотнинг етказилиши). Қарор қабул қилинган ҳужжатлар (қарор, ажрим, айблов хулосаси, ҳукм, суд қарори) ва баённома сирасидаги ҳужжатлар (турли кўринишдаги баённомалар: гумон қилинувчининг, айбланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг кўрсатмалари, кўздан кечиришнинг, тинтувнинг, олиб қўйишнинг, экспертизанинг ва бошқа ҳаракатларнинг баённомалари) ва бошқа ҳужжатлар фарқланиши лозим.

2. Ҳужжатнинг тузилиш жиҳатидан қисмларга ажралиши (қонунда назарда тутилган ёки мантиқан ажратилган қисмлари, шунингдек, муҳим ҳуқуқий жиҳатдан бир қолипдаги маъновий бўлаклари);

3. Ҳужжатдаги маълумотларнинг турлари (воқеа-ҳодисаларга оид маълумот - бўлиб ўтган ҳодисаларнинг, иш ҳолатининг ҳақиқий қайд қилиниши; қайд қилувчи маълумотлар – ҳодисалар ёки предметлар номларининг рўйхати, муайян фактларнинг қайд қилиниши; фармойиш берувчи маълумотлар – бирор-бир хатти-ҳаракатни бажаришга кўрсатма бериш).

4. Маълумотларни етказишнинг усуллари - матннинг зарур ҳуқуқий мазмуни аниқ ифодаланган тил воситалари (белги-ланган ва сўзлар тартибига қатъий амал қилиши; у ёки бу

грамматик аҳамиятга молик урғулар, бир қолипга солинган турли гап бўлақларининг қўлланилиши ва ҳ.к.).

Маълумотларнинг намунавий мазмуни ва турлари – процессуал ҳужжатларнинг тилга оид бўлмаган асосларидир. Унинг тузилиши жиҳатдан бўлақларга ажратилишини тилга оид бўлмаган мезонлар билан ҳам, қонунга ҳавола қилиш, анкета маълумотлари ёки айбловни ифода қилишни ҳисобга олган ҳолда ҳам бериш мумкин.

Маълумотларни етказиш усулларига процессуал ҳужжатларнинг тил хусусиятлари киради. Бу мезонларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, процессуал ҳужжатларнинг услубий моделини – муайян тил материалдан матн тузиш чизмасини яратиш мумкин. Ҳар бир услубий моделда фойдаланилган у ёки бу тил воситалари экстралингвистик омиллар билан, биринчи навбатда, намунавий мазмун билан белгилаб қўйилади.

Процессуал қарор ҳужжатларига – қарорлар, ажримлар, айблов хулосалари, ҳукмлар, суд қарорлари киради. Уларнинг намунавий мазмуни– бирор-бир масаланинг қонуний, асосли равишда ҳал қилинишидан иборат. Масалан: тергов органларининг қарорларида тергов ҳаракатлари учун зарур бўлган айбланувчининг ва жабрланувчининг иқрор бўлиши тўғрисидаги процессуал ҳолат (экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарори ва бошқа.); жиноят ишининг ҳаракатланиши тўғрисидаги қарор (ишни ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисидаги қарор)нинг чиқарилиши амалга оширилиши мумкин.

Айблов хулосаларида терговчининг айбловни ифода қилиш ва ишни судга топшириш тўғрисидаги қатъий қарорига асосланилади. Ҳукм судланувчининг айбдорлигини ва унга тайинланган жазо чорасини (ёки судланувчининг айбсиз эканлигининг ҳуқуқий оқибатини) белгиловчи қарордан иборат бўлади. Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларида бирор-бир юридик фактнинг мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги) тасдиқланади.

Қарор ҳужжатларининг копозицияси қонунда назарда тутилган ва улар 3 қисмдан иборат бўлади. Қарор ҳужжатларининг кириш қисмида одатда битта гапда аниқловчи ва ҳолларнинг турли кўринишлари иштирок этади. Асосий урғу қарор матнидаги ўрин ва пайт ҳолларига тушади.

Қонун у ёки бу процессуал ҳаракатларнинг муддатини қатъий чеклаб қўйган. Масалан, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор, қоида тариқасида, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида лавозимдаги шахсдан маълумот олинган кундан бошлаб, 3 кундан кечиктирмасдан чиқарилиши лозим.

Тергов (ёки суриштирув) жиноят содир этилган жойда олиб борилади. Шунинг учун ҳам кириш қисмидаги ўрин ва пайт ҳоли оддий матндагига қарагандагидан ҳам кўпроқ маъно юкига эга ва уларнинг ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир; тарз ҳоллари ҳар доим вергул билан ажратиб кўрсатилади. Вергул билан ажратилган аниқловчилар одатда ёйиқ ҳолда қўлланилади: ... *моддада кўзда тутилган жиноят аломатлари бўйича қўзғатилган иш материали.*

Сўнгра ҳуқуқий нормага ҳавола қилинади (модданинг рақами кўрсатилади). Бунда ҳавола маълумотнинг мустақил таркибий қисми ҳисобланмайди, балки «жиноят» тушунчасини аниқлаштириш учун хизмат қилади.

Айрим қарор-ҳужжатлари (масалан, қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор)нинг кириш қисмида прокурорнинг грифи сифатида *розиман, санкция бераман* маъносидаги ажратиб кўрсатилган биринчи шахс бирликдаги ҳозирги замон феъли мавжуд бўлади.

Қарор-ҳужжатларининг баён қисми ҳажми бир гапдан бир неча гапгача бўлиши мумкин. Баён қисмининг ҳажми қарор қайси босқичда чиқарилганига, яъни ишнинг ҳақиқий ҳолатини қанчалик тўлиқ акс эттириш заруратига боғлиқ бўлади. Баён қисмининг энг катта ҳажми якуний қарорларда учрайди.

Баён қисмидаги ҳуқуқ нормаларига ҳавола (ЖПК да назарда тутилган бирор-бир ҳуқуқий нормани) *қўллаб* равишдоши билан ифодаланади ва вергул билан ажратиб кўрсатилади ҳамда кириш қисмидагига нисбатан катта ахборот мустақиллигига эга, чунки *қўллаб* ҳаволаси агар яна қандайдир қўшимча маълумот бўлса ва улар «ва» боғловчиси билан битта гапга бирлаштирилган бўлса, унда *эйтиборга олиб* иборасини қўллаш мумкин.

Қарор-ҳужжатларнинг қарор қабул қилиш қисми сарлавҳа кўринишида тузилади ва улар икки нуқтадан кейин бош ҳарф-

лар билан ҳамда бир-биридан нуқталар ёрдамида ажратиб ёзилиши лозим.

Грамматик сарлавҳалар инфинитив (феълнинг ноаниқ кўринишидаги гаплар) гапларни янада таъкидлаб кўрсатувчи ибора урғуси гапнинг охириги қисмига тушадиган инфинитив гаплардан ташкил топади. Бетараф баён қилиш оҳанги фармойиш бериш, амр қилиш оҳанги билан алмашади ва инфинитив гаплар ўз фикрини ифодалашнинг асосий бўғини сифатида ажратилади.

Қарор-ҳужжатларнинг тузилиш қисмлари мантиқий жиҳатдан боғланган бўлиши зарур (*аниқладим, қарор қиламан, айбдор* ва улардан келиб чиқадиган сўзларнинг бири-бирига боғланиши).

Қарор-ҳужжатларнинг услубий модели маълумотларнинг ҳар учала турини ўзида жамлайди. Қайд қилувчи маълумотлар кириш қисмида баён қилинади ва ҳозирги замон феъли шаклида ифодаланади. Воқеа-ҳодисаларга оид маълумотлар баён қисмида ифодаланади. Қайд қилувчи маълумотлар билан воқеа-ҳодисаларга оид маълумотларнинг навбатма-навбат келиши мазкур иш юзасидан тўпланган барча далилларни бир тизимга солиш имконини беради.

Матнга далиллар манбаини кўрсатувчи (*эксперт хулосасига асосан, тафтиш хулосаларига мувофиқ* шаклидаги кириш сўзлар) ёки муайян ҳолатни аниқлаштирувчи (*яъни, чунончи* каби боғловчилар билан келган) синтактик бирикмалар киритилади.

Воқеаларга оид маълумотлар учун ўтган замон хосдир. Хронологик изчиллик тамойилига асосан батафсил акс эттирилган воқеаларга оид маълумотлар ҳозирги замон учун ҳам, келаси замон учун ҳам бир хил аҳамиятга эга бўлган ўтган воқеаларнинг натижаларидан иборат бўлади.

Бу турдаги маълумотлардан кўзланган асосий мақсад коммуникативликдан иборат: ишнинг ҳақиқий ҳолатини шундай баён қилиш керакки, мантиқан муайян хулоса чиқариш имконини берсин. Фармойиш берувчи маълумотлар қарор ҳужжатларининг қарор қисмида ўз аксини топади. У келаси замонда қўлланилади, чунки у ҳужжатда баён қилинган воқеанинг натижаларини белгилайди.

Айблов хулосаси асословчи баён қисми ва қарор қисмидан иборат. Айблов хулосасининг асословчи баён қисмида ишнинг моҳияти – дастлабки тергов жараёнида аниқланган айбланувчи содир этган жиноятнинг жойи, вақти, усуллари, асосланган оқибатлари ва бошқа муҳим ҳолатлари, жабрланувчи ҳақидаги маълумотлар, айбланувчининг айбини ва жиноятнинг мавжудлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айбланувчининг ўз ҳимояси учун келтирган важлари ва бу важларни текшириш натижалари баён қилинади.

Айблов хулосасида унда баён қилинган ҳолатлар ўз тасдиғини топган ишнинг бетларига ҳавола бўлиши лозим. Айблов хулосасининг қарор қисмида айбланувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар келтирилади ва мазкур жиноят назарда тутилган ЖК моддалари кўрсатилиб, унга қўйилган айблов баён қилинади. Айблов хулосаси тузилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда терговчи томонидан имзоланади.

Айблов хулосасида маълумот узатишнинг уч кўринишидан фойдаланилади. Асословчи баён қисмида қайд қилувчи маълумотларнинг унсурлари воқеалар билан бирга келади. Масалан, иш материалларидан кўринадик..., гувоҳларнинг кўрсатмаларидан келиб чиқадик ва ҳ.к. Воқеаларга оид маълумотлар асосан ўтган замон шахс феъллари шаклида берилади ва гапнинг ажратилган бўлаклари ҳисобига аниқлаштирилади.

Айблов хулосасининг қарор қисми қайд қилувчи ва фармойиш берувчи маълумотлардан иборат.

Баённома-ҳужжатлар мазмунан қуйидаги турларга бўлинади:

1) далилнинг муайян манбаси: *айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳлар* кўрсатмаларининг қатъий юридик ифодаси;

2) *кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, экспертиза* каби тергов ҳаракатларини олиб бориш пайтида аниқланган фактлар тасдиқланадиган мустақил далиллар манбаи;

3) ЖПК нинг қайд қилинган талаблари: тергов жараёнида бажариладиган ҳаракатлар (айбланувчини экспертиза тайинланиши тўғрисидаги қарор билан таништириш ва ҳ. к.).

Баённомалар қонунда белгиланган коммуникатив қисмларга эга эмас. ҳаракатлар амалга ошириладиган шароитлар, ҳаракатларнинг ўзлари ва уларнинг натижалари баён қилинган қисмлари мантиқан ажратилади. Процесс қатнашчилари ҳақидаги маълумотлар ва томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини изоҳловчи ёки тергов ҳаракатларини асословчи қонунга ҳаволалар мустақил қисмлар ҳисобланади.

Изоҳловчи ҳаволалар, *чунончи, яъни* каби боғловчилар ёрдамидаги бирикмалар билан ифодаланади. Масалан: *менга Ўзбекистон Республикаси ЖПК моддаларида назарда тутилган айбланувчининг ҳуқуқлари тушунтирилди, чунончи...*

Асословчи ҳавола матнга *моддага мувофиқ, модда талабларига риоя қилган ҳолда* бирикмалари билан киритилади ва вергул билан ажратилмайди.

Баённома-ҳужжатларда фармойиш берувчи маълумотлар мавжуд эмас, балки фақат қайд қилувчи ёхуд воқеага оид маълумотлар мавжуд бўлади. Воқеага оид маълумотлар – сўроқ қилинганларнинг муайян мазмунга эга кўрсатмалари ўтган замонда акс эттирилади ва ҳар доим шундай қайд қилиниши керак. Унга юридик кучга эга далиллар манбаи сифатида қаралади.

Қайд қилинувчи маълумотлар асосан номма-ном берилади: *қора пластмассадан қилинган корпусли магнитофон, («қора пластмассали корпус» эмас)*. Жонсиз предметларни ёки воқеа содир бўлган жой ҳолатини баён қилиш бўлиб ўтган воқеалар картинасини аниқ тиклаш имкони учун фойдаланиладиган аниқловчи сўзлар конструкциясининг кўплиги билан фарқланади.

Зинапоя майдончасида жойлашган хонадонларнинг жойлашиши, хоналар сони, ўғирланган предметларнинг жойлашган ўрни ва ҳ. к.

Ташқи кўринишни тасвирлаш (оғзаки портрет яратиш)да анатомик ва антропометрик атамалар (техник терминлар-номенклантуралар): *ўрта буй, тахминан 178–180 см, сочи қора, калта, тўғри, юзи думалоқ, қўш ияк, чап юзида кичик холи бор.*

Воқеаларга оид маълумотларни узатишда махсус тил воситалари мавжуд эмас, чунки қонун иложи борица кўрсат-

маларнинг сўзма-сўз баён қилинишини талаб этади. Воқеаларга оид маълумотлар монолог ёки диалог шаклида берилади ва улар биринчи шахс тилидан баён қилинади.

Сўроқ тугаганидан сўнг баённома гувоҳга ёхуд жабрланувчига берилади ва терговчи томонидан ўқиб эшиттирилади (ёки унинг ўзи ўқийди) ҳамда гувоҳ ёки жабрланувчи баённомага *баённома менинг сўзларим асосида тўғри ёзилган (имзо) ёки баённомани ўз қўлим билан ёздим (имзо)* деб ёзиб қўяди.

Терговчи гувоҳнинг ёзма кўрсатмаси билан танишиш жараёнида қўшимча саволлар бериши мумкин. Агар баённома бир неча бетдан иборат бўлса, унинг ҳар бир бетига имзо қўйилади.

Гумон қилинувчи ва жабрланувчининг баённомаси ҳам тахминан шундай расмийлаштирилади, гумон қилинувчига муайян моддалар бўйича унинг ҳуқуқлари тушунтирилади, қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлиги тушунтирилади, шунингдек бу ҳақда сўроқ қилиш баённомасига белгилаб қўйилади.

Агар гумон қилинувчи ушланган бўлса, унинг сўроқ қилиниши у ушланган дақиқадан бошлаб 24 соатдан кечиктирмасдан ўтказилади. Жиноят иши бўйича тузилган ҳужжатлар хатосиз ёзилган бўлиши лозим. Бу муҳим талаб ҳақида гапирганда, одатда саводхонликнинг даражаси, яъни ёзма нутқнинг орфографик, пунктацион ва грамматик жиҳатдан тўғрилиги назарда тутилади.

Аслида саводхонлик орфографик, пунктацион ва грамматик нормаларга риоя қилинишини талаб этади. Имловий қийинчиликлар асосан бошқа тилдан ўтган сўзларда юз беради (масалан, *наркологик* ўрнига *норкологик* деб ёзишади).

Баъзан материалларда битта сўзнинг бир неча хил ёзилганини кўриш мумкин. Суд-тергов ҳужжатларида тиниш белгилари жуда кўп бўлади: бирор-бир муҳим ҳолатни ажратиб кўрсатиш мақсадида деярли ҳар бир сўздан кейин вергул қўйишади, бу эса матнни тушунишда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам фақат зарур ҳолатда тиниш белгиларини қўллаш зарур.

Русийзабон бўлган кишилар тузган айрим ҳужжатларда грамматик нормаларнинг қўпол бузилиши кўп учрайди.

Касбий тил саводхонлиги шунинг учун ҳам зарурки, суд-тергов ҳужжатларида тил бевосита ҳуқуқий фикрни ифодалайди. Касбий фикрлашнинг ўзига хосликлари таъсирида шаклланган барча атамалар, махсус тушунчалар, конструкциялар ҳуқуқий билимларнинг ҳозирги даражаси билан мос келиши ва фақат зарур бўлган пайтдагина қўлланилиши лозим.

Оддий нутқдаги сўзлар ҳам суд-тергов ҳужжатларида махсус мазмун касб этиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, «*маст ҳолатда бўлган*» ва «*спиртли ичимлик истеъмо*л қилган» ифодалари бир хил маънодаги тушунчалар – оддий алкоголь ҳам, наркотиклар ҳам, турли оғирликдаги патологик ичкиликбозлар ҳам маст ҳолатда бўлиши мумкин. Спиртли ичимликларга эса инсон организмига таъсир қилиш даражасига қараб, уч гуруҳдаги ичимликлар киради.

Суд-тергов ҳужжатларининг коммуникатив саводхонлиги деганда иш материаллари билан танишган турли кишиларнинг уларни тушунишлари англашилади. Маълумки, ҳужжатларда турли манбалардан олинган маълумотлар мавжуд бўлади. Шунинг билан бирга, ҳужжат матнига терговчининг нутқий, ҳаётий ва касбий тажрибаси ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Коммуникатив бехато ҳужжат айнан бир матннинг турлича англанишининг олдини олади. Фақат шундагина ҳужжат «бир маъноли» бўлади. «Бир маъноликни» юристларнинг ўзлари ҳам кўпинча касбий нутқнинг энг муҳим сифатларидан бири деб аташади.

Бироқ «бир маънолилик»ка амалий жиҳатдан эришиш қийин (шунинг учун ҳам бу сўзни қўштироқ ичига олишга тўғри келади): ҳар бир табиий тилнинг ўзига хослиги – кўп маънога эга бўлишидир. Ахир тилда, унинг чекланган бирликлари билан борлиқнинг тилга оид бўлмаган барча мураккаб алоқалари тизимлаштирилади.

Шунинг учун ҳам бир хил маъно ҳақида эмас, балки ҳужжатнинг аниқлиги тўғрисида гапириш мақсадга мувофиқ бўларди. Агар ҳужжатдаги маълумотлар жиддий қабул қилишга

мўлжалланган бўлсагина, у аниқ бўлади. Ўз навбатида, коммуникатив саводхонлик аниқлик, равшанлик, матннинг грамматик тўғри ёзилганлиги каби қатор сифатларни ҳам назарда тутди. Фақат барча мазкур талабларга риоя қилингандагина ҳужжатдан уни тузган одамнинг мақсадини тўғри англаб олса бўлади.

Шундай қилиб, процессуал ҳужжатларни тузишда юристан саводхонликнинг муайян даражаси, мантиқ қонунларини билиш, юридик ҳужжатнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, улкан луғат бойлиги жамғармасидан мос келадиган сўзни танлаш қобилиятига эга бўлиш талаб этилади.

Айнан мана шу талаблар, ўз навбатида, тергов олиб бориш маданиятига ҳам, судлов ишлари маданиятига ҳам таъсир кўрсатади. Бу ҳол процессуал юридик ҳужжатларни нутқий маданият кўникмалари асосида туза оладиган профессионал юристлар фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

7-боб. Суд мунозараси ва унинг ўзига хосликлари

Айбловчи ва ҳимоячи деб аталмиш ўзаро қарама-қарши икки томон манфаатларининг очиқдан-очиқ тўқнашувига асосланган суд мунозараси ҳам умуммунозара турларидан биридир. Суд процесси одатда икки қарама-қарши томоннинг ўзаро очиқчасига тортишувидан иборат бўлиб, бунда прокурор ва жабрланувчи - бир тараф, судланувчи ва ҳимоячи - иккинчи тараф бўлиб туради. Бирининг нутқи жинойтни асослашга қаратилган бўлса, иккинчисиники эса судланувчини оқлашга қаратилган бўлади.

Шу тариқа, судда тарафларнинг сўзга чиқишлари мунозаранинг оғзаки кўриниши, оғзаки шакли бўлиб, бунда судланувчи айбдорми, айбсизми деган муқобил саволга аниқлик киритиш зарурати асосий вазиятни белгиловчи етакчи мавзу бўлади. Шундай қилиб, бу ҳолат бутун далиллар билан исботлаш тизими асосида ана шу масаланинг ечимига қаратилган бош омил бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли судда тарафларнинг сўзга чиқишлари - суд мунозарасининг далил-исботлари мажлис аҳлига тез етиб борадиган, ўткир, ифодали бўлишини, уларнинг ишончлилиги ва асослилигини ҳамда ўз нуқати назарларини ана шу далил-исботлар ёрдамида асослашларнинг қатъий тизимига буйсунишини тақозо қилувчи алоҳида туридир.

Судда тарафларнинг сўзга чиқишлари жинойт ишини судда кўриб чиқиш босқичидаги мустақил қисмлардан биридир. Судда жинойт ишини муҳокама қилишнинг ўзи жинойт ишларига нисбатан тайёрлов қисми, суд-тергов ишлари, судда тарафларнинг сўзга чиқиши, судланувчининг сўнгги сўзи ва чиқарилган ҳукм тўғрисида қарор қабул қилишдан иборат. Судда тарафларнинг сўзга чиқиши деб аталмиш умумий тушунча остида айбловчи томон-даъвогар фуқаро; жавобгар фуқаро ёки уларнинг вакилларининг, ҳимоячилар ва судланувчининг нутқлари тушунилади. Одатда мунозараларида жабрланувчи ва унинг вакиллари ҳам иштирок этади. Ўз-ўзидан маълумки, суддаги тортишувларда қатнашувчи томонлар суд-тергов органлари тарафидан белгиланган доирада мунозарага киришадилар. Бунда муҳо-

камага қўйилган масалалар кўрилатган жиноят ишга тааллуқли ҳолатлар ва фактлар таҳлили етарли даражада чуқур текширилганлик нуқтаи назаридан улар нутқида атрофлича батафсил ёритиб берилади. Шунингдек, бу ўринда хулосаларни асослаш учун зарур бўлган далил-исботлар мажмуи ҳам мукамал ўрганиб чиқилади.

Суд мунозараси мавжуд фактик материалнинг пухтароқ ва чуқурроқ таҳлил қилиниши, далил-исботлар тизимининг ҳам қатъийроқ, ва жиддийроқ, асосланишини, шунингдек, мавжуд фактик материалдаги аҳамиятга молик ўринлар алоҳида таъкидлаб кўрсатилишини талаб қилади. Чунки томонларда комил ишонч ҳосил бўлиши ва мунозара қатнашчиларининг суд ҳайъатини ва йиғилганларни ишонтира олиш маҳорати ана шу омилларга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Мунозара туфайли суд тортишувларида қатнашаётган иштирокчилар нутқининг таҳлилий жиҳатлари, нутқнинг маълумот тарикасидаги аҳамияти кучайиши, шунингдек, сўзлаётган шахснинг нуқтаи назари, мақсади кузатила боради. Шу боисдан ҳам судда тарафларнинг сўзга чиқиши - бу холисона, ва иложи борича беғараз, ҳаққоний баҳс, мунозара бўлиб, бунда айбловчилар ва ҳимоячилардан иборат икки қарши томон судьяларнинг сабр-тоқатини суиистеъмол қилмаган ҳолда суд ахлоқий қоидалари доирасидан четга чиқмасдан ўз нуқтаи назарини асос, далил ва исботлар асосида ифодалаш лозим.

Айбловчилар ва ҳимоячилар судда сўзлаган нутқларининг тарбиявий таъсири ва самарадорлиги кўп жиҳатдан қарши томонларнинг қай даражада тайёргарлик кўрганлиги ва уларнинг нотиклик маҳоратига, сўзамоллигига боғлиқ. Бу ўринда айбловчининг ҳам, ҳимоячининг ҳам маънавий масъулияти ўта баланд бўлиши лозим. Чунки ҳар иккала томон судни инсон тақдирини қай йўсинда ҳал қилиш лозимлигига ишонтиришга жон-жаҳди билан уринади. Ҳеч бир кимса фақат ўзининг фикригина тўғри, адолатли эканлигига ва унинг фикридан бўлак ўзгача тўғри ечим бўлиши мумкин эмаслигига даъво қилишга ҳақли эмас.

Суд тортишувларида фактлар мумкин қадар аниқ-равшан баён қилиниши шарт. Суд баҳсларида келтириладиган ҳар қан-

дай далил-исботга унинг аҳамиятини ҳеч қанақа бурттирмаган ёки ерга урмаган ҳолда бу далил-исботлар аслида қандай ўрин тутса, айнан шунга яраша муносабатда бўлиш зарур. Суд мажлисларида кўрилаётган жиноят ишининг барча-ҳолатлари, фактлари очиқдан-очиқ, ошкора муҳокама қилинади. Айбловчи ўз нуқтаи назарининг барча жиҳатларини мумкин қадар тўлатўкис ёритиб бериши шарт. Адвокат бўлса, ўз ҳимоясидаги шахсни қонун доирасида ёқлаб ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу аснода томонлар олиб бораётган баҳс-мунозаранинг фақат ихтисос доирасидаги мазмунигина эмас, балки чуқур қарама-қаршилиқларга асосланган зиддиятли, ахлоқий мазмуни ҳам ойдинлаша боради.

Суд муноразаси шаклан бекаму-куст одоб доирасида олиб борилиши, фақат кўрилаётган иш юзасидангина сўз юритилиши ва зинҳор баҳс иштирокчиларининг шахсиятига тегиб кетилмаслиқ, шунингдек, бошқа турли хил қўпол сўзлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиқни талаб этади. Мунозара иштирокчилари бир-бирларини камситмаслиқлари ва улар ўртасидаги баҳс ўзаро пичинг-кесатиқли ва заҳархандали олишувга айланиб кетмаслиги лозим. Суд тортишуви инсон тақдирини адолатли ҳал қилиш, муҳокама қилинаётган ҳар бир иш замирида аллақандай мавҳум бир суд ҳодисаси эмас, балки шу иш ортида тирик жон, муайян инсон турганлигини ҳар доим ёддан чиқармаслиқ зарур.

Судланувчи - бу аввало, ўз инсоний қадр-қиммати ҳар қандай бошқа шахс каби ҳурмат қилиниши лозим бўлган одамдир. Шунинг учун ҳам суд-тергов ишлари жараёнида судланувчига нисбатан қўпол ва таҳқиромуз муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди. Судда тарафларнинг сўзга чиқиши жанжалга, томонларнинг ўзаро гап талашишига айланиб кетмаслиги керак. Мухолиф томоннинг нутқини баҳолашга ортиқча берилмаслиқ лозим, чунки суднинг ҳукми учун томонларнинг нутқиға муносабат эмас, балки қарши далил, асосли эътирозларнинг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Суд жараёни, судда тарафларнинг сўзга чиқиши ва судда томонларнинг мунозара олиб бориш маданияти судда раислиқ қилувчига боғлиқ бўлади. У суд жараёниға, унинг таъсир даражасиға, мунозара иштирокчиларининг

Ўзини тутиш маданияти ва нутқ маданиятига таъсир қилади. Унинг зиммасига юкланган мажбуриятлар - ҳимоя ва айблов томонларининг далил ва мулоҳазаларига нисбатан эътироз ва танқидий фикрлар қонун доирасидаги маънавий-ахлоқий меъёрлардан чиқиб кетмаслигини назорат қилиш; гувоҳларга ва суд жараёнида иштирок этувчи бошқа шахсларга ёрдамчи (эслатувчи) саволлар берилишига йул қўймаслик ва ҳоказолардан иборат.

Судья ҳамиша ўзининг процесс қатнашчилари ва залда йиғилган барчанинг диққат-эътиборида туришини англаб, ҳис қилиши ва табиийки, унинг барча фикр-мулоҳазалари, имо-ишоралари, юзидаги ифодаси атрофдагилар томонидан муттасил кузатиб борилишини назардан қочирмаслиги зарур. Шу ўринда, судьянинг тинглаш қобилиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг бу қобилияти сўзга чиқувчиларнинг нутқини оғир-вазминлик ва диққат билан тинглай олиш ҳамда тушунишни тақозо этади. Судьянинг эътиборсизлиги судда тарафларнинг сўзга чиқишида изчилликнинг йўқолишига олиб келади ва бу ҳолат процессуал, ахлоқий ҳамда маданий нутқ меъёрларининг бузилиши сифатида баҳоланади.

Судья суд жараёнининг иштирокчиларига савол беришда шарқона ахлоқий меъёрлар, оғзаки нутқ қонун-қоидалари ва талабларига риоя қилиши керак. Савол кўрилаётган иш мавзу доирасидагина бўлиб, аниқ лўнда шаклда, яъни савол замирида ишнинг асл мазмунини очишга хизмат қиладиган омиллар бўлишини тақозо қилган ҳолда тузилиши зарур. Савол холис, аниқ ва равшан, мавзудан четга чиқмаган ҳолда берилиши, ва унинг таркибида саволнинг жавоби акс этмаслиги лозим. Суд залида жавоб талаб қилмайдиган риторик саволларни беришдан эҳтиёт бўлиш лозим. Ва, ниҳоят, савол беришда жавоб берувчига тушунарли булган воситалардан фойдаланилади.

Судья юксак нутқ маданиятига эга бўлиши, бинобарин, ўз ишонч-эътиқоди, мулоҳазалари ва муносабатларини баён қилишда ўзининг саволлари, асослари ва фикрларини ниҳоятда саводли ва тушунарли тарзда ифодалаши талаб этилади.

Судья баъзан суд жараёнини жонлантириш мақсадида турли ҳазил-хузил гапларни қўллаши ҳам мумкин, бироқ бу ишни ўта

эҳтиёткорлик билан, меъёрида қилиш мақсадга мувофиқдир. Судда жиноят иши муҳокама қилинаётган тилнинг софлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади: яъни суд аъзолари ўз нутқларида жаргон сўзлардан ёки ҳақорат сўзлардан, айниқса, ўғрилар тилига хос аргументлардан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, судья савол бераётганда ўзининг сўзлаш оҳангини қатъий назорат қилиши шарт. Кўпинча судьянинг суд жараёни қатнашчиларига қаратилган саволлари ва мулоҳазаларининг оҳангида турли ҳиссиётларга берилиш сезилиб қолади, ва бу ҳол айтилган гапнинг мазмунига путур етказиши мумкин. Бироқ судья нутқи оҳангидаги бундай ҳолатлар суд тортишувидаги мувозанатга таъсир кўрсатмаслиги лозим, яъни судья ўзининг у ёки бу томонга қарши фикрдалиги ёки, аксинча, мойиллигини сездирмаслиги керак бўлади. Давлат айбловчисининг мақоми унинг намунали хулқ ва алоҳида нутқ маданияти соҳиби бўлишини тақозо қилади. Агар судья ахлоқ меъёрлари, процессуал қонун-қоидалар талабига кўра иштирокчилар олдида ўз муносабатини кўрсатишга ҳақли бўлмаса, давлат айбловчиси - прокурор шу қонун-қоидалардан келиб чиққан ҳолда, ўз шахсий мулоҳазаларини яширмаслиги лозим. Чунки у ўз номи билан давлат айбловчисидир.

Аксарият ҳолларда прокурорлар айбланувчига саёз саволлар бериб, уларга панд-насиҳат қилишни одат қиладилар. Ваҳоланки, буларнинг бари ахлоқий ва маънавий меъёрларга зиддир. Прокурорнинг жиноят иши бўйича келтирган далил-исботларни қандай таҳлил қилиши, уларга қандай қонуний, ахлоқий-психологик баҳо беришига қараб, айбланувчига қўйилган айбни исботлай олиш-олмаслигига қараб, фуқаролик иши бўйича даъвони асослай олиш-олмаслигига қараб унинг хулқи, нутқ маданияти, касбий маҳорати баҳоланади.

Айбловчи айбланувчини фош қилувчи ёки оқловчи ҳолатларни, унинг айбини оғирлаштирувчи ҳамда енгиллаштирувчи фактларни аниқлаши лозим. Суд терговининг ҳолислик принципига кўра, прокурор томонидан далил-исботларни сунъий тарзда йиғиш, фактларни тарафқашлик билан баён қилиш, айбни инкор этувчи ҳолатларни эътиборсиз қолдириш ман этилади. Айбловчи судга мурожаат қилар экан, доим одоб-ахлоқ

меъёрларига риоя қилиши керак. Агар эътироз билдиришни истаса, қонунда белгиланган регламент ва нутқ маданий меъёрларига мувофиқ ҳолда иш кўриши лозим. Агар суд жараёнида турли зиддиятлар юзага келса, прокурор асабийлашмасдан, жаҳл отига минмасдан, айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳга дағдаға қилмасдан мурожаат этиши лозим. Шунингдек, савол беришда прокурор аниқлик, равшанлик принципларига амал қилиши, айбланувчига панд-насихат қилмаслиги шарт. Саволлар риторик бўлмаслиги, алоҳида фактларни ойдинлаштиришга қаратилган, мақсадли бўлиши лозим. Прокурорнинг ҳам, суднинг ҳам, адвокатнинг ҳам нутқи баланд овозда, аниқ равшан, жонли ва, иложи борича, лўнда ҳамда ифодали бўлиши лозим. Оҳангда ишонч, қатъиятлилиқ ва куч янграсин... Қўлнинг хатти-ҳаракати нутқни жонлантиради, бироқ бунда эҳтиёт бўлиш лозим... тез-тез қайтариладиган, кескин, ҳовлиқма ҳаракатлар одамнинг жиғига тегади. Энг зўр нутқлар соддалиги, аниқлиги ва маънолилиги билан ажралиб туради.

Адвокатнинг вазифаси жиноятни эмас, шу жиноятни маълум шарт-шароитлар таъсирида содир этган шахсни ҳимоя қилишдан иборат. Адвокат фаолиятининг энг муҳим қондаси куйидаги тезисда баён қилинган: гумонланаётган шахс ҳали айбдор дегани эмас. Ушбу принципга кўра, суд ўз ҳукмини эълон қилмагунга қадар айбланувчи айбсиз ҳисобланиб, ҳимоячининг фаолияти эса жамият томонидан инсоний, адолатли деб баҳоланади.

Адвокат фаолиятининг эътиборли томони шундаки, ҳимоячи судгача тергов жараёнига ҳам таъсир қилиб, ҳар қандай жиноят ишида ўз ҳимояси остидаги шахсни оқловчи исботдалиларни топа олиши мумкин. Ҳимоячининг нутқи тингловчида ижобий таассурот қолдириши, жиноятнинг асл сабаблари устида бош қотиришга мажбур этиши лозим. Шундагина ҳимоячи ўзининг асосий вазифаларидан бирини адо этган бўлади. Хуллас, прокурор ва адвокатнинг нутқи процессуал қонун-қоидалар, ахлоқий меъёрларга жавоб бериши лозим. Шундай қилиб, асосли айблов ва ҳимоя нутқлари айбловчи, ҳимоячи ва бошқа суд қатнашчиларининг фаол иштирокида шахснинг касбий хулқ маданияти, шунингдек, холисона ва тўлиқ суд тергови дои-

расидагина ифодаланиши мўмкин. Шунинг учун суд-да тарафларнинг сўзга чиқиши ҳамда омма олдида нутқ сўзлайдиган айбловчи ва ҳимоячининг касбий талаффузи билан боғлиқ жиҳатларга ҳам тегишлича эътибор бериш керак бўлади.

Тил - давлат ҳимоясида

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,

4-модда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ Давлат тили ҳақида (янги таҳрирда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

2-модда. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди.

3-модда. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгилаб берилади. Тилнинг Қорақалпоғистон Республикасида амал қилишига боғлиқ масалалар, шунингдек, Қорақалпотостон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ушбу Қонун тилларнинг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удумларни адо этишда қўлланишини тартибга солмайди. Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш

учун шарт-шароит яратилади. Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикасида давлат тилида фаолият кўрсатадиган, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса уларнинг тилларида фаолият кўрсатадиган мактабгача тарбия болалар муассасаларини ташкил этиш таъминланади.

6-модда. Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Республикаси давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда ҳам умумий, ҳунар-техника, ўрта махсус ва олий маълумот олишни таъминлайди.

7-модда. Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормапарига риоя этилади.

Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди. Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли қўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

9-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади. Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманларда давлат тили, шунингдек қатнашчиларнинг ўзлари танлаган тиллар анжуманнинг иш тили ҳисобланади.

10-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларининг кўп-

чилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

11-модда. Судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишда давлат тили қўлланади. Хўжалик низолари тарафларнинг розилиги билан бошқа тилда ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Фуқароларнинг талабига кўра расмийлаштирилган ҳужжат матни давлат нотариуси ёки нотариал ҳаракатни бажараётган шахс томонидан рус тилида ёки имконият бўлган тақдирда - бошқа мақбул тилда берилади.

13-модда. Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахснинг ким эканлигини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилади, заруриятга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи шахсларга давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, таклифлар, шикоятлар билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади.

15-модда. Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий аъёналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар.

16-модда. Телевидение ва радио эшиттиришлари давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда олиб борилади.

17-модда. Ноширлик фаолияти давлат тилида, эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда эса, бошқа тилларда ҳам амалга оширилади.

18-модда. Почта-телеграф жўнатмалар давлат тилида ёки фуқароларнинг хоҳишига кўра бошқа тилда амалга оширилади.

19-модда. Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамгалари, иш қоғозларининг матнлари давлат

тилида бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотлар ва муассасалар, қўшма корхоналарнинг, шунингдек миллий маданият жамиятлари ва марказларининг муҳрлари, тамғалари, иш қоғозлари матнларининг таржимаси давлат тилида такрорланади.

20-модда. Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин.

21-модда. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрликлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланади.

22-модда. Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси матнлари, агар шартноманинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат тилида ва аҳдлашувчи томоннинг (томонларнинг) тилида ёзилади.

24-модда. Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Тошкент шаҳри,

И.КАРИМОВ

1995 йил 21 декабрь № 168-1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни-
нинг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Янги таҳрирдаги "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Респуб-
ликсининг Қонуни (9 ва 10-моддаларидан ташқари) эълон қилинган
кундан эътиборан амалга киритилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунининг 9 ва 10-моддалари лотин ёзувига асос-
ланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилган пайдан, яъни 2005 йилнинг
1 сентябридан эътиборан кучга киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг
қарорларини "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг
Қонунига мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари, идоралари
ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта
кўриб чиқишларини таъминласин.

4. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси "Давлат тили ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни
қоидаларининг ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиснинг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 21 декабрь, № 168-1.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин.

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь, N 931-XII.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 йил. -№ 9, 331-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1. 1-моддадаги "31 ҳарф, 1 тутуқ белгиси (апостроф) дан" сўзлари "26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан" сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Сс, Сс ҳарфлари мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқарилсин.

3. Ōō ҳарфи О' о шаклида, Ğğ ҳарфи Ğğ шаклида, Şş ҳарфи Sh sh шаклида, Сс ҳарфи Ch ch шаклида, Њњ ҳарфи Ng ng шаклида, Q ҳарф белгиси Qq шаклида ифодалансин.

4. Aa, Ii, Gg, Ğğ, Qq, Óó, Zz ҳарфлари, Chch ҳарфлар бирикмасининг ёзма шакли тегишлича Aa, Ii, Gg, Ğğ, Qq, Óó, Zz тарзда ифодалансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И. Каримов

Тошкент шаҳри, 1995-йил 6-май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

"Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга оширилсин.

2. Янги алифбога босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2000 йил 1 сентябрига қадар тўлиқ тугаллансин.

3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси ташкил этилсин (таркиби илова қилинади).

Республика давлат комиссияси: уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин;

"Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашининг ушбу Қарорини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органларига услубият ва ахборот бобида мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб борсин;

Республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбони жорий этиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартиби асосида;

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалга жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларида эса факультатив машғулотлар ташкил этишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августига қадар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларининг ҳоқимлари Республика давлат комиссияси билан келишган ҳолда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишга доир дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузсинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу шумладан тасарруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳлари тузсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, янги алифбони жорий этишга доир барча харажатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1994 йилги ҳамда ундан кейинги йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбони жорий этиш мақсадида зарур бўладиган маблағларни бюджетдаги ташкилотлар учун - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ажратилишини назарда тутсин;

1993-1995 йиллар давомида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларида янги алифбони факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган "Ўзбек

ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида"ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1940 йил, N 4) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 сентябрь, N 932-ХП.

Тергов-процессуал ҳужжатлардан намуналар

Оғзаки аризани қабул қилиш БАЁННОМАСИ

200 ____ « ____ » _____ шаҳри

(ариза қабул қилган шахснинг мансаби, унвони, ф. и. ш.)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 324- моддаси талабига
риоя қилган ҳолда фуқаро:

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми _____
2. Туғилган йили, ойи ва куни _____
3. Маълумоти _____
4. Оилавий аҳволи _____
5. Иш жойи, мансаби _____
6. Яшаш жойи _____
7. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат _____

(номи, сарияси, рақами, қачон ким томонидан берилган)

аризасини қабул қилдим.

Аризани қабул қилиш соат _____ бошланди.

_____ била туриб ёлғон хабар берган тақдирда

(ф. и. ш.)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237- моддаси билан жиноий жавобгарликка
тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

(имзоси)

Фуқаро _____ қуйидагиларни маълум қилди: _____

(ф. и. ш.)

Ариза қабул қилиш соат _____ тамомланди.

Баённома _____ ўқиб эшиттирилди. Ариза тўғри ёзилган.
Аризани қабул қилишга, баённома мазмунига қўшимча ва эътирозим йўқ.

Аризачи: _____ (имзо) _____ (ф. и. ш.)

Аризани қабул қилдим ва баённома туздим.

(мансаби, унвони)

(фамилияси)

(имзо)

Оғзаки аризани қабул қилиш

БАЁННОМАСИ

2000 йил 21 сентябрь

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси адлия кичик маслаҳатчиси К. А. Хурсандов Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 324- моддаси талабига риоя қилган ҳолда:

фуқаронинг оғзаки аризасини қабул қилдим:

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми Юнусова Лола Холовна
2. Туғилган йили, оғи ва куни 1963 йил 10 март
3. Маълумотиўрта
4. Оилавий аҳволиажрашган
5. Иш жойи, мансаби.....Тошкент шаҳридаги Зенит заводида ишчи.
6. Яшаш жойиЮнусобод туман, А. Қодирий кўчаси 27- уй.
7. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат .паспорти XXVI—ЮА серияли 334122 сонли Юнусобод туман ИИБдан01.09.91 йилда берилган.

Аризани қабул қилиш соат 09 дан 40 дақиқа ўтганда бошланди. Л. Х. Юнусова била туриб ёлгон хабар берган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237- моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Л. Х. Юнусова

Фуқаро Л. Х. Юнусова қуйидагиларни маълум қилди:

«Мен 1994 йил февралдан буён 1960 йилда туғилган, ўрта маълумотли, ҳеч қаерда ишламайдиган Фаффор Йўлчиёвич Сатторов билан бирга уйимизда никоҳсиз яшаб келаяпман.

1994 йил 19 август куни Сатторов таниши Рустам Иброҳимович Қўлдошев билан менинг уйимда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўзаро жанжаллашиб қолишди ва бирга кўчага чиқиб кетишди. Мен уларни 1994 йил 18 сентябрга қадар кўрмадим. 18 сентябрь куни соат 17 ларда уйимга Сатторов келиб, спиртли ичимлик ичди. Мен нимага 1 ой кўринмаганини сўраганимда, у менга 19 август куни Қўлдошев билан уйдан чиқиб кетишгач, Юнусобод туманидаги 19- мавзеда қурилаётган тўққиз қаватли бинонинг ёнига боришганлигини ва уни шу ерда бошига темир билан уриб ўлдириб, жасадини ўша ердаги чуқурга кўмиб ташлаганлигини айтди, сўнг менга, агар бу ҳақда бирор кишига айтсам, мени ҳам ўлдиришини айтиб қўритди. Кейин ухлаб қолди. Ҳозир уйимда ётиб ди».

Аризани қабул қилиш соат 09 дан 50 дақиқа ўтганда тамомланди.

Баённомани ўқиб чиқдим. Аризам тўғри ёзилди, унга қўшимча ва эътирозим йўқ.

Аризачи *Л. Х. Юнусова*

Аризани қабул қилдим ва баённомани туздим.

Терговчи адлия кичик маслаҳатчиси *К. А. Хурсандов*

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ҚАРОР

199__ йил «__» _____

_____ шаҳри

_____ (қарор чиқарувчининг мансаби, унвони, фамилияси)

_____ (қандай ходиса ёки ҳолат, хабар)

бўйича тўпланган материаллар билан танишиб

АНИҚЛАДИМ:

_____ (аниқланган ходиса ёки ҳолатни қисқача мазмуни,

шу _____

_____ ҳолат ёки ходисани тасдиқловчи маълумотлар,

олинган _____

_____ нарса ёки ҳужжатлар, рад қилиш асослари)

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83- моддасининг «__» банди, 330- моддасининг 2- банди, 333 ва 334- моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____ (қандай ходиса ёки ҳолат бўйича қандай асослар бўлгани учун)

жиноят иши қўзғатиш рад қилинсин.

2. Фуқаро _____ (кими қандай ҳуқуқбузарлик)

тўғрисидаги материаллар _____ (қандай чора)

қўриш учун _____ юборилсин¹. (қаерга, кимга)

3. Жиноят иши қўзғатишни рад қилинганлиги ва рад қилиш асослари тўғрисида

_____ (кимга, кимларга)

маълум қилиниб, (уларга) унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 333- моддасига асосан ушбу қарор устидан _____ га (кимга)

шикоят қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин².

¹ Текшириш жараёнида жиноят эмас маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарлик ёхуд ахлоқий нормалар бузилганлиги аниқланса, суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини рад қилиш билан бир пайтда хабарни ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан маъмурий, интизомий жавобгарликка ёки жамоат таъсир чоралари қўллаш учун у ишлайдиган ёки ўқийдиган жой маъмуриятига, унинг турар жойидаги жамоага, жамоа бирлашмасига ёки вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи инспекцияга, тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсга юборади.

² Фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари бузилганлиги шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоа бирлашмаларининг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда қўриқланадиган ҳуқуқ манфаатлари бузилганлиги аниқланса, ишни қўзғатишни рад этиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларни судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши шарт.

(Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 334- моддаси.)

4. _____ олинган ва _____
(каердан, кимдан) (каерда)

сақланаётган _____
(қандай турдаги нарсга ёки ҳужжат, үлгсга
_____ нисбатан кўриладиган чоралар)

5. Қарорнинг нусхаси _____ прокурорига юборилсин.

_____ (мансаби, унвони, фамилияси)

Ушбу қарор менга 199_ йил «___» _____ да эълон қилинди. Қарор устидан _____ га шикоят қилишга ҳақли эканлигим тушунтирилди.

_____ (имзо)

_____ (фамилия)

ҚАРОР

1995 йил 9 сентябрь

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси 1-даражали юрист Р. К. Солиев, йўл транспорт ҳодисаси бўйича тўпланган материаллар билан танишиб

АНИҚЛАДИМ:

1995 йил 10 апрель куни соат 1⁰⁰ларда Юнусобод туман ИИБ участка нозири, милиция катта лейтенанти Олим Икромов ўзининг ВАЗ — 21011 русумли А 21—11 ТН давлат белгили автомашинасини Юнусобод кўчаси бўйлаб бошқариб бораётганда Шахристон кўчаси билан кесишган светофор билан тартибга солинган чорраҳада светофорнинг ҳаракатни тақиқловчи қизил чироғи ёниб турган ва тўхташ чизиғи бўлса-да, йўлидаги светофор ёритгичи ишорасига амал қилмасдан «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг 15.5 банди қоидасини бузиб ҳаракатни давом эттирган. Натижада, Шахристон кўчасидан Юнусобод кўчасини кесиб ўтиш учун ўз йўлагида светофорни ҳаракатланишга рухсат этувчи яшил чироғида ҳаракатланаётган Мурод Қосимов бошқарувидаги ВАЗ—21063 русумли Н 50—48 ТН давлат белгили автомашинанинг ўнг томонидаги олдинги эшигига автомашинасининг чап қаноти билан уриб, тўқнашган.

Ҳодиса жойи кўздан кечирилганда, чорраҳа светофор билан тартибга солинган тўрт томонли чорраҳа, йўлдаги светофорлар олдида тўхташ чизиқлари мавжудлиги, чорраҳани ҳар иккала транспорт воситалари ҳаракатланган йўлларда ва тўқнашган жойида тормоз излари бўлмаганлиги, (тўқнашув) урилиши нуқтаси йўлнинг ўнг йўлагида эканлиги аниқланиб, шу жойдан автомашина ёритгичининг йўлдаги ва Икромов автомашинасининг чап ёритгичидан шиша синиқлари олинган.

Ҳайдовчи О. Икромов чорраҳага йўлидаги яшил чироқ ёнганда ҳаракатни бошлаб кирганлиги, Қосимовни автомашинаси эса қизил чироқда кирганлиги учун автомашиналар тўқнашганлигини ўз тушунтиришида кўрсатган. Ҳайдовчи М. Қосимов содир бўлган ҳодиса бўйича ўз автомашинасида йўловчилар: Ўлмас Холиқов, Шукур Абдуллаев билан Шахристон кўчаси бўйлаб йўлидаги яшил чироқ ёнганда, ўнг ҳаракат йўлагида, чорраҳанинг ўртасига етганда ўнг томонидан ВАЗ — 21011 автомашинаси келиб, ўнг томонидаги эшигига урилганлигини баён қилган.

Қосимовни автомашинасидаги йўловчилардан У. Холиқов, Қосимов чорраҳага йўлидаги яшил чироқ ёнганда кирганлиги, чорраҳа ўртасида ўзи ўтирган олдинги ўриндиққа кириш эшигига А 21—11 ТН давлат белгили автомашина келиб урганлиги, бошини эшик ойнасига уриб олганлигини, Ш. Абдуллаев ўзлари кетаётган автомашина йўлидаги светофорни яшил чироғида чорраҳага кирганлигини ўзи ва чорраҳа ўртасида бир ВАЗ — 21011 автомашинаси уларни автомашинасини ўнг томондаги олдинги эшигига урилганлигини кўрсатганлар.

Ҳодисани кўрган шохидлар С. Холов ва Х. Расуловлар Юнусобод кўчасидан келаётган ВАЗ — 21011 автомашинаси йўлидаги қизил чироқ ёниб турганда чорраҳага кириб автомашинага тўқнашганлигини, шу тўқнашган пайтда соат 15 дан 03 дақиқа ўтганлигини кўрсатишган.

Чорраҳадаги светофорни иш тартиби ҳақидаги маълумотномага кўра, ҳодиса содир бўлган вақтда светофор ишлаб турганлиги соат 15 дан 03 дақиқа ўтганда Шахристон кўчасидаги транспорт воситалари ҳаракатланишига рухсат берувчи яшил чироқ таъсир доираси, Юнусобод кўчасидаги светофор эса ҳаракатланишни тўхтатувчи қизил чироқ таъсир доирасида бўлганлиги кўрсатилган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасида, олдинги ўриндикда ўтирган У. Холиқовнинг бошида урилган, енгил даражадаги тан жароҳати бўлиб, жароҳатни олиш вақти ҳодиса содир бўлган вақтга тўғри келиши кўрсатилган.

Гувоҳлантирилган М. Қосимов, Ш. Абдуллаев ва О. Икромовларни баданларида жароҳат излари топилмаган.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида Қосимовнинг ВАЗ —21063 автомашинасига 5.300 сўмлик ва Икромовнинг ВАЗ —21011 автомашинасига 3.200 сўмлик моддий зарар етказилган.

Тошкент шаҳар ИИББ томонидан ўтказилган хизмат текширувида милиция катта лейтенанти О. Икромов тартибга солинган чорраҳада ҳаракатланиш қондасини «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг 15.5 банди қоидаларини бузганлиги аниқланган».

Ҳайдовчи О. Икромовнинг йўлидаги яшил чироқда ҳаракатланганлиги ҳақидаги важи ўз исботини топмади.

Шундай қилиб, О. Икромов ўз қилмиши билан транспорт воситасида тартибга солинган чорраҳада ҳаракатланиш — «Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг 15.5 бандидаги қондани бузиб, Қосимовнинг автомашинасига анча миқдорда зарар етказган.

Икромов содир этган бу қилмиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 133- моддасида кўзда тутилган бўлиб, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83- моддасининг 2- бандига назарда тутилган ҳолатлар аниқ-ланганлигини назарда тутиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 330- моддасининг 2- банди ва 333—334- моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Ушбу йўл транспорт ҳодисаси бўйича Олим Икромовни қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун жиноят ишини қўзғатиш рад қилинсин.

2. Фуқаро Олим Икромовни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материаллар маъмурий чора кўриш учун Юнусобод туман судига юборилсин.

3. Ҳодиса жойидан ва ВАЗ — 21011 русумли А21—11 ТН давлат белгили автомашинасининг ёритқичидан олинган, прокуратура-рада сақланаётган шиша синиқлари ушбу материал билан қўшиб сақлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 333 ва 334 моддаларига асосан жиноят иши қўзғатишни рад қилинганлиги ва рад қилиш асослари тўғрисида М. Қосимовга маълум қилиниб, унга қарор устидан Юнусобод тумани прокурорига шикоят қилишга, етказилган зарарни ундириш учун Юнусобод туман судида даъво қўзғатишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

5. Жиноят иши қўзғатишни рад қилингани, рад қилиш асослари тўғрисида У. Холиқов, ва О. Икромовларга маълум қилиниб, уларга қарор устидан Юнусобод туман прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканликлари тушунтирилсин.

6. Қарорнинг нухаси Юнусобод туман прокурорига юборилсин.

Терговчи

1-даражали юрист

Р. К. Солиев

Ушбу қарор, менга 1995 йил 9 сентябрда эълон қилинди. Қарор устидан Юнусобод туман прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканлигимни тушунтирилди.

О. Икромов

(имзаси)

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида

ҚАРОР

200__ «__» _____

_____ шаҳри

_____ (қарор чиқарувчининг мансаби, унвони, фамилияси)

_____ (қандай ҳолат, ҳодиса ёки хабар)

юзасидан тўпланган материаллар билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

_____ (аниқланган ҳодиса ёки ҳолатнинг қисқача мазмуни)

_____ шу ҳолат ёки ҳодисани тасдиқловчи маълумотлар

_____ олинган нарсаси ёки ҳужжатлар, рад қилиш асослари)

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84- моддаси 1- қисмининг «__» бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганлигини назарда тутиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 330- моддасининг 2- банди ва 333- моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____

_____ (қандай ҳодиса, ҳолат ёки хабар бўйича,

_____ қандай асослар бўлгани учун)

жиноят ишини қўзғатишни рад қилинсин.

2. _____ олинган ва _____ сақланаётган

_____ (қаердан)

_____ (қаерда)

**Жиноят ишени кўзғатишни рад қилинганлиги, шикоят қилиш
ҳуқуқи ва тартиби тўғрисида
ХАБАРНОМА**

Фуқаро Назира Халилованинг Сизга нисбатан аризаси бўйича текширув тамомланди. Мазкур ҳодиса бўйича Сиз содир этган қилмишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг (1959 йилдаги) 94- моддаси 3- қисмидаги ўлдириш билан қўрқитиб, жисмоний куч ишлатиб номушта тегиш жиноятининг белгилари бўлсада, ушбу жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги ва айнан шу айблов бўйича ишни тугатилганлиги учун, 1995 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84- моддаси 1- қисмининг 1 ва 5- бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқлангани сабабли, Сизни айб依лик масалангиз ҳал қилинмасдан жиноят ишени кўзғатиш рад қилинди.

Сизга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 333- моддасига асосан қарордан норози бўлсангиз, жиноят ишени кўзғатишни рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор устидан ушбу хабарномани олган кундан бошлаб Юнусобод туман прокурорига шикоят қилишга ҳақли эканлигингизни маълум қиламан.

Юнусобод туман прокуратурасининг
катта терговчиси
1-даражали юрист
1995 йил 20 апрель
чиқиш № 2140—70

Р. К. Салиев

Жиноят ишhini иш юритувига олиш ҳақида

ҚАРОР

200__ йил _____ шаҳри

(қарор чиқарувчининг мансаби, унвони, ф. и. ш.)

сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ

(жиноят иши қачон, ким томонидан қўзғатилган)

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 350- моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____
сонли жиноят ишhini ўз юритувига олиб, дастлабки терговга киришилсин.

2. Қарор нусхаси _____ прокурорига юборилсин.

(мансаби)

(унвони)

(имзо)

(ф. и. ш.)

Жиноят ишини иш юритувига олиш ҳақида

ҚАРОР

1995 йил 7 ноябрь

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси, 1- даражали юрист Р. Солиев,
1511-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

06.11.95 йил соат 20 да Юнусобод туманидаги Озодлик кўчасининг бошланишидаги ахлат ташлаш жойидан номаълум эркак кишининг жасади қотиллик белгилари билан топилиб, бу ҳодиса юзасидан туман прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97- моддаси 1- қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, терговни юритиш менга топширилган.

Баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 350- моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. 1511- сонли жиноят ишини ўз юритувимга олиб, дастлабки терговга киришилсин.
2. Қарор нусхаси туман прокурорига юборилсин.

Терговчи
1-даражали юрист

Р. Солиев

Дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш тўғрисида

ҚАРОР

1995 йил 10 июнь

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман прокурори адлия маслаҳатчиси Р. Комилов 1448- сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

1995 йил 6 июнда «Бобур» истироҳат боғидан Қозим Очилов бўғиб ўлдирилган ҳолда топилган. Ушбу ҳодиса бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97- моддасининг 1- қисмидаги белгилари билан 1448- сонли жиноят иши қўзғатилган.

Дастлабки терговда ушбу қотилликни марҳумнинг хотини Нурия Нурова ва «Универмаг» мудир Ринат Аслиев 20 минг сўмга ёллаган Мурод Ўсаров содир этганлиги аниқланди.

Жиноят иши жуда мураккаб ва ўта муҳимлигини инобатга олиб, дастлабки тергов юритишни терговчилар гуруҳига топшириш лозим бўлади.

Юқоридагиларга қўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 354- моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. 1448- сонли жиноят иши бўйича Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси 1- даражали юрист Р. К. Солиев раҳбарлигидаги аъзолари туман прокуратурасининг терговчилари 2- даражали юрист М. Маҳмудов ва 3- даражали юрист С. Расуловлардан иборат таркибда тергов гуруҳи тузилсин.

2. Жиноят ишини ўз иш юритувига олишлик гуруҳ раҳбари

1-даражали юрист Р. К. Солиевга топширилсин.

Туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси

Р.Комилов

Жиноят ишени иш юритувига олиш тўғрисида

ҚАРОР

1995 йил 21 июль

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси адлия кичик маслаҳатчиси Р. К. Хурсандов 19—10 сонли «Туркистон» кооператив бирлашмаси ва «Хуросон» тижорат банкининг масъул ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

1995 йил 20 июлда Тошкент шаҳар прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи томонидан мазкур жиноят иши қўзғатилиб дастлабки терговни олиб бориш менинг раҳбарлигимдаги таркиби жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчилари, 1- даражали юристлар Т. Ғаниев ва Ш. Эрка- боевлардан иборат тергов гуруҳига топширилган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 350- моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. 19—10 сонли жиноят ишени иш юритувига олиб, жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчилари, 1-даражали юристлар Т. Ғаниев ва Ш. Эркабоевлар билан биргаликда терговга киришилсин.

2. Тергов гуруҳи аъзолари манфаатдор шахсларга эълон қилинсин.

3. Қарорнинг нусхаси Тошкент шаҳар жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғига юборилсин.

Катта терговчи
адлия кичик маслаҳатчиси

Р. К. Хурсандов

**Дастлабки терговда терговчилар гуруҳини
кўпайтириш тўғрисида**

ҚАРОР

1995 йил 21 июль

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг жиноят ишларини тергов қилиш бўлими бошлиғи адлия маслаҳатчиси, Ў. Ҳамроев, 11—45- сонли жиноят иши бўйича тўпланган материаллар билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

1995 йил 20 июлда 1145- сонли жиноят иши мен томонимдан қўзғатилиб, уни тергов қилишлик учун тергов гуруҳи тузилган. Ҳозирги пайтда мазкур жиноят иши бўйича бажарилиши лозим бўлган иш миқёси ортган ва тергов гуруҳи таркибини кўпайтириш зарурияти туғилди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 354- моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. 1145- сонли жиноят ишини тергов қилиш гуруҳи таркибига шаҳар прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими терговчиси 1-даражали юрист Л. Ҳамидов киритилсин.

2. Қарорнинг нусхаси шаҳар прокурорига юборилсин.

Жиноятларни тергов қилиш
бўлими бошлиқғи
адлия маслаҳатчиси

Ў. Ҳамроев

Тергов гуруҳи таркибини ўзгартириш тўғрисида

ҚАРОР

1995 йил 29 июль

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи адлия маслаҳатчиси ў. Ҳамроев 1145- сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

Ушбу жиноят ишининг тергови тергов гуруҳи томонидан олиб борилмоқда, 1995 йил 21 июлдаги қарор билан гуруҳ таркибига терговчи 1-даражали юрист Л. Ҳамидов киритилган.

Ҳозирги пайтда Л. Ҳамидов гуруҳ таркибидан чиққан, иш бўйича тергов миқёси эса, илгариги ҳолатда қолган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 354- моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. 1145- сонли жиноят ишини тергов қилиш гуруҳи таркибига шаҳар прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими терговчиси 1- даражали юрист М. Ҳайдаров киритилсин.

2. Қарорнинг нусхаси Тошкент шаҳар прокурорига юборилсин.

Жиноятларни тергов қилиш
бўлими бошлиғи
адлия маслаҳатчиси

У.Ҳамроев

**Жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича
юбориш тўғрисида**

ҚАРОР

199__й

_____ шаҳри

_____ (қарор чиқарувчини мансаби, унвони, ф. и. ш)

_____ сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

_____ (мавжуд ҳолат, тегишлилигига қараб юборишни беён қилиш)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг қайд этилган жиноят _____ терговга тегишлилигини назарга (кимни) олиб Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 345-моддасининг қисми, 348- модданинг 3- қисми ва 382- моддаси талабларига риоя қилиб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____ сонли _____ (кимни айблов ҳақидаги) жиноят иши тегишлилиги муносабати билан _____ юборилсин. (кимга)
2. Бу ҳақда манфаатдор томонларга маълум қилинсин

Гувоҳни сўроқ қилиш ҳақида

БАЁННОМА

1995 йил 20 март

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси К. А. Хурсандов, хизмат кабинетимда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90, 92, 96—107, 114, 115, 116, 117, 118 ва 119-моддаларига риоя қилиб гувоҳни сўроқ қилдим:

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми Аҳмедов Баҳром Шерович
2. Туғилган вақти 1960 йил 6 июнь
3. Туғилган жойи Тошкент вилояти Бекобод шаҳри
4. Турар жойи Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Эркин кўчаси, 6.
5. Иш жойи ва мансаби «Саховат» кичик корхонаси бошлиғи (А. Темур кўчаси, 24).
6. Касби иқтисодчи.
7. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университетини тамомлаган.
8. Оилавий аҳоли Оилали, 2 нафар фарзанди бор.
9. Судланганми судланмаган
10. Шахсини тасдиқловчи 01.06.77 й Тошкент ш. Хужоат М. Улуғбек тумани ИИБ дан берилган ЮС—011097 рақамли паспорт
11. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки фуқаровий жавобгарга алоқаси: _____ алоқаси йўқ.
12. Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга алоқаси: _____ алоқаси йўқ.

Қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайди: Ўзбек тилида.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунтирилди.

Б.Аҳмедов

Мен била туриб ёлгон кўрсатув берсам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси ва кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 240-моддаси билан жавобгарликка тортилишим тўғрисида огоҳлантирилдим.

Б.Аҳмедов

Сўроқ вақти: бошланди 9 дан 15 дақиқа ўтганда тамомланди 11 дан 45 дақиқада. Берилган саволларга шундай жавоб қайтарди:

Кўрсатув матни

Баённомани ўқиб чиқдим. Тўғри ёзилган.

Гувоҳ: *Б. Ш. Аҳмедов*

Терговчи: *К. А. Хурсандов*

Жабрланувчини сўроқ қилиш ҳақида

БАЁННОМА

1995 йил 24 март

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси Р. Алиев, Тошкент шаҳар прокуратурасининг 86-хонасида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90—92, 96—108, 114, 115, 116, 117, 118 ва 119-моддаларига риоя қилиб жабрланувчини видеоёзув билан сўроқ қилдим:

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми— Тошматов Эргаш Темирович
2. Туғилган вақти— 1949 йил, 25 май
3. Туғилган жойи— Фарғона вилояти, Қува шаҳри
4. Турар жойи— Фарғона вилояти, Қува шаҳри
5. Иш жойи ва мансаби— Фарғона пахта тозалаш заводида ишчи
6. Касби— Чилангар
7. Маълумоти — ўрта, Қува шаҳри 7- сонли ўрта мактабини тамомлаган
8. Оилавий аҳволи — Оилали, 3 нафар вояга етган фарзанди бор.
9. Судланганми — 15.01.81Й. Фарғона шаҳар халқ суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 88- моддаси «б» банди билан 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазони тўла ўтаб бўлган.
10. Шахсини тасдиқловчи — 02.07.77 йилда Қува тумани ИИБ дан берилган ФВ—554337 рақамли паспорт
11. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки фуқаровий жавобгарга алоқаси: _____ алоқаси йўқ.
12. Фуқаровий даъвогарга алоқаси: _____ ўзи

Қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайди: ўзбек тилида.
Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунтирилди.

Э. Тошматов

Мен била туриб ёлгон кўрсатув берсам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси ва кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 240-моддаси билан жавобгарликка тортилишим тўғрисида огоҳлантирилдим.

Э. Тошматов

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91-моддасига биноан сўроқ жараёни «Панасоник — 7М» видеокамера ёрдамида «УНС — 180» видеоплёнкага ёзиб олинishi ҳақида огоҳлантирилдим.

Э. Тошматов

Сўроқ вақти: бошланди _____

тамомланди _____

Берилган саволларга шундай деб жавоб қайтарди:

Кўрсатув матни

Сўроқ жараёни видеоёзуви менга кўрсатилди. Тўғри ёзилган.

Э. Тошматов

Видеоёзув «Панасоник» мониторида кўрсатиб берилди.
Баённомани ўқиб чиқдим, тўғри ёзилган, эътирозларим йўқ.

Жабрланувчи

Э. Тошматов

Терговчи

Р. Алиев

ЮЗЛАШТИРИШ БАЁННОМАСИ

200__ йил «__» _____

_____ шаҳри

(мансаби, унвони, ф. и. ш.)

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96—108 ва 122—124

(қаврда)

моддаларига рия қилган ҳолда _____ иштирокида

(қимнинг)

_____ билан _____ ўрталарида

юзлаштириш ўтказдим.

(ф. и.ш.)

Кўрсатув беришдан бўйин товласа Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 240-моддасидаги ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун шу ЖКнинг 238-моддасидаги жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилди.

(гувоҳнинг ёки жабрланувчининг имз).

Юзлаштириш соат _____ да бошланди ва соат _____ да тамомланди.

Сўроқ қилинувчилар бир-бирларига таниш ёки таниш эмаслиги ва ўзаро муносабатлари ҳақидаги саволларга шундай жавоб бердилар:

_____ (ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама-қаршилик келиб чиққан ҳолат

_____ бўйича саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Қарама-қаршилик бир нечта

_____ масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса ҳар бир ҳолат ёки масала икки

_____ сўралувчидан сўралиб бўлгач кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги

_____ саволлар берилиши мумкин).

Юзлаштириш баённомаси ўқиб эшиттирилди, қўшимча ва эътирозлар бўлмади. Баённома тўғри ёзилган.

Юзлашдик: _____

(ф.и.ш.)

(ф.и.ш.)

Ҳимоячи: _____

(ф. и.ш.)

Юзлаштирдим ва баённомани туздим

_____ (мансаби, унвони)

_____ (ф. и. ш.)

Юзлаштириш БАЁННОМАСИ

1995 йил 22 март

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси 1- даражали юрист Р. К. Солиев хизмат хонамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96—108, 122—124- моддаларига риоя қилиб, Юнусобод туман юридик маслаҳатхонаси адвокати М. Холиқов иштирокида

Айбланувчи *Мансур Алимович Маҳмудов* билан
гувоҳ *Мели Маҳкамович Шеров* ўрталарида юзлаштириш ўтказдим.

Гувоҳ М. М. Шеров била туриб ёлғон гувоҳлик берса ва кўрсатув беришдан бўйин товласа Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238 ва 240- моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

М. М. Шеров

Қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайсиз?

М. А. Маҳмудов ўзбек тилида

М. М. Шеров ўзбек тилида

Юзлаштириш бошланди: соат 10⁰⁰ да

Тамомланди: соат 11.30 да.

Мансур Алимович Маҳмудов	Мели Маҳкамович Шеров
1	2

Савол: Қаршингдаги кишини танийсизми, агар танисангиз, шахсий адоватларингиз борми?

Жавоб: Қаршимда ўтирган кишини танийман, у Мели Маҳкамович Шеров, шахсий адоватимиз йўқ.
(имзо)

Савол: Сизми, танийсизми, шахсий адоватларингиз борми?

Жавоб: Мен ҳам танийман, бу киши Мансур Алимович Маҳмудов, шахсий адоватимиз йўқ. (имзо)

Савол: Сиз хазинадан Шеровга қанча миқдорда ёрдам пули бердингиз?

Жавоб: Мен Шеровга 350 сўм ёрдам пули бердим.
(имзо)

Савол: Сиз хазинадан қанча миқдорда ёрдам пули олдингиз. Сиз Маҳмудовнинг кўрсатувини тасдиқлайсизми?

Жавоб: Мен хазинадан 350 сўм олдим, лекин Маҳмудовнинг илтимосига қўра, хазинадаги етмаган пулни тўлай олмаслигини айтгани ва хазина камомадини қоплаш учун мен хазина ордерига 500 сўм олганим ҳақида имзо қўйдим.
(имзо)

Савол: Шеровга 350 сўм бериб, хазинадан қанча пул чиқим қилдингиз? Шеровнинг кўрсатуви тўғрими?

Жавоб: Мен ҳақиқатан камомадни қоплаш учун Шеровга 500 сўм чиқим қилиб, 350 сўм бердим, у тўғри кўрсатапти.
(имзо)

Сўроқ қилинувчиларнинг бир-бирларига саволлари бор-йўқлиги сўралди, уларнинг бир-бирларига саволлари бўлмади.

Ҳимоячидан саволлари бор-йўқлигини сўралганда, уларга саволлари йўқлигини билдирди.

Юзлаштириш баённомаси ўқиб эшиттирилди, қўшимча ва эътирозлар бўлмади. Баённома тўғри ёзилган.

Юзлашдик:

М. А. Маҳмудов

Ҳимоячи

М. М. Шеров

М. Халиқов

Терговчи

1-даражали юрист

Р. К. Салиев

Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тўғрисида

БАЁННОМА

200__ йил «__» _____
шаҳри

(баённома тузувчини мансаби, унвони, ф.и.ш.) (қаерда)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 125, 127, 130- моддаларини қўллаб, ҳолислар:
_____ ва _____ лар иштирокида,

(ф.и.ш., турар жойлари)

_____ ёруғлиқда, соат _____ да, _____ таниб олиш
(кинига, процессуал мавқеи)

учун _____

(кўрсатилаётган 3 нафар шахснинг ф.и.ш., ёши, бўйи, миллати, кийимлари,

_____ кўрсатдим ва ушбу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси
турар жойи)

ЖПКнинг 131-моддасига асосан мазкур баённомани туздим.

Ҳолислар _____ ва _____ га Ўзбекистон
Республикаси ЖПКнинг 74- моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Таниб олувчи _____ била туриб ёлғон

(гувоҳ, жабрланувчи, — ф.и.ш.)

кўрсатма берсам ва кўрсатув беришдан бўйин товласам Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг 238 ва 240- моддалари билан жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида
огоҳлантирилди.

_____ (имзоси)

_____ (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш жараёни ва натижалари, таниб олув-

_____ чининг кўрсатувлари, унга берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар,

_____ қўлланилган асбоблар, аппаратлар ва х.к.)

Таниб олиш учун кўрсатиш соат _____ тамомланди.

Баённома _____

(ўқиб берилди, қатнашувчилар томонидан ўқиб чиқилди)

Уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 92- моддасига асосан шу баённомага
критилиши лозим бўлган ўз мулоҳазаларини айтишга ҳақли эканликлари тушунтирилди.

_____ мулоҳазалар

Ҳолислар _____ Таниб олинувчи _____

(имзо)

(имзо)

Таниб олувчи _____ Қатнашчилар _____

(имзо)

(имзо)

_____ (мансаби, унвони)

_____ (ф.и.ш.)

Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш ҳақида

БАЁННОМА

1995 йил 30 март

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси, 1-даражали юрист Р. К. Солиев, прокуратура идорасида, соат 12 да, холислар: Тошкент шаҳар Форобий кўчаси 10- уйда яшовчи Фурқат Фозилов ва Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 5- уйда яшовчи Алибек Мирзаевлар иштирокида, табиий ёруғликда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 125, 127 ва 130- моддаларини қўллаб, гувоҳ Эргаш Тошматовга таниб олиш учун 1955 йилда туғилган, сочи малла ранг бўлган, Тошкент шаҳар, Ибн Сино мавзеси, 4- уй, 10- хонадонда яшовчи Одил Исломович Муслимовни, 1956 йилда туғилган, сочи малла ранг бўлган, Тошкент шаҳар Лоҳутий кўчаси, 100- уйда яшовчи Мурод Олимович Алиевни ва 1954 йилда туғилган, сочи малла ранг бўлган, Тошкент шаҳар, Сағбон кўчаси, 7- уйда яшовчи Содиқ Маҳмудович Садриевларни биргаликда кўрсатдим ва ушбу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 131- моддасига асосан мазкур баённомани туздим.

Холислар Фозилов ва Мирзаевларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74- моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Ф.Фозилов, А.Мирзаев

Барча таниб олинувчилар бўйи бир хил, қорамтир рангли шим, кўк рангли кўйлак ва оқ рангли пойабзал кийган ҳолда бўлишди.

Таниб олишдан олдин гумон қилинувчи Муслимовга хоҳлаган жойни эгаллаш мумкинлиги таклиф қилинди ва таниб олувчи ўтирган, бошқа хонага терговчи холисларни бошлаб чиқди.

Гувоҳ Э. Тошматов била туриб ёлғон кўрсатма берса Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 238- моддаси ва кўрсатув беришдан бўйин товласа Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 240- моддаси билан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Э.Тошматов

Шундан сўнг, Тошматов таниб олиш учун кўрсатилаётган шахслар бўлган хонага бошлаб кирилди.

Э. Тошматов шу шахсларни кўриб чиққандан сўнг: «Менга кўрсатилган 3 эркак иши-лардан ўртада турган шахсни танидим.

Шу кишини 1995 йил 5 март куни Саидовнинг уйига кириб кетаётганда кўрганман. Айнан шу шахс қора рангли шим ва кўк рангли кўйлақда эди, қўлида жигар ранг портфели бор эди. Мен (ўрта) бўйидан, семизлигидан, юзининг тўзилишидан, катта бурнидан ва оғзидан, малла рангли сочларидан танидим» — деб кўрсатди.

Таниб олиш учун кўрсатилаётган шахслар орасида ўртада турган шахсдан ўзини танитиш сўралди. У ўзини «Одил Исломович Муслимов» — деб таништирди.

Гувоҳ Тошматов Одил Исломович Муслимовни таниб олди.

Таниб олиш учун кўрсатилган шахслар «Индустар — 50» объективли «Зенит — Е» русумли фотоаппарат билан КН — 22 фото- тасмасига тасвирга олинди.

Таниб олиш учун кўрсатиш соат 13.30 да тамолланди.

Баённома барча қатнашувчиларга ўқиб эшиттирилди. Уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 92- моддасига асосан шу баённомага киритилиши лозим бўлган ўз мулоҳазаларини айтишга ҳақли эканликлари тушунтирилди.

Ҳеч қандай мулоҳазалар тушмади. Тўғри ёзилган.

Холислар: *Ф.Фозилов*
А.Мирзаев

Таниб олувчи *Э.Тошматов*
Таниб олинувчи *О.Муслимов*

Қатнашчилар: *С.Садриев*
М.Алиев

Терговчи
1-даражали юрист *Р. К. Солиев*

Олиб қўйиш ҳақида

БАЁННОМА

995 йил 11 сентябрь

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси, 1- даражали юрист Р.К. Солиев, 11.09.95 йилдаги олиб қўйиш ҳақидаги қарорга асосан ҳолислар:

1. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, 6- мавзе, 135- уй, 27- хонадонда яшовчи, Рустам Чориев.

2. Тошкент шаҳар, Ўамза тумани, Пахтакор кўчаси, 29- уйда яшовчи, Ёдгор Расулов.

Юнусобод тумани матлубот жамиятининг раиси М. Усмонов, шу матлубот жамиятига қарашли 9- сонли савдо дўконининг мудир-и А. Лутфиевлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 157, 160, 161, 163, 164- моддаларига қўлланиб, матлубот жамиятининг бухгалтериясидан 9- сонли савдо дўконининг 1995 йил июль ойининг ҳисобот, ҳужжатларини олиш ҳаракатини ўтказдим.

Ҳолисларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74- моддаси- даги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Ё.Расулов, Р. Чориев,

Олиб қўйиш ўтказишдан олдин, бу ҳақдаги қарор ўқиб эшиттирилди ва Юнусобод туман матлубот жамиятининг раиси М. Усмоновга 9- сонли савдо дўконининг 1995 йил июль ойидаги ҳисобот ҳужжатлари талаб қилиниб, олиб қўйиш ҳақидаги қарорни бир нусхаси топширилди.

Шундан сўнг матлубот жамиятининг раиси бош ҳисобчи Я. Жўраевга талаб қилинадиган ҳужжатларни терговчига тақдим этишни топширди.

Юнусобод туман матлубот жамиятига қарашли 9- сонли савдо дўконининг 1995 йил июль ойи ҳисоботи жами 64 варақда олинди:

— кирим ҳужжатлари — 10 варақда;

— чиқим ҳужжатлари — 8 варақда;

— ҳазина ҳисоботлари — 30 варақда;

— ишонч қоғозлари — 6 варақда

— дўкон бўйича ҳисобот юритиш ҳужжатлари — 10 варақда.

Олиб қўйиш давомида иштирокчилардан эътироз ва таклифлар бўлмади.

Баённома ўқиб эшиттирилди, тўғри ёзилган, қўшимчалар тушмади.

Ҳолислар:

Р. Чориев, Е. Расулов

Матлубот жамиятининг раиси

М. Усмонов

Бош ҳисобчи

Я. Жўраев

Дўкон мудир

А. Лутфиев

Терговчи 1-даражали юрист

Р. К. Солиев

Баённома нусхасини 1995 йил 11 сентябрда олдим. *Я. Жўраев*

Тинтув ўтказишга
РУХСАТ БERAМАН

прокурори

фамилияси

199__ йил «__» _____

Тинтув ўтказиш ҳақида
ҚАРОР

199__ йил «__» _____ шаҳри

(қарор чиқарувчининг мансаби, исми ва фамилияси)

_____ сонли жиноят иши материаллари билан танишиб

АНИҚЛАДИМ:

(ишнинг қисқа мазмуни бевен қилинади)

Жиноят иши материалларида _____ хонадонида

(кимнинг)

_____ ва бошқа унинг жинойи фаолиятини кўрсатувчи нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкинлиги ҳақида етарли асослар мавжудлигини, уларни топиш ва олиш заруриятини назарга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 158, 159, 161, 164- моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____ сонли

(кимга нисбатан ёки қандай ҳолат бўйича)

жиноят иши бўйича _____ яшовчи

(манзилгоҳи)

(кимнинг)

уйида ва ёрдамчи хўжалик хоналарида тинтув ўтказилсин.

2. Бу ҳақда унга эълон қилиниб, қарорнинг нусхаси топ ширилсин¹.

_____ (мансаби, унвони)

_____ (ф. и. ш.)

¹ Қарор ўйни тинтилаётган шахс қатнашишининг иложи бўлмаса унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар ҳам бўлмаса тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. (ЎЗР ЖПКнинг 164- моддаси).

Қарор уч нусхада тўзилади. Биринчи ва иккинчи нусхаларга гербли муҳр босилади.

Тинтув натижасида қуйидагилар аниқланди ва олинди (нима ва айнан қаердан олингани, шу муносабат билан тинтилаётган шахс билдируви):

_____ (Тинтув юзасидан эътироз ва тақлифлар бўлмади. Баённома ўқиб

_____ эшиттирилди, тўғри ёзилган).

Холислар:

_____ (фамилиялари)

Иштирокчилар:

_____ (фамилиялари)

Тинтув ўтказилаётган жой эгаси (ёки вакили) _____
(ф. и. ш.)

_____ (мансаби, унвони)

_____ (ф. и. ш.)

Баённома нусхасини 1995 йил__сентябрда олдим

_____ (имзаси)

БАЁННОМА

1995 йил 10 сентябрь

Тошкент шаҳри

11.05 да тинтув бошланди

13.50 да тинтув тугалланди.

Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси, 1- даражали юрист Р. К. Солиев, 10.09.95 йилдаги тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга асосан, ҳолислар:

1. Тошкент шаҳар, М. Улугбек тумани, Ш. Бурҳонов кўчаси, 9- уйда яшовчи, Собир Раззоқов.

2. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 5- мавзе, 9- уй, 27- хона- донда яшовчи, Қодир Мавлонов. Юнусобод туман ички ишлар бўлими криминалист-эксперти милиция катта лейтенанти Ж. Қайсаров, участка нозири милиция капитани М. Дўстёрлов, иш бўйича айбланувчи Собир Орзиев, унинг хотини Санобар Орзиева ва уларнинг уйига тинтув давомида келган айбланувчининг таниши, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 2- уй, 6- хонадонда яшовчи Шавкат Олимовлар қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 158, 159, 161 ва 163- моддаларига мувофиқ, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Дўстлик кўчасидаги 110-уйда тинтув ўтказилди.

Тинтув бошланишидан олдин унда иштирок этадиган ва қатнашадиган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 160- моддасида кўрсатилган «Терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлишдан иборат ҳуқуқлари ҳамда ана шу ҳаракатлар устидан арз бера олишлари ва бу баёнга киритилиши шартлиги» тушунтирилди, ҳолисларга эса, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74- моддасида баён қилинган ҳолисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўқиб эшиттирилди.

Эксперт-криминалист Ж. Қайсаровга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 68- моддасида кайд этилган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, у ўз хизмат вазифасини бажаришдан бош тортган ёки бўйин товлаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 240- моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Ҳолислар:

С. Раззоқов, К. Мавлонов

Эксперт-криминалист

Ж. Қайсаров

Шундан сўнг тинтув ўтказиш ҳақидаги қарор иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди. Айбланувчи С.Орзиев ва унинг хотини С. Орзиевага ўзларида бўлган жиноят қуроли, С. Орзиевни жиноят содир этган вақтда эгнида бўлган кийимларини, жиноят ишига аҳамияти бўлган бошқа нарсаларни ихтиёрий равишда бериш таклиф қилинди, бу таклифга айбланувчи унинг уйида бундай нарсалар йўқлигини билдирди.

Ўтказилган тинтув давомида куйидагилар аниқланди:

1. Ҳаммомдаги кир ювиш машинасида бир дона оқ рангли эркаклар кўйлаги, кўйлакнинг энгида қонга ўхшаш доғлар мавжуд.

2. Ётоқхонадаги сервант ичидан Анзират Турсуновага тегишли бўлган XII-УЮ серияли 435548 рақамли, 04.06.84 йилда Сирғали туман ички ишлар бўлими томонидан берилган паспорт ва УКС серияли 1246 рақамли Анзират Турсуновага тегишли 10 минг сўм қолдиқ суммаси билан омонат дафтарчаси.

3. Ошхонадаги совутгич тагидан тиғи ва дастасида қонга ўхшаш доғлар бўлган, умумий узунлиги 35 см, дастаси 15 ва тиғи 20 см бўлган пичоқ.

Тинтув давомида топилган ашёвий далилларнинг аниқланган жойи, ўзига хос бўлган белгилари ҳолисларга ва тинтилаётган шахсларга кўрсатилиб, суратга олинди, алоҳида ўралиб терговчи, уй эгалари ва холисларнинг имзолари билан муҳрланди.

Тинтув давоми эксперт-криминалист томонидан «Зенит, ТТЛ» русумли фотоаппарат ёрдамида «65ГОСТ» маркали фотоплёнкага фотосурат олинди.

Тинтув юзасидан эътироз ва таклифлар бўлмади. Баённома ўқиб эшиттирилди, тўғри ёзилган, қўшимчалар бўлмади.

Холислар: *С. Раззоқов К. Мавлонов*

Эксперт-криминалист *Ж. Қайсаров*

Участка нозири *М. Дўсийёров*

Уй эгаси *С. Орзиева*

Айбланувчи *С. Орзиев*

иштирокчи *Ш. Олимов*

Терговчи 1-даражали юрист *Р. К. Солиев*

Баённоманинг бир нусхасини 1995 йил 10 сентябрь куни олдим. Айбланувчи:

С. Орзиев

Шахсий тинтувга

РУХСАТ БЕРАМАН ¹

_____прокурори

199__йил «__» _____

Шахсий тинтув ўтказиш ҳақида

ҚАРОР ²

20__йил «__» _____ шахри

қўрғони

(қарор чиқарувчининг мансаби, унвони ва фамилияси)

_____сонли жиноят иши материаллари билан танишиб

АНИҚЛАДИМ:

(ишнинг қисқа мазмуни)

Дастлабки терговда _____ иш учун аҳамиятли бўлган

(қимда)

_____ва бошқа уни қилмиш фаолиятига боғлиқ нарса

(нима)

ёки ҳужжатлар бор деб ўйлашга етарли маълумотлар мавжудлигини, уларни излаб
топиш ва олиш зарурлигини назарга олиб _____ тинтиб
кўриш лозимдир. _____ (қимми)

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 158, 159, 161 ва 164-
моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. _____ яшовчи

(манзилгоҳи)

¹ Шахси кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг рухсатисиз ўтказилиши мумкин, бундай ҳолда 24 соат ичида прокурорга хабар берилади. Хабарномада тинтув ўтказиш асослари кўрсатилади. (Ўз. Р. ЖПКнинг 161-моддаси).

² Ўз. Рес. ЖПКнинг 162- моддаси 2- қисмидаги ҳолатларда шахсий тинтув қарор чиқарилмасдан ҳам ўтказилиши мумкин.

Айбланувчини сўроқ қилиш

БАЁННОМАСИ

200__ йил «__» _____

_____ шаҳри

қўрғони

_____ (мансаби, унвони, фамилияси)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96—107, 109—111 модда-лари талабларига риоя қилган ҳолда _____

(қаерда) (кимнинг)

иштирокида айбланувчини сўроқ қилдим:

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми _____
2. Туғилган йили, ойи, куни _____
3. Туғилган жойи _____
4. Маълумоти _____
5. Оилавий аҳволи _____
6. Иш жойи ва мансаби _____
7. Яшаш жойи _____
8. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат _____
9. Муқаддам судланганлиги _____
10. Қайси тилда кўрсатма беришни хоҳлайди _____

Сўроқ соат _____ да бошланди ва соат _____ да тамомланди.

Савол: .Сизга, 199__ йил «__» _____ қарорига биноан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг _____ билан айблов эълон қилинган. Шۇ айбловнинг мазмуни тушунарлими? Жавоб: _____

Савол: Сиз эълон қилинган айблов бўйича ўзингизни айбдор, деб биласизми? Шۇ ҳусусда нималарни баён қиласиз?

Жавоб: _____

Баённомани ўқиб чикдим. Тўғри ёзилган. Сўроқ қилиш ва баённома мазмунига қўшимча эътирозим йўқ.

_____ (имзо)

Айбланувчи _____

Қатнашди _____

Сўроқ қилдим _____

(мансаби, унвони)

(фамилияси)

Айбланувчини сўроқ қилиш ҳақида

БАЁННОМА

1995 йил 30 март

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси Р. Алиев, Тошкент 1-сонли тергов изоляторида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90, 92,96—107, 109—111-моддаларига риоя қилиб айбланувчини ҳимоячи Баҳодир Ғофуров иштирокида сўроқ қилдим:

1. Фамилияси, исми ва отасининг — Зоиров Аҳрор Аҳатович
2. Туғилган вақти — 1960 йил 1 март
3. Туғилган жойи — Бухоро вилояти Когон тумани
4. Тўрар жойи — Тошкент шаҳар, У. Носир кўчаси, 10-уй 2-хона.
5. Иш жойи ва мансаби — трамвай ҳайдовчиси
6. Касби — ишламайди
7. Маълумоти — ўрта, Когон шаҳри 1-сонли ўрта мактабни тамомлаган.
8. Оилавий аҳволи — уйланмаган

9. Судланганми — 16.02.83. й. Когон шаҳар халқ суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 129 - модда 3-қисми билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазони тўлиқ ўтаган

10. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат— 01.07.78 й Когон шаҳар ИИБдан берилган БУ- 715537 рақамли паспорт
11. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки фуқаровий жавобгарга алоқаси: алоқаси йўқ
12. Жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга алоқаси: ўзи.

Қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайди: ўзбек тилида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунтирилди. *Зоиров*
Сўроқ вақти: бошланди: 12
тамомланди: 13¹⁵

Терговчининг 1995 йил 22 март кундаги мени Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмини «а» банди билан айб-ланувчи тариқасида ишда иштирок қилиш учун жалб этиш тўғри-сидаги қарори билан танишиб чиқдим. Айбловнинг моҳияти тушунарли. Мен ўзимни тўла айбли деб ҳисоблайман.
(тўла, қисман)

Зоиров

Берилган саволларга шундай деб жавоб қайтаради:

КЎРСАТУВНИНГ МАТНИ

Баённомани ўқиб чиқдим, тўғри ёзилган, қўшимчаларим йўқ.

Айбланувчи

А. А. Зоиров

Ҳимоячи

Б. Ғофуров

Терговчи

Р. Алиев

ҚАРОР

1995 йил 23 январь

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман прокуратурасининг катта терговчиси 1-даражали юрист Р. К. Солиев иш юритувимдаги 140-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

1995 йил 21 январда О. И. Мусаевга, 1995 йил 19 январь куни соат 23 ларда Тошкент шаҳар «Фурқат» кўчаси 18-уйда ўзаро жанжал оқибатида Мардоновнинг кўкрагига пичоқ билан қасддан уриб ўлдиришга суиқасд қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15—97-модда 2-қисми «р» банди билан айблов эълон қилинган эди.

Шу йил 22 январь куни Мардонов олган жароҳатидан шаҳар касалхонасида ҳушига келмай вафот этган ва шунинг учун Мусаевнинг содир этган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15—97-модда 2-қисми «р» бандидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-модда 2-қисми «р» бандидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатда такроран қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганликда деб ўзгартирилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси 362-моддасини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Олим Икромович Мусаевга эълон қилинган айблов ўзгартирилиб, у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-модда 2-қисми «р» банди билан айбланувчи тариқасида ишда иштирок қилиш учун жалб этилиб, бу ҳақда унга эълон қилинсин.

2. Қарор нусхаси Юнусобод туман прокурорига юборилсин.

Катта терговчи 1-даражали юрист

Р. К. Солиев

Ушбу қарор менга 1995 йил 23 январь куни соат 10.00 да эълон қилинди, ўзгартирилган айбловнинг моҳияти тушунтирилди.

Айбланувчи

О. И. Мусаев

Жабрланувчини мажбурий келтириш тўғрисида

ҚАРОР

1995 йил 24 ноябрь

Тошкент шаҳри

Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси 1- даражали юрист Р. К. Солиев, 28842- сонли жиноят иши материаллари билан танишиб,

АНИҚЛАДИМ:

Гулнора Содиқовна Нурматовага 1995 йил 14 ноябрдан 15 ноябрга ўтар кечаси Собир ва Равшан исмли номаълум шахслар зўрлик ишлатиб, уни қўрқитиб номусига теккан.

Жабрланувчи Г. С. Нурматова 1995 йил 20 ва 23 ноябрда чақирув қоғози орқали прокуратурага таклиф қилинган бўлсада, узрсиз сабабларга кўра келишдан бош торган.

Бинобарин, Г. С. Нурматова билан тергов ҳаракатлари ўтказиш зарурлиги учун тергов органига мажбурий келтириш лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 262—264- моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

1. Тошкент шаҳар 2-касалхонада фаррош бўлиб ишловчи, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Кўкча даҳаси С.Раҳимов кўчаси 16-уйнинг 28-хонадонида яшовчи жабрланувчи Гулнора Содиқовна Нурматова Юнусобод туман прокуратурасининг 8-хонасига 1995 йил 25 ноябрь куни соат 9 га мажбурий келтирилсин.

2. Қарор ижро этиш учун Юнусобод туман ички ишлар бошқармасига юборилсин.

Терговчи

1-даражали юрист

Р. К. Солиев.

Ушбу қарор менга эълон қилинди

С. Г. Нурматова. 1995 йил 25 ноябрь

Юнусобод туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи милиция майори *С. Б. Латиповга.*

Сизга, 28842- сонли жиноят иши бўйича жабрланувчи Гулнора Содиқовна Нурматовани Юнусобод туман прокуратурасига маж- бурий келтириш ҳақидаги 1995 йил 24 ноябрь қарори ижро этиш учун юборилмоқда.

И л о в а: Қарор нусхаси 1 варақда.

Юнусобод туман прокуратурасининг терговчиси

1-даражали юрист

Р. К. Солиев

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

2000 йилнинг июнь ойи 14 кунини Ўзбекистон туман суди ўз
биносида очик суд мажлисида

Раис — туман судининг судьяси И.Хайитов

Котиб — Т. Ҳамроев томонлардан прокурор ёрдамчиси А.
Аслиддинов. Даъвогар Тожибоев Абдумаликнинг жавобгар Тожиева
Ханифахондан никоҳдан ажралиш ҳақидаги фуқаролик ишини кўрди ва
қуйидагиларни:

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар А. Тожибоев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб,
жавобгарга 1995 йил 11 февраль кунини қонуний никоҳдан ўтиб уйлан-
ганлигини, биргаликдаги турмушларидан 1 нафар фарзанди борлигини,
1996 йил 10 декабрь кунидан бери бирга яшамаслигини, ўзаро муро-
салари келишмай ажрашиб кетганлигини, оиласи тикланмаслигини бил-
дириб никоҳдан ажратишни сўраган.

Судда даъвогар даъвосини қувватлаб жавобгарга 1995 йил 11
февраль кунини қонуний никоҳдан ўтиб уйланганлигини, биргаликдаги
турмушларидан 1995 йилда туғилган Абдулазиз исмли фарзанди бор-
лигини, 1998 йил декабрь ойига қадар бирга яшаб сўнг ўзаро муросалари
келишмай ажрашганлигини, оиласи бузилишига сабаб жавобгарни
ҳурмат қилмаганлиги, ота-онасини ҳам менсимаганлиги, ўзаро жан-
жаллашиб, ота-онасиникига тез-тез кетиб қолиши, ҳамда унга нисбатан
ишончи йўқолганлиги сабабли оиласи бузилганлигини, оилани тиклаш
имконияти йўқлигини, 2000 йил март ойида Дастурхончи қишлоғида
яшовчи Ҳайдарова Ханифахонга уйланганлиги, ҳозирда у билан яшаб
келаётганлигини билдириб суд томонидан берилган 3 ойлик муддат
давонида ҳам оиласи тикланмаганлигини билдириб никоҳдан ажратишни
сўради.

Судда жавобгар даъвони қисман тан олиб даъвогарга 1996 йилда
қонуний никоҳдан ўтиб турмушга чиққанлигини биргаликдаги турмуш-
ларидан 1 нафар ўғил фарзанди бўлиб, ҳозирда қарамоғида бўлиб отаси
алимент тўлаб келаётганлигини, даъвогар билан 1998 йил декабрь
ойидан бери бирга яшамаслигини, сабаби муросалари келишмаган-
лигини, ўрталарида кўп муросасизликлар бўлиб бир-бирларидан кўнги-
лари совиғанлигини, даъвогар билан яшашни истамаслигини, шу сабабли
шахсий нарсаларини ундириш учун судга ариза берганлигини, даъвогар
мулкни берганлигини, шу сабабли даъводан воз кечганлигини, ўрта-
ларида мулкий низо йўқлигини билдириб никоҳдан ажралишига рози
эканлигини билдирди.

Суд ҳар икки томон баёноатларини эшитиб ишда иштирок этган туман прокурори ёрдамчиси А. Асомиддиновни даъвои қаноатлантириш ҳақида берган хулосасини тинглаб даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш лозим деб топди, чунки суд оилани тиклаш учун барча чораларни кўрган, ҳар икки томон ҳам оилани тиклашни хоҳламайди.

Юқоридагиларга кўра, ЎзР Оила кодексининг 41-моддаларини қўллаб Ўзбекистон туман суди

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъвогар Тожибоев Абдумаликнинг жавобгар Тожибаева Ханифахондан никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Тожибоев Абдумаликнинг жавобгар Тожибоева Ханифахон билан 1995 йил 11 февраль кунги Конизар қишлоқ фуқаролар йиғинида 17-сон билан қайд этилган никоҳи бекор қилиниб, улар никоҳдан ажратилсин.

Никоҳдан ажратишда даъвогар Тожибоев Абдумаликдан 5000 сўм давлат божи ундирилсин, жавобгар Х. Тожибоева давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

Никоҳ бекор қилингандан сўнг жавобгар Х.Тожибоевнинг қизлик фамилияси қайта тикланиб, Ботирова фамилияси берилсин.

Қарордан норози томон 20 кунлик муддат ичида Ўзбекистон туман суди орқали Фарғона вилоят судига шикоят қилиш ва протест келтиришга ҳақли.

Раис:

И. Ҳайитов

Жиноят ишини ўз иш юритувига олиш ва тергов ҳаракатларини қайта тиклаш тўғрисида.

Қ А Р О Р:

2000 йил февраль

Фарғона шаҳри

Фарғона ҳарбий прокуратураси терговчиси адлия катта лейтенанти А.Т. Нуриддинов, ушбу кун 48982-сонли ҳарбий қисм оддий аскари М.К. Қурбоновга нисбатан қўзғатилган жиноят билан танишиб чиқиб,-

А Н И Қ Л А Д И М:

Қурбонов Маҳмуд Каримович, муддатли ҳарбий хизматга 1995 йил ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани МИБ томонидан чақирилиб, хизматни Фарғона шаҳридаги 48982-сонли ҳарбий қисмда оддий аскар сифатида ўтаб келгани ҳолда, 1995 йил 15 ноябрь кuni ҳеч бир узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан хизматни ташлаб кетиб, ўзининг жинoий хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 287-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

М.К.Қурбоновнинг қаерда эканлигини аниқлашнинг имконияти бўлмаганлиги сабабли, унга 1995 йил 14 декабрь кuni сиртдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 287-моддаси 3-қисм билан айблов эълон қилинган.

Жиноят иши бўйича, ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 364-моддаси талабларига кўра, айбланувчининг йўқлигида бажарилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари жиноят иши бўйича тўлиқ бажарилмаганини, яъни айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилмаганлигини назарга олиб, Ўзбекистон республикаси ЖПКнинг 371-моддаси 1-қисми 2-бандини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. 48982-сонли ҳарбий қисм оддий аскари Қурбонов Маҳмуд Каримовичга нисбатан тўхтатилган жиноят иши тергов ҳаракатлари қайта тиклансин.

2. Қарор нусхаси маълумот учун Фарғона ҳарбий прокурорига юборилсин.

Фарғона ҳарбий прокуратураси
терговчиси адлия катта лейтенанти

А.Т. Нуриддинов

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судига
Даъвогар: Исоқов Дониёр Қобиловичдан,
(турар жойи: Шайхонтоҳур туман, Дархон, т.
Ипак, 36.Жавобгар: Ўрмонбекова
Муҳаббат Давронбековна, турар жойи:
Шайхонтоҳур туман, Катта боғ кўчаси, 13).

ДАЪВО АРИЗА

(Никоҳни бекор қилиш ҳақида)

Мен, 11 ноябрь 1994 йил Ўрмонбекова Муҳаббат Давронбековнага билан қонуний никоҳдан ўтдим. Оилада бир фарзандимиз бор: Исоқов Иброҳим Дониёр ўғли. 16 ноябрь 1996 йил туғилган.

Бизнинг оиламиз мустаҳкам бўлмади. Тўйдан кўп вақт ўтар-ўтмас келишмовчиликлар бўла бошлади. Бунга сабаб жавобгарнинг оила аҳлигига иштиёқи йўқлиги, "менинг кўнглимни совутиб юборди, биз бир-биримизни тушуна олмай қолдик. Охири, 1996 йил у мен билан яшашни истамаслигини билдириб, ўз ота-онасининг уйига кетиб қолди. Шу вақтдан буён мен бир неча мартаба ярашишга ҳаракат қилдим. Маҳалла кўмитаси ҳам бизни яраштиришга ҳаракат қилдилар, ammo фойдаси бўлмади. Ҳозирги кунда мен тушуниб етдимки, бизнинг оиламизни тиклаб бўлмайди. Фарзандимиз онасининг тарбиясида, 1996 йилдан бери фарзандимга нафақа тўлаб келмоқдаман".

Юқорида баён этилганларга кўра ва ЎзРнинг Оила Кодексининг 40, 41- моддаларига асосан с ў р а й м а н:

Мен, Исоқов Дониёр Қобилович билан Ўрмонбекова Муҳаббат Давронбековна ўртасидаги 1994 йил 11 ноябрда Тошкент шаҳар 2-сон Никоҳ уйида 2955 сон билан қайд этилган никоҳимизни бекор қилишингизни, сўрайман.

Мулкий даъволаримиз йўқ.

- Илова: 1. Даъво ариза нусхаси.
2. Никоҳ гувоҳномаси нусхаси.
3. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома
4. Турар жойдан маълумотнома
5. Маҳалла далолатномаси
6. Давлат божи. -875 сўм

Д.Исоқов

Саифова Чаман Абдужалиловнани
Қамоққа олишга РУХСАТ бераман
Жиззах шаҳар прокурори -----
Б.А.Абдусатторов "----" май 1997 йил

ҚАРОР

/Қамоққа олиш тўғрисида/

15 май 1999 йил

Жиззах шаҳри

Жиззах шаҳар прокуратураси катта терговчиси Ф.А. Сатторов иш юритувимидаги 02-731 сонли жиноят иши юзасидан тўпланган материаллар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

1999 йил 9 майдан 17 майга ўтар кечаси соат тахминан 01ларда Жиззах шаҳар Бобур маҳалласи Азизбекова кўчаси 132 уйнинг 4-хонасида яшовчи Саифова Чаман маст ҳолатида шу уйнинг 1 хонасида яшовчи Булгорова Настя билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, қасддан ўлдириш мақсадида унинг орқасидан кўчага чиқиб, ўзи билан уйдан олиб чиққан миллий пичоқ билан унинг ҳаёти учун хавфли аъзоси жойлашган чап кўкрак қафасига бир марта пичоқ ўрган. Натижада олинган тан жароҳатнинг оғирлиги натижасида Булгорова Настя касал-хонага етмасдан вафот этган.

Фуқаро Саифова Чаман Абдужалиловна юқоридаги ғайриқонуний ҳаракатлар билан Ўз.Р. ЖКнинг 97 моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Ч.А.Саифова содир қилган жиноят ўта оғирлиги туфайли унинг шахси, муқаддам судланганлиги ҳисобга олиниб, терговдан ва суддан қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниши лозимдир.

Юқоридагиларга кўра ва ЎзР ЖПКнинг 236, 238, 240, 242, 244-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Саифова Чаман Абдужалиловна – 1959 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, ЎзР фуқароси, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, оилали 4 нафар фарзанди бор, муқаддам ЎзР ЖКнинг 165-моддаси 1-қисми, 277-моддаси 2-қисмлари билан озошлиқдан маҳрум этилган. Жиззах шаҳар Бобур маҳалласи Азизбекова

кўчаси 4 уйда хонадон яшовчисига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида у қамоққа олинсин.

Мазкур қарор ижро учун Жиззах шаҳар ИИБ орқали Ховос қўргони 13-сонли ТХ бошлиғига юборилсин.

Жиззах шаҳар прокуратураси

Катта терговчиси

Ф.А.Сатторов

Ушбу қарор менга эълон қилинди:

"----" май 1999 йил.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида.

Қ А Р О Р

1996 йил.

Фарғона шаҳри

Фарғона гарнизони ҳарбий прокуратураси терговчиси адлия лейтенанти Б.Т. Абдуқодиров, 48982-сонли ҳарбий қисм оддий аскари Қурбонов Маҳмуд Каримовичга нисбатан кўзғатилган жиноят иши материалларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни ,

А Н И Қ Л А Д И М :

Оддий аскар М.К. Қурбонов муддатли ҳарбий хизматга 1995 йил октябрь ойида Амударё тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан чақирилиб, хизматни 48982-сонли ҳарбий қисмда оддий аскар сифатида ўтаб келиб, 1995 йил 13 ноябрь куни командирларнинг рухсатисиз хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиб, яширинади.

Олиб борилган қидирув чора-тадбирлари натижасида оддий аскар М.К. Қурбоновнинг турар жойини аниқлаш имкони бўлмади.

Шундай қилиб, оддий аскар М.К. Қурбонов ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан, яъни муддатли ҳарбий хизматни 48982-сонли ҳарбий қисмда ўтаб келиб, 1995 йил 13 ноябрь куни узрли сабабларсиз, ўзбошимчалик билан хизмат жойини ташлаб кетиб, шу кунга қадар ҳарбий қисмга, яъни бир ойдан ошиқ муддат ичида етиб келмаганлиги учун жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикасининг 287- моддаси 3- қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилади.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПК.нинг 36,361 моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. 1976 йил 25 май кунда туғилган, 48982-сонли ҳарбий қисм оддий аскари М.К.Қурбонов ушбу жиноят ишида Ўзбекистон Республикаси ЖК.нинг 287-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиқда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, бу ҳақда унга эълон қилинсин.

2. Айбланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК.нинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлари тўлиқ тушунтирилсин ва қарор нусхаси маълумот учун Фарғона гарнизони ҳарбий прокуратурасига юборилсин.

Фарғона гарнизони
ҳарбий прокуратураси терговчиси,
адлия лейтенанти

Б.Абдуқодиров

ПРОКУРОР АЙБЛОВ НУТҚИ

Ҳурматли суд ҳайъати! Мана Сиз томонингиздан бир неча кундан бери Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан айбланиб, судга берилган Расулов Обиджон Тоҳировичга нисбатан бўлган жиноят иши ҳар томонлама, ҳолисона кўриб, ўрганиб чиқилди.

Дастлабки тергов материалларига кўра 1976 йилда туғилган О. Расулов муқаддам С.Рахимов туман суди томонидан 24.08.1998 йилда ЎЗР ЖКнинг 169-моддаси 3-қисм "Б" ва "Т" бандлари билан судланган бўлишига қарамай, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай, яна қасддан жиноят содир этган. Жумладан, фуқаро Расулов Обиджон Тоҳирович 15 май 2000 йил куни соат тахминан 21.30 ларда Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчасида жойлашган "Панорама" кинотеатрига, яъни жамоат жойига кичик залига, маст ҳолда келиб, у ерда таъмирлаш ишлари олиб бораётган фуқаро Қодиров Мирҳоликни беҳаё сўзлар билан ҳақоратлаб, жамиятнинг юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, уни уриб-дўппослаб, тан жароҳати етказган ва М. Қодиров олган тан жароҳатлари натижасида Тошкент Давлат 2-Тиббиёт Институти клиник касалхонасига мурожаат қилган.

2000 йил 2 июнь кунги 142-Х-ШОД-сонли суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра фуқаро М.Қодировга соғлигининг қисқа вақтда тузаллишига олиб келган "енгил тан жароҳати"- етказилганлиги аниқланган. Дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи О.Расуловнинг жиндий ҳаракатлари Ўз Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайман.

О. Расуловнинг айби суд мажлисида ўзининг айбига иқрор бўлиб берган кўрсатмалари билан бирга суд тергови давомида жабрланувчи ва гувоҳларнинг берган кўрсатмалари билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Ҳурматли суд ҳайъати, судланувчи О.Расуловнинг жиндий қилмишлари учун жазо тайинлашда унинг оилавий шароитини, жабрланувчи М.Қодировнинг судланувчи О.Расуловга енгилроқ жазо беришни илтимос қилишини ҳисобга олишингиз билан бир қаторда унинг муқаддам судланганлигини ва шунга қарамасдан яна айбни оғирлаштирувчи - маст ҳолда, қасддан янги жиноят содир этганлигини инobatта олган ҳолда, О.Расуловни ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиб, шу моддага асосан ҳар ойлик иш ҳақидан 30 фоиз давлат ҳисобига ушлаб қолиш йўли билан 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этили-шини сўрайман.

Давлат айбловчиси
Шайхонтоҳур туман
прокурори ёрдамчиси

Ж.А. Хусанов.

ПРОТЕСТ

(умумий назорат тартибда)

Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 1998 йил 6-ноябрдаги қарори билан "Ўтқир" Масъулияти чекланган жамиятига қарашли Олмазор маҳалласи гузарининг ёнида жойлашган озиқ-овқат дўконининг мудирини Хошимов Олим харидор ҳақидан 561 сўм 80 тийин уриб қолган ва назорат касса машинасига киритмаганлиги учун 1998 йил 7 сентябрдаги 09-105 сонли вақтинчалик тартибга асосан "Ўтқир" масъулияти чекланган жамиятга нисбатан 10000 сўмлик миқдорида молиявий жарима қўллаган.

Ушбу қарор қуйидагиларга кўра ноқонуний бўлиб, бекор қилиниши лозим.

Юқорида қайд этилган вақтинчалик тартиб Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтказилмаганлиги ва қонунга хилоф бўлганлиги учун юқорида қайд этилган вақтинчалик тартиб Адлия Вазирлигининг қарори билан бекор қилинган.

Баён этилганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси "Прокуратураси тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига асосан

С Ў Р А Й М А Н :

1) Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 1998 йил 6 ноябрдаги "Ўтқир" масъулияти чекланган жамиятига 110000 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори ноқонуний бўлганлиги учун бекор қилиниши;

2) Протест қонунда белгиланган 10 кунлик муддатда қурилиши ва натижаси юзасидан шаҳар прокуратурасига хабар берилиши лозим.

Жиззах шаҳар прокурори
адлия катта маслаҳатчиси

Б. Абдусатторов

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга
жалб қилиш тўғрисида

Қ А Р О Р

2000 йил 20 ноябрь

Тошкент шаҳри.

Тошкент транспорт прокуратураси катта терговчиси Х.Хушвақтов 16/0-6171-660 сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чикиб қуйидагаларни

А Н И Қ Л А Д И М:

Бердимуратов Мусурмон Юлдашевич 10.05.1959 йилда туғилган, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани М. Дангалова жамоа хўжалиги 3-бўлимида яшаб келиб, ҳеч қаерда ишламасдан, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдордаги товар-моддий бойликларни декларациясиз божхона назоратини четлаб Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишга суиқасд қилиш билан шуғулланиб келган.

Жумладан, у 2000 йил 14 октябр куни таниши Ризақулов Ўткир билан Тошкент шаҳрига келиб, Тошкент шаҳар Олмазор кўчаси, 2-уй 31-хонада яшовчи Суяров Шухратнинг уйига боришади ва ўша ерда Тошкент шаҳар Ипподром бозоридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ипак матоларни сотиб олиб, божхона чегарасини, божхона назоратини четлаб ўтиб, Россия Федерацияси Уфа шаҳрига олиб бориб сотиш ва моддий бойлик орттириш мақсадида ўзаро тил бириктиришади ва М. Бердимуратов ўзи билан олиб келган 200000 сўм пулини, Ш. Суяров 220000 сўм пулини тикувчилик саноати бўйича мутахассис бўлганлиги учун ва матоларни сотиб олиш учун У.Ризақуловга беришади, У. Ризақулов эса бу пулларни ўзи билан олиб келган 250000 сўмга қўшиб қўйган.

Эртаси куни яъни 15 октябр куни эрталаб яна Тошкент шаҳар Ипподром бозорига боришиб, номаълум шахсдан Ризақулов Ўткир ва Суяров Шухратлар 1080 метр «Диагональ», 2400 метр «Бўстон» материали, жами 3480 метр х/б матоларини сотиб олишган. Бу пайт эса М. Бердимуратов, бозор дарвозаси олдида уларни кутиб турган, Номаълум шахсдан сотиб олинган ипак матоларни аравага, кейинчалик эса «Газель» йўловчи машинасига ортишиб, Эркин темир йул бекати-дан электричкада Тошкент—Марказий шохбекатига олиб келишган ва Тошкент-Уфа йўловчи поездига чиқиб, Уфа шаҳрига кетиш мақсадида шохбекат ер ости ўтиш йўлига 8та хўжалик сумкасига жойлашган матоларни яшириб қўйишган.

Шу куни соат 16-00лар чамаси Тошкент-Уфа йўловчи поездига йўловчиларни ва уларнинг қўл юкларини божхона назоратидан ўтказиш ва поездга чиқариш жараёнида божхона ходимлари томонидан қўрилган чора тадбирлар натижасида М. Бердимуратов ва унинг шериклари У.Ризақулов, Ш. Суяров 8 та хўжалик сумкасига жойланган жами 3480 метр ипак матоларини ноқонуний равишда божхона чегарасидан декларациясиз ўтказишётганларида ушланиб, холислар ишгирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ашёвий далил сифатида олинган ва ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра жиноий ҳаракатларини охирига етказа олишмаган.

Тошкент шаҳар «Тошкент матнил комбинати» ҳиссадорлик жамиятининг 2000 йил 10 октябрдаги У-772/703-160 сонли хатига қўра, М.Ю. Бердимуратов ва унинг шерикларидан олинган 3480 метр х/б матоларнинг нархи 1.466.280 сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб, М.Ю. Бердимуратов ўзининг жиноий ҳаракатлари билан яъни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдордаги товар-моддий бойликларини декларациясиз божхона назоратини четлаб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишга суиқасд қилганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-182-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Юқоридагиларга қўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 36, 361-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

Ушбу жиноят иши юзасидан 1959 йилда туғилган Бердимуратов Мусурман Юлдашевич айбланувчи тариқасида иштирақ этишга жалб қилиниб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-182-моддаси 2-қисми "а" банди билан айб эълон қилинсин.

Тошкент транспорт прокуратураси
катта терговчиси.

Х. Хушвақтов

Ушбу қарор менга 2000 йил " " ноябр куни эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунтирилди.

Айбланувчи

М.Ю. Бердимуратов

ҚАРОР

(Суд - тиббий экспертизаси тайинлаш ҳақида)

13 январ 2001 йил

Тошкент шаҳри

Тошкент транспорт прокуратураси катта терговчиси 3-даражали юрист Х.С. Хушвақтов Ховос ТИИБ милиция кичик сержанти Газибеков Илхом Шерқўзиевичнинг аризаси юзасидан йиғилган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб,

АНИҚЛАДИМ

2001 йил 08 январь куни 17 дан 45 дақиқалар ўтганда 6454 - сонли Тошкент - Ховос - Бекобод йўналиши бўйича қатнайдиغان электропоезд қузатувчиси милиция сержанти Газибеков Илхом йўловчи Толипов Холмуҳаммадни тамбурда сигарет чекиб турганини кўриб бу ерда сигарет чекиш мумкин эмас деб айтганида, Х. Толипов Унга мендан бошқалар ҳам ҳар доим сигарет чекишади деб жавоб қайтарган ва бундан жаҳли чиққан Газибеков Илхом Толиповни ўтирган ҳолатида юзига тепиб бўйнидан бўғиб тан жароҳати етказган.

Ҳолат юзасидан қонуний тўхтамга келиш учун суд-тиббий соҳасида махсус билим зарурлигини назарда тутиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 172-173-175-180- моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛДИМ

1. 2001 йил 08 январ куни фуқаро Толиповга милиция сержанти И. Газибеков томонидан тан жароҳати етказилганлиги ҳолати бўйича суд-тиббий экспертизаси тайинлансин. Экспертиза ўтказиш Сирғали туман суд-тиббий экспертизаси экспертларга топширилсин.

2. Экспертлар олдида қуйидаги саволлар қўйилсин:

- Толипов Холмуҳаммад Юлдашевичнинг танасида жароҳатлар мавжудми?

- Тан жароҳатларининг миқдори, жойлашиши, етказилиш механизми ва муддати, оғирлик даражаси аниқлансин.

- Х. Ю. Толиповнинг тан жароҳатларида ҳаёт учун хавфли аломатлар борми, агар бўлса улар қандай муддатга соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган?

- Х.Ю.Толиповнинг танасидаги жароҳатлар инсон қўли орқали уриш ва юлиш натижасида юзага келганми?

Тошкент транспорт прокуратураси
катта терговчиси

Х.С. Хушвақтов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳукм

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди 2000 йил октябрь ойининг 23 куни ўз биносида очиқ суд мажлисида

Раислик этувчи судья Н.М. Мирзаолимов

Халқ маслаҳатчилари: А.Кенжаев, Б.Жўраевалар ҳайъатида

З.Тўлагановнинг котиблигида

Томонлардан прокурор ёрдамчиси Йигиталиев, ҳимоячи Абдуллаев, таржимон Латиповаларнинг иштирокида ЎР ЖКнинг 166-модда 3-қисми "а" банди билан айбланган Ҳамидов Азиз Бахтиярович 07.09.1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, ЎР фуқароси, партиясиз, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланган: 1) 29.12.1994 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг ҳукмига кўра, ЎР ЖКнинг 125-м. 2-к 126-м. 1-к билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ЎР Президентининг 19.08.1994 йилдаги "Амнистия" тўғрисидаги Фармоннинг 1-моддасига асосан, жазодан озод этилган; 2) 27.08.1997 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг ҳукмига кўра, ЎР ЖКнинг 225-м. 4-к. билан 37.500 сўм жарима тайинланган; 3) 31.07.2000 йилда Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг ҳукмига кўра, ЎР ЖКнинг 169-м.1-к билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши тайинланган, ҳарбий хизматга мажбур, вақтинча ишламаган, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Самарқанд Дарбоза кўчаси 160-уйда истиқомат қилган, иш бўйича 2000 йил 10.08.дан қамоқда, 1- 831/2000 сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд

АНИҚЛАДИ

Судланувчи А. Ҳамидов 2000 йил 9-август куни соат тахминан 21.30лар атрофида ўзганинг мол-мулкани очикдан-очик равишда талон-тарож қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳолда, ўзининг жиноий шериги бўлмиш терговда ва суд мажлисида шахси аниқланмаган "Ўткир" исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб олган ҳолда, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Уйғур кўчасида жойлашган 1-сонли шаҳар касалхонаси ҳовлисида турган фуқаро У.Атахановга тегишли бўлган давлат рақами 22 А 00-44 "ДЭУ ЭСПЕРО" автомашинасини олди чап эшигини темир линейка ёрдамида очиб, автомашинанинг салонида бўлган 50000 сўм пулни ва нархи 60000 сўм бўлган "ДЭУ" автомагнитоласини очикдан-очик равишда олиб, воқеа бўлган жойидан қочиб яширинмоқчи бўлган вақтида далилий ашё билан қўлга олинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи А. Хамидов ўз айбига иқроор бўлиб, ҳақиқатан ҳам 2000 йил 9-август куни соат тахминан 20.00 ларда 1-сонли шаҳар касалхонасининг олдида истиқомат қиладиган таниш қизнинг уйига Шайхонтоҳур тумани Уйғур кўчасида жойлашган 1-сонли касалхонасидан ўтиб кетаётганида, шу ерда ҳовлида турган давлат белгиси 22 А 00-44 сонли автомашинани кўрганлигини, унинг ёнида икки нотаниш йигитлар ўтирганлигини кўрганлигини, уларнинг кетишларини пойлаб турганлигини ва улар кетганидан сўнг «ДЭУ ЭСПЕРО» автомашина саломидаги бардачодан пулларни кўйлагининг ичига солиб кетмоқчи бўлиб турган вақтида, уни автомашина эгаси ушлаб олганлигини ва у нима қилишини билмай турган вақтида касалхонадан ўткир исмли бола чиқиб қолганлигини, унда унга қараб мени ураяпти деб айтганлигини, шунда ўткир нима бўляпти деб келган вақтида автомашина эгаси чалғиганидан фойдаланиб, қочиб чиқиб кетганлигини, автомашина эгаси уни қувлай бошланганини, шунда у кўйлагида бўлган пулларни ташлаб қочганлигини, сал юриб қараганида кўйлагида яна пул қолганлигини, туғруқхона рўпарасига келганда қолган пулларни ташлаб қочганлигини, машина эгаси уни қувлаб ушлаб олганлигини ва уни милиция ходимларига топширганлигини, шунда автомашинанинг эгалари уни уриб тан жароҳати етказишганликларини, қилмишидан ўта пушаймондалигини такидлади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган У.Атаханов ҳақиқатан ҳам 2000 йил 9-август куни соат тахминан 21.00ларда уйда ўтирган вақтида, ўғли Ҳасан оёғини куйдириб олганлигини, бунда ўртоғи Арсентьев Владимир билан 1-сонли шаҳар касалхонасига олиб келишганликларини, у ерда автомашинасининг эшикларини қулфлаб касалхона қабулхонасига кириб кетишганликларини, шунда қабулхонага кириш зинапоясида судланувчи А. Хамидов бир дўсти билан ўтирганлигини кўрганлигини, бир оздан сўнг Арсентьев автомашинасида бўлган пулларни олиб келиш учун, кўчага чиқиб кетганлигини, аммо қайтмаганлигини, шунда у ҳам кўчага чиққанлигини, шунда автомашинасининг эшиклари очиклигини, дўсти Арсентьев уларнинг автомашиналаридан пулларини ўғирлаган шахсни ушлаб олганлигини, дўсти Арсентьевнинг сўзидан билишича, дўсти Арсентьев кўчага чиққанда, бир шахс, яъни судланувчи Ҳамидов уларни автомашиналаридаги бардачодан пулларини ўғирлаб, «ДЭУ» автомагнитоласини қўлида бўлган отвёртка билан очаётганида келиб қолганлигини ва Ҳамидовнинг ўртоғи келиб, Арсентьевнинг орқасидан келиб, уни туртганда, Ҳамидов қочиб кетганлигини, қочаётганида, Ҳамидов ўғирланган пулларни ерга ташлаб юборганлигини ва уни орқасидан қувлаб Ҳамидовни ушлаб олганлигини, автомашинасида бўлган пулларнинг миқдори 50000 сўм эканлигини, топилган пулларнинг миқдори 20000 сўм эканлигини, ҳақиқатан ҳам Ҳамидов ушлангандан сўнг Ҳамидовнинг юзига икки марта шапалоқ урганлигини,

аммо Ҳамидовга нисбатан ҳеч қандай тан жароҳати етказмаганлигини, дўсти Арсентьев ҳам Ҳамидовни урмаганлигини, ҳозирда қопланмаган моддий зарар 30 000 сўмни ташкил этишлигини, ушбу моддий зарарни судланувчидан ундириб беришни сўраб кўргазмалар бериб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган В. Арсентьев ҳақиқатан ҳам 2000 йил 9-август куни таниши У.Атахановнинг ўғли куйиб қолганлиги сабабли, 1-сонли шаҳар касалхонасига келган-ликларини, автомашинани кулфлаб, касалхона олдида қолдириб, ўзлари ичкарига кириб кетишганликларини, у қабулхонадан қайтиб чиқиб қараса, автомашина саломида номаълум шахс, яъни судланувчи А. Ҳамидов ўтирган ва автомашинисининг ичида бўлган "ДЭУ" автомагнитолани чиқариб олмоқчи бўлиб турганлигини, шунда А.Ҳамидовнинг олдига келиб, ундан бардачокда бўлган пулларни жойига қўйишни айтганда, А. Ҳамидовнинг шериги унинг орқасидан келиб турганлигини, шунда Ҳамидов қочиб кетганлигини, сўнгра у Ҳамидовнинг орқасидан қувлаб етиб, автомашиналар тўхташ жойида ушлаб олганлигини, Ҳамидов ундан қочаётган вақтида, ўғирланган пулларни ерга отиб юборганлигини, бир оздан сўнг Атаханов ҳам етиб келганлигини, сўнгра ушланган Ҳамидовни милиция ходимларига топширганликларини, бардачокда 50000 сўм пул бўлганлигини, тергов жараёнида У.Атаханов ўғирланган пуллардан 20000 сўм олганлигини, Ҳамидовни ушлаш жараёнида, уни ҳеч ким урмаганлигини кўрсатди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ О. Нуралиев ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИБ ЖКБ ходими бўлиб ишлашини, 2000 йил 9-август куни соат тахминан 21.00ларда 1-сонли шаҳар касалхонасида турган тўқ кўк рангли "ДЭУ ЭСПЕРО" русумли, давлат рақами 22 А 00-44 бўлган фуқаро Улуғбек Атахановга тегишли бўлган автомашинасидан ноқонуний равишда номаълум шахс кириб, қора сопли отвертка билан кўрсатилган автомашинанинг автомагнитоласини ечаётган ва бардачок ичида бўлган 50000 сўм пулларни олиб ўтирган вақтида, автомашина эгаси Атахановнинг ўртоғининг орқасидан келиб, туртганда, Ҳамидов қочиб кетганлигини, аммо барибир ушланганлигини, сўнгра улар холислар иштирокида шахсий тинтув қилишганда, ушланган Ҳамидовнинг чўнтагидан 30 сўмлик бўлган темир линейка, қора сопли отвертка ва 20000 сўм пуллар олинганлигини, сўнгра тегишли ҳужжатлар тузишганликларини, шунда ушланган Ҳамидов қилган жиноятига иқдор бўлиб, кўргазмалар берганлигини, ушланган Ҳамидовнинг баданида ҳеч қандай тан жароҳатлари бўлмаганлигини ва кўрмаганлигини, ушланган Ҳамидовга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар бўлмаганлигини айтди.

Суд юқорида келтирган далиллардан ташқари, судланувчи Ҳамидовнинг айби иш материаллари билан ҳам тўлиқ равишда, жумладан, далилий ашёни олиш баённомаси билан (и/в-5) нарсани кўздан кечириш

баённомаси билан (и/в-27-30) жабрланувчи У.Атахановни ўғирланган пулларнинг бир қисми, яъни 20000 сўм пулларини қайтариб олганлигини тўғрисидаги тилхати билан (и/в 42) ва бошқалар билан тасдиқланди.

Иш материалларида терговчи томонидан У.Атаханов ва В.Арсентьевларга нисбатан жиноят ишининг қарор қисмини ҳаракатдан тўхтатиш ҳақидаги қарори мавжуддир (и/в-56).

Иш материалларида терговчи томонидан "Ўткир" исмли номаълум шахсга нисбатан жиноят ишини алоҳида иш фаолиятига ажратиш ҳақида қарори мавжуддир (и/в-57)

Юқоридагиларга асосан суд, судланувчи А. Ҳамидовнинг жиноий ҳаракатини тергов органи томонидан ЎР ЖКнинг 166-модда 3-қисмини "а" банди билан тавсифланган деб ҳисоблайди, яъни ўзганинг мол-мулкани очикдан-очик равишда, анча миқдорда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан талон-тарож қилган, деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Ҳамидовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда у қилмишидан ўта пушаймондалигини, турар жойидан ижобий тавсифланиши шу билан бир қаторда муқаддам судланганлигини, жиноятни жазо ўтаётган вақтида содир этганлигини, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаслигини, иш бўйича моддий зарарни бир қисми қопламаганлигини, ишдаги бошқа конкрет ҳолатларни инobatга олган ҳолда, унга нисбатан мол-мулки мусодара этиб, озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлашни ва ЎР ЖКнинг 60-моддасини қўллашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва ЎР ЖПКнинг 454-455, 457-458, 465 -468, -471-моддаларини қўллаб, суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М

Судланувчи Ҳамидов Азиз Бахтияровични ЎР ЖКнинг 166-модда учинчи қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айб-ли деб топилсин ва шу қонунга асосан мол-мулки мусодара этилиб 6 (олти) йилу 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум этилсин.

ЎР ЖКнинг 60-моддаси асосида Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2000 йил 31 июл кундаги ҳукмига кўра, ЎР ЖКнинг 169-модданинг 1-қисми билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши тайинланган, ушбу ҳукм бўйича тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун қатъий мол-мулки мусодара этилиб, 6 йилу 9 ой муддатга озодликдан маҳрум этилсин.

Жазо умумий тартибли колонияларида ўтказилсин.

Жазо муддати 2000 йилнинг 10 августидан ҳисоблансин

Маҳкум А.Б.Ҳамидовдан жабрланувчи Атаханов Улуғбек Раҳматжоновичнинг фойдасига 30000 минг сўм ундирилсин.

Хукмдан норози томон 10 кун муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ва протест келтиришлари мумкин.

Изоҳ. Хукм раислик этувчи томонидан маслаҳат хонасида "Варнес" маркали компьютерда ёзилди.

Раислик этувчи:

Халқ маслаҳатчилари:

Ўзбекистон Республикаси номидан

Х У К М

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди 2000 йил феврал ойининг 14 кuni ўз биносида очик суд мажлисида

Раислик этувчи судья Н.М.Мирзаолимов

М.Латипованинг котибалигида

ЎЗРЖК нинг 188-модданинг 1-қисми билан айбланган Абдумаликов Шарифжан Каххорович, 1976 йил 24.09.да Тошкент туманида туғилган, миллати ўзбек, УР фуқароси, партиясиз, маълумоти ўрта, оилалик, харбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди. Тошкент вилояти Тошкент тумани М.Фозилов жамоа хўжалиги Шифокор кўчаси 9-уйда истиқомат қилади, иш бўйича муносиб хулқ- атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда, 1-166/2000 сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ш. Абдумаликов 1999 йил 18 июн кuni Шайхонтохур туман суди томонидан ЎЗР МЖТКнинг 176-моддаси 2-қисмида назарда тутилган талабларни бузганлиги учун ЎЗР МЖТКнинг 33-моддаси қўлланиб 3960 сўм миқдорида жарима тайинланган бўлишига қарамасдан, такроран сомса тайёрлаб сотиш савдо фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиб келган ва 1999 йил 27 ноябр кuni соат тахминан 14.30 лардан Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ҳудудида жойлашган "Эски-Жува" бозорида фойда олиш мақсадида фуқаро У. Икромовга ҳар бир донаси 75 сўмдан бўлган, икки дона сомсани 150 сўм пулга сотган вақтида Шайхонтохур тумани ДСИ ходимлари томонидан ушланган. Текишириш натижасида судланувчи Ш.Абдумаликов белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб қонунга хилоф равишда савдо фаолиятини амалга оширганлиги аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ш.Абдумаликов ўз айбига иқроор бўлиб, ҳақиқатан ҳам 1999 йил 27 ноябрь кuni, соат тахминан

13.30 ларда Шайхонтохур тумани ҳудудида жойлашган "Эски-Жува" бозорида сомса сотиш учун келганлигини, у ушбу куни юз дона сомсани ўзи тайёрлаганлигини, ҳар бир донасини 75 сўмдан сотиши, соат тахминан 14-15 ларда бир йигит келиб, икки дона сомса неча сўм бўлганлиги сўраганлигини, икки дона сомса олишини маълум қилгач, унга икки дона сомса бериб, ундан 150 сўм пул санаб олганлигини, иккаласи ўртасидаги ҳисоб-китоб тўлиқ бажарилиб бўлгач, олдига Шайхонтохур тумани ДСИ ходимлари келиб, ўзларига тегишли бўлган ҳужжатларини кўрсатиб, назорат тартибида текширув эълон қилганини, керак бўлган ҳужжатларни сўрашганида ҳужжатларни тўғирлашга улгурмаганлиги сабабли ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмаганлигини, текширув жараёнида савдога жами бўлиб, юз дона сомса чиқарганлигини, шулардан 53 донаси қолганлигини, 47 донасини 3400 сўмга сотганлигини ва 1999 йил 13 июн куни худди шундай фаолият билан ҳужжатсиз савдо қилганлиги учун Шайхонтохур туман суди томонидан маъмурий жавобгарликка тортилганлигини аниқлашгани, қилмишидан ўта пушаймондалигини таъкидлади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ А. Саттаров ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ДСИ да ишлашини, 1999 йил 27 ноябр куни ДСИ нинг 200-сонли буйруғига асосан, "Эски-Жува" бозорида текширув ўтказганликларини, бозорнинг нон расталари қаторида сомса сотаётган фуқаро Ш.Абдумаликов харидорга 150 сўмга 2 дона тандир сомса сотганлиги аниқланиб, ундан тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳужжатларини сўрашганида ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмаганлигини, шундан сўнг савдодан қолган 53 дона сомса вақтинча олиб қўйилганлигини савдодан тушган пулларни ҳам ҳужжатлаштириб олишганликларини ва Абдумаликовнинг иш фаолияти текширилганида, Абдумаликов илгари ушбу фаолият билан қонунга хилоф равишда шуғулланганлиги учун ҳеч маъмурий жавобгарликка тортилмаганлиги маълум бўлганлиги, шундан сўнг тегишли ҳужжатлар тузганликларини тўғрисида кўрсатма берди.

Суд юқорида келтирган далиллардан ташқари судланувчи Ш.Абдумаликовнинг айби иш материаллари билан ҳам тўлиқ тасдиқланганлиги, жумладан, назорат тартибдаги текширув далолатномаси (11/в-4), ўзаро ҳисоб-китоб баённомаси (11/в-5) ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланганлигини таъкидлади.

Юқоридагиларга асосан суд, судланувчи Ш. Абдумаликовнинг қилмишини тергов органи томонидан ЎЗР ЖК нинг 188-моддаси 1-қисми билан тўғри тавсифланган деб ҳисоблайди. Суд, судланувчи Ш.Абдумаликовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, уни қилмишидан ўта пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини, турар жойидан ижобий тавсифланишини, шу билан бир қаторда ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаслигини, ишдаги бошқа конкрет ҳолатларни инобатга

олган ҳолда унга нисбатан савдо ва ташкилий бошқарув, ёхуд маъмурий хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР ЖК нинг 454-455, 457-458, 462-463, 465-468, 471-моддалари қўлланилиб, суд ҳукм қилади.

Ҳ У К М

Судланувчи Абдумаликов Шарифжон Қаҳҳорович ЎзР ЖКнинг 188-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу қонунга асосан 2 (икки) йил муддатга савдо ва ташкилий бошқарув, ёхуд маъмурий хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб энг кам ойлик иш ҳақининг 40 бараварида, 70000 (етмиш минг) сўм жарима тайинлансин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунга қадар аслича қолдирилсин.

Иш бўйича далилий ашёлар 53 (эллик уч) дона сомса ва 3400 (уч минг тўрт юз) сўм пулни, ҳукм қонуний кучга кирганлигидан сўнг давлат фойдасига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози томон 10 кун муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ва протест келтириши мумкин.

ИЗОХ; Ҳукм раислик этувчи томонидан алоҳида хонада "Вариес" маркали компьютерда ёзилди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур

туман судьяси:

(имзо)

Н.М.Мирзаолимов

А Ж Р И М

1998-йил декабрь ойининг 07-кунида мен Наманган шаҳар судининг раиси Э.У. Бурханов ушбу куни Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А. Юлдашевнинг иштирокида ЎзР ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланган Бойтурова Одина Отахоновнанинг иш материаллари билан танишиб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

Бойтураева Одина Отахоновна Наманган шаҳар судининг 1998 йил 27-ноябрдаги ҳукмига асосан, ЎзР ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмига кўра айбли деб топилиб, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига

тортилиб, унга нисбатан ЎзР ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб икки йил синов муддати белгиланган.

Ҳукм юзасидан кассация протести, кассация шикоят киритилмаган. Судланувчи Бойтураевага ҳукм нухаси 1998-йил 23 ноябрда берилиб, кассация шикоят келтирилмаганлиги сабабли ҳукм 1998-йил 03 декабрда қонуний кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1-декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 2-моддасида уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар жазодан озод қилиниши кўзда тутилган.

Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги 1998 йил 3-декабрдаги низомнинг 1-моддаси "В" бандига кўра, судлар томонидан уларнинг иш юритувидаги барча инстанциясидаги материаллар ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан фармонни ижро этиш кўрсатилган.

Шу ҳолда судланган О.Бойтураевани жиноят иши бўйича ҳукм ижрога қаратиш босқичида бўлиб, суд унга нисбатан "Амнистия тўғрисида"ги Фармоннинг 2-моддаси қўллаб ҳукмда белгиланган жазони ўташдан озод этишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ЎзР ЖКнинг 423-моддаси, ЎзР ЖКнинг 76-моддасини қўллаб суд ажрим қилади

А Ж Р И М

Наманган шаҳар судининг 1998-йил 17 ноябрь ҳукми билан Ўз.Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланган Бойтураева Одина Отахоновнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1-декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги фармони тадбиқ этилиб, шу фармоннинг 2-моддасига асосан ҳукмда белгиланган жазодан озод қилинсин.

Ажримдан норози томонлар уч кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига хусусий протест ва шикоят келтиришга ҳақлидирлар.

Наманган шаҳар судининг
Раиси:

Э.У. Бурханов

Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2000 йил август ойининг 5 куни Наманган шаҳар суди ўз биносида очиқ суд мажлиси ўтказиб, раислик этувчи Наманган шаҳар судининг судьяси Р.М.Асраев, А. Тоҳировнинг котиблигида, томонлардан Косонсой туман прокурори Р.Маталиевнинг иштирокида, Косонсой туман прокурорининг даъвоси бўйича Косонсой туман "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти манфаати учун жавобгар Валиев Абдуносирдан 7200 сўм ундириш ҳақидаги 2-898 сонли фуқаролик ишини кўриб чиқди.

Косонсой туман прокурорининг судга келтирган даъво аризаси ва суддаги баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорларнинг фаолияти ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилганда бош ҳисобчиси А.Валиевнинг айби билан жамиятга 15850 сўм зарар етказган, жавобгар А. Валиевнинг ўртача ойлик иш ҳақи 7200 сўмни ташкил қилиши, шунинг учун Косонсой туман "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти фойдасига А.Валиевдан 7200 сўм ундиришни сўрайди.

Жавобгар Валиев Абдуносир суд мажлисида даъвога иқроп бўлиб, ҳақиқатан унинг айби билан Косонсой туман "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилганида 15850 сўм зарар етказганлиги, келтирилган зарарни ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан тўлаб, зарарни қоплашга рози эканлигини билдириб, баёнот беради.

Суд иш бўйича тарафларнинг баёнотларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, даъвони қаноатлантиришни лозим топди. Чунки Косонсой туман "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти жавобгарнинг айби билан 15860 сўм зарар кўрган, жавобгар ҳам келтирилган зарарни унинг айби билан бўлганлигини инкор этмаслиги, зарарни қоплашга рози эканлигини билдирди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 201-моддаси 1-қисмида ходим етказилган зарар учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида моддий жавобгар бўлади деб кўрсатилган.

Шундай ҳолда суд жавобгарни маълумотномада кўрсатилган ўртача ойлик иш ҳақи бўйича моддий жавобгар деб ҳисоблаб, уни жавобгардан Косонсой туман "Деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамияти фойдасига ундириб беришни лозим топди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъвогар Косонсой туман прокурорнинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Валиев Абдуносирдан 7200 сўм Косонсой туман "Деҳқон
бозори" ҳиссадорлик жамияти фойдасига ундирилсин.

Жавобгар Валиев Абдуносирдан давлат фойдасига 260 сўм давлат
божи ундирилсин.

Қарордан норози томонлар эълон қилинган вақтдан бошлаб 20 кун
муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судининг ФСХга кассация
тартибда шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

"Нусхаси аслига тўғри"

Наманган шаҳар судининг
Судьяси:

Р.М. Асраев.

АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЎЙХАТИ

Ўзма иш ва суҳбат машғулотлари мавзуларнинг намунавий рўйхати

1. Давлат суверенитетига оид моддалар мазмунини адабий тил меъёрларига мувофиқ кенгайтириб ёзиш.
2. Халқ ҳоқимиятчилигига оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш.
3. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонуннинг устунлигига доир моддалар матнини кенгайтириб ёзиш.
4. Давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти тўғрисида матн тайёрлаш.
5. Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига оид моддалар мазмунини кенгайтириб матн тайёрлаш.
6. Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги моддалардан фойдаланиб шахсий мулоҳазалар асосида матн яратиш.
7. Инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини матн сифатида ёритиш.
8. Инсон, шахс, фуқаро, фуқаролик тушунчаларига изоҳлар ёзиш.
9. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати. Мазкур мавзуга оид моддалар асосида матн тузиш.
10. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчларига оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш.
11. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари - олий қадрият (эркин иншо).
12. Жамият ва шахсга оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш.
13. Оила жамиятнинг бугуни ва келажаги негизидир. Мулоҳазалар ва фикрларни бадиий ифодалаш.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари. Конституция материаллари асосида "Президентимиз – фахримиз" мавзусида эркин иншо ёзиш.
15. Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати. Мазкур мавзуга оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш.
16. Ўзбекистон Республикасида Маҳаллий давлат Ҳоқи-

миятининг ташкил этилиши ва фаолиятининг Конституциявий асослари. Мазкур мавзуга оид моддалар асосида "Маҳалла - тарбия ўчоғи" мавзусида эркин иншо ёзиш.

17. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими. "Суд-адолат қўрғони" мавзусида мулоҳазалар ёзиш.

18. Олий Мажлис - Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи. Мазкур мавзуга оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш.

19. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси. Конституция материаллари асосида мулоҳазалар ёзиш.

20. Конституция - ҳаётимиз қомуси. Эркин иншо ёзиш.

21. Нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи воситалар.

22. Нутқ маданияти ва услубият.

23. Расмий услуб ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

24. Илмий, публицистик ва бадиий услубнинг ўзига хос белгилари.

25. Нотиқлик санъати ва нотиқлик маҳорати.

26. Қадимги Юнонистонда нотиқлик санъати.

27. Рим нотиқлик санъати.

28. Шарқда нотиқлик санъати.

29. Мутафаккирларнинг тил, нутқ, сўз ҳақидаги қарашлари.

30. Сиёсий етакчининг нотиқлик маҳорати.

31. Юриспруденция ва қонунга оид матнларнинг лисоний мезонлари.

32. Юриспруденция тармоқларига оид матнларда аниқлик, қисқалик, расмийлик ва қатъийлик.

33. Тергов процессуал ҳужжатлари ва уларнинг таснифи.

34. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақида баённома тўлдириш машқлари.

35. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор намуналари юзасидан машқлар.

36. Жабрланувчини сўроқ қилиш баённомасини тайёрлаш машқлари.

37. Гувоҳни сўроқ қилиш ҳақидаги баённомалар тайёрлаш машқлари.

38. Ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар тузиш машқлари.

39. Гумон қилинувчини сўроқ қилиш ҳақида баённомалар тузиш машқлари.

40. Айбланувчини сўроқ қилиш ҳақидаги баённомалар тузиш машқлари.

41. Термин ва тушунча. Термин ва сўз. Термин ва терминология. Терминнинг ўзига хос белгилари.

42. Ўзбек давлатчилиги ва терминлари тарихидан.

43. Юридик терминлар тизимининг луғавий-маъновий гуруҳлари таснифи.

44. Юридик терминларнинг бойиш манбалари.

45. Юридик терминларни тартибга солиш масалалари.

Назорат ишлари мавзуларининг намунавий рўйхати

1. Юрист нутқи маданияти фанининг мақсад ва вазифалари.

2. Нутқ маданияти ва ҳуқуқ.

3. Сўз - қудратли ва буюк восита.

4. Нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи воситалар.

5. Мутафаккирларнинг тил, нутқ ва сўз ҳақидаги қарашлари.

6. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати.

7. Мустақиллик - ҳуқуқ демакдир. Ёзма иш.

8. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Ёзма иш.

9. Адолат - қонун устуворлигида. Ёзма иш.

10. Хавфсизликка таҳдид. Ёзма иш.

11. Куч - билим ва тафаккурда. Эркин иншо.

12. Айбсизлик презумпцияси - айбдорни афв этиш эмас. Ёзма иш.

13. Давлат суверенитетига оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш машқлари.

14. Халқ ҳокимиятчилигига оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш машқлари.

15. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси материаллари асосида ёзма иш.

16. Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш машқлари.

17. Сиёсий ҳуқуқларга оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш.
18. Инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларига оид моддалар мазмунини кенгайтириб ёзиш.
19. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари - олий қадрият. Эркин иншо.
20. Конституция - ҳаётимиз қомуси. Эркин иншо.
21. Тергов процессуал ҳужжатлари юзасидан ёзма ишлар.
22. Термин ва тушунча. Термин ва сўз. Термин ва терминология. Терминнинг ўзига хос белгилари.
23. Ўзбек давлатчилиги ва терминлари тарихидан.
24. Юридик терминлар тизимининг луғавий-маъновий гуруҳлари.
25. Юридик терминларнинг ички манбалар асосида боийиши.
26. Юридик терминларнинг ташқи манбалар асосида боийиши.
27. Юридик терминлар ва адабий меъёр.

“Юристинг нутқ маданияти” фанидан тестлар

1. Қуйида берилган синонимик қатордаги қайси сўз юридик тил учун хос?

- А. Одам
- В. Киши
- С. Шахс
- Д. Инсон
- Е. А,Д жавоблар тўғри.

2. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш бурчига эга. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 40-модда).

Моддада нотўғри қўлланган сўзни топинг.

- А. Инсон
- В. Фойдаланиш
- С. Эга
- Д. Бурчига
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

3. Айбсизлик презумпцияси айбдорни авф этиш эмас. Келтирилган гапда қайси сўз нотўғри қўлланган?

- А. Айбсизлик
- В. Авф
- С. Презумпцияси
- Д. Айбдорни
- Е. В,С жавоблар тўғри.

4. Нутқ нафосати қандай шаклланади?

- А. Тўғри талаффуз орқали
- В. Тил воситаларидан адабий тил меъёрларига мувофиқ фойдаланиш орқали
- С. Тиниш белгиларини ўзлаштириш орқали
- Д. Тўғри жавоб йўқ
- Е. А,В,С жавоблар тўғри.

5. Юриспруденция тили нима?

- A. Давлат қурилиши ва бошқарувига оид тушунчалар тили
- B. Бундай тил йўқ
- C. Жиноят ҳуқуқига оид тушунчалар тили
- D. Ҳуқуқ тармоқларига оид тушунчалар тили.
- E. A,B жавоблар тўғри

6. Ишонч ёрлиғи нима?

- A. Ҳарбий ҳужжат
- B. Шартнома тури
- C. Хорижий давлатга тайинланаётган дипломатик вакилнинг мақомини расман гувоҳлантирувчи дипломатия ҳужжати
- D. Тўғри жавоб йўқ
- E. B,C жавоблар тўғри.

7. Мустақиллик тушунчасига берилган мукамал таърифни белгиланг.

- A. Озодлик
- B. Эркинлик
- C. Ички ва ташқи сиёсатни ўзи белгилаш ҳуқуқи
- D. A,C жавоблар тўғри
- E. Мустақиллик - ҳуқуқ демакдир.

8. Давлат рамзлари тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.

- A. Давлат тили, давлат чегараси, давлат герби
- B. Давлат чегараси, давлат байроғи, давлат герби
- C. Давлат мулки, давлат мадҳияси, давлат герби
- D. Давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси
- E. A,D жавоблар тўғри.

9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 5-моддасини тўлдиринг. Ўзбекистон Республикаси... ўз давлат рамзлари байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

- A. Моддаларда кўрсатилган
- B. Қонунда кўрсатилган
- C. Қонун билан тасдиқланадиган
- D. Қонунда белгиланган.

Е. Қонун йўли билан белгиланган.

10. Лотинча "прокурор" сўзининг таржимаси қайси жавобда тўғри берилган?

- А. Ғамхўрлик қилмоқ
- В. Қаттиққўллик
- С. Собитлик
- Д. Қонунийлик
- Е. Давлатчилик.

11. Судьялар мустақил ва ҳамма нарсага ҳақлидирлар, фақат Олий Мажлисга бўйсундилар. Гапда нотўғри қўлланган сўзларни топинг ва ўрнига мувофиқини танланг.

- А. Д,Е жавоблар тўғри
- В. Ҳуқуқлидир
- С. Олий Мажлисга
- Д. Ҳамма нарсага ҳақлидир бирикмаси ўрнига дахлсиздир
- Е. Олий Мажлисга бирикмаси ўрнига қонунга

12. Фақат жиноят ҳуқуқига оид терминлар берилган қаторни белгиланг.

- А. Товламачилик, босқинчилик, давлат тили
- В. Импичмент, суд, чегара
- С. Босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик
- Д. Талончилик, фирибгарлик, давлат
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

13. Ўзганинг мулкини очикдан очик талон-тарож қилиш қайси модданинг моҳиятини белгилайди?

- А. Босқинчилик
- В. Талончилик
- С. Фирибгарлик
- Д. Товламачилик
- Е. А,Е жавоблар тўғри.

14. Морфологик усул билан ясалган юридик терминлар қаторини белиланг.

- А. Мансаб сохтакорлиги
- В. Ёлғон хабар бериш
- С. Фирибгарлик
- Д. Бошлиқни қўрқитиш
- Е. А,В жавоблар тўғри.

15. Синтактик усул билан ясалган юридик терминлар қаторини топинг.

- А. Давлат тили, ўта оғир жиноят
- В. Бошлиқни қўрқитиш, фирибгарлик
- С. Товламачилик, мансаб сохтакорлиги
- Д. Фирибгарлик, босқинчилик
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

16. "Юридик тил"да асосан, феълнинг қайси нисбати фаол иштирок этади.

- А. Ўзлик нисбати
- В. Биргалик нисбати
- С. Мажҳул нисбат
- Д. Орттирма нисбат
- Е. Аниқ нисбат.

17. "Юридик тил"да асосан, қайси услубдан фойдаланилади?

- А. Расмий услубдан
- В. Илмий услубдан
- С. Публицистик услубдан
- Д. Сўзлашув услубидан
- Е. Бадиий услубдан.

18. Қандай сўзлар услубий бетараф сўзлар дейилади?

- А. Шевага оид сўзлар
- В. Касб-хунар сўзлари
- С. Бадиий услубга оид сўзлар
- Д. Фақат сўзлашув услубига хос сўзлар

Е. Барча услубларда ишлатиладиган сўзлар.

19. Юридик лексиканинг ички имкониятлар асосида бойиш манбаларини белгиланг.

А. Морфологик усул билан янги термин ҳосил қилиш

В. Синтактик усул билан янги термин ҳосил қилиш

С. Яқин муносабатда бўлган халқлар тилидан бевосита сўз олиш.

Д. А ва С жавоблар тўғри

Е. А ва В жавоблар тўғри

20. Юридик лексикада қандай сўзлар ўзлашган сўзлар ҳисобланади?

А. Туркий тиллар учун умумий бўлган сўзлар

В. Шевалардан олинган сўзлар

С. Қардош бўлмаган тиллардан олинган сўзлар

Д. Бошқа тилларда ишлатиладиган ўзбекча сўзлар

Е. Барча янги сўзлар.

21. Юридик тил учун хос бўлган сўзни топинг.

А. Озодликдан маҳрум этилсин

В. Озодлик

С. Маҳрум этилсин

Д. В,С жавоблар тўғри

Е. А,В жавоблар тўғри

22. Омбудсман - бу

А. БМТнинг Ўзбекистондаги вакили

В. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

С. Барча халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги вакили

Д. Президентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

Е. Адвокатуранинг Ўзбекистондаги вакили.

23. Жазога оид туб терминни белгиланг.

А. Ахлоқ тузатиш ишлари

В. Жарима

С. Қамоқ

- Д. Озодликдан маҳрум этиш
- Е. В ва С жавоблар тўғри.

24. Қонун олдида ҳамма ҳуқуқлидир. Тагига чизилган сўз ўрнига муқобилини танланг.

- А. Бурчлидир
- В. Тенгдир
- С. Мажбурдир
- Д. Ҳақлидир
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

25. Маданият ёдгорликлари давлат ҳимоясидадир. Тагига чизилган сўз ўрнига муқобилини танланг.

- А. Ҳисобидадир
- В. Қарамоғидадир
- С. Ҳимоясида эмас
- Д. Муҳофазасидадир
- Е. А,В жавоблар тўғри.

26. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга бурчлидирлар.

Тагига чизилган сўз ўрнига муқобилини танланг.

- А. Ҳақлидирлар
- В. Ҳуқуқлидирлар
- С. Мажбурдирлар
- Д. Ҳақли эмас
- Е. Мажбур ва ҳақлидирлар.

27. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш бурчига эга. Тагига чизилган сўз ўрнига муқобилини танланг.

- А. Мажбуриятига
- В. Вазифасига
- С. Ҳуқуқига
- Д. Бу сўз ортиқча
- Е. А,С жавоблар тўғри.

28. Барча инсонлар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар. Тагига чизилган сўз ўрнига муқобилини танланг.

- А. Одамлар
- В. Шахслар
- С. Халқлар
- Д. Фуқаролар
- Е. Меҳмонлар

29. Терминнинг ўзига хос белгиларини топинг.

- А. Расмий сўз
- В. Бир маъноли сўз
- С. Кўп маъноли сўз
- Д. Синонимларига эга бўлмаган сўз
- Е. А,В,Д жавоблар тўғри

30. Қонун моддалари қайси услубда ёзилади.

- А. Илмий услубда
- В. Расмий услубда
- С. Сўзлашув услубида
- Д. Публицистик услубда
- Е. Бадиий услубда

31. "Давлат тили"га берилган қайси таъриф тўғри?

- А. Матбуот тили
- В. Иш юритиш тили
- С. Қонун билан белгилаб қўйилган расмий тил
- Д. Бадиий асар тили
- Е. Қонунлар тили

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали, 1998 йил, 2-сон.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: «Ўзбекистон», 1994.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза. 2002 йил 29 август. Т.: «Ўзбекистон», 2002.
5. Баркамол авлод орзуси (Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов). Т.: «Шарқ», 1999.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001.

1. Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. Асарлар, XIII том. Т.: 1967.
2. Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Асарлар, XII том. Т.: 1966.
3. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. Т.: 1981.
4. Алексеев Н.С., Макарова З.Б. Ораторское искусство в суде. Л.: Изд-во ЛГУ, 1989.
5. Ароцкер Л.Е. Тактика и этика судебного допроса. М.: «Юридическая литература», 1989.
6. Ахмедов А.А. Нотиқлик санъати. Т.: 1967
7. Бахтиёр Омон. Сиёсий етакчининг нотиқлик маҳорати. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
8. Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. «Ўзбекистон», Т.: 1980.
9. Бегматов Э. ва бошқ. Нутқ маданияти ва адабий норма. Т.: «Ўзбекистон», 1987.

10. Бегматов Э. ва бошқ. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Т.: «Фан», 1988.
11. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. Т.: 2003.
12. Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. Т.: 1999.
13. Жалилов Х. Нотиқлик санъати. Т.: «Ўзбекистон», 1976.
14. Жуманиёзов Р., Салимов С. Фоявий тарбияда нотиқлик санъати. Т.: 2002.
15. Загорский Г.И. Судебная речь. М.: «Юридическая литература», 1985.
16. Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида. Т.: «Фан», 1972.
17. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
18. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. Т.: 1999.
19. Ивакина Н.Н. Основы судебного красноречия (риторика для юристов). Учебное пособие. М.: «Юрист», 2000.
20. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1972.
21. Ликас А.Л. Культура правосудия. М.: «Юридическая литература», 1990.
22. Маҳмудов Н. Тил. Т.: «Ёзувчи», 1998.
23. Миртожиев М. Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Т.: «Ўзбекистон», 1992.
24. Назаров К., Усмонов С. Юристнинг нутқ маданияти. Дастур. Т.: 2002.
25. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. Т.: 1993.
26. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Истиқлол ва она тилимиз. Т.: 1998.
27. Нутқ маданиятига оид масалалар. Т.: «Фан», 1973.
28. Рустамбоев М.Ҳ., Тоҳиров Ф., Эркаходжаев А.К. Жиноят ҳуқуқи. (Маҳсус қисм). Т.: 2000.
29. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Т.: «Ёзувчи», 1987.
30. Саидов А., Сарқиянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. Т.: 1994.
31. Тожиев Ё. ва бошқ. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. Т.: 1994.

32. Умурқулов Б. Сўз танлаш санъати. Т.: «Фан», 1985.
33. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи», 1983.
34. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т.: «Адолат», 1998.
35. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Т.: «Шарқ», 2001.
36. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Т.: «Ўқитувчи», 1982.
37. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Т.: «Ўқитувчи», 1992.
38. Қонун ва тил. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1997.
39. Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т.: Нутқ маданияти асослари. Самарқанд, 1985.
40. Ҳамидов З. Сўз санъати ва санъаткор маҳорати. Т.: 1991.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Нутқ маданияти ва ҳуқуқ	10
1-§. Ҳуқуқ ва тил	10
2-§. Тил ва нутқ	12
3-§. Нутқ маданияти тушунчаси	13
4-§. Юристинг нутқ маданияти фанининг мақсад ва вазифалари.....	16
2-боб. Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари	19
1-§. Нутқнинг коммуникатив тавсифи.....	19
2-§. Адабий тил меъёрлари — нутқ маданияти мезони.....	27
3-§. Сўз ва термин қўллаш меъёрлари.....	28
4-§. Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари.....	30
5-§. Фонетик меъёрлар.....	33
6-§. Имловий меъёрлар.....	34
7-§. Грамматик меъёрлар.....	38
3-боб. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг функционал услублари	41
1-§. Расмий (маъмурий-ҳуқуқий) услуб ва унинг юрист фаолиятидаги ўрни.....	41
2-§. Сўзлашув услуби.....	47
3-§. Публицистик услуб.....	49
4-§. Илмий услуб.....	50
4-боб. Нутқ маданияти ва тилнинг тасвирий воситалари	52
1-§. Тасвирий ифодалар — нутқ беаги.....	52
2-§. Мақол ва иборалар — нутқ кўрки.....	54
3-§. Сўз маъноларининг кўчиши — нутқ нафосати.....	56
4-§. Нутқий равонликни бузувчи омиллар.....	58
5-§. Синонимларнинг нутқда қўлланилиши.....	60
6-§. Тиниш белгиларининг услубий вазифаси.....	62
7-§. Кириш сўз ва кириш бирикмаларнинг услубий хусусиятлари.....	63
8-§. Эвфемизмлар ва уларнинг услубий роли.....	64
5-боб. Нотиклик санъати тарихидан	66
1-§. Юнон нотиклиги.....	66
2-§. Антик даврди ёки Афина нотиклиги.....	72
3-§. Рим нотиклиги.....	77
4-§. Шарқ нотиклиги.....	82

6-боб. Суд нотиқлиги	96
1-§. Юристинг нутқ одоби.....	96
2-§. Тергов жараёнида сўроқ қилишнинг нутқий стратегияси ва тактикаси.....	99
3-§. Суд мажлиси қатнашчиларининг нутқ одоби.....	102
4-§. Юридик процессуал ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	115
7-боб. Суд мунозараси ва унинг ўзига хосликлари	126
Илова	133
1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тили ҳақида (янги таҳрирда).....	133
2. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Қарори.....	137
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида.....	138
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.....	139
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори.....	140
6. Тергов-процессуал ҳужжатларидан намуналар.....	143
7. Амалий ва семинар машғулотилари рўйхати.....	200
8. Назорат ишлари мавзуларининг намунавий рўйхати.....	202
9. “Юристинг нутқ маданияти” фанидан тестлар.....	204
10. Адабиётлар.....	211

Карим Назаров, Собир Усмонов, Қурбонбой Тоҳиров

ЮРИСТНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ

ДАРЛИК

Муҳаррир: Л. Баҳриддинова.
Техник муҳаррир: Д. Собирова.
Компьютерда саҳифаловчи: У. Усмонов.

Босишга рухсат этилди: 05.09.03.
Ҳажми: 14,5 б/т. Адади: 500. Буюртма: № 197
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

